


ФАЙРАТ МУРОДОВ

Тарихий роман: генезиси,
кейинги тараққиёти



TOSHDO TAU




0000001513

83
489

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети

Файрат МУРОДОВ

Тарихий роман: генезиси, кейинги тараққиёти



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти – 2005



Монографияда Марказий Осиё эпик адабиётларида тарихий романнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш, тараққиёт омиллари, генетик - шажаравий манбалари таҳлил ва тадқиқ қилинган.

Муаллиф асосий тадқиқ манбаси сифатида буюк ўзбек ижодкори Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини олиб, унинг юзага келиши учун хизмат қилган бадиий ҳамда бошқа манбаларни ўрганган ҳамда ушбу ноёб бадиий матн Шарқу Farb адабий – бадиий алоқа, боғланишларининг маҳсули, самараси эканлигини кўрсатишга интилган.

Китобда замонавий адабиётнинг муайян бир босқичларида Марказий Осиё бадиий ҳудудида юзага келган тарихий романларнинг ўзаро ҳамда жаҳон адабиёти билан муносабатлари ҳам ўз ифодасини топган.

Ушбу тадқиқот адабиётшунослар, филолог талабалар, магистрантлар ҳамда бадиий адабиёт билан қизиқувчи барча мухлисларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори,
профессор

Б. САРИМСОҚОВ

Тақризчилар:

ЎзР фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор

Н. КАРИМОВ

Аҳмад Яссавий номидаги халқаро мукофот лауреати, филология фанлари доктори

И.ФАНИЕВ

ISBN 5 – 648 – 03143 –

©Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси, «Фан»
нашриёти, 2005 йил.

КИРИШ

Миллий истиқолол давридаги шарт-шароит, маңнавий-маданий, илмий тафаккур тараққиеті адабиётшунослик фанига ҳам ўз таъсирини үтказмоқда. Яңги замон ва у яратыб берган имкониятлар миллий адабиёт тарихини, сұз санъаткорлари бадий меросини холис, замонавий илмий-методологик усуулар асосида үрганишни тақозо қылмоқда.

Хусусан, йигирманчи аср ўзбек насрига кириб келиб миллий адабий-бадий аңъаналар, тажрибалар ҳамда жаҳон сұз санъатининг илфор изланишларини ўз бадий оламида үйғунлаштирган роман, шу жумладан, тарихий романнинг бадий-шажаравий манбалари, "ички" (миллий адабиёт), "ташқи" (жаҳон адабиёти) алоқа-боғланишлари, бадий структураси, ривожланиш йұллари, омиллари кабиларни үрганиш, муайян илмий-назарий хуласаларга келиш мұхым ажамиятта эга.

Тұгри, адабиётшунослиқда бу борада анча ишлар амалға оширилған. Үттан аср давомида ўзбек насрода яратылған тарихий романлар бадиияти, образлар тизими, характер структураси, уларнинг адабиёт тарихи, ривожланишида үрни, бадий қиммати, ютуқ ва камчиликлари таҳжил қилинған, баҳоланған.

Аммо давр тараққиети, ижтимоий, маданий, илмий онг ҳаракати бадий адабиёт тарихига ҳам, айрим бадий матнлар оламиға ҳам янгича, чуқурроқ нигоҳ билан қарашни талаб этмоқда. Айниқса, адабиёт тарихида у ёки бу даражада из қолдирған бадий матн (тарихий роман)лар бадий оламини мустақиллік даври адабиётшунослиги құлға киритған ютуқ, тажрибалар, замонавий методлар асосида үрганиш зарурияты күн тартибида турибди.

Миллий (айрим) адабиёт жаҳон сұз санъатининг бир қисми, унинг таркибий бир бұлғаги ҳисобланади. Ҳеч бир адабиёт тараққиетини, ундаги адабий турлар ва жанрлар генезисини, тадрижи, адабий қаҳрамон типлари, адабий-бадий усуулар, ижодий метод, бадий дүнекараш кабиларни бир адабиёт материали доирасыда тұла аңграб бұлмайды. Улар умумжағон адабиёти ёки унинг муайян ҳудуди доирасыда үрганилиши ва баҳоланиши лозим.

И. Гёте 1820 йилдаёқ жаҳон адабиётини шаклланиб бораёттган ягона жараён тарзида тадқиқ этиш лозимлиги ҳақида өзгән зәди.

Б. Брехт қайд этганидай, "миллий адабиёт, бошқача қилиб айттанды, умуман, адабиёт адабий оламдаги авлодларнинг буюк давомийлігі, бу мусобақа ва алоқалар, тузатиши, таҳрір қилиш

ҳисобланган янгиланишлар... бу түсқинлик қилиш ўрнига тараққиётни енгиллаштирувчи анъана".

Сўз санъатидаги "авлоддарнинг буюк давомийлиги" – вори-
сийликни, "мусобақа ва алоқалар, янгиланишлар"ни, муттасил да-
вом этадиган "анъаналар"ни роман, хусусан, тарихий роман тадри-
жи, тараққиёти, адабий-бадиий тажрибаларида куриш мумкин.

Адабиётлараро жараённи, айниқса, Марказий Осиё
адабиётларининг бадиий алоқа-боғланишларини жаҳон адабий-
бадиий тажрибалари билан алоқадорликда ягона бадиий ҳудуд
доирасида ўрганиш фаннинг долзарб муаммоси бўлиб қолаётир.

Миллий адабиётлардаги тарихий роман генезиси, тадрижи, ўзига
хос хусусиятлари, поэтикаси, таснифи хусусида бир қатор тадқиқот
(диссертация), монография, рисола, мақолалар мавжуд.*

* Александрова Л. П. Советский исторический роман и вопросы историзма. Киев: Высшая школа, 1972.; Александрова Л. П. Советский исторический роман (типология и поэтика). Киев: Высшая школа, 1978.; Алиев А. Исторические романы А. Кодир: дис. канд. филол. наук. Ташкент: 1960.; Алимов П. Проблема характера в советском узбекском историческом романе. дис. канд. филол. наук. Ташкент: Узбекистан, 1990.; Алимов П. Адабиётда тарихий шахслар сиймоси. Тошкент: Узбекистон, 1987.; Андреев Ю. Русский советский исторический роман. М., Л.: 1962.; Аникст А. Два пути развития исторического романа. Литера-
турная газета. 9 мая 1947 года.; Ауззов М. Исторические основы эпопеи "Путь Абая". Алма-ата: Наука, 1969.; Вахрушев В. С. Исторические романы Джека Линдсея. Автореф. дис. канд. филол. наук 1964.; Гапполов Э. Т. Художественная концепция личности в современном историко-революционном романе (на материале литературы народов Средней Азии и Казахстана). Автореф. дис. канд. филол. наук. 1976. Горский И. К. Польский исторический роман и проблема историзма. Издательство АН СССР, 1963.; Долгов С. Ф. Типология худо-
жественного конфликта в современном историческом романе. Ташкент: Фан, 1990.; Долинина Н. По страницам "Войны и мира" Л. Детская литература, 1989.; Елеуқанов Ш. История и художественная правда Простор. 1973, №3.; Зайнiddинова А. К Изображение характера и обстоятельств в узбекском историческом романе 70-х годах: Дис. канд. филол. наук. Ташкент: 1981.; Затонский Д. Роман-документ- Вопросы литературы 1978. №12.; Каттабеков А. Художественное воплощение личности и исторической эпохи в современной прозе: Дис. док. филол. наук. Тошкент, 1985.; Кимова С. Данилевский исторический романист. Автореф. дис. канд. филол. наук. 1981.; Кириев В. Я. Проблема характеров и обстоятельств в современном романе русских писателей Узбекистана. Автореф. дис. канд. филол. наук. Самарканд, 1973.; Куранов Д. Психологизм характеров романе Чулpana "Ночь и день". Автореф. дис. канд. филол. наук. Тошкент, 1990.; Леонович О. В. Исторический роман в творчестве писателей Туркменистана: Автореф дис. канд. филол. наук. Ашхабад, 1978, 21 с.; Мессер Р. Советская историческая проза. М.: Советский писатель, 1995.. Мирвалиев С. Узбек романы. Тошкент: Фан, 1969.; Муродов Г. Исторический факт и художественный вымысел Дис канд. филол. наук. Тошкент, 1988.; Носиров А. Н. Тарих ҳақиқат ва унинг бадиий талқини ("Юлдузли тунлар" романни миссолида). Фил. фанлари номзоди имий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент, 1990 . Нурмухamedова З. Дж. Проблема создания характера исторической личности (к вопросу о роли факта и вымысла): Дис. канд. фил. наук. 1974.; Оразов М. Художественная правда и действительность в туркменском историческом романе (80 - годы): Автореф дис. канд. фил. наук - Ашхабад, 1991.; Птачкин А. Советский исторический роман. М.: 1970.; Петров С. Русский советский исторический роман. М.: Современник. 1980.; Петров С. Русский исторический роман XIX века. М.: Художественная литература. 1964 . Прашкович Л. Белорусский исторический роман. (становление жанра) Автореф. дис. канд. фил. наук Минск, 1977.; Сайган Н. М. Молдавский исторический роман: Автореф дис. канд. фил. наук. Саранск, 1977.; Самандаров И. Узбек тарихий романларида тарихийлик. Фил. фан. ном дис. Тошкент. 1992.; Сатторов М. Каттабеков А. Олис қолдузларжилоси Тошкент: Ўқитувчи, 1984.; Сатторов М. Ватан осмони Тошкент: Ёш гвардия, 1987.; Сатторов М. Проблема исторического и современного в узбекской детской прозе. Дис. канд. фил. наук. Тошкент: 1985.; Серикалиев З. Некоторые вопросы современного казахского исторического романа: Автореф дис. канд. фил. наук Алма-Ата, 1969. Смигулова М. К. Министерство Нурпе-
исова-романиста. Автореф дис. канд. фил. наук Алма-Ата: 1979.; Цискарадзе В. К вопросу о грузинском историческом романе XX века: Автореф. дис. докт. филол. наук. Тбилиси. 1966 . Чумак В. Г. Украинский советский исторический роман 60-80-ых годов (проблема исторический и художественной правды). Автореф дис. докт. филол. наук Киев. 1989 . Шермухаммедов П. Барчадин яхшироқ ҳаёт гули. Тошкент: Ф. Узлом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.; Шермухаммедов П. Истиқболин ўйлаб. Тошкент: АСИ. 1987 . Шермухаммедов П. Мирписателя. его книги, его народ. Нукус: Каракалпакистан, 1982

И. Султонов, М. Құшжонов, С. Мамажонов, Э. Каримов, О. Шарағиддинов, У. Норматов, Б. Назаров, С. Мирвалиев, П. Шермуҳаммедов, А. Каттабеков каби олимларнинг ишларида адабий жараёнида тарихий романнинг ўрни, прототип ва бадиий образ, мозий ҳақиқати ва бадиий маҳорат, тарихий факт ва бадиий тўқима сингари илмий-назарий масалалар маълум бир асарларнинг таҳлили давомида ёритиб берилган.*

Ушбу тадқиқот манбай сифатида танлаб олинган тарихий роман намуналари ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, тоҷик, рус, немис, инглиз адабиётшунослари томонидан муайян бир илмий-назарий муаммолар нуқтаи назаридан ўрганилган ва баҳоланганд.

Аммо давр тараққиёти адабиётшунослик тараққиёти ҳам демакдир. Тарихий романчиликка багишланган аксарият ишлар шўро даврида юзага келган. Табиийки, уларда у ёки бу даражада давр мафкураси, сиёсий ақида ва қарашлари ўз муҳрини қолдирган. Биз бугун – миллий мустақиллик даврида ўша давр адабиётшунослиги ва унинг вакилларини ана шундай қараш ва нуқтаи назарлар учун айлаш, қоралаш фикрида эмасмиз. Чунки ўша тузумнинг тадқиқотчига нисбатан босими, тазиғи барчага маълум ҳақиқат. Энг муҳими шундаки, адабиётшунослик ўша ижтимоий-мафкуравий тизимда ҳам асл бадиият намуналарини туғри, холис баҳолашга ҳаракат қиласкан ва бу йўлда мафкуравий ақидаларга, вуљгар-социологик, нигилистик оқимларга қарши кураш олиб боришга уринган.

Миллий мустақиллик даври ҳамма соҳалар каби адабиётшуносликда ҳам янги имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб берди. Адабиёт илмига янги усуллар кириб келмоқда, бадиий матнни жаҳон илмий-назарий тафаккури мезонлари асосида таҳлил этишга интилиш, ҳаракатлар кучайиб боряпти.

Масалан, сўнгти йилларда яратилган бир қатор ишлар – У. Норматовнинг номи зикр этилган китоблари ҳамда мақолаларида «Ўткан кунлар»нинг генетик-бадиий манбалари, «ички» ва «ташқи» алоқа-боғланишлари, С. Мирвалиевнинг А. Қодирийга багишланган монографиясида «Вальтер Скотт романи» ва «Ўткан кунлар»нинг ўзаро боғланишлари ҳақида янги фикр, қарашлар ўз ифодасини топган.

*Адабий турлар ва жанрлар. З жилдик, 1 – жилд. Тошкент: Фан, 1991.; Адабиёт назарияси. Икки томлик, 1 – том. Тошкент: Фан, 1978.; Адабиёт назарияси. Икки томлик, 2 – том. Тошкент: Фан, 1979.; Норматов У. Егуклик. Тошкент: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.; Норматов У. Ақл ва қалб чироги. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.; Султон И. Адабиёт назарияси. Тошкент: Үқитувчи, 1980.

Илмий жамоатчиликка тақдим этилаётган ушбу китобда мустақиллик даври ўзбек адабиётшуносиги, кенгроқ олиб қаралганда эса замонавий жаҳон эстетик тафаккури эришган ютуқ, тажрибаларга суюнлган ҳолда Марказий Осиё тарихий романчилигига ягона бадиий майдон тарзида қаралиб, шу майдонда яратилган ва мозий тасвири ифодаланган йирик эпик асарлар тадқиқ этилган, улар ўзаро ва жаҳон адабиёти намуналари билан қиёсий, типологик тарзда текшириб чиқилган ва шу асосда Е.Э.Бертельс «олтинчи романчилик мактаби» деб атаган адабий – бадиий ҳодисанинг юзага келиши ҳамда бадиий тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Монография муаллифи ушбу ишни бошлаш ва яратишга даъват этган устоз адабиётшунос Э.Каримов(1934 – 1997) ва таниқли шоир С. Бухорийнинг қуттуғ номларини таъкидлашни бурчи деб билади. Шунингдек, тадқиқот бўйича қимматли маслаҳатлар берган У.Норматов, Б.Назаров, Б.Саримсоқов, Н.Каримов, С.Мирвалиев, Б.Тухлиев, М.Олимовларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

1 боб. Марказий Осиё тарихий романы генезиси, бадий-шажаравий манбалари (“Ўткан кунлар” мисолида)

1.1. Тарихий роман спецификаси ва унинг алоҳида турлари

Эпик адабиётнинг йирик ва бадий майдони кенг бўлган роман жанри маълум бир миллий сўз санъатининг тараққиёт ва младаният даражасини кўрсатувчи асосий омиллардан биридир.

Роман генезиси, поэтикаси, тараққиёт тарихи, айниқса, тақдири жаҳон адабиётшунослигида қизғин баҳсу мунозараларга слбаб бўлган, бу эпик шакл ҳақида кўплаб тадқиқотлар юзага келган.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам роман бир қанча ишлар-(докторлик ва номзодлик диссертациялари, монография, мақолалар)да ўрганилган. Биз бу фаслда тадқиқотимизнинг мавзуси иш имлый-назарий концепциясига бевосита алоқадор бўлган тарихий роман ҳақида маълум бир мулоҳазаларни баён қиласиз.

С.Петров «Русский исторический роман XIX века», «Советский исторический роман», «Русский советский исторический роман», Г.Ленобль «История и литература», А.Пауткин «Советский исторический роман», Л.Александрова «Советский исторический роман и вопросы историзма», «Советский исторический роман» (типология и поэтика), Ю.Андреев «Русский советский исторический роман», А.Аникст «Два пути развития исторического романа» тадқиқотларида тарихий романнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, турлари ҳақида фикр юритганлар.

С.Мирвалиевнинг «Ўзбек романни», «Абдулла Қодирий», Е.Лизунованинг «Советский казахский роман» монографияларида йирик бадий шаклнинг бошқа турлари билан бир қаторда тарихий роман масаласи ёритилган.

А.Каттабековнинг замонавий тарихий насрга бағишлиланган докторлик ишида тарихий роман масаласи асосий диққат марказига қўйилган.

Бу рўйхатга айрим (миллий) адабиётлардаги тарихий романнинг бадий олами, поэтикаси ҳақидағи номзодлик ва докторлик тадқиқотларини, имлый-назарий мақола ва рисолаларни ҳам қўшиш мумкин.

Мазкур ишларда мозий тасвиrlанган катта эпик асарларнинг жанрий-поэтич аломатларини белгилаш, аниқлашга ҳаракат этилган.

Проф. С.Петров замонавий (йигирма аср) тарихий романнда мавжуд қуйидаги хусусиятларни ажратиб кўрсатган:

1. Тарих ва сўз санъати орасида алоқа – боғланишларнинг мавжудлиги.

2. Мозийнинг улкан аҳамиятга молик, ҳал қилувчи босқичини тасвирилаш.

3. Ифодаланаётган даврга хос устивор қарама – қаршиликлар, тўқнашувлар, асосий тарихий зиддиятнинг асар марказига қўйилиши.

4. Халқ ҳаракатларини тарихан шаклланган шаклларда бадиий инъикос эттириш, турли замонларда яшаган омманинг турмуши, маиший ҳаёти, руҳий дунёсини ёритиш, халқни тарихий жараённинг ҳал қилувчи кучи тарзида кўрсатиш.

5. Шахсий ҳаёти миллат, халқнинг тарихий тақдири билан узвий боғланган атоқли тарихий шахслар ҳаёти ва фаолиятини бадиий акс эттириш.*

6. Тарихий роман қаҳрамони сифатида баҳодир, иродали, фаол инсонларни танлаш.

А.Каттабеков эса ўз докторлик тадқиқотида янги давр тарихий романига хос ушбу белги – аломатларни қайд этган эди:

1. Роман манбаси сифатида мозийнинг эътиборга лойик, ҳал қилувчи даврини, миллат ва халқ ўтмишида алоҳида ўрин тутган шахслар фаолиятини танлаб олиш.

2. Тарихий романда шахс ва тарихий жараённинг аниқ гоявий – бадиий концепциясининг мавжудлиги.

3. Тасвириланаётган воқеа ва шахсларнинг теран бадиий талқини асосида тарих ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга ўсиб чиқиши.**

Ўзбек романни ҳақидағи йирик тадқиқот (монография) муаллифи С.Мирвалиев гарчи С.Петров, А.Каттабеков каби тарихий романнинг алоҳида хусусиятларини бир ўринда ажратиб кўрсатмаган бўлса – да, муайян фикрлар оқими давомида ана шундай белгиларга эътиборни қаратган:

1. Тарихий роман биринчи галда роман табиатига, шаклига эга бўлиши керак.

2. Тарихий романда замонавий, яъни муаллиф мансуб даврнинг дунёқарashi, таълимот ва фалсафий назариялари ўз ифодасини топиши табиий.

3. Тарихий романда мозийнинг тугалланган,

*Петров С. Русский советский исторический роман. М.: Современник, 1980. – С.38

**Каттабеков А. Художественное воплощение личности и исторической эпохи в современной прозе: Дис. док.филол.наук. Ташкент, 1985. С. 38

қўйтарилилмайдиган ва тарих томонидан муҳрланган даври тасвирланади*.

1973 йилнинг декабрда собиқ иттифоқ ёзувчилар уюшмасида замонавий эпик адабиётда тарихий романнинг ўрни на аҳамиятига бағишлиб баҳс – мунозаралар ўтказилган ва унда Йирик шаклнинг бу турига хос мана шундай жиҳатлар кўрсатилган:

1. Тарихий роман заминига воқеа ва шахсларнинг юққонийлиги билан белгиланган ҳужжатлиликнинг қўйилиши.

2. Бақт масофасининг мавжудлиги.

3. Ҳаёт ҳаракатининг тугалланган даври тасвири**.

Юқоридаги фикр – мулоҳазалар, қарашлар, нуқтаи назарлар тарихий роман ғоявий – бадиий табиати, ўзига хослигини англаш, ойдинлаштириш бўйича ҳаракат, интилишларни кўрсатиб турибди. Бу қарашлар ҳозирги даврда ҳам ўз илмий – назарий оҳамиятини, мавқеини сақлаб қолган.

Шунга қарамай, адабиётшунослиқда тарихий роман бўйича хилма – хил, айрим ҳолларда ўзаро зид нуқтаи назарлар мавжуд. Айрим тадқиқотчи ва мунаққидлар тарихий роман марказида тарихий шахс образи бўлиши зарур деб ҳисоблайдилар. Жумладан, Н.Худойберганов Назир Сафаров ижодига бағишлиланган «Виждан даъвати» (Тошкент, 1981) китобида шундай ёзади: «Тарихий асарнинг бош қаҳрамони қилиб... Белинский айтганидек, йирик тарихий шахс олиниб,- улуғвор бурилишларни, катта ўзгаришларни қамраб оладиган воқеалар фонида очиб берилиши керак».

Ҳолбуки, В.Г.Белинский «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» тадқиқотида тарихий романни В.Скоттнинг эпик ижоди асосида баҳоланган ва уни «тарихий романчиликнинг отаси» деб итаган, Вальтер Скоттнинг мозий тасвирланган романларининг бош қаҳрамонлари тарихий шахс бўлмай, бадиий тўқима маҳсули.

Фақат В.Г.Белинский эмас, XIX асрда Европа бадиий майдонида шаклланган тарихий романга шу ҳудуднинг сўз санъаткорлари ҳам муносабат билдирганлар. Масалан, Оноре де Бальзак В.Скотт асарларида тарихий шахсларнинг иштироки ҳақида фикр юрита туриб шундай ёзади: «Романда улуғ шахс йўл – йўлакай пайдо бўлиши мумкин. Шундай қилиб, Кромвель, Карл II,

* Мирвалиев С. Ўзбек романни. Тошкент: Фан, 1969. 215-217-бетлар.

** Вопросы литературы. 1974, №1. С.11

Мария Стюарт, Людовик XI, Претендент, Елизавета, Ричард шерюрак – жанр (тарихий роман – F.M.) асосчиси томонидан саңнага олиб чиқилган барча буюк персонажлар фақат бир лаҳзада ёки ечимда намоён бўлади, бироқ тасвирланаётган вазият ҳаракати худди уларнинг атрофида одамлар ва ҳодисалар ўз вақтида йигилгани каби марказлашади».

Кўриняптики, В.Г.Белинский О. де Бальзак, европалик аксарият адабиёт тадқиқотчилари тарихий роман марказида ҳамма вақт аниқ шахс туриши лозим деб ҳисобламаганлар.

Номлари зикр этилган алломалар тарихий романга баҳо, таъриф бераётганларида жаҳон адабиётида XIX асрда кенг тарқалган ва оламшумул бадиий – эстетик қимматга молик бўлган «Вальтер Скотт романи» бадиий олами, мундарижасига асосланишган.

Н.Худойберганов ва бошқа айрим адабиётшунослар эса тарихий – биографик роман асосида тарихий романни баҳолашга ҳаракат қилганлар.

Жаҳон тарихий романчилиги тараққиёти жараёнида тарихий романнинг қуийдаги икки асосий тури юзага келган ва эпик адабиёт майдонида ўз ўрнига эга бўлган:

1. «Вальтер Скотт романи» (бу атама жаҳон адабиётшунослиги, айниқса, Farb эстетикасида кенг қўлланилади ва табиийки, ҳар бир миллий адабиётда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкин).

2. Тарихий – биографик роман.

С. Петров, А.Каттабеков, Л.Прашкович, О.Леонтович, М.Сатторов каби тадқиқотчилар тарихий романнинг тарихий – қаҳрамонлик, тарихий – инқилобий, тарихий – саргузашт, тарихий – фантастик, тарихий – ижтимоий ва бошқа турлари мавжудлигини кўрсатганлар. Аммо бу таснифлар тарихий романнинг ғоявий – бадиий мазмунига асосланган бўлиб, улар «Вальтер Скотт романи»да ҳам, тарихий – биографик роман доирасида ҳам бўлиши мумкин. Биз «Мозий ва бадиий адабиёт» (Бухоро, 1994) монографиясида бу масалага ўз муносабатимизни билдирганмиз.

Масалага ойдинлик киритиш учун «Вальтер Скотт романи» тарихига назар солиш лозим бўлади.

Эндилиқда эталонга айланган тарихий романга атоқли шотланд адаби Вальтер Скотт (1771 – 1832) асос солган.

«Айтиш мумкинки, В.Скотт ўзига қадар мавжуд бўлмаган тарихий романни яратди.

Ўз романларининг бадиий қиммати жиҳатидан Вальтер Скотт ҳамма романнавислар, ҳамма ҳалқларнинг буюк ижодкорлари билан бир қаторда туради. У христиан

Циропасининг ҳақиқий Гомеридир"** деб ёзган эди В.Г.Белинский.

Ўз ватанининг "йуқолиб бораётган урф – одатлари"ни тасвирлаган шотланд адиби қомусий билим соҳиби бўлган. Фольклоршунослик, этнография, ҳуқуқ соҳаларини яхши эгаллаган В. Скотт ўзининг чуқур, кенг қамровли илмини тарихий романларида қуллай олди. Унинг "Узверли" (1814), "Пуританлар" (1816), "Антикварий" (1816), "Роб Рой" (1817), "Эдинбург зиндони" (1818), "Айвенго" (1819) сингари романлари жаҳон тарихий романчилигининг асосий тараққиёт йўлини белгилаб берди. Унинг ижоди билан "романинг чинакам аҳамияти" (В. Белинский) маълум бўлди.

Адабиёт муҳлислари, ижодкор ва тадқиқотчилар В. Скотт асрларидағи "сөхрли тўқима"дан ҳайратланганлар. Ўн тўққизинчи асрнинг биринчи ярмида яшаган адиларгина эмас, улар яратган асрлардаги қаҳрамон, персонажлар ҳам В. Скоттни ўқиган.

Ўзига хос адабий – эстетик ҳодиса бўлган "В. Скотт романи" жаҳон тарихий насрода жиёдий бурилиш ясади, бир миллий адабиёт ҳудудидан чиқиб, адабиётлараро муштаракликнинг янги кўринишига айланди.

Инглиз, француз, рус, араб адабиётларида "В. Скотт романи" эстетик – поэтик жиҳатдан ривожлантирилди, унинг тарихий хронотопни акс эттиришдаги янги имкониятлари кашф этила бошлади.

Айниқса, XIX асрда ижод қилган француз романнависларидан Оноре де Бальзак, Александр Дюма, Виктор Гюго, Проспер Мериме, Альфред Виньенинг йирик эпик асрларида "Вальтер Скотт романи"ни сифат жиҳатидан янгилаш, уни янги адабий – бадиий жараён тамойилларига мувофиқлаштириш ҳаракатини кузатиш мумкин.

Ўн тўққизинчи аср француз тарихий романи "В. Скотт романи"да мавжуд бўлган тарихий ҳодиса ва шахс "юк"ини иложи борича енгиллаштиришга уринди, унда тарихий давр манзараларини асосан бадиий тўқима ёрдамида юзага келтиришга уриниш бор.

Француз тарихий романи бу вазифани амалга ошириш учун турли усуллардан фойдаланди: В. Скотт романидаги тўқима қаҳрамон ва сиёсий арбоб бир шахсга бирлаштирилди (Альфред де Виньи. "Сен – Мар"), бадиий тўқима кенглигини таъминлаш учун унча маълум бўлмаган тарихий шахс ва тарихий воқеа танлаб олинди (Оноре де Бальзак, "Шуанлар"), ва ниҳоят, тарихий

*Белинский В. Г. Танланган асрлар Тошкент, 1955. 178- бет.

романнинг бутун бадиий қурилиши айрим факт, маълумотларни ҳисобга олмаганда бошдан охир тўқима воситасида ҳосил қилинди (Виктор Гюго. "Париждаги Биби Маръям ибодатхонаси"). Ёки тарихий шахслар ва тарихий ҳодисалар романнинг асосий сюжет тизмасидан "чет"да, қаҳрамон ва персонажларнинг нутқи, сұхбати, хотиралари орқали гавдалантирилди.

XIX асрнинг 30 – йилларида "В. Скотт романи" рус адабиётига кириб келди ва ўзи учун янги бўлган адабий – поэтик мұхитта мослашди, янги сифат, хусусиятларга эга бўлди.

А. Пушкиннинг "Капитан қизи", Л. Н. Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" эпик асарларида "шотланд сеҳргари" мактабининг ижодий таъсири мавжуд.

"В. Скотт романи" тажриба ва анъаналари йигирманчи аср сүз санъати, жумладан, Марказий Осиё тарихий романчилик тажрибасида ҳам давом этди. Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Чўлпон, Ойбек эпик ижодида бундай адабий – бадиий ворисийликни кўришимиз мумкин.

Бу ўринда «Вальтер Скотт романи»га хос асосий бадиий – поэтик аломатларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

1. Тарихий романнинг бу шаклида мозийнинг алоҳида эътиборга молик бир даври танлаб олинади ва тасвириланади. «В.Скотт романи» бу жиҳати билан муайян даражада тарихий – биографик романга муштарак. Улар орасидаги тафовут шундаки, тарихий романнинг биринчи шаклида етакчи эътибор сиёсий – ижтимоий ҳаракат, воқеа, умуман олганда тарихий жараённинг бадиий тадқиқига қаратилади, тарихий – биографик романда эса атоқли тарихий шахснинг фаолияти, ҳаёти тасвириланади, тарихий воқеа – ҳодисалар шу шахс иштироки, муносабати, тафаккури орқали баҳоланади.

2.«Вальтер Скотт романи» марказида тўқима қаҳрамон туради. Тарихий шахслар айрим эпизодларда, айрим ҳолларда эса бош қаҳрамон билан параллел (ёнма – ён) иштирок этади. Баъзан бундай роман шаклида тарихий шахслар мутлақо иштирок этмаслиги ёки улар муаллиф, қаҳрамон, персонажлар нутқида эслатилиши ҳам мумкин.

3.«Ўткир» сюжет, кутилмаган воқеа – ҳодисалар тасвири, қаҳрамоннинг хатарли вазиятлардан баҳтли тасодиф туфайли кутулиб чиқиши, саргузаштларнинг мўл – кўллиги, «сир сақлаш» усулини тез – тез қўллаб туриш.

4.Тарихий роман муқаддимаси ва айрим бобларда тарихий даврнинг кенг ва батафсил манзарасини бериш, ўша замонга хос қонунлар, урф – одатлар, одамлар руҳиятини мукаммал чизишга уриниш. Вальтер Скотт романларида бундай тарихий тафсилотлар 40 – 50 саҳифагача борган.

5. «Вальтер Скотт романи»га тарихий-генетик манбаси сифатида Шарқу Фарб фольклорининг эпик ва лиро-эпик намуналари хизмат қилган, оғзаки адабиётнинг эртак, достон, риност, латифа каби намуналари билан бу роман орасида жисп алдабий-бадиий боғланишлар, алоқалар мавжуд.

Шуни айтиш лозимки, «Вальтер Скотт романи»даги мазкур белги-хусусиятларнинг турли давларда ва турли адабиётларда ишмоён бўлиши бир-биридан фарқ қиласди. Ҳар бир миллий адабиёт романнинг бу шаклига ўзгартириш киритишга, уни сифат ишнатидан янгилашга ҳаракат қилган. Бу ҳодисани, айниқса, В.Скотт ва А.Қодирий асарларини ўзаро қиёслаганда яқъол кўриш мумкин.

Марказий Осиё эпик адабиётларида тарихий роман диставвал «Вальтер Скотт романи» сифатида вужудга келди ва риожланди. Адабий-бадиий жараённинг кейинги босқичларида иш тарихий-биографик роман юзага келди. Бу ўринда тарихий-биографик роман генезиси ва шаклланишида «Вальтер Скотт романи» асосий тарихий – бадиий манбалардан бири бўлганини тақидалаб кўрсатиш лозим.

Тарихий – биографик роман марказида жамият, халқ, башарият мозийсида муҳим ўрин тутган атоқли шахс (давлат пребоби, халқ қаҳрамони, аллома – мутафаккир, санъаткор каби) қўйилиб, тасвирланаётган бадиий замон ва бадиий макон (кронотоп)нинг барча йирик ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, моданий-маърифий муаммолари унинг фаолияти, ички-маънавий олами, дунёқараси билан узвий боғланиб кетади, шу асосда дмирнинг, тарихий муҳитнинг кенг, кўламдор эпик манзаралари юнага келади.

«Вальтер Скотт романи» ҳам, тарихий-биографик роман ҳам муайян бир халқ, миллат, инсониятнинг бадиий тарихи, йирик шик шаклда ифода топган ҳарактер ва типларнинг мозий оқимиидаги ҳаракати тасвири, ўтмишга айланган воқеаларнинг сараланган, сайқалланган бадиий ифодаси. «Бадиий асар» сифатидаги тарихий роман «тарихий воқеалардан барча тасодифий нарсаларни олиб» ташлаб, «уларнинг яширин қалбига, жонли идеясига киради, ташқи, тарқоқ воқеаларни руҳ ва ақл маскани қиласди»*.

Буюк назариячи В.Г.Белинскийнинг тарихий роман ҳақида ушбу фикри ҳанузгача ўз илмий-эстетик қиммати, ҳамиятини сақлаб қолган.

* Белинский В. Г. Танланган асарлар Тошкент, 1955. 176-бет

Марказий Осиё эпик адабиётларида роман, шу жумладан, тарихий романнинг шаклланиши, эпик жанрлар тизимида ўзурини топиши учун ҳаракатта кириши муайян ижтимоий, маданий-маърифий омилларга эга.

Бу омилларнинг ичида энг асосийси йигирманчи аср бошларида Туркистанда вужудга келган жадид ҳаракати ҳамда унинг маҳсули, ҳосиласи бўлган жадид адабиётидир.

Бу ҳаракат ва янги адабиёт Туркистан заминида вужудга келган илфор ижтимоий-фалсафий тафаккур, миллий уйгониш оқими натижасида юзага келди ва тараққиёт йўлига кирди. Бунинг натижасида сўз санъати, хусусан, эпик адабиётда янги (европача) жанрлар юзага келиб, улар ўз бадиий олами, эстетик-адабий майдонида замонавий, миллат, мамлакат аҳамиятига молик масалаларни бадиий инъикос эттира бошлади.

Гарчи Октябрь тўнгариши (1917 йил)дан кейинги йилларда жадидчilik ҳаракатида бўлиниш рўй бериб, у мустабид шўро тузуми томонидан таъкиб, тазийқ остига олинган бўлса – да, миллатпарвар ижодкорлар эрк, ҳақиқат йўлидаги курашларини тұхтатмадилар. Жадид адабиёти намояндаларининг энг яхши намуналари («Ўткан кунлар» романы, «Абулфайзхон» трагедияси, Чулпоннинг шеърий тўпламлари) шу даврда яратилди.

Ана шу нуқтаи назардан қаралганда Марказий Осиё замонавий адабиётида биринчи тарихий роман бўлган «Ўткан кунлар»нинг юзага келишининг қўйидаги сиёсий-ижтимоий, маданий – эстетик омиллари мавжуд:

1. Тарихий даврга хос маданий-маърифий ўзгаришлар, миллий тафаккурдаги сифат янгиланишлари.

2. Жаҳон, хусусан, Европа адабиёти таъсирида Туркистан (Марказий Осиё) сўз санъатларига янги жанрларнинг кириб келиши).

3. Шарқ ва Европа бадиий тафаккурларининг ўзига хос янгича синкремтизми (уйғунлиги).

4. Инқилоб, давлат тўнгариши, фуқаролар уруши, миллий озодлик ҳаракатларининг шоҳиди, иштирокчилари бўлган ватанпарвар адабнинг улкан сиёсий-ижтимоий ҳодисалар тұлқини, гирдобида қолган мамлакат, миллат учун мувофиқ йўл танлаш учун ҳаракат ва интилишлари.

Табиийки, мана шу омиллар моҳиятини чуқурроқ, кўламлироқ англаш, ойдинлаштириш маҳсадида «Ўткан кунлар»нинг бадиий матнини, унинг эпик жанр тарзидаги бадиий-эстетик хусусиятларини ҳозирги давр (миллий мустақиллик)нинг илмий-назарий, эстетик-поэтик мезонлари, талаб ва эҳтиёжлари асосида таҳлил ва тадқиқ қилиш лозим бўлади. Бу катта ва серқирра вазифа бўлганлиги сабабли биз навбатдаги фаслда биринчи ўзбек

романи – «олтинчи романчилик мактаби» сарчашмасини ушбу тәлқиқотнинг концепцияси, мақсад ва вазифалари доирасида кўриб чиқишига ҳаракат қиласиз.

1.2. "Ўткан кунлар" тарихий роман сифатида

Ўзбек, кенгроқ миқёсда олиб қаралганда, Марказий Осиё адабиётида Европа типидаги роман тарихи бадиий – поэтик жиҳатдан мукаммал роман "Ўткан кунлар" билан бошланишининг чуқур адабий-эстетик, маданий-маърифий илдизлари, асослари мавжуд.

Абдулла Қодирий ижоди миллий адабий-бадиий ва маданий заминда юзага келди. Унинг ижоди учун асосий манбалар нозифасини қаҳрамонлик эпоси, ҳалқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт намуналари – "Қутадғу билиг", "Ҳибатул-ҳақойиқ", "Шоҳнома", "Хамса", "Бобурнома", Шарқ мумтоз шеърияти, жадид адабиёти ўтаган.

Шу билан бирга, А. Қодирий жаҳон адабиётининг бадиий ютуқларидан баҳраманд бўлган ва уларни ижодий ўзлаштирган. У фақат ўзбек адабиётини эмас, бошқа ҳалқлар бадиий ютуқлари – олорбайжон, татар, турк, форс, араб, француз, инглиз, айниқса, рус ўз санъатидан яхши хабардор бўлган. Бу миллий адабиётларнинг ютуқлари ва тажрибаларидан ўз ижодида фойдаланган.

А. Қодирий Farb адабиёти билан дастлаб рус – тузем мактабида ўқиган пайтида танишган. Шу давр адабиёт дарслклари, крестоматияларини кузатиш шуни кўрсатадики, Абдулла Қодирий рус адабиёти – шеърияти, насли билан болалик вақтидан таниш бўлган. Айниқса, унинг рус адабиётига чуқур кириши 1923 – 1924 йиллари Москвадаги Брюсов номидаги Олий адабиёт институтида ўқиган вақтларига тўғри келади.

Таржимонлик фаолияти билан шўгулланиш Қодирийга, айниқса, жаҳон бадиий меросини кенгроқ, чуқурроқ ўрганиш имконини берган.

Қодирий – қомусий билимга эга бўлган санъаткор. Шунинг учун бўлса керак, жаҳон адабиёти аҳамиятига эга ёзувчи бўлиб отишиди.

Марказий Осиё адабиётларида роман тарихи Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асари билан бошланди, деган қараш адабиётшуносликда мустаҳкам ўрин олган. Бу умуман олганда, тўғри фикр. Чунки европача типидаги, ўзига ҳос жанрий хусусиятларга эга бўлган, наслий шаклдаги роман чиндан-ҳам "Ўткан кунлар" билан бошланади.

Лекин ўзбек романининг илдизи жуда чуқур. Адабиётшунослар Навоий "Хамса"сига кирган доғонларнинг ҳар

бирини шеърий роман деб ҳисоблайдилар.

Э. Каримов ва Б. Назаров бундай ёзадилар: "Ўзбек романининг туғилишини "Бобурнома"дан бошласа, тўғри бўладиганга ўхшайди". Бу олимларнинг фикрича, "Бобурнома"ни XVI аср "ўзбек эпоси", ўзбек роман – хроникаси, солнома – эпопеяси деб атаса ҳам бўлади"**.

Бу фикр назарий – поэтик асосга эга. "Бобурнома"нинг мураккаб, кўп қиррали бадиий – композицион вужудида, воқеа тизимида роман жанрининг, романга хос тафаккурнинг асосий алломатлари, белгилари мавжуд. Асарда асосий қаҳрамон (муаллиф)нинг саргузаштлари, қалб кечинмалари муайян изчилликда, яхлит бадиий система ҳудудида берилган, тарихий эпик тасвир марказида жангчи, ижодкор, донишманд шахс (қаҳрамон) образи турди, бу образ роман – хроникада ифода этилган барча тарихий ҳодиса ва шахсларни уйғулаштиради, композицион бутунлик, сюжет тугаллигини юзага келтиради.

Йигирманчи асрнинг ўнинчи йилларида қозоқ, ўзбек адабиёти европача роман шаклини ижодий ўзлаштириш, бу жанрни миллий адабиётга олиб киришга уринди.

Қозоқ ёзувчиси Испандиёр Кубаев (1878 – 1956) 1908 йилда ёзган асарининг жанрини "роман" деб белгилаган. Адабиётшунос Б. Шалабаевнинг фикрича, И. Кубаевнинг "Қалин" асари – "бириңчи қозоқ романидир"**. Асарда ижобий (Кожай, Гайша, Болқумис, Жунус, Алкен, Бирке) ва салбий (Турлигул, Итбой, Омонтой, Бойғози, Курумбой, Шалкан) қаҳрамон ва персонажлардан иборат образлар тизмаси мавжуд. Асар учун ўша даврнинг муҳим муаммоси асос бўлган.

Қозоқ демократик адабиётининг яна бир намояндаси Султонмаҳмут Торайғиров (1892 – 1920) 1914 йилда ёзган "Сулув Қамар" номли асарини роман деб атаган.

Тадқиқотчилар бу китоб И. Кубаевнинг "Қалин" асари таъсирида вужудга келган деб ҳисоблайдилар.

"Қалин" ва "Сулув Қамар" сюжети, концепцияси, бадиий – гоявий силсиласида муштараклик, алоқадорлик яққол сезилади. Бу яратмаларда Шарқ аёли эрки ҳимоя қилинган, жаҳолат, ижтимоий тенгиззилик қораланган.

С. Торайғировнинг навбатдаги – шеърий йўл билан битилган "Ким айбор?" (1914 – 1915) асарининг жанри ҳам роман деб қайд этилган.

Адабий турлар ва жанрлар. З жилдлик, 1-жиҳд. Тошкент: Фан, 1991. – 16 – 17 – бетлар.

**Шалабаев Б. История казахского романа. Алма – Ата: Мектеп, 1975, С.30.

Худди шу йили ўзбек маърифатпарвар шоири ва адаби Ҳамза Ҳакимзода Ниёсий "Янги саодат ёхуд миллий роман" китобини Кўқонда нашр эттириди. Сарлавҳадан маълум бўляптики, Ҳамза ҳам ўз асари жанрини роман деб белгилаган.

Л. Қаюмов Ҳамза "Янги саодат"дан ташқари "Ҳақиқат кимда?" (1908), "Турт ишқ" (1915 – 1916), "Турмуш аччиқлари" (1916) деган "миллий романлар" ёзгани ҳақида маълумот беради.

Абдулла Қодирий "Жувонбоз" (1914), Мирмуҳсин Шермуҳамедов "Бефарзанд Очилдибой" (1914) асарларини "роман рисоласи" ибораси билан нашр эттирганлар.

Бу асарлар нафақат ўзбек ва қозоқ, балки бутун туркий романчиликнинг вужудга келиши, шаклланиши ва тадрижи учун муҳим замин бўлгани шубҳасиз. Лекин, шунга қарамай, бу иратмаларни том маънодаги роман дейиш қийин. Шунинг учун бўлса керак, "Қалин"нинг жанри хусусида ҳар хил қарашлар мөнжуд. Баъзи тадқиқотчилар уни ҳикоя, бошқалари қисса, яна бирлари роман деб ҳисоблайдилар.

Адабиётшунос Э. Каримов "Ўзбек адабиётида реализм тараққиёти", "Ўзбек совет адабиётида повесть жанри" номли тадқиқотларида "Янги саодат"ни қисса тарзида ўрганган.

"Қалин", "Сулув Қамар", "Ким айбдор?", "Янги саодат" каби асрларнинг роман деб аталиши "тасодифий бўлмай, чуқур мағтиқа эга. Зотан XIX асрда роман терминининг бошқа маъноси ҳам бор эди: "Биз роман сўзи остида тўқима тасвир орқали ўз ифодасини топган тарихий даврни кузда тутамиз". Эҳтимол, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар "роман" терминини, Пушкин айтганидек, бадиий тасвир орқали акс итирилган реал ҳаёт маъносида қўллаган бўлишлари мумкин. Зоро, шу даврда "роман" атамасини худди шу маънода қўллаш ҳоллари расм бўлган эди.

Аслида «роман» терминининг мазмуни адабиётда қотиб қолган шаклда бўлмаган. Бу тушунча асрдан асрга ўзгариб борган ва роман жанридаги ўзгаришларни, шу жанрининг тараққиётини ўзида якъе эттирган»*.

Давр тараққиёти, адабиёт тараққиёти романнинг келгуси ижодий йўлини, тарихий тақдирини белгилаб берди. Адабий – бадиий жараённинг янги босқичи тўлақонли, реалистик роман жанрининг барча талабларига жавоб берадиган асар яратишни кун тартибига қўйди.

Бундай асар А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи

*Адабий турлар ва жанплар. З жиллик, 1-жилд. Ташкент: Фан, 1991.
124-125



сифатида дунёга келди.

Қодирий ўз даври билан чамбарчас боғлиқ бўлган ижодкор эди. Унинг таржимаи ҳоли, яратган асалари ва айниқса "Ўткан кунлар" романи бунга гувоҳлик бера олади.

"Ўткан кунлар" Туркистон ҳаёти, тарихининг энг асосий қатламлари, зиддиятларини қамраб олган.

Романда инсоният ҳаётидаги яхшилик ва ёвузлик орасидаги бетиним кураш муаммолари юксак бадиий маҳорат билан тасвирланган.

Ижтимоий, ҳаётий, инсоний алоқа – муносабатларнинг мураккаб диалектикаси "Ўткан кунлар" романида бадиий акс этган.

"Ўткан кунлар" тарихий жараён қонуниятларини пухта ўзлаштириш ҳатижасида юзага келди.

"Ўткан кунлар" – тарихий роман. Бу ҳақда Ойбек шундай ёзган эди: "Ўткан кунлар" тарихий сюжеттга эга. Ҳақиқатдан асарда жуда кўп тарихий воқеалар тасвир этилган. Ёзувчи тарихий материалларни кўпроқ киритиб, асарда тарихий турмушни эслаштиришга, тарихий манзарани таъмин қилишга муваффақ ҳам бўлади. Воқеалар чиндан ҳам бир тарихий шароитда, тарихий картиналар доирасида инкишоф қиласи. Воқеаларнинг давомида ёзувчи обстановкани шундай тасвирлайдики, чиндан ҳам бўёклар турмушнинг тарихий хусусиятга эга эканини гавдалантиради". Аммо ўз тадқиқотини 1936 йилда – сталинча қатагонлар мавсумида чоп этирган Ойбек биринчи ўзбек романининг тарихийлигини очиқ эътироф қила олмайди. Шунинг учун дарҳол "тарихийлик кўпинча фақат чиройли ёзилган хроника характеристида берилади". "Ёзувчи... тарихий негизни бадиий образларда очмайди" деб ёзib, бундай қарашларни исботлашга ҳам ҳаракат этади.

"Ўткан кунлар"нинг тарихий романлиги М. Шевердиннинг "Ўзбекларнинг биринчи романи" ("За партию" журнали, 1928, №3), С. Ҳусайннинг "Ўткан кунлар" (Боку, 1931) каби мақола ва рисолаларида бундан ҳам кескин, бундан ҳам муросасиз оҳангда инкор этилган эди.

Ойбекнинг Абдулла Қодирий шахси, ижоди, "Ўткан кунлар" романига муносабати М. Шевердин, С. Ҳусайн қарашларидан жиддий фарқланади. "Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли" тадқиқотидаги зиддиятли қарашлар, энг аввало, шўро дунёқараш – фоялар тизмаси, мустабид мафкуранинг таъсири, тазиридан келиб чиқсан.

Шу билан бирга, "Ўткан кунлар"нинг тарихий роман экани ҳақиқидаги мулоҳазалар маълум даражада Ойбекнинг ўзига хос

илемий-назарий қарашларини ҳам билдиради, маълумки, бадий адабиётда тарихий романнинг, асосан, икки типи мавжуд:

1. Марказида аниқ тарихий шахс образ(лар)и қўйилган, тарихий воқеа, тарихий фактлар мана шу қаҳрамон(лар)нинг фанолиятига узвий боғлаб тасвирланган роман.

2. Тарихнинг маълум бир даври манзаралари тўқима образ(лар)нинг фаолияти орқали бадий инъикос эттирилган роман. Бундай роман адабиётшунослиқда "Вальтер Скотт романи" деб ҳам аталади. Айрим адабиётшунослар (адибларнинг узи ҳам) иккинчи типдаги романларни тарихий роман сирасига киритмайдилар. Ойбекнинг ўз ҳам бутун бошли тарихий даврни ифода этган "Қутлуғ қон"ни тарихий роман сирасига киритмаган.

Аслида "Вальтер Скотт романи" – тўқима қаҳрамонлар орқали тарихий манзараларни акс эттирган асарлар жаҳон тарихий романчилигининг катта бир қисмини ташкил этади.

"Ўткан кунлар"да классик тарихий романнинг асосий, етакчи хусусиятлари мавжуд.

Романда тарихнинг йирик воқеаси – чоризмнинг Туркистон мамлакатларини истило қилиши, бу ҳодисанинг ижтимоий, сиёсий, маънавий, ахлоқий омиллари бадий таҳдид этилган.

Романнинг етакчи қаҳрамонлари (Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи) ва персонажларининг қиёфаси, руҳий дунёси, ҳаракати орқали мозийнинг бутун бир даври бадий инъикос этади.

Асар ҳижрий 1264 (1847) йилнинг бадий манзараси билан бошланиб, 1277 (1861 – 1862) йилнинг воқеаси билан интиҳо топади. Муаллиф романни аниқ сана билан бошлайди ва аниқ санани қайд этиш билан тугаллади. Мана шу икки сана оралиғидаги муддат ичида кечган воқеалар тасвири роман сюжети асосини ташкил этиган.

Тарихий рақамларнинг асар ибтидоси ва интиҳосида аниқ көлтириши роман тарихийлигини ҳамда унинг тарихий роман жаирига мансублигини таъкидловчи белгилардан биридир. Бу рақамлар "Ўткан кунлар"да тасвирланган тарихий даврни аниқлаб, якратиб курсатишга, унинг мозий оқимидағи алоҳида ўрнини таъкидлашга хизмат қилган.

Тарихий фактларга мурожаат қиласайлик. 1847 йил, 23 августда полковник Ерофеев (2 замбарак билан қуролланган 200 козак аскар) хиваликларни тор-мор қилиб, Жон Хўжа қалъасини таъллади. "Николай" ва "Константин" кичик кемаларидан иборат Орол флотилияси ташкил этилди.

1862 йил. Полковник Колпаковский отряди (4 рота, 2 юзлик, 4 замбарак) томонидан 14 апрелдан 15 майгача Чу орти ўлкаси ўраб олинди ва Қўқон хонлигининг Марки қалъаси ишғол қилинди. 28 октябрда 8 рота, 1 юзлик, 8 замбаракдан иборат отряд ёрдамида

Құқон хонлигининг Пишпек қалъаси қайта босиб олинди*.

Бир тарафда Туркистонни забт этиб, уни үз мустамлакасига айлантириш учун: ҳаракатта кирган, унга қарши ҳарбий юришни бошлаган кучли чор ҳарбий – сиёсий қурилмаси ва унинг фаол сиёсати.

Иккинчи ёқда ұзаро уруш, низолардан заифлашган хонлик. Ҳокимият тепасига калтабин, мартабапараст кишилар чиқиб олған. Мамлакатда қонунсизлик, бошбошдоқлик ұукм суряпти. Халқ ва давлат орасыдаги муносабат ёмон.

Мана шундай мураккаб, таҳликали тарихий жараённинг кенг, реалистик манзаралари "Үткан күнлар" да бадий акс этган.

"Үткан күнлар" нинг серқиrrа, күламдор бадий – фалсафий концепцияси асосида терән халқчил дүнекараш туради. Роман мұаллифи тарихни, унинг ҳал құлувчи, улкан ҳодисаларини, аниқ шахсларини қаҳрамон, персонажларни халқчиллик принциплари ёрдамида объектив – холис, умуминсоний гоя ва идеалларга бөглиқ равиша тасвирлаган.

И. Султоннинг ёзишича, асардаги халқчилликнинг баш критерийсі (ұлчови) халқ манфаатларини у ёки бу даражада ифода эта билишдір**. "Үткан күнлар" нинг мұкаммал бадий олами, етакчи қаҳрамонлари, пафоси "халқ манфаатлари", психологияси, тарих диалектикасидаги үрни ва мавқеи, иштирокини акс эттирган.

Роман қаҳрамонларининг ижобийліги, әзгулиги халқчил рух, халқчил психология мөхияттіни акс эттиради.

Тарихнинг катта воқеалари, фожиавий босқичлари (Тошкент құзғолони, "қыптоқ қыргини", чор истилоси) да ижобий қаҳрамонлар халқ ёнида турадилар, унинг орзу – идеаллари, интилишларининг ифодаси бўлиб тарих майдонига чиқадилар.

Ижобий қаҳрамонларга хос андиша, ҳаё, инсонпарварлик каби әзгу хислатлар халқ руҳияти, унинг миллий үзига хослигини, ҳаёт тарзини ифода қиласди.

"Үткан күнлар" концепцияси, бадий олами, сюжети, қаҳрамонларнинг халқчиллиги билан бир қаторда унинг бадий матнида халқ иштирок этади, тарих ҳаракати, үзгаришларга таъсир күрсатади.

Романнинг "Инқилоб" деб номланган бобида Тошкент ҳокими Азизбек истибодига қарши құзғалған халқ – "шашвор, мильтиқ, ханжар, найза ушлаган оломон"*** улкан тарихий жараён марказида турган ижтимоий куч тарзида гавдаланған.

*Хасаний М. Туркистон босқини. Тошкент: Нур, 1992. 24-27-бетлар.

**Султон И. Адабиёт назарияси. Тошкент: Ұқитувчи, 1980. 100- бет.

***Қодирий А. Үткан күнлар. Мәхробдан чаён. Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 107-бет.

Халқчил руж, халқчиллик асосида юзага келган бадий концепция "Үткан кунлар" романининг бош қаҳрамони Отабекнинг асар сюжетидаги марказий ўрнини ҳам, унинг бадий образ сифатидаги структурасини ҳам, тарихий жараёндаги иштирокини ҳам, қаҳрамонона фаолияти моҳиятини ҳам белгилаб берган.

Ижодкорнинг бош фалсафий – бадий концепцияси, бадий дунёқарашининг асосий қирралари қаҳрамон образи орқали мужассам этилади. "Үткан кунлар" қаҳрамонлари бадий қурилмасида ҳам А. Қодирий тарих, ҳаёт, инсон, ватан ҳақидаги қараш, ғояларни бадий умумлаштирган.

Аввалимбор, адид бош қаҳрамонни ҳар томонлама баркамол инсон тарзида тасвирлаган. У "оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган қора кўзли, мутаносиб қора қошли ва индигина мурти сабз урган бир йигит". Муаллифнинг бу баҳоси романдаги қатор персонажлар томонидан тасдиқланиб, кучайтириб борилади. Тўйбеканинг сўзлари билан айтганда "бир чиройли, бир ақлли... ёш меҳмонни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз". Кутидор учун у "айни биз қидирган, ҳар тўғрида ҳам етук бир йигит". Офтоб ойим ёса "ўхшашсиз кўркам, тенгсиз ақлли... эмиш" дейди.

Қаҳрамондаги ҳам жисман, ҳам ақлан, ҳам ахлоқий мукаммаллик унинг фольклор ва мумтоз адабиётда аждодлари борлигидан далолат беради. Эллин эпосидаги Геракл, Язон, турк, форс баҳодирлик достонлари ва афсоналарининг Афросиёб (Алл Артунға), Рустам, Манас, Алномиш, Гўрўғли, "Ҳамса", "Бобурнома" каби ижод намуналари қаҳрамонлари билан "Үткан кунлар" бош қаҳрамонини энг аввало халқчиллик принципи яқинлаштириб, бирлаштириб туради.

Бўлинган халқ, қабилалар, уруғ – қавмларни, мамлакатни бирлаштириш фикри, ғояси роман бош қаҳрамони ва унинг отаси Юсуфбек ҳожи образларида мужассам қилинган.

Отабекнинг Фарҳод, Мажнун, Вомиқ, Ромео каби ошиқларникуига ўхшаш ишқ – муҳаббати ҳам, ватан, мамлакат бирлиги ҳақидаги орзулари ҳам, севги ва юрт учун фидойилиги, қаҳрамонлиги ҳам теран халқчиллик моҳиятидан келиб чиқади.

Қайсона, фарҳодона ишқни ўзи қалбига жо этган Отабекнинг севги бобидаги соф эҳтирослари, событилиги ва жасоратининг илдизларини фақат жаҳон адабиёти хазинасидангина эмас, у мансуб бўлган халқ руҳий – маънавий арсенали, психологияси, урғ – одатлари, тарихи, ахлоқидан ҳам излаш лозим бўлади.

Халқнинг энг комил, энг олижаноб, энг инсонпарвар вакилларига хос бўлган тоза тийнат, ўзбекона андиша, соғлом ақл Отабекнинг "қиз қиёфасидаги малак" Кумушга бўлган муҳаббатини юксак бир поғонага кўтариб туради.

Ўз халқи, ўз мамлакатининг баркамол фарзанди бўлган Отабек ёрини қанчалик оташин севса, халқи, мамлакатидаги барча қавм – уругларни ҳам шунчалик севади.

Халқقا, ватанга бўлган юксак ишқ Отабекни улуғ ишлар қилишга, тарқоқ мамлакатни бирлаштиришга, давлат идора ишларида жиҳдий ислоҳотлар қилишга ундайди.

М. Қушжоновнинг фикрича, Отабек фожиавий қаҳрамон – дир.* Фақат шахсий ҳаётдаги баҳтсизликларгина эмас, мамлакатдаги тарқоқлик, ўзаро урушлар, "қорачопон ва қипчоқ низолари", "истибод орқали эл устига ҳукмрон бўлгувчилар"**, "ўз наслини кофир қўлига тутқин қилиб қолдирувчи... кўр ва ақлсиз... мансабпарат, дунёпарат ва шуҳратпарат муттаҳамлар", кенгроқ олганда XIX асрнинг ўрталарида Туркистоннинг ноchor шароити "Ўткан кунлар" қаҳрамони характеридаги фожиавийликни кучайтириб боради.

Шу билан бирга, Отабек нафақат фожиавий, қаҳрамонона характер ҳамдир.

Давр фожиалари, нобоп муҳит тазиёки ва таъсири қанчалар кўламли ва зўр бўлмасин, улар Отабек сингари кучли ва иродали қаҳрамонни синдириш, ўз измига солиш қувватига эга эмас.

У романнинг салбий персонажи, ёвузликнинг мукаммал тимсоли сифатида тасвиrlанган Ҳомиднинг иғвоси туфайли ноҳақ қамалиб, икки марта (дастлаб Ўтаббой қушбеги, кейин Мусулмонқул томонидан) ўлимга ҳукм этилганда ҳам, сабр – матонатини, инсоний қадрини йўқотмайди. Ҳатто Мусулмонқулдай жаллод, йиртқич кимса ҳам унинг ўлим олдидаги осойишталиги ва матонатини кўриб: "Дов юрагинг бор экан, йигит" – дейишга мажбур бўлади.

Ўлимга тик қараш, ширин жондан одамийлик ва ор – номусни устун қўйиш жаҳон эпик ва драматик адабиётининг ижобий қаҳрамонларига хос муштарак хусусият.

Бу хусусият "Ўткан кунлар"да ҳам, жаҳон эпик адабиётининг мумтоз намуналарида ҳам чуқур ҳалқчиллик руҳи, адабий қаҳрамонни ҳалқчил тасвиrlаш принципи талабидан келиб чиқади.

Ишқ йўлида бир неча бор матонат кўрсатган Отабек ватан озодлиги, унинг мустақиллиги, бедаҳллиги учун курашга кириб шаҳид бўлган. Унинг рус босқинчиларига қарши курашчиларнинг

*Қўшжонов М. Абдулла Қодирийнинг тасвиrlаш санъати. Тошкент: Фан, 1966. 67-бет.

** Қодирий А. Ўтган кунлар. Меҳробдан чаён. Тошкент: F. Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 19-бет.

биринчи сафини олиши, қаҳрамонона шаҳид бўлиши романнинг бутун сюжет тизими давомида муаллиф томонидан пухта асосланиб борилган. Кумушнинг ўлими қанчалик оғир йўқотиш бўлмасин, у Отабек каби кучли, иродаси зўр қаҳрамонни синдиrolмайди.

Худди шу ирода, куч Отабекни Ватан бошига оғир кун келганда жасорат кўрсатишга, жанг майдонига йўллайди.

Отабекнинг севги ўлидаги ҳайратомуз жасоратлари ҳам, босқинчи – истилочиларга қарши кураши ҳам уни Шарқ эпик поэзиясининг романтик қаҳрамонларига, айниқса, А. Навоийнинг Фарҳодига яқинлаштириб туради.

Э. Каримовнинг ёзиши¹, Навоий ижоди, жумладан, Фарҳод образи форс, араб ва туркий халқларнинг классик адабиёти ёришган бадиий ютуқлар, шунингдек, антик маданият ва фалсафа тажрибаларини ҳам бадиий мужассамлаштирган*. Табиийки, Алишер Навоий Фарҳодининг ўз фольклор аждодлари ҳам бор, улар Узбек халқ достонларининг қаҳрамонлари.

А. Қодирийнинг Отабеги ҳам Навоий Фарҳоди каби жаҳон кулларининг қаҳрамонлик эпоси, маданий, фалсафий, бадиий тажрибаларини ижодий-амалий ўрганиш, ўзлаштириш, уларни миллий заминга мослаштириш асосида дунёга келган.

"Ўткан кунлар" ва "Фарҳод ва Ширин" сюжет чилиқларидағи айрим параллеллар, ўхшашликлар, қаҳрамонлар сәжия, тийнати муштараклигини адабий таъсир билан бир қаторда шундай шу омиллар орқали ҳам изоҳлаш керак бўлади.

"Фарҳод ва Ширин"да тўқима қаҳрамон бўлган Фарҳод тарихий шахс тимсоли – Хисрав Парвез қўлига макр-ҳийла туфайли асир тушиб, у билан юзма – юз бўлиб, мунозарага киришади, баҳс давомида Фарҳоднинг буюк инсонлиги, Хисравнинг тубан маънавий-ахлоқий олами маълум бўлади.

"Ўткан кунлар"даги тўқима қаҳрамон Отабек Ҳомид ифвоси сабабли баанди бўлади ва аниқ тарихий шахс – "хон ёнидаги ҳоқон" Йиртқич Мусулмонқул билан юзма-юз келади. Гарчи улар оғрисидаги баҳс қисқа бўлса – да, Отабекнинг улуғ қалби, мухолифнинг одамийликдан узоқ кимсалиги намоён бўлган.

Буюк инсонпарвар Фарҳод фақат севгилиси Шириннингина имрас, у мансуб бўлган халқни, инсониятни истило, қулликдан асрар учун Парвез қўшинига якка ўзи қарши чиқади, сон – саноқсиз душманни тўхташга, чекинишга мажбур қиласади.

Ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуси янги давр қулҳрамони Отабекни даҳшатли чор қўшинига рўбарў бўлишга дайшлагат қиласади ва бу даъват уни буйсунмас курашчиларнинг олд

¹ Адабиёт назарияси. Иккى томлик, I – том. Тошкент: Фан, 1979. – 156 бет.

сафига келтириб құяды.

Икки шоқ асар сюжети, қаҳрамонлари харakterидаги бу каби ұхшашликлар адабиёттинг инсонни тасвиirlащдаги халқчиллик принципи устиворлиги, бадий тимсолнинг генетик – шажаравий тәдрижи, бир адабиёт доирасидаги адабий таъсир ва анъанага мисол бўлиши билан бирга, ӯзбек эпик поэзиясида роман, тарихий романнинг бир талай муҳим унсурлари қадимдан мавжуд бўлганини кўрсата олади.

"Ўткан кунлар"даги Отабек образининг бадий – эстетик вазифаси ва моҳиятини, умуман олганда эса романнинг етакчи фалсафий – адабий концепциясини тушунишда қаҳрамоннинг отаси, муаллиф ғоявий, ижтимоий қарашларининг бадий ифодачиси Юсуфбек ҳожи муҳим ўрин тутади.

Романнавис Отабекнинг комил инсон сифатидаги такомили, тадрижини Юсуфбек ҳожи тарбияси, үтгитлари ва шахсий ибратига боғлиқ ҳолда тасвиirlайдики, бу муаллифнинг қаҳрамонни муайян муҳит оқимида тасвиirlаш бўйича жаҳон реалистик эпик адабиёти анъаналарини давом эттирганини кўрсатади.

Романнавис Юсуфбек ҳожи образида ҳам мозий ҳақиқатини бадий мужассамлаштиради, унинг харakterини гавдалантиришда тарихийлик принципларига риоя қиласи. Натижада бу образ Туркистаннинг буюк тарихини бунёд этган мутасаввуф ва мутафаккир шахсларнинг умумлашма тимсоли сифатида намоён бўлади.

Роман муаллифи Юсуфбек ҳожининг ижтимоий фаолияти, мулоқот – суҳбатлари орқали асардаги бош ғоявий – фалсафий концепцияни юзага чиқарган.

Ҳожи Туркистаннинг миллый мустақиллигини сақлаб қолишига уринган, Амир Темур асос соглан давлатчилик устунларини ҳимоя қилувчи фавқулодда кучли шахс. Унинг куч – қуввати донишмандона тафаккурида, үткир ақл-идроқида намоён бўлади.

Юсуфбек ҳожи – миллый иттифоқ йўлида ҳаракат этган, давлат асосига адолатни қўйишга саъй қилган жамоат арбоби.

Ҳожи – Оллоҳ йўлида пок тилаклар билан ҳажга борган, исломий ва тасаввуфий қарашларни ӯз шахсида мужассам этган етук инсон образи.

Бу образ Алишер Навоий, Мхатма Ганди сингари ҳам Тангрига, ҳам инсониятга бирдек ҳалол хизмат қилган оламшумул шахсларни ёдга туширади.

Юсуфбек ҳожи образининг бадий қурилмасида роман муаллифининг, ӯзбек тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий, бадий тафаккурининг миллый истиқлол, турк бирлиги, Туркистан бедаҳлиги сингари юксак ғоя ва қарашлари етакчи ўрин тутади.

"Ўткан кунлар" бадий оламидаги асосий ғоя – образлар салмоғи муаллиф томонидан асосан Юсуфбек ҳожи зиммасига юклатылған.

Муаллифнинг, тарихий даврнинг етакчи, илғор ғоялари Юсуфбек ҳожи образида бир жойга келиб йиғилади, тифизлашади, шу тариқа ғоя билан образ туташып бирлашиб кетади.

Юсуфбек ҳожининг ҳам, романнинг бош қаҳрамони Отабекнинг ҳам дүнёга, ижтимоий тузумга қарашлари "Ўткан кунлар" муаллифининг дүнёқарашини, ғоявий – фалсафий мұтиқодини акс эттиради. Бұ қарашларға зид бұлған фикрлар романнавис томонидан ҳа, унинг ижобий қаҳрамонлари томонидан ҳам инкор этиб борилади.

М. Бахтин бундай тоифадаги асарларнинг "монологик бадий олам"та мансуб эканини қашф этганды.

"Монологик бадий олам тасвир сифатида ёт фикр, ёт ғояни таң олмайды. Барча идеологик қарашлар бундай оламда икки категорияяга бўлинади. Бир хил фикрлар – ҳаққоний, аҳамиятли..., бошқа фикр ва ғоялар эса муаллиф нуқтаи назарига кўра тўғри бўлмаган, аҳамиятсизdir".

Отабекнинг давлат тузуми, оила борасидаги ислоҳотчилик қарашлари ҳам, Юсуфбек ҳожининг Туркистон мустақиллiği ҳақидаги сұжбат – баҳслари ҳам роман муаллифининг қараш ва ғояларини бадий ифода қиласы.

А. Қодирий чор мустамлака сиёсатининг даҳшатли манзараларини кўрган ижодкор эди. Юсуфбек ҳожи тилидан Отабекка айтилган сўзлар "Ўткан кунлар" муаллифининг чор босқинига "ягона нуқтаи назари", романнавис ғоясии "бевосита, мисофасиз" ифодалайди:

"Биз шу ҳолда кетадиган, бир – биримизнинг тегимизга сув қуядиган бўлсак, яқиндирикли, чор истибоди Туркистонимизни ғаллар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгусимизни ўрис қўлига қолдирган бўламиз. Ўз наслини коғир қўлига тутқин қилиб тошириувчи биз – кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим" **.

Дунёни, тарихий шароитни "монологик тасвирлаш усули" улкан санъаткор А. Қодирийга ўз даврининг жиiddий, оламшумул, инсонпарвар тафаккурини, романнависнинг хос қарашларини бадий таъсирчан, қабариқ тасвирлаш имконини берган.

Бу усул Абдулла Қодирий ижодини монологик тасвирнинг

*Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. Москва, 1963. С. 105

** Қодирий А. Ўтган кунлар. Мәҳробдан чаён. Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 294 – 295 – бетлар.

буюк устаси Лев Толстой адабий мероси билан бир сафга құяды. Қаҳрамон(лар) нұқтаи назарининг муаллиф нұқтаи назарига құра ҳамиша объективилги, ҳамма ҳодисалар ва қаҳрамонларнинг муаллиф дүнекәраши доирасида күрилиши ва тасвир этилиши, мавжуд борлық ижодкор позициясидан баҳоланиши ва бадий тажассум топиши Л. Толстойға ҳам, А. Қодирийға ҳам даврнинг үткір, долзарб ижтимоий, фалсафий муаммоларини күтариб чиқыш, бадий талқын этиш, уларға объектив – холис муносабат билдиришга имкон берган.

Мавжуд борлық, инсонни монологик тасвирлаш усули бу санъаткорларга халқчиллик позициясини аниқроқ, очиқроқ баён этиш, халқ әထтиборини пишиб, етилиб турған жаһоншумул муаммоларга күпроқ қаратишига күмаклашганини күриш мүмкін.

Монологик тасвир усули ва халқчиллик принципларига асосланиб муаллиф роман сюжет тизимига киритилған аниқ тарихий шахслар – Худоёрхон, Азизбек, Мусулмонқұл каби образларга холис ва очиқ баҳо берган. Ижодкор баҳосига күра Худоёрхон "тахт устига құндирилған жонлик ҳайкал", Мусулмонқұл эса "йиртқич", "чұлтоқ супурғи". Аниқ тарихий шахсларга бундай салбий эмоционал муносабат ҳам А. Қодирий бадий ижодининг халқчил моҳиятидан келиб чиққан.

Романнавис Худоёрхон образини сатирик бүёклар воситасида чизган, фақат муаллиф баенидагина әмас, романдағи қаҳрамон ва персонажларнинг подшоқ ҳақидағи диалоглари, Худоёрхон нұтқи ва хатты – ҳаракатларида ҳам адібнинг бу шахсга нисбатан аччиқ истеҳзоси яққол сезилиб туради.

Муаллифнинг Худоёрхон образини бундай тарзда яратишининг сабабини аниқлаш учун прототипнинг ўз қиёफасига, унинг Туркистан тарихидеги үрнига назар ташлаш мақсадға мувофиқ.

Худоёрхон – Құқоннинг сұнгти хони. 1845 – 1875 йилларда ҳүкмдорлық қылған, 30 йил давомида иккى марта таҳтдан ҳайдалған. (1858 – 1862, 1863 – 1865). Унинг ҳүкмронлық даврида ўзаро урушлар, доимий ҳарбий юришлар, солиқларнинг күпайиши халқ оммасининг ахволини оғирлаштирган ва тез – тез құзғолонлар күтарилишига сабаб бўлған.

"Үткан кунлар" муаллифи Туркистаннинг Россия мустамлакасига айланишида Худоёрхон, амир Музafferхон сингари ҳүкмдорларнинг, "иттифоқ нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир – бирини еб – ичган мансабпарат, дунёпарат ва шуҳратпарат муттаҳамлар"нинг қилмишларини, хато ва жиноятларини жуда теран ҳис қылған ҳолда Худоёрхон образини роман сюжети тизимига киритган, унинг тарихан аниқ тимсолини реалистик тарихий роман принципларига

күра барпо қылган.

Абдулла Қодирий тасвиридаги Худоёрхон – маълум бир ижтимоий муҳит юзага келтирган үзига хос қиёфа ва табиатга эга үлганинг образ. Шахксизликнинг фожиаси, таназзулга юз бурган Ашлат қурилмасининг даҳшатлари бу образ воситасида реалистик писоди кўрсатиб берилган.

А. Қодирий инсонни тасвирилашда ҳалқчиллик принципидан колиб чиқиб Туркистон, Қўқон тарихида машъум роль ййнаган, ҳоплиқдаги элат ва уруғларни бир – бирига қарши қўйиб, давлат инқиrozини тезлаштирган Мусулмонқул образи тасвирида салбий պўёкларни янада қуюқроқ, кес инроқ қўллаган.

Китобхон Мусулмонқулнинг ташқи ва ички – психологик қиёфаси билан асосан муаллиф тавсифи, баҳо ва изоҳлари орқали танишади.

Қодирий тасвиридаги Мусулмонқул – "башарасидаги бурни юзи билан бир қаторда деярли текис яратилган... бир кимса", "чўлтоқ супурги". Бу мухтасар, лекин ўта қуюқ сатирик бўёкли портрет персонажга муаллиф муносабатини очиқ кўрсатиб туриди.

Умуман олганда, "Ўткан кунлар"нинг деярли барча салбий персонажлари жисмоний ноқис, бадбашара, уларнинг ташқи суратининг үзиёқ китобхоннинг нафрати ёхуд нохуш муносабатини қўйиб олади.

Отабекнинг муросасиз душмани ахлоқсиз, хотинбоз Ҳомид "қора чўтири юзли, чағир кўзли, чувоқ соқол... кўримсиз бир киши".

Ҳомиднинг малайи – қотил Содиқ эса "уккининг кўзидек чацтайиб ййнаб ва ёниб турган қизил кўзли, юзига парчиллангандек, юза (пучуқ) бурунли, манглайи қанча ташқарига ўсиб чиқсан бўлса, юзи ўшанча ичкарига кетган, қисқаси, вайтсизроқ яратилиб қолган бир маҳлуқ".

Содиқнинг онаси, Ҳомиднинг ёвуз ишларига кўмакчи жиннат опа портретида қора бўёқлар янам қуюқ ишлатилган: "У ордан бичиб олгандек пак – пакана, бурни юзи билан баравар, лөмрли теп – текис, кўзи қоққан қозиқ ўрнидек чуп – чуқур, оғзи кулаги билан қошиқ солишар даражада жуда катта... даҳшатли, мудҳии бир хотин".

А. Қодирий ўз қаҳрамон ва персонажларининг ташқи қиёфаси, портретига жуда катта ва жиддий вазифа юклайди: севимли қаҳрамон ва персонажлар портретда ёқ ижобийлаштирилади, қаҳрамонлашади, салбий персонажлар суврати эса уларнинг ёвуз ва бадкирдор кишилар эканини тиқиқидлаб туради. Шу тариқа адабий қаҳрамонлар феъл – тийнати, психологияси, ҳатти – ҳаракатларигина эмас, портретлариаро тағловут ва зиддиятлар тазод санъати воситасида бадий акс топади.

Инсон қиёфаси, жисмоний тузилиши билан унинг феъл – сажиаси, психологиясини мутаносиблиқда куриш "асл эпос", фольклорнинг эпик жанрлари – миф, халқ достонлари намуналарига хос муштарак хусусият.

Ҳиндларнинг "Маҳобхорат" асарида, қадимги юнонларнинг Геракл, Язон ҳақидаги мифлари, ўзбек қаҳрамонлик эпоси "Алпомиши"да салбий персонажлар қиёфаси уларнинг аъмоли, феъли каби беўхшов ва манфур.

А. Қодирий жаҳон фольклори, унинг эпик жанрлар тизимида жуда қадимдан мавжуд бўлган тасвирилаш усуllibарини ижодий ўзлаштириб, салбий персонажларнинг ички ва ташқи томонларини бир – бирига мутаносиб тасвир этган.

Бундай мутаносибликнинг аниқ илмий, ҳаётий манбалари мавжуд бўлганини Шарқда "илми қиёфа", Фарбда физиогномика номи билан маълум бўлган фан соҳаси, номаълум муаллифнинг "Қиёфатул – башар", турк олими Иброҳим Ҳаққийнинг "Маърифатнома" каби асаллари тасдиқлайди.

"Ўткан кунлар" салбий персонажларининг мудҳиш қиёфаси уларнинг хатти – ҳаракати, психологик тасвири билан тўлдириб мукаммаллаштириб берилган.

А. Қодирий Мусулмонқулнинг золим ва йиртқиҷлигини аниқ бадиий манзараларда психологик таҳлил давомида қабариқ, аниқ кўрсатган. "Бир ғариби бечора" – Ҳомиднинг Отабек ҳақидаги тухматдан иборат имзосиз хатини ўқир экан, "унинг киприксиз қисиқ кўзларида ўтлар" ёнади, ўрдага олиб келинган қаҳрамонни ҳузурига чақирап экан, "апти ортиқ даҳшатли бир ҳолга" киради.

Салбий персонажнинг бадиий қурилмаси муаллиф тавсифи, портрет, психологик ҳолат тасвиридагина эмас, нутқининг лексик, фонетик, синтактик, стилистик воситалари, ҳаракат ифодаси орқали ҳам юзага келади.

Мусулмонқул индивидуал нутқининг қисқа, аммо аниқ бадиий вазифа юкланган бўлакларидали лисоний унсурлар мажмуида асабийлик, шошқалоқлик, истеҳзо ва нафррат, мустабидларга хос золимлик зоҳир бўлиб турибди.

Мусулмонқулнинг бадиий-психологик тасвирини ташкил этган барча унсур ва бўлаклар романнинг асосий концепциясига кўра бир – бири билан бирлашади, шу зайлда бадиий мукаммал, ўз индивидуал қиёфасига эга шахснинг такрорланмас тимсоли ҳосил бўлади. Буни қуидаги мисолда кўриш мумкин:

Мусулмонқул Ҳомиднинг Ўтаббой қушбеги гүё Отабекдан бир ҳамён олтин олиб жазодан қутқаргани ҳақидаги "мактуб"ини олгач, қушбегини ўлдиритиш учун саройга чақиради. Аммо Ўтаббой келгач, дарров қаҳр – ғазабини сочмайди, "гүё ҳеч нарса

күрмагандек у билан құчоқлашиб" куришади". Гапни айлантириб Үтаббойни тилидан илнитирмоқчи, үзіча "жиноят" ни исботламоқчи бўлади. Шу тариқа муаллифнинг Мусулмонқулга писбатан қўллаган "маккор тулки" ибораси бадий жиҳатдан пухта ша асосли далиллаб берилади.

Муаллиф аниқ тарихий шахс портрети, психологияси, ҳаракатидаги нохуш жиҳатлар билан бирга унинг характерида мавжуд айрим дуруст хусусиятларни ҳам тарихийлик принципига мувофиқ кўрсатишни унутмаган.

Отабекнинг ўлим олдидағи осойишталиги ва жасоратини кўрган "Мусулмонқулнинг юзидағи "бояги аччиғлар ерини бир инқланиш вазияти" олади. "Кулимсираш ичидა": "Дов юрагинг бор экан, йигит... Ҳайфки гуноҳинг бўйнингда", – дейди. Муаллиф романнинг шу эпизодига маҳсус изоҳ бериб, матн остига: "Мусулмонқулнинг ўзи ҳам фавқулодда юраклик эди" деб қайд ўтган ва унинг ўлимни дадил қаршилагани хусусидаги воқеани баён ўтган.

Шу тариқа "хон бўлмаса ҳам хонликдан – да юқори бир кучга молик бўлган сиёsat курсисига ўтирган", "хон ёнидаги ҳоқон" Мусулмонқулнинг тарихан аниқ, реалистик, кўп қирралы, мураккаб образи бунёд бўлади ва роман бадий тимсоллари системасида ўзига хос бир ўринни ишғол этади, даврнинг, мамлакатнинг тарихий шарт-шароити, манзараларини бадий акс эттиришга хизмат қиласи.

"Ўткан кунлар" билан деярли бир вақтда ёзилган "Абулфайзхон" тарихий фожиасидаги ҳукмдор тимсолида Мусулмонқулга хос ўхшаш, муштарак хусусиятлар мавжуд. А. Қодирий ҳам, А.Фитрат ҳам ҳалқчиллик принципидан келиб чиқиб аниқ шахс портретини яратганлар, улардаги энг муҳим хусусиятларни бадий умумлаштиришга муваффақ бўлганлар.

Мустабидника, зулмга асосланган давлат тузумининг ҳалокати, инсониятга, ҳалққа қарши борган шахсларнинг фожиаси "Ўткан кунлар"да ҳам, "Абулфайзхон"да ҳам прототипли персонажларнинг бадий образи орқали очиб берилган.

* Қодирий А. Ўтган кунлар. Мехробдан чаён. Тошкент: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 119 – бет.

1.3. "Алпомиш" ва "Ўткан кунлар"*

Буюк ижодкор ва инсонпарвар, янги романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи феноменини чуқурроқ англаш учун бу бадий матн структураси асосини юзага келтирган айрим адабий – маданий манбалар ҳақида ҳам фикр юритиш керак бўлади.

"Ўткан кунлар" романининг бадий – генетик манбаларидан бири "Алпомиш" эпосидир.

"Алпомиш" туркий этносга мансуб барча халқларнинг, хусусан, ўзбек халқининг бадий тафаккури тараққиётига сезиларли таъсир ўтказиб келган. Бу фикр исботини эпосимизнинг гултожи "Алпомиш" ва жаҳон халқлари романчилиги олтинчи мактабининг дастлабки намунаси сифатида дунёга келган, биринчи ўзбек романи, улуғ адаб Абдулла Қодирийнинг шоҳ асари "Ўткан кунлар"ни қиёсий – типологик таҳлил қилиш жараёнида равшан кўриш мумкин. Зоро, ҳар иккали йирик эпик асар сюжет, композиция, қаҳрамон муаммосини ҳал қилиш, бадий фикр ва бадий ғоя талқинлари жиҳатларидан қатор фарқли ва муштарак хусусиятларга эга.

"Алпомиш" – оғзаки, "Ўткан кунлар" – ёзма адабиёт намунаси. Бадий онгнинг икки шаклига хос муайян тафовутли жиҳатлар уларни бир-биридан фарқлаб, ажратиб туради.

"Алпомиш" эпик турнинг достон шаклидаги эпос, "Ўткан кунлар" эса роман жанрига мансуб, "Алпомиш"да, М. М. Бахтин иборалари билан айттанди, "мутлоқ ўтмиш", "Ўткан кунлар"да "яқин ўтмиш" ифода топган. Ўзбекларнинг миллий эпоси романтизм, А. Қодирийнинг ilk романи эса реализм адабиёти намунаси, ҳар иккала асарнинг ҳам ўз бетакрор мустақил сюжети, композицияси ва қаҳрамонлари мавжуд.

Шундай фарқ – тақиғатларга қарамай, ҳар икки асарнинг бадий қурилмасини, концепциясини, сюжетининг айрим тармоқларини, қаҳрамонларини ўзаро яқинлаштириб, туаштириб турадиган аломатлар, белги ва хусусиятлар ҳам анчагина. Бу тасодифий бўлмай, балки улкан бадий истеъоддога эга Абдулла Қодирий бадий-фалсафий дунёқарashi кўлами, илдизлари, адабий-маданий манбалари билан изоҳланади.

Аёнки, ҳар бир буюк бадий асар инсоният яратган маданий-маърифий бойликлар, тажриба ва ютуқларни ўқиб-ўзлаштириш, қайта ишлаш ва ривожлантириш маҳсули сифатида юзага келади. "Ўткан кунлар" бу қонуниятдан мустасно эмас. Унинг

* Ушбу фасл проф. О. Сафаров томонидан таҳрир қилинган.

муаллифи жаҳоннинг ўзигача мавжуд бўлган асосий маданий – падабий заҳираларидағи эътиборли асарларни пухта, чуқур ўргангандаги бадиий тажриба ва усусларни ўзлаштирган эди. Бу ҳол "Ўткан кунлар"нинг генетик-шажара вий тармоқлари ва манбалари барча туркий, форс-тоҷик, ҳинд ва араб халқлари фольклори, Шарқ мумтоз эпик ва лиро-эпик адабиёти, Фарб романчилиги мактаблари чашмаларидан сув ичган. Буларгина эмас, биринчи ўзбек романни феноменини юзага келтирган тагзамин сифатида Шарқ фалсафий таълимотлари, айниқса, тасаввуф, ахлоқ ва истетика, тарих ва ижтимоий-иқтисодий тафаккури ҳам муҳим омил бўлган.

Роман, хусусан, унинг тарихий роман куриниши фольклорнинг эпопея (эпос) жанри билан чамбарчас боғлиқ. М. Йаҳтин "Роман ва эпос" тадқиқотида ёзганидай, йирик эпик шакл генетик-тарихий жиҳатдан бевосита эпопеяга бориб уланади. Бу фикрнинг тўғрилигини наинки ўзбек, балки бутун Марказий Осиё (Туркистон) халқлари адабиётларида тўнгич роман бўлган "Ўткан кунлар"ни жаҳон эпосининг нодир намуналари "Маҳобхорат", "Рамаяна", "Илиада", "Одиссея", "Минг бир кечা", "Манас", "Алпомиш", "Шарёр ҳақида қисса", "Дада Курқут китоби" ва бошқалар билан солиширганда янада яқъолроқ тасаввур қилиш мумкин.

Бундай чоғиштириши хориждаги тадқиқотчилар ҳам амалга оширганлар. Чунончи, Баҳодир Каримнинг шаҳодатича, бундай кузатишлар америкалик адабиётшунос Христофор Майкл Мурфи ва олмон олимаси Зигрид Клейнмихел хонимларнинг тадқиқотларида мавжуд. X. Мурфи Вашингтон университетида 1980 йилда ёқлаган "Абдулла Қодирий тарихий романларининг илк ўзбек адабий анъаналарига алоқаси" ("The Relationship of Abdulla Qodiriy's Historical Novels to the Earliest Uzbek Literary Traditions") мавзусидаги докторлик диссертациясининг "Ўзбекларнинг классик исломий адабиёти ва фольклор анъаналарида ҳикояни баён этиш шакллари" деб аталувчи маҳсус тұртингчи бобида шу хусусда фикр юритди. У роман таркиби ва баён услубини "Алпомиш" ва "Кунтуғмиш" сингари халқ достонларига қиёслаб, тубандаги мисолларни келтиради:

"Ўткан кунлар" – "Энди биз ташқари ҳовлини қўйиб, меҳмонхонанинг ёнидан ичкари кирамиз...";

"Алпомиш" – "Энди сўзни Алпомишдан эшитинг";

"Кунтуғмиш" – "Энди гапни Кунтуғмишдан эшитинг".

Булар асар фаслларини узвий боғланишга ҳам кўмак беради" (Қаранг: Баҳодир Карим. Қодирий қадри. Т., А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003, 70 – 71 – бет).

З. Клейнмихел хоним ҳам 1993 йилда чоп этилган "Шарқона

ёзиш анъанасининг ривожланиши. 1910 – 1934 йиллар ўзбек драмаси ва насрий асарлар тадқики» китобининг «Туркистон ҳаётидан Абдулла Қодирйининг икки романи» деб атаган маҳсус бўлимида бу масалага даҳл қиласкан, «Ўткан кунлар»да «Қора Ҳомид» устидан қозонилган ғалаба эртакларда учрайдигапн баҳтли ечимни эслатишини таъкидлашни лозим топади (Каранг: Баҳодир Карим, ўша асар, 78 – 79 – бетлар). Бинобарин, шу мулоҳазаларнинг ўзидаёқ «Алпомиш» эпоси билан «Ўткан кунлар» романи ўртасида муҳим генетик-типологик муносабатлар борлигини ва уларнинг қиёсий-типологик хусусиятларини ойдинлаштиришни тақозо этади.

Эпопея (эпос) сингари роман, айниқса, унинг тарихий роман кўринишида ҳалқ, миллат, инсоният ҳаётининг фоят муҳим тараққиёт ёхуд таназзул босқичлари бадиий ифода топади, эл-улус генезиси, жаҳон майдонида ўз ўрнини, қадр-қимматини топиши акс этади.

Жаҳон мумтоз эпосининг асосий типологик ва бадиий-эстетик хусусиятларини ўз бадиий қурилмасида тажассум этган "Алпомиш" достонининг фалсафий-ижтимоий концепцияси марказида туркий уруглар, қабилаларни бирлаштириш фояси туради. Бош қаҳрамон (Ҳакимбек)нинг туғилиши, фавқудодда куч – файрати, қалмоқ юртига сафари, ишқ йўлида кураш-уринишлари барча – барчаси шу мумтоз бадиий фикрни чуқурлаштириш, кенгайтириш, мустаҳкамлаш ва рӯёбга чиқариш мақсадларига йўналтирилган.

"Ўткан кунлар" бадиий-фалсафий концептуал қурилмаси меҳварида эса феодал-патриархал тарқоқлик, бошбошдоқлик асоратларини бошдан кечириб, ўз мустақиллигини, эрк – озодлигини қўлдан бой бериш арафасида турган ҳалқ фожиалари, қолаверса, шу фожиаларни англаш сари юз бериб уйғона бошлаган "қаҳрамонона рұх" (Гегель ибораси) ифодаланган. Ҳалқ эпоси ва миллий роман бадиий концепцияларидағи бундай муштаракликнинг сабаблари, бизнингча, қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, эпик турнинг икки бадиий шакли санаувчи зопея ва роман муайян тафовутли жиҳатлари борлигида қарамай, бир-бири билан генетик-шажаравий, тарихий нуқтаи назардан ягона бир манбага бориб туташади: роман бадиий жанр сифатида эпос (эпопеядан) ўсиб чиқсан, унинг бевосита давоми. Роман эпоснинг бадиий тажрибаларини, ютуқларини, бадиий восита ва принципларини ижодий ўзлаштириб, янги маданий муҳит ва даврнинг муҳим хусусиятларини ўз бадиий оламига мужассамлаштирган ҳолда юзага келади ва ривожланади. "Ўткан кунлар"да нафақат "Алпомиш" достони, балки умуман жаҳон эпопеясига хос тасвир кўлами, тафаккур тарзи эпик кенглиқ ва

теранликнинг ижодий ва ижобий таъсирини ҳам, инъикосини ҳам кузатиш мумкин.

Иккинчидан, Абдулла Қодирий йирик ҳажмли бадиий асар яратаркан, ўз олдига бир ё икки инсонни, уларнинг оиласавий қиётини ёинки саргузаштларинигина эмас, балки бир тарихий даврдан бошқасига қадам қўйётган халқ тақдири, ўтмиши, бутунги ил истиқболини бадиий ифода этишдек улкан бир бадиий вазифани қўйган эдики, бу мақсадни амалга оширишда унга эпос тажрибаси, ижодий-эстетик умда (принцип)лари кўпроқ қўл келганлиги рад этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Учинчидан, Шарқ, хусусан, ўзбек оғзаки ва ёзма эпик адабиётида эпос ютуқларини истифода этиш ўзига хос анъана гусини олганлиги ҳам бундай бадиий муштаракликни белгилаб берганлигини таъкидлаш жоиз. Муаллифнинг ўзи ҳам романнинг бошланишида "Фарҳод ва Ширин", "Баҳром гўр" сингари исарларни беҳуда эслатиб ўтмаган, албатта. Бинобарин, "Алпомиш" ва "Ўткан кунлар" қаҳрамонлариаро яқинлик ва муштаракликнинг омиллари ҳам худди шу юқорида эслатилган сабаблар билан итоҳланади.

Қаҳрамонлар характеристи, бадиий суврати, фаолияти, кечмиши ва тақдиридаги алоқа-боғланишлар, аввало иккала эпик исар концептуал тизимидағи умумий ғояга бориб тақалади. Чунончи, уларнинг марказий образларидағи баъзи бир "ташқи" ва "ички" ўхшашликларни назардан ўтказайлик:

"Алпомиш"нинг етакчи қаҳрамонининг асл исми – Ҳакимбек, "Ўткан кунлар"да эса – Отабек. Қаҳрамонлар номида "Оек" сузининг борлиги, юзаки қараганда шунчаки бир тасодифий кўриниса – да, аслида бу ҳодисанинг чуқур маъноси бор, қолаверса, бунинг иккала асарнинг поэтикаси ва жанрий (эпос) талабларидан келиб чиқиб изоҳланадиган сабаблари мавжуд.

Эпоснинг жанрий хусусиятга кўра мамлакат, давлат, халқ, инсоният, коинот миқёсидағи воқеа – ҳодисаларни, тарихий – ижтимоий ўзгариш ва эврилишларни ўз бадиий оламида инъикос штиргани боис унинг марказида шу ҳодиса ва ўзгаришларни бонқарувчи ҳукмдор ёки саркардалар туради. Бундай шахслар тўғрири, ҳаракат ва тафаккур ҳудуди орқали улкан тарихий даврни ҳам, шу даврга хос ғоят зарур қонуният ва тамойилларни ҳам кўрсатиш, бадиий ифода этиш мумкин бўлади.

Абдулла Қодирий эпосга хос ана шу анъанага ижодий ғиданиши эвазига ўз қаҳрамонининг халқона руҳи ва салобатини асослаган. Фақат номдагина эмас, ҳар икки эпик қаҳрамоннинг исса наасаби, ижтимоий келиб чиқишида ҳам айрим яқинликлар бор. Ҳакимбек ҳам, Отабек ҳам давлат, жамият, халқ (уруг, қабила) бонқарувига алоқадор кишиларнинг фарзандлари. Тўғри, роман

қаҳрамони Отабек Алпомишдай "шоҳ"нинг ўғли эмас. Аммо унинг отаси Юсуфбек ҳожи ҳам мамлакат сиёсий ҳаётига аралашадиган, ҳукмдорлар сингари давлат миқёсида фикрлайдиган шахс. Бу образда муаллиф Шарқ эпик адабиётида кенг тарқалган адолатли подшоҳга хос айрим сифат-хусусиятларни мужассамлаштирган. Буни Юсуфбек ҳожининг Туркистон тарихи, тақдири, фожиаларига оид фикр-қарашларидан билиш мумкин. Адолатли шоҳ идеали Шарқ оғзаки ва ёзма эпик адабиёти намуналарида асрлар давомида бадиий тажассум топиб келган. Арабларнинг "Минг бир кеч", ҳиндларнинг "Маҳобхорат", "Панчатаантра", Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадғу билиг", Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин", "Сади Искандарий" сингари асарларида давлат, ҳалқ, инсоният ҳаёти ва тақдирида ҳукмрон шахснинг ўрни, вазифалари, бурчи ва масъулияти муайян бир қаҳрамонлар ҳаракати, тафаккур тарзи тасвири орқали акс этган.

"Алпомиш" эпосига келганда эса шуни айтиш ўринлидирки, унда мумтоз эпик асарлардан фарқли равища мукаммал давлатбоши тимсоли эмас, балки шакланаётган, сиёсий, ҳарбий, ижтимоий саҳнада ўз ўрнини топишга уринаётган ривожланиб борувчи, башариятнинг ахлоқий-таълимий, маънавий-маданий, фалсафий-тариҳий сарчашмаларида куч-қувват олиб камолот сари кўтарилаётган инсоннинг жисмоний, руҳий тадрижи бадиий ифода этилган. Мухтасар қилиб айтганда, "Алпомиш"нинг бош қаҳрамони жаҳон ҳалқларининг бой тарихида марказий ўрин эгаллаган туркйларнинг комил давлат арбоби ҳақида орзу-тилакларининг, фалсафий дунёқарашининг бадиий тажассумидир.

Абдулла Қодирий ўз романининг бадиий концепциясига мувофиқ равища тарих, бадиий адабиёт тажриба ва анъаналарига суюнган ҳолда адолатли ҳукмдор ғоя-идеяларини сингдириб ифодалашга эришган. Бу бажиий вазифани амалга ошириш муаллиф учун осон кечмаган, албатта. Чунки тарихнинг аниқ бир босқичи (XIX асрнинг урталари) ифода этилган романда давлат тепасида оқил ва инсофли арбоб эмас, тарихий манбаларда эътироф этилганда, иродаси заиф, уқувсиз хон турар эди. Тарих ҳақиқатига содиқ ижодкор романнинг бадиий тизимиға киритилган Худоёрхон образида адолатли подшоҳ ҳақидағи қарашларнинг зиддини кўради ва уни шу зайдада тасвирлайди. Шу тасвирдаёқ зукко ва серғайрат йўл тутишидан иборат қўхна ҳақиқат инъикосини куриш мумкин. Аниқроқ қилиб айтганда, - ҳатто роман матнидаги Худоёрхон образида ҳам тазод бадиий усули воситасида муруvvватли шоҳ хусусидағи қараш ва идеаллар ифодаланганди. Бундай бадиий усул "Хамса"да Баҳром гўр ҳақидағи достонда қўлланганлигини эслатиш

жоиз.

Бундан ташқари, бу бадиий идеал юқорида эслатилган мұаллифнинг фалсафий-ижтимоий қарашлари тажассуми бўлмиш Юсуфбек ҳожи, шунингдек, марказий образ Отабек характери, тифаккур ва фаолияти зуҳуротига айланган.

"Алпомиш" ва "Үткан күнлар" муштараклигининг "ташқи" белгиларидан яна бири – оиласын ягона ўғил ва қиз тасвирида куринади. Ҳакимбек – Бойбuri, Отабек – Юсуфбек ҳожи қопадонларидағи бирдан-бир ўғилдир. Тұғри, Құнғирот юрти шохининг яна бир қизи Қалдирғоч ойим ҳам бор. Бойсари қопадонидан туғилган Барчи. эса нафақат яккаю ягона қиз, балки Оиргина фарзанд ҳам. Бизнингча, Шарқ адабиёти намуналари (мотив, эртак)да тез – тез учраб турадиган ёлғиз зурриёд мотиви "Үткан күнлар"да ҳам истифода этилғанлыги асло тасодифий эмас. Бу мотив роман бадиий-фалсафий концепциясини юзага чиқаришига, асар драматизми ва фожеавий руҳини кучайтиришига, пурғиришига хизмат қилган. Чиндан ҳам романдағи воқеа тизими, өдийи зиддияти, ечим күп жиҳатдан шу омилга боғлиқ. Ота-она үчүн бирдан-бир "умид нишонаси" бўлган Кумушнинг үлеми, ёлғиз унил Отабекнинг үрис босқинчиларига қарши жиҳоди акбарда Мардана шаҳид бўлиши асарнинг асосий бадиий концепцияси – Гуркистон тарқоқлиги ва давлат қурилмасининг инқирози масаласини кучайтиришига йўналтирилган.

Яна шундай "ташқи" муштарак белгилардан бири "Алпомиш"даги Ҳакимбекнинг ҳам, "Үткан күнлар"даги Отабекнинг ҳам яккаю ягона ўғиллари бор бўлиб, уларнинг ҳар иккисининг ҳам Ёдгор дея номланганликларида кўзга ташланади. Ўқимол, буни тасодифий ўхшашликка йўйгувчилар топилар. Аниқи аслида бу тасодифда А. Қодирий туркий этноснинг, хусусан, Ұзбекларнинг отадан ё онадан ёдгор бўлиб ёргу дунёга келганларга Шундай ном қўйиш эътиқодига амал қилганини, қолаверса, шу аниқнани ифодалаган ҳалқимизнинг ноёб бадиий дурдонасига ўтиром кўргазганини, энг муҳими эса "Алпомиш" ва "Үткан күнлар" асарлари етакчи концепциялариаро жипс боғланиш – қароқалар таъсирини ҳам сезиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, "Алпомиш" ва "Үткан күнлар"ни бир-бирига яқинлаштирган, уларнинг ўзаро адабий – өдийи муштараклигини таъмин этган бош омил концептуал таржомининг бирлигига аён куринади. Хусусан, "Алпомиш"да Қулинига уруғ-қабилаларни бирлаштириш, уларни ягона этнос Амирасига йиғишиғояси бўртиб, ажralиб туради. Бош қаҳрамоннинг Қалмоқ юртига сафари, тўқсон алп билан беллашуви, зафар қучиб Наринни ўз юртига олиб қайтиши эпос концепциясида фақат ишқ-тапи и етакчи мотив бўлиб қолмай, балки тарқоқ элатни асл маконига

келажагининг устивор масалалари, тамойиллари, қонуниятларини қаҳрамон, персонажлар тимсолида мужассамлаштириш, психологик таҳдилнинг изчиллиги, теранлиги, ўтмишга, унинг бурилиш нұқталарига, тарихий шахслар ва улкан ҳодисаларга умуминсоний қараш ва идеаллар асосида ёндашиш, ижтимоий (давлат қурилмаси), индивидуал (айрим шахсдаги) ёвузликни инкор этиш кабиларда күринади.

Л. Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" роман-эпопеяси – "янги давр эпопеяси", А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар"и – жаҳон адабиётидаги "олтинчи романчилик мактаби"нинг биринчи намунаси.

Л. Толстойнинг роман-эпопеяси, А. Қодирийнинг ilk тарихий романи жаҳон эпик адабиётида жиҳдий бурилиш ясаган, бадиий кашфиёт, фавқулодда адабий ҳодиса сифатида бадиий тафаккурни юксалтирган, уни янги поғонага кўтарган асарлар бўлди.

Ҳаёт тараққиёти, ҳаракатдаги инсон Л. Толстойнинг ҳам, А. Қодирийнинг ҳам доимий диққат марказида бўлган. Инсон ва жамият, шахс ва муҳитнинг мураккаб, зиддиятли, кўп қиррали муносабатлари, ички, ташки алоқалари, диалектикаси уларнинг ийрик эпик асарлари, айниқса, "Уруш ва тинчлик", "Ўткан кунлар"да ҳар томонлама бадиий далилланган, фалсафий теранлиқда тасвирланган.

Тарих, унинг муайян босқичлари, улар орасидаги ижтимоий, ахлоқий алоқадорлик, мозий ва замоннинг туб, муштарак масалалари Л. Толстойнинг ҳам, А. Қодирийнинг ҳам бадиий дунёқарашида етакчи ўринда туради. Тарихдан, унинг улуғ ва фожиавий ҳодисаларидан жамиятнинг, инсониятнинг "истиқболи тоғаси"ни излаш икки ийрик санъаткор бадиий оламини ўзаро боғлаб, туаштириб туради.

"Уруш ва тинчлик" Россияда крепостной ҳуқуқ бекор қилингандан сўнг, "Ўткан кунлар" Туркистанда "совет ҳокимияти ўрнатилган"дан кейин ёзилган. Давлат тузуми, ижтимоий – иқтисодий ҳаётдаги жиҳдий бурйлиш, ислоҳотчилик, инқилобчилик жараёни икки адаб эпик ижодида, бадиий-фалсафий оламида акс этган.

Халқ, халқчиллик, умуминсоний қараш ва идеаллар "Уруш ва тинчлик" роман-эпопеясининг ҳам, "Ўткан кунлар" романининг ҳам бош концепциясини белгилаб, тайинлаб берган.

"Уруш ва тинчлик", "Ўткан кунлар"да тарихнинг улкан, оламшумул аҳамиятга молик ҳодисалари умуминсоний қарашлар, "яхшилик" ва "ёвузлик" орасидаги муттасил, абадий кураш тасвири орқали ифода этилган.

Икки асарда ҳам мозийнинг кенг, мураккаб манзаралари,

улкни фалсафий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий масалалар айрим биллар тасвири орқали намоён бўлган. "Уруш ва тинчлик"да княз Балконский, граф Ростов, граф Безухов, "Ўткан кунлар"да Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим қутидор, уста Олим оиласи ҳисмати оиласи жамиятнинг ахлоқий-маънавий қиёфаси, миллий онг дарражаси акс этган.

"Уруш ва тинчлик" роман-эпопеясининг асосий қаҳрамонлари учун Л. Толстойнинг ўз оила аъзолари, аждоди нақиллари прототип бўлиб хизмат қилгани маълум. Шунингдек, Андрей Балконский, ёш Николай Ростов, Пьер Безухов образларида Лев Толстой таржимаи ҳолиниң айрим қирралари, характерининг муҳим жиҳатлари акс этган.

"Ўткан кунлар"даги қаҳрамон ва персонажлар образи учун А. Қодирий оиласи аъзолари, баъзи қариндошлари асос бўлганини адабининг ўзи ўғли Ҳабибулло билан сұхбатида эътироф этган*.

Булардан ташқари, Л. Толстой ва А. Қодирий романларида ишлар қанча ўхшаш томонлар борки, бундай ўхшашликлар улар ишодининг "XIX асар бошларида пайдо бўлган янги даҳо" (Ієлинский фикри) – Вальтер Скотт романлари билан мунтажаклигини кўрсатиши билан аҳамиятлидир.

В. Скоттнинг "Уэверли" романи шотланд адабининг ылдамига мансуб биринчи роман, аниқроқ айтганда, биринчи тарихий романдир. "Тадқиқотчилар" бу романнинг воқеалари нақтини белгилар эканлар, яқоллик учун Вальтер Скоттни Толстойни қиёслайдилар: "Уэверли"да "Уруш ва тинчлик"дагидай асар притчилиш пайти ва тасвирланган воқеа пайти оралиги 50 – 60 йилни ташкил этган**. Шунингдек, "Уруш ва тинчлик" ҳам Толстой ишодида биринчи ва ягона роман – эпопея.

Энди худди шу нуқтаи назардан "Ўткан кунлар" романини кўрши чиқайлик. Роман яратилган вақт билан унда тасвирланган дарбораси 60 – 70 йилни ташкил этади.

Бу "ташқи" ўхшаш аломатлардан ташқари В. Скотт, Л. Толстой ва А. Қодирий романларини бир-бирига боғлаб турувчи ишлар муштарак хусусият мавжуд. Бу хусусият учала асарда ҳам миллий озодлик руҳининг бадиий инъикос топишида куринади. "Уэверли"да шотландияликларнинг Британия мустамлакачилигига, "Уруш ва тинчлик"да рус ҳалқининг Наполеон босқинига, "Ўткан кунлар"да Туркистоннинг чор империясига қарши кураши

* Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. Тошкент: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ширинети, 1983. 96-бет.

** Уриш А. М. "Сам Вальтер Скотт" или "Волшебный вымысел". – В. Скотт. Собрание сочинений, в восьми томах. Т. 1. М.: Правда, 1990. С. 400

омиллари тасвир этилган.

Тарихий материалга муносабат, тарихий факт, тарихий тафсилот, тарихий давр тавсифи, тарихий шахслар тасвирида ҳам учала санъаткор ижодида муайян яқинлик мавжудки, бу Д. Дюришиннинг "ягона умумабадий жараён" ҳақидаги таълимотининг ҳаққонийлигини очиқ – равшан кўрсатиб турибди.

В. Скоттнинг "Уэверли", "Айвенго", "Квентин Дорвард" ва бошқа романларида Шотландия, Англия, Франция ўтмишининг улкан воқеалари тўқима қаҳрамоннинг саргузашлари, тақдирни, қалб кечинмалари орқали ифодаланади. Тарихий воқеа, тарихий шахслар айрим бадиий лавҳа (эпизод)лардагина ифода этилади. Сиртдан қараганда, мозий воқеалари иккинчи даражали аҳамиятга моликдай кўринади. Аммо аслида бадиий матндан бундай тарихий ҳодиса ва тарихий шахслар тасвири тўқима қаҳрамон ва персонажлар ҳаракати, бадиий тўқима унсурлари билан қўшилиб – бирикиб, ўтмишининг кенг ва мураккаб манзарасини юзага келтиради, китобхоннинг мозий ҳақидаги таассуротларини ойдинлаштира олади, муаррих нигоҳидан одатда четда қолиб кетадиган нуқталарни илғашга ёрдам беради. Муаррих Тъеррининг ёзишича, В. Скоттнинг тарихий романлари юзага келгач, тарихчилар ҳам ўтмиш воқеаларни шотланд адиби услуби, ифода тарзига монанд баён этишга киришадилар ва энди уларнинг асарлари муваффақият қозона бошлади*.

Мана шу фактнинг ўзиёқ В. Скоттнинг романларида тарих асосий, бирламчи ўрин туттганлигини кўрсатиб турибди.

Шотланд ёзувчисининг ўзига хос бир қанча тарихий – бадиий хусусиятларга эга бўлган асарлари бир бадиий ҳудуд доирасини босиб ўтди ва жаҳон адабиётидаги "Вальтер Скотт романи" деб юритиладиган ҳодисани вужудга келтириди.

А. Пушкіннинг "Капитан қизи", Л. Толстойнинг "Уруш ва тинчлик", Ж. Зайдоннинг "Ўн еттинчи рамазон", "Арманиса" ва ниҳоят А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" асарлари "Вальтер Скотт роман"ларирид.

"Вальтер Скотт романи" жаҳон сўз санъатидан мустаҳкам ўрин олди, кўплаб миллий адабиётларга кириб келди, ҳар бир даврнинг поэтик-бадиий талаблари, адабий оқим ва методарнинг принципларига мослашди, анча олис тадрижий йўлни босиб ўтди. Бу роман типи Fарб адабиётида ҳам, Шарқ адабиётида ҳам мавжуд.

А. Қодирий, В. Скоттнинг романчилик тажрибасидан фақат Ж. Зайдон ижоди орқалигина эмас, рус адабиёти, аслиятдан русчага

* Ўша асар 31-32-бетлар.

Үгирмалар орқали ҳам хабардор бўлган.

"Ўткан кунлар" ва Вальтер Скоттнинг айрим тарихий романлари матнини қиёсий таҳлил этиш Абдулла Қодирий шотланд романнависининг асосий асарлари билан русча үгирмалар орқали тинишган дейишга имкон беради.

А. Қодирий рус-тузем мактабида ўқиган, русча илдоштлардан бир қанчасини ўзбек тилига үтирган. Рус тилида мажбууд бўлган асарларни муттасил ўқиб борган. Бу эса ўн тўқизинчи асрнинг биринчи чорагидаёқ Россияда асарлари кенг тириклиган В. Скотт тарихий романларидан ўзбек адаби яхши илбордор бўлган, деган фикрга селишга асос беради.

Диониз Дюришин умумадабий жараён таҳлилига багишланган тадқиқотида "шажаравий алоқа муносабатлари"нинг ярнисийлик механизми қўйидаги воситалар орқали юзага колишини кўрсатган: публицистика, адабий танқид, илдоштшунослик, китобхон идроки шакллари, таржима...¹.

Словак олимни таклиф қилган "шажаравий алоқа муносабатлари"га оид таснифга асосланадиган бўлсак, А. Қодирий Н. Скоттнинг шахси, адабий мероси, таржимаи ҳоли, ижодининг пидий-поэтик хусусиятлари орқали энг аввало рус публицистикаси, адабий танқиди, адабиётшунослиги ва адаби ярларининг русча үгирмалари орқали огоҳ бўлиб борган.

Вальтер Скотт тарихий романларидаги айрим бадиий усул ("приём")лар Қодирийнинг "Ўткан кунлар", "Мехробдан чаён" ярларида куринади.

Вальтер Скотт "Квентин Дорвард" романига ёзган сўзнида тасвиirlанаётган давр тавсифини беради, тарихий вақт (XV йири), давлат тузуми (феодал қурилма), ўша давр одамларининг хулқ-яшори (рицарлик руҳи, шахсий манфаатда ўз бахтини кўрган дағал ишчилор)га тўхталади.

Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар"и ҳам "Сўз боши" ишчил бошланган. Бу асарда ҳам тарихий давр ва унинг ижтимоий ишчилари аниқ белгиланган (мозий, "Яқин ўткан кунлар", тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги "хон ишонлари"). Лекин А. Қодирий Вальтер Скоттдан фарқли равища тарихий даврнинг кенг тавсифи, тарихий шахслар суврати, феъл — яшорини "Сўз боши"да ҳам, романнинг илк обобида ҳам бермайди. "Квентин Дорвард"нинг I — обоби эса бошдан оёқ Франция қироли Альфонс XI (1423—1483) шахси, даври ҳақида тарихий ишчумотлардан иборат. Шотланд адабининг ўзи "Уэверли"га ёзган

¹ Диониз Дюришин и коллектив. Систематика межлитературного процесса. Препринт: Веда, 1988. С. 36.

изоҳида асар бошида келтирилган тарихий маълумотлар, оила хроникалари китобхонларни зериктириши мумкинлигини эътироф этган эди. "Ўткан кунлар" романида ҳам Вальтер Скотт асарларидағи каби тарихий давр тавсифи бор. Қодирий китобхонни мана шу маълумотларга олдинроқ тайёрлаб, уни зериктирмайдиган йўсинда тарихий давр тавсифини чизади. "Ўткан кунлар"даги III бўлимнинг биринчи боби ана шундай тавсиф билан бошланган ("Мусулмонқул истибодига хотима"). Бу бобгача китобхон Мусулмонқул, Худоёрхон, Нормуҳаммад қушбеги каби тарихий шахсларнинг суврати, сажияси, тарихий жараёнлардаги ўрни билан танишган. Шу боисдан бу боб ўқувчига оғирлик қилмайди, аксинча, романда акс этган давр моҳиятини чуқурроқ, яққолроқ тушунишга ёрдам беради.

Шу фикрнинг ўзиёқ А. Қодирий "Вальтер Скотт романи"га ижодий – эркин муносабатда бўлганини, уни сифат жиҳатдан янгилаганини, романнинг жанр сифатида ўсиб-узгариб, шакланиб боришини ижод тажрибасида исботлаганини кўрсатиб турибди.

Ойбек "Абдулла Қодирийнинг ижодий йули" рисоласида "Ўткан кунлар"даги бундай тарихий тавсифларнинг берилишини маъқулламайди. Унинг ёзишича, асарда "тарихийлик кўпинча фақат чиройли хроника" характеристида берилади.

"... Бадиий яратувчанлик, яъни тарихни бадиий тушуниш ўрнини тавсифлаш олади..."

Ёзувчи тарихий фактларнинг бадиий хроникасини беради. Тарихий воқеалар ичида ўқувчи ҳар вақт айрим шахсларнинг мушоҳадаси, тарихнинг негизини бадиий образларда очмайди".

Гарчи рисола муаллифи "романда тарихий фактлар қонсиз тавсифланмайди" деб, бу фикрини айрим мисоллар орқали исботлаб берса-да, умуман олганда, "Ўткан кунлар"да тарихий факт, тарихий маълумот, давр тавсифи тасвирини маъқулламаган. Бу кенроқ қарабанда нафақат "Ўткан кунлар", шунингдек, "Вальтер Скотт роман"ини инкор этишга олиб келган. Ҳолбуки, бундай роман типи XIX – XX асрларда жаҳон насирида кенг тарқалган, миллионлаб муҳлисларига эга эди.

Умуман олганда, Ойбекнинг тадқиқотида бадиий асарга бўлган сиёсий-партийвий муносабат яққол кўриниб турибди. Аммо унинг "Ўткан кунлар"га тарихий роман сифатида берган баҳосида кўпроқ назарий-поэтик қарашларнинг акси сезилади. Гап шундаки, Ойбек жаҳон адабиётида вужудга келган ва шаклланаётган тарихий романнинг иккинчи (тарихий-биографик) типи асосида фикр юритган ва "Ўткан кунлар", кенроқ олганда, "Вальтер Скотт роман"ларига мазкур роман кўринишига асосланиб баҳо берган.

Тарихий романнинг бундай типида воқеа тизимида тарихий

иоқеа ёки тарихий шахс образи марказий ўрин тутади, асар марказида одатда аниқ шахс тимсоли туради, "ҳар бир воқеа, ҳар бир картина, деталь" (Ойбек) тарихий материал асосида ташкил топади ёхуд унинг моҳиятидан келиб чиқади, аниқроқ айтганда, құжжатлилікка асосий эътибор берилади. Ойбек сұzlари билан айтганда, тарихий воқеалар романнинг бадий түқимасининг узвий қисмини ташкил этади. "Ўзаро урушларда, құзғолонларда қаҳрамонлар бевосита иштирок этади", қаҳрамонларнинг чинакам тақдиди мана шундай саҳналарда белгиланади*.

"Вальтер Скотт романи"нинг Фарбу Шарқ насрига таъсири шу даражада эдикі, ҳатто б, роман типини инкор эттан, "янги тарихий роман"га хайрихоқ бўлган Ойбекнинг узи ҳам ижодида шу таъсирини бошдан кечирган. Унинг биринчи йирик эпик асари "Қутлуғ қон"да "Вальтер Скотт руҳи" кўпроқ намоён бўлган: тарихий давр түқима қаҳрамон фаолияти орқали инкишоф этилади, улкан тарихий воқелар (жаҳон уруши, миллий озодлик қўзғолони) матн ортида ва айрим эпизодларда ифода қилинган. Факат "Навоий" романига келиб ёзувчи тарихий романнинг иккинчи – чиги типини тұла бадий ўзлаштириш ва "Вальтер Скотт роман"ини "четлаб" ўтишга муваффақ бўлди.

В. Скотт ва А. Қодирий ижодида айрим бадий усуллардан фойдаланишда ҳам муштараклик бор. Масалан, "Квентин Дорвард" муаллифи ўз романини "сир сақлаш" приёмини қўллаш билан бошлаган. Тоғли Шотландиядан Францияга омад излаб келган ёш ва жасур йигит бу ерда эл қатори кийинган шаҳарлик кишини учратади ва бу одам савдогар бўлса керак деб ўйлади. Орадан анча нақт утиб, тоғасининг ёрдами билан қиролнинг шахсий гвардиясига ишга ўтгач, саройда "ұша одам"ни кўради ва унинг Франция қироли Людовик XI эканини билади. "Сир сақлаш" усули китобхонни қизиқтириш, уни воқеа тизимиға тезроқ жалб этишга хизмат қылган.

Бундай бадий усулни Абдулла Қодирий ҳам ўз тарихий романларida жуда ўринли, маҳорат билан қўллаган. Бу ҳақда М. Құшжонов шундай ёзади: "Ўткан кунлар"да асарнинг бошланишидаётк қўзга ташланадиган ёзувчининг ўзига хос услуби: тасвирда воқеаларнинг маълум бир томонини сир сақлашдир. Бирор воқеа ё рўй берган, ё рўй бераётир ва ёки рўй бермоқчи. Буни китобхон яхши сезиб туради. Аммо ёзувчи бу воқеа билан китобхонни дарров таништира қолмай сир сақлайди. Баъзан

*Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. 14-том. Тошкент: Фан, 1979. 126-127-бетлар.

воқеанинг моҳиятини яширади. Аммо ҳали ўқувчига аниқ воқеа муносабатини билан ёзувчи қаҳрамон психологиясида рўй бераётган маълум бир ўзгаришларга имо қиласди...".

"Ўткан кунлар"да Отабек билан Кумушнинг илк учрашуви, "Меҳробдан чаён"да Султоналининг Анварга "хиёнати" айнан шу усул — "сир сақлаш" йўли билан тасвирланган.

В. Скотт ва А. Қодирий тарихий романларидағи муштараклик қирраларидан яна бири уларда адебнинг ровий сифатида воқеа тизимини бошқарив туринида кўринади. В. Скотт "Квентин Дорвард"да марказий персонаж ҳақида "қаҳрамонимиз", "бизнинг ёш чет эллик сайд", каби сўз ва ибораларни қўллади. "Олдинги бобда айтганимиздай, нонушта жуда кўнгилли ўтди". "Мен уз ҳикоямни туталлаб, бу қўлэzmани нашрга юборган эдим" каби гаплар орқали бевосита китобхонга мурожаат этади.

"Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" асарларида ҳам муаллиф иштироки мавжуд: "Энди биз ташқари ҳовлини қўйиб, меҳмонхонанинг ёнидан ичкарига кирамиз**. "Биз ичкарига кирамиз: ҳовлининг икки томони то Кумушбииининг уйигача қатор куяв кутган хотинлар, бола — чақалар билан тўлған", "юқорида Отабек томонидан олинған мактубнинг ҳақиқати мана шу йўсин хиёнатнинг натижаси эдиким, биз энди хиёнат қаҳрамонлари билан ўқиғучини танишдирмиз". "Шу чоққача бир неча саҳифаларни маҳдумнинг таърифи билан тўлдирдик". "Эҳтимолки, домланинг фийбатини ҳам қилдиқ ва қилармиз".

В. Скотт ва А. Қодирий романларидағи алоқадорликни кўрсатувчи қирралардан бири асар хотимасида муаллиф томонидан қаҳрамоннинг келгуси ҳаёти, тақдири, шажарасининг аҳволи ҳусусида мухтасар маълумот берилишида ҳам намоён бўлган.

Шотланд адаби "Айвенго"ни туталлар экан, қаҳрамоннинг келгусида "Ричард саройида муваффақиятли хизмат этгани, аввалгида подшоҳнинг марҳаматига ноил экани" ҳақида хабар қиласди. Фақат бу "олийхиммат, аммо шошқалоқ ва орзу параст ҳукмдорнинг вафотидан сўнг Уилфред Айвенгонинг барча иззатталаб орзу ва уринишларининг барбод бўлганини" ҳам қайд этиб ўтади.

А. Қодирийнинг иккала тарихий романи сўнгидаги қаҳрамонларнинг келгуси тақдири ҳақида маълумот берилган. "Ўткан кунлар"нинг хотимасида "Ёзгувчидан" деб номланган изоҳ

* Қўшжонов М. Моҳият ва бадиият. Тошкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, — 7-бет.

** Қодирий А. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. Тошкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, I.994. 28-бет.

булиб, унда Ёдгорбекнинг асримизнинг 20 – йилларида вафот этгани, ундан қолган икки ўғидан бири "масъул ишчи", иккинчиси "Фарона босмачилари орасида экан" и хабар қилинган. Бу маълумотни улуғ санъаткор шунчаки, тасодифан келтирган эмас. Унда романнинг бош қаҳрамони ва унинг авлоди тақдирида бутун ўзбек халқининг мураккаб қисматига ишора бор.

Икки улуғ ижодкор асарларидағи юқоридаги каби үхшаш жиҳатлар, бадий муштараклик инсоният ижтимоий-тарихий тараққиёти босқичларининг бирлиги ва қонуниятлари мағзидан келиб чиқали, умумадабий жараён ривожланиш босқичлари ва улар орасидаги ворисийликни яққо кўришга имкон беради.

Один таъкидланганидек, А. Қодирий бадий ижоди, хусусан, тарихий романлари инсоният минг йиллар давомида яратган маданий, адабий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий заҳира, таълимот, назарияларни ўқиб-урганиш, бадиият нуқтаи назаридан ўзлаштириш, қайта ишлаш ва ривожлантириш маҳсули сифатида юзага келган.

А. Қодирий эпик ижодининг бадий манбалари сифатида жаҳон эпик адабиёти намуналари ("Маҳобҳорат", "Рамаяна", "Илиада", "Одиссия", "Манаң", "Минг бир кеча", "Алпомиш"...). Шарқ (турк, форс – тожик, араб, ҳинд) мумтоз лирик, лирик – эпик бадий мероси, фольклор намуналари, Farb (Европа) ва Шарқ сўз санъати, хусусан, романчилиги дурданаларини кўрсатиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган алоқа – боғланишлар орасида араб адаби Ж. Зайдон ва А. Қодирий тарихий романлари ўртасидаги муштараклик ва тафовутларни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу назарий муаммони қиёсий – типологик нуқтаи назардан ўрганиш адабиётлараро, асарлараро муносабат, яқинликларни пишилаш билан бирга улкан бадий истеъдод эгаси, жаҳон адабиётидаги олтинчи романчилик мактаби асосчиси А. Қодирий бадий ижодининг новаторона моҳиятини чуқурроқ аниқлаш имкониятини беради.

Авваламбор шуни айтиш керакки, бу масала адабиётшунослик томонидан маълум даражада ўрганилган. С. Ҳусайн, С. Мирвалиев, И. Мирзаев каби олимларнинг таъдиқотларида А. Қодирий ва Ж. Зайдон тарихий романлариаро ухшашлик ва фарқлар масаласи кўриб чиқилган.

Бу масалага биринчи бўлиб эътиборни қаратган Сотти Ҳусайн вулыгар социологиям таъсири остида ва шунингдек адабиётларнинг, бадий асарларнинг ўзаро алоқаси, робита – боғланишлари тўғрисидаги қарашлар билан яхши таниш бўлмагани, уларни чуқурроқ ўзлаштиргмагани сабабли бу назарий-поэтик муаммони илмий асосда баҳолашга ожизлик қиласи ва А. Қодирийни "бадий приём"ларни Ш. Зайдондан ўзлаштириб

таъминлайди. Шу билан бирга, характерларни тұлақонли реалистик, тарихий ифодалаш имкониятини ҳам маълум даражада чеклаб қўйиши мумкин.

Абдулла Қодирий романларига келганды шунни айтиш лозимки, адіб эпик тур шартлари, хоссаларига риоя қилган ҳолда қаҳрамонларнинг руҳий-маънавий олами, тадрижи, зиддиятлари ифодасига катта аҳамият берган.

Абдулла Қодирийнинг адабий қаҳрамонлари ўз индивидуал қиёфасига эга, тарихий муҳит билан чамбарчас боғлиқ, шу муҳит доирасида ҳаракат этувчи, баъзи пайтларда тафаккур, интеллектуал савия, дунёқарааш жиҳатидан ўз даври мезон ва ақидаларидан устун турадиган, ҳатто у билан зиддиятга боришдан тап тортмайдиган шахслардир.

Абдулла Қодирий даҳоси яратган характерлар бадий жозибаси, психологик теранлиги жиҳатидан жаҳон реалистик романчилигининг улкан намояндалари Л.Толстой, О. де Бальзак, Г. де Мопассан, Э. Золя, Ф. Достоевский бунёд этган адабий типлар, бадий образлар билан бемалол баробар туради, ҳатто баъзи ҳолларда улардан устунроқ ҳам.

"Ўткан кунлар" ва В. Скотт, Ж. Зайдон тарихий романларининг қиёсий-типологик таҳлили яна шундан далолат берадики, А. Қодирийнинг эпик дурдонаси жанр нуқтаи назаридан роман-эпопеяга маълум маънода яқинлашиб қолган. "Олтинчи романчилик мактаби"нинг биринчи намунасида олий эпик шакл (эпопея)га хос бир талай белги-хусусиятлар тажассум топган. Бу халқ, миллат, мамлакат, инсоният, ҳатто коинот кўламида фикрлаш, йирик ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ахлоқий муаммоларнинг бадий· инъикоси ва тадқиқи, кескин бурилиш, ўзгаришлар арафасида турган тузум ва давлат тақдири масаласи, эпик майдоннинг кўламдорлиги ва бошқалардир.

Абдулла Қодирий жаҳон маданияти, хусусан, адабиёти хазинасидағи бадийят намуналарини чукур уқиб- узлаштириши, уларни замонавий тафаккур, илғор дунёқарааш, таълимотлар асосида таҳлил ва бадий тадқиқ қилиши, энг муҳими, улкан санъаткорлик, ижодкорлик салоҳиятини аниқ, ёрқин ишга sola олганлиги сабабли "Ўткан кунлар"дай етук, буюк адабий-маданий аҳамиятта эга бўлган романни ёзишга эришган.

А. Қодирий навбатдаги романни "Меҳробдан чаён"да давр (кейинги хон замонлари), мавзу (мозийдаги ижтимоий, маданий ҳаёт, ишқ-муҳабbat) жиҳатдан "Ўтган кунлар" бадий-адабий анъаналарини давом эттириди. Маълум бир маънода "Меҳробдан чаён"ни "Ўтган кунлар"нинг тадрижий-мантиқий давоми деса ҳам бўлади.

Тўғри, маданий, адабий-эстетик тафаккур тараққиёти,

ижтимоий-иктисодий, мафкуравий, сиёсий давр тамойиллари умуман олиб қараганда, бадий адабиётта, шу жумладан, "Мәхробдан чаён" романы бадий-ғоявий структурасига ўз таъсирини үтказди. Бундай таъсири, масалан, романда акс этган синфилик тасвири мисолида куриш мумкин.

"Мәхробдан чаён" муаллифи шўро ижтимоий дунёқарашида тобора мустаҳкам ўрин олиб бораётган синфилик ақидаларига маълум даражада суюнган. Аммо буюк романнавис бадий оламида ифода топган синфилик кейинчалик шўро адабиётида кенг томир ўзган сохта, ғайритарихий тарзда эмас, умуминсоний дүёқараши, ахлоқ мезонларига таянилган ўла намоён бўлган.

Жамиятнинг муайян синф ва табақаларига бундай муносабат XIX аср жаҳон романчилигининг буюк намояндалари О.де Бальзак, Э. Золя, А. Толстой, Ф. Достоевский эпик ижоди номиналарида ўз бадий ифодасини топган эди.

Шундай қилиб, буюк санъаткор ва мутафаккир А. Қодирий жаҳон адабиётида нодир ҳодисалардан бири бўлган ва Е. Бертельс томонидан "олтинчи романчилик мактаби" деб таърифланган янги Шўналишни бошлаб берди. Бу романчилик мактаби А. Қодирийнинг Ширик эпик романлари билан интиҳо топмади, балки ўсиб, ривожланиб, ўз эпик-поэтик майдонини кенгайтириб дастлаб ўйлек, кейин бутун Марказий Осиё адабий-бадий ҳудудини қўмраб, эгаллаб борди.

Бу фикрга худди мана шу ҳудудда адабий-бадий жараённинг кейинги босқичларида юзага келган романларни қиёсий-типологик таҳлил, тадқиқ қилиш орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Умуман олганда, Абдулла Қодирий тарихий романларини башка ижодкорлар асарлари билан қиёсий-типологик муқояса қилиш улкан адаб бадий меросидаги генетик-тарихий, шакларавий манбаларни аниқлаш билан бир қаторда биринчи ўзбек романнависи бадий маҳорати даражасини, эпик ижодининг шинайетона моҳиятини белгилаш имконини ҳам беради.

I–бобга оид ҳуносалар:

1. Биринчи ўзбек романни ва у билан биргаликда шаклланган шинайетона романчилик мактаби» биринчи навбатда миллий адабий – бадии жараён тараққиёти, маънавий-эстетик эҳтиёжи маҳсули, шинайетона бўлиб юзага келди. Маърифатпарварлик, жадидчилик шаклларни, маънавий-маданий, ижтимоий тафаккурдаги шинайетона ва шаклланишига мустаҳкам замин ва шарт-шароитни бортиб берди.

2. Ўзбек адабиётида «Ўткан кунлар» романининг юзага келиши ва бу эпик асарнинг бадиий-эстетик жиҳатдан мукаммал ва тўлақонлиги чуқур бадиий-генетик асос ва манбаларга эга. Булар фольклор, мумтоз адабиёт ҳамда жаҳон романчилиги намуналариdir.

3. «Ўткан кунлар» бадиий-эстетик тизимида Шарқ (турк, араб, форс – тожик, ҳинд) ва Farb (Европа) адабий-бадиий тажрибалари, ютуқлари уйғунылиги (синкремтизми)ни кўриш мумкин. Бу, биринчидан, романнинг бадиий майдон, кенг эстетик тизим тарзида барча илгор анъана ва янгиликларни ўз ҳудудига қабул қила олиш ва ижодий-бадиий қайта ишлаш, ўзлаштириш имкониятларини намоён қилса, иккинчидан, муаллиф А.Қодирийнинг жаҳон (Шарқу Farb) адабий-бадиий меросини атрофлича эгаллаганидан далолат беради.

4. «Ўткан кунлар» XIX – XX асрларда жаҳон эпик адабиётида кенг тарқалган «Вальтер Скотт романи»га мансуб. А.Қодирий тарихий романнинг бу шаклига эркин-ижодий тарзда муносабатда бўлиб, уни сифат ва бадиий мундарижа жиҳатдан янгилади, унга янги давр бадиий-фалсафий дунёқарashi, тафаккури жиҳатидан ёндаши. Чунончи, «Вальтер Скотт романи»га хос саргузаштилик ва «ўткир сюжет» унсурлари чекланиб, уларнинг ўрнини теран психологик таҳлил, ижтимоий ҳаётнинг реалистик, ёрқин эпик манзаралар эгаллади.

5. Нафақат ўзбек, шунингдек, Марказий Осиё эпик адабиётларида илк роман бўлган «Ўткан кунлар» ўзининг мукаммал бадиий олами, фалсафий концепцияси билан шу бадиий ҳудуддаги тарихий романнинг келгуси тараққиётининг устивор йўналишларини белгилаб берди.

II боб. Адабий-бадиий ворисийлик ва тарихий роман тадрижи

II.1. Давр ва тарихий роман

XX асрнинг 20 – йиллари иккинчи ярмидан бошлаб собиқ иттифоқ ҳудудидаги миллий адабиётларда марксча-ленинча Марксуранинг ҳукмронлик даври бошланди. Комфириқанинг Олдий адабиёт ҳақидаги маҳсус қарори (1925, 18 июнь)да “бизда умуман синфий кураш тўхтега аганидай... адабиёт фронтида ҳам тұтқимайды” деган ақида алоҳида таъкидланган. Бинобарин, синфий жамиятда бетараф санъат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Диалектик материализмнинг янги соҳалар (биология, психология, умуман, табиий фанлар)га кириб бориш жараёни бинолади. Бадиий адабиёт соҳасини забт этиш муддати етди”*.

Шундай қилиб, В. Лениннинг 1905 йилдаёқ “Партия тарихијати ва партия адабиёти” мақоласида назарий - мафкуравий ишлардан белгилаб берилган санъат ва бадиий адабиётни ҳукмрон фирида итоатига үтказиш ҳақидаги кўрсатмасини амалиётга тадбиқ ишлареёни бошланди.

Марказий Осиё, шу жумладан, ўзбек адабиёти Номонидлари “партиявий ҳомийлик” таъсири ва оқибатларини сипада бошладилар. Чунки мустабид фирмәнинг “тарихий” Қароридаги 16 - моддада аниқ қилиб “иттифоқимизнинг кўп сонли шумӯрият ва вилоятларида миллий адабиёт тараққиётига кучли сипабор бериш зарур” деб ёзиб қўйилган эди. Бу “эътибор” түғанини 1926 йили А. Қодирий устидан суд бўлиб ўтди ва айбизз ишлаб бир неча ой қамоқда сақлаб турилди. 1927 йилда Чўлпонга ялпи шужум кампанияси бошланди. Унга “буржуа - миллатчи шоир” тиммиғи босилди. 1928 йили М. Шевердин “Ўткан кунлар”га шўровий хурож тарихини бошлаб беради. Шу йиллардан жадид адабиёттага, унинг етакчи вакилларига ҳужумлар кучая бошлади.

Бундай вазият бадиий адабиётнинг барча соҳалари, шу шумладан, тарихий наср ва тарихий драматургия тараққиётига ўз гаплий таъсирини үтказди.

30 - йиллар бошида турли адабий оқим ва ташкилотларни тарқатиб юбориб, ягона ёзувчилар уюшмасининг ташкил этилиши ишлари адабиёт устидан шўровий сиёсатнинг якка ҳукмронлигига ташкил келди. Бадиий адабиёт тўла - тўкис фирмә назорати остига

* Кратоматия по теории литературы. М.: Просвещение, 1982. С. 62.

олинди. Марксча - ленинча дунёқарааш сўз санъатининг мафкуравий - назарий асоси бўлиб қолди.

Шўро адабий сиёсати "замонавийлик" талабини кун тартибига қўйди. Бу талабга кўра ҳар бир ижодкор тасвириланаётган ҳар қандай даврга марксча - ленинча назария асосида баҳо бериши, даврнинг "илғор ғоялари"ни бадиий-эстетик концепция марказига қўйиш лозим эди. Аслида "замонавийлик" заминида "янги давр"- шўро тузуми ҳақида кўпроқ асарлар ёздириш сиёсати турарди. Бу эса мозийга бағишлиланган бадиий асарларнинг сезиларли даражада камайиб кетишига сабаб бўлди.

Шунга қарамай, сўз санъаткорлари тарихий воқеаликни ижодий - бадиий ўзлаштириш ҳаракатини тұхтатмадилар. Шеърият, эпос, драматургия жанрларида Ватан, халқ ўтмишини бадиий ифода этган яратмалар юзага келди. Марказий Осиё адибларидан Садриддин Айний, Абдулҳамид Чўлпон, Берди Кербобоев, Собит Муқонов, Ж. Турсунбеков ва бошқаларнинг қаламига мансуб бўлган роман, повесть, достон, драмаларда Туркистон тарихининг турли қатламлари бадиий инъикос топди.

Уларнинг серқирра ва давр дунёқарашидан холи бўлмаган мураккаб ижодида жаҳон тарихий адабиётининг реалистик анъаналари, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат сингари катта санъаткорларнинг ижодий - бадиий тажрибалари ривожлантирилди, адабий ворисийлик давом этди.

Йирик санъаткор Садриддин Айнийнинг "Дохунда" (1930), "Қуллар" (1933) романлари Марказий Осиё тарихий насрода алоҳида бир ўринни ишғол қиласди.

С. Айнийнинг тарихий романлари - улкан бадиий оламни узига жо қилган, авлодлар давомийлиги ва "тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари"ни реалистик принциплар асосида ёритувчи асарлар.

С. Айний зуллисонайн - ўзбек ва тожик тилларини бирдай мукаммал билган адаб эди. У Бухоро мадрасаларида 20 йилга якин ўқиган, турк, араб, форс- тожик маданияти, фани ютуқларини пухта ўзлаштирган.

Шу билан бирга, у Европа маданияти, адабиётидан ҳам яхши хабардор эди.

Жаҳон ўтмиш маданиятини, етук бадиий ёдгорликларни ижодий ўзлаштирган адабнинг тарихий романларида Туркистон тарихининг маълум бир босқичлари ўзининг бадиий ифодасини топган.

С. Айний тарихий романларида бадиий тип ва характеристларнинг мажмуини кўриш мумкин.

А. Қодирий эпик ижоди мисолида кўрганимиздай, Марказий Осиё романи заминида Шарқ эпоси намуналари туради.

Мана шу бадий замин йигирманчи асрнинг икки буюк санъаткори – Абдулла Қодирий ва Садриддин Айний қаламига мансуб иирик эпик шаклдаги бадий асарларни бирлаштиради, иқинлаштириб туради.

С. Айний эпик оламининг бадий - эстетик структурасига фольклор жанрлари, Шарқ мумтоз адабиётининг турли - туман бадий шакллари самарали таъсир утказган.

Улкан адид роман сюжети, композицияси, қаҳрамон структурасини барпо қилишга, фольклор ва мумтоз адабиёт инъаналаридан унумли фойдаланишга ва жаҳон сўз санъатида янги типдаги романнинг юзага келиши ва шаклланишига ўз ҳиссасини қўшишга эришди.

С. Айний "Дохунда" романида эпик сюжетни юзага келтириш учун Шарқ фольклори жанрлари (эртак, достон) учун инъанавий бўлган "қолиплаш" усулидан фойдаланган.

"Дохунда" бош қаҳрамони Ёдгорнинг отаси Бозор қисмати "қолиплаш" асосида ифода этилган.

"Ҳикоя" ичida "ҳикоя" келтириш ("қолиплаш") усулини "Ўткан кунлар" романида ҳам кўриш мумкин. Марғилонлик шоҳидўз уста Олимнинг "ишқ достони" асар сюжети таркибиغا шу йўл орқали олиб кирилган.

Ҳинд, араб, форс, тожик, туркий адабиётлар учун анъанавий бўлган "қолиплаш композицион усули" шу тариқа роман бадий қурилмаси ҳудудига олиб кирилади ва жанрининг поэтик - бадий имкониятини кенгайтиришга хизмат қиласди.

Анъанавий "қолиплаш" усулини А. Қодирий ҳам, С. Айний ҳам ижодий - бадий жиҳатдан қайта ишлаб, романнинг ўзига хос мураккаб поэтик оламига мослаштирилар.

Янги Шарқ ва Farb эпик анъаналари, тажрибаларининг омухтаси (синтези) бўлган роман анъанавий усулни ўз ҳудудига қўмраб олар экан, уни ўз композицион, сюжет майдони талабларига буйисунтиради, шу тариқа у роман жанрининг тасвир воситаларидан бирига айланади.

Қаҳрамон типи, портрети, руҳий дунёсини яратища ҳам С. Айний Шарқ лирик ва эпик адабиётининг анъанавий тасвир воситалари, образлари, рамзларига мурожаат қиласди, бу бой бадий хазинадан янги эпик шакл матнидаги бадий тимсоллар қурилмасини юзага келтиришда фойдаланади.

Қаҳрамон суврати тасвиридаги ворисийлик "Дохунда" романи марказий персонажлари бадий қиёфасида яққол намоён бўлган.

Бош қаҳрамон Ёдгорнинг "тонг юлдузи каби чарақлаб турган кўзлари", "қизил олмадай юзлари", унинг севгилиси Гулнорнинг "қўнфироқдай овози", "чарақлаб тутган қора кўзлари",

"түлин ойдай порлаб турган юзи", "нозли дудоқлари" да мана шу бадий ворисийликнинг аниқ ифодасини кўрса бўлади.

Адиб Абдулла Қодирий каби Шарқ мумтоз шеъриятида кенг қўлланилган бадий санъат – ташбиҳни йирик эпик шакл матнига олиб кирди, бу санъатга янги поэтик – бадий вазифа юклади, роман қаҳрамонларининг ижобий, серқирра маънавий – ахлоқий дунёсини ташбиҳ воситасида ёрқинроқ, аниқроқ кўрсатишга ҳаракат қилди.

С. Айний романининг ижобий қаҳрамонлари "Ўткан кун" лардаги асосий персонажлар каби ҳам жисман, ҳам ақлан, ҳам маънан етук, солим кишилар. Уларнинг ташқи ва ички қиёфаси гўзал ва баркамол, ҳатти – ҳаракат, муомала муносабатларини шарқона одоб, ахлоқ безаб туради.

Салбий персонажлар эса аксинча сувратдаёқ хунук, беўхшов, ёқимсиз кимсалиги маълум бўлиб туради.

Агар А. Қодирийнинг салбий қаҳрамонлари "чўтири", "пучуқ", "маҳлуқ" симон кишилар бўлса, С. Айнийнинг салбий образлари ё "қора", ё "семиз", "паст бўйли" кимсалар тарзида тасвирланган.

Ёвузлик кучларини жисмоний ноқис тасаввур қилиш ва тасвирлаш – "асл эпос", фольклор жанрларига хос муштарак хусусият.

Бу хусусият Марказий Осиё романининг илк намуналарига кўчиб утди, инсонни бадий тасвирлашга хизмат қилди.

"Дохунда"даги ноинсоф ва мунофиқ бой Азимшоҳ ранги "қорамтири, буйи паст, қош-кўзи ва соқоли қоп-қора одам", золим ясовул Алимардонбекнинг афти ҳам қора, соқол-мўйлови ҳам қора. "У қўй сурисини излаб чиқсан оч бури"га монанд, "афт-башараси, юриш-туриши ва яроқ-аслаҳаси қўрқинчли".

Адиб ранг-тусни билдирувчи "қора" сифатлаш (эпитет)ини ўз маъносидан ташқари кўчма маънода ҳам қўллайди, шу билан персонажнинг нопоклигига ишора қиласди.

Романдаги қаҳрамон, персонажларнинг суврати, композиция, сюжет унсурлари кабилар билан бирга асарнинг бутун бадий қурилмаси, характерлар тасвири, образлар психологиясида Шарқ мумтоз адабиётининг асрий анъаналари бўртиб, жилоланиб туради. Шу билан бирга, "Дохунда" йирик эпик шакл сифатида Фарб (Европа) романига хос асосий, етакчи жанр хусусиятларини ўз бадий оламида мужассамлаштирган.

Асар ўзининг бадий ҳудудига тарихий даврнинг кўламдор эпик манзараларини, бир-бирига ўхшамайдиган тақдирларни, инсон ружининг ранг-баранг ҳолатларини, тарихий ҳодисаларни жо қилган.

"Дохунда" "Ўтган кунлар" сингари "Вальтер Скотт романи"

сирасига мансуб.

Романнинг бош қаҳрамони – түқима образ.

Муаллиф түқима қаҳрамон тасвири, унинг саргузаштлари орқали китобхонни аниқ тарихий даврга олиб киради, уни бу замоннинг тарихий шахслари (Бухоро амири Саид Олимхон, мухтор вакил – У. Пулатхўжаев, инқилобчи Абдуллахўжа...), йирик воқеалари (Бухоро инқилоби, фуқаролар уруши) билан юзлаштиради.

Тарихий ҳодисалар, тарихий шахслар роман бадиий матнининг айрим бўлакларида ифода топади.

Бу алломатларнинг бағ аси "Дохунда"нинг "Вальтер Скотт романи" сирасига киришини кўрсатиб турибди.

А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", С. Айнийнинг "Дохунда", "Қуллар" асарлари ана шу роман шаклига мансуб.

Роман типининг муштараклиги А. Қодирий ва С. Айнийга "ўткан кунлар"даги ижтимоий турмуш, шахс психологияси тасвиридаги яқинликни юзага келтирган.

Романнинг эпик кўламдорлиги, энг аввало, қаҳрамон образида намоён булади. Қаҳрамон руҳий олами, ҳаракатида тасвирланаётган даврнинг бош тамойиллари, тараққиёти ёки таназзули акс этади, роман асосини ташкил этган улкан воқеа унинг нигоҳи билан кўрилади ва баҳо берилади.

Қаҳрамоннинг бадиий образ сифатида пишиқ, комил яратилиши роман муваффақиятини таъмин этади.

"Дохунда"даги Ёдгор – йирик эпик шакл қаҳрамони хусусиятларини ўз бадиий қурилмасига жо қилган кўламдор, серқирра образ. Унинг ҳарактери тадрижи ҳам, асар сюжети йўлидаги марказий ўрни ҳам, ички дунёсининг теран ва батафсил тасвири ҳам романнинг асосий қаҳрамони эканлигидан дарак бериб туради.

Эпик қаҳрамон қиёфаси ва ҳаракатида, Гегель сўзлари билан айтганда, ҳалқ руҳининг объективлиги намоён булади. Ёдгор ҳарактерининг жозибали, романтик бўёқдорликдан холи бўлмаган кенгликларида бир-бирига этник-генетик, маънавий-психологик жиҳатдан жуда яқин ўзбек ва тожик ҳалқарининг муштарак руҳий-маданий олами тарихан аниқ ва объектив мужассам этилган.

Ёдгорнинг ички дунёси, тақдираша йигирманчи асрнинг бошларида мозийнинг энг чигал, зиддият босқичида яшаган ўзбек ва тожик ҳалқарининг соғлом, мардонавор руҳи, ҳалқчил қиёфаси барқ уриб туради.

Европалик олим ва сайёҳлар томонидан ҳуқуқсизлик мамлакати деб таърифланган Бухоро амирлигидаги ижтимоий

шароит "Дохунда" романы қаҳрамонининг тақдири ва руҳий кечинмалари орқали бадиий намоён бўлган.

Болалигидан муҳтожлик гирдобига тушиб қолган, ота—онаси хорлик, зорлиқда ўлган Ёдгор тирикчилик илинжида мамлакатнинг турли бурчакларида бўлиб, ўзи сингари ҳуқуқсиз, афтодаҳол меҳнаткашларнинг кўп эканлигига амин бўлади. Сарбозлиқдан қочиб, амир зиндони, "обхона", "канахона" деб аталган қамоқларда азоб чекади.

Қаҳрамон фаолиятининг кенглиги ва серқирралигини жанрнинг эпик табиати, давр ва инсонни ўзаро алоқадорлиқда тасвиrlаш эҳтиёжи билан изоҳлаш мумкин.

С. Айнийнинг "Дохунда" романчилиқдаги икки босқични бир-бирига боғловчи, уларнинг муштарак ворисийлик хусусиятларини ҳам, фарқли, айри жиҳатларини кўрсатувчи асар.

"Дохунда"нинг инсонни тасвиrlаш усулларида, мозийга муносабати, ўзи мансуб давр дунёқарашини акс эттириши, тилида тарихий романчиликтининг икки босқичи бир-бирига туташади, айрим ҳолларда эса зид келади.

Адабиётнинг инсонни тасвиrlашдаги умумтипологик хусусиятлари, ҳалқчиллик принципи, тарихий роман типи, унинг генетик-шажаравий манбалари, сўз санъатининг ворисийлиги мозийни бадиий акс эттиришдаги "икки тўлқин"нинг алоқадорлигини таъмин этган.

Шу билан бирга, "иккинчи тўлқин"га мансуб бадиий асарларида сиёsat ва мафкуранинг таъсири, инсонга синфий муносабат шаклланганини куриш мумкин.

"Дохунда" романига давр дунёқараши, унинг сиёсий, мафкуравий тамойиллари ўз муҳрини қолдирган.

Романда жадидлар фаолияти, Бухоро ҳалқ республикаси, миллий озодлик ҳаракати, "колхозлаштириш" жараёнининг мураккаб муаммолари совет тузуми ақидаларига мувофиқ тасвиrlанади, адаб тарих ҳақиқатининг ҳамма қирраларини ҳам объектив, рўй-рост очишга имкон тополмайди.

Амирлик тузуми инқизозини реалистик эпик манзараларда аниқ кўрсатишига эришган Айний "янги давр" — шўро замонасининг воқеалари тасвирида тузум дунёқарашига мувофиқлашишга ҳаракат қиласи. Бунинг оқибатида романнинг сунгги бобларида романбоп тафаккур сусайиб, воқеа тасвири баён, очерк тусини олади.

Даврнинг устивор мафкуравий-сиёсий дунёқараши шу тариқа "Дохунда" бадиий матнига, образлар қурилмасига ўз таъсирини ўтказган.

Садриддин Айнийнинг навбатдаги йирик эпик асари — "Қуллар" (1933) романida мозий воқеаларининг ҳаққоний

манзаралари тасвирини ҳам, давр, инсонга синфий – дифференциал муносабатни ҳам күриш мүмкін.

"Қуллар" – үз бадиий матнiga улкан тарихий ҳодисаларни, индивидуал характер ва типларни жо қылган, сюжет ва композицион жиҳатдан пухта ишланған бадиий асар.

"Қуллар" хронотопи – кенг ва серқирра. Үңда бир асрдан күпроқ тарихий вақт, улкан бадиий ҳудуд (Афғонистон, Туркманистан, Ўзбекистон, Тожикистан) ифода топған.

"Қуллар" романнинг қаҳрамони – халқ.

"Ўткан кунлар" романнагидай "Қуллар"да ҳам халқ бадиий матнда иштирок этади.

Романда халқнинг тарихий жараёндаги ўрни, маънавий – исихологик тадрижи бадиий тадқиқ этилған.

Муаллифнинг улкан эпик маҳорати аниқ тарихий манзараларни, инсон психологиясини чизишда намоён бұлади.

Айний "Қуллар"да романнинг жанр сифатида катта имкониятта әгалигини күрсатишига эришди.

Романда жамиятнинг турли қатлам ва табақалари вакиллари иштирок этиб, уларнинг үзаро муомала, алоқалари, хулқ-автори, ички ва ташқи дүнёси, зиддиятлари романбоп тафаккур асосида таҳлил этилған.

Айний эпик тасвирининг үзигача маълум бўлған восита, үсуllibар, принципларидан санъаткорона фойдаланади ва йирик эпик шаклнинг изчил бир бутун, ҳар томонлама уюшиб мувофиқлашган яхлит қурилмасини юзага келтиришга муваффақ бўлади.

С. Айний – Л. Тоалстой, О. де Бальзак, А. Қодирий каби монологик тасвир устаси.

"Доҳунда"да ҳам, "Қуллар"да ҳам персонажларнинг нутқи, руҳий кечинмалари тафаккур тарзида муаллиф тафаккури, дунёқараши зуҳур этади. Шу асосда мозий, унинг айрим воқеалари, шахслари баҳоланади.

"Қуллар"даги монологик тасвир С. Айнийнинг кўп қиррали, мураккаб давр зиддиятларидан холи бўлмаган бадиий дунёқарашини яққол кўрсатиб турибди.

Бир тарафдан адабиётнинг инсонни тасвирлашдаги типологик хусусиятларини, умуминсоний принципларини, иккинчи тарафдан эса даврнинг етакчи синфий- фирмавий ақидаларини пухта ва ҳар томонлама үзлаштирган адид роман сюжет доирасига кирган персонажларни бир-биридан тубдан фарқ қилувчи, бир – бирига муҳолифатда бўлған икки гурӯҳ (эзувчи мулкдор-эзилувчи камбагал)ларга бўлған ва улар орасидаги қарама-қаршиликлар асосида бадиий матннинг асосий зиддият (конфликт)ини юзага чиқарган.

Синфий таълимотта асосланган жамият ҳудудида ижод қилган адаб адабиётнинг устивор умуминсоний принципларини ёддан чиқармайди. У иирик эпик асари концепциясига кўра ҳар бир гуруҳ ("синф") ичидан сўз санъатининг инсонпарвар қарашларига мувофиқ персонажлар танлайди.

"Куллар"нинг салбий персонажлари ҳукмрон ("эзувчи") синф вакиллари экани учунгина эмас, гайриахлоқий, гайриинсоний, хулқ-автори, харис, тамагирлиги сабабли қораланди. Адаб уларнинг фожиаси ва таназзулини аниқ эпик тасвирда – хатти-ҳаракат, суҳбат-мулоқот, мулоҳаза сингариларда очган.

С. Айний имтиёзли табақа намояндалари қиёфаси ва маънавий-ахлоқий фаолиятига адабиётнинг инсонпарварлик қарашлари нуқтаи назаридан қараган ва шу асосда уларга баҳо берган.

С. Айний салбий типларни бадиий образ сифатида ишлашда "Дохунда", умуман, Марказий Осиё тарихий романчилигининг "биринчи тўлқини"га мансуб асарлардан фарқли йўл тутган. Ташқи суврат одатда салбийлаштирмайди, асосан, ҳаракат, нутқ, психологик ҳолатларнинг бадиий тасвири орқали уларга баҳо, муносабат билдиради.

Романдаги салбий персонажлар тизмасини бошлаб берган "эски сардор" ва "сўфи" Қилич халифа образи тасвирдаёқ бу бадиий усулни кўрса бўлади.

Бир вақтлар сардор бўлган халифа кексайиб тоат-ибодат йўлини тутган, персонажлардан бирининг сўzlари билан айтганда, у "тангрининг севган қули, тун-кун намоз-ниёз билан машғул". Давраларда "дунёнинг вафосизлиги, мусулмон банда учун охиратнинг кераклиги" ҳақида гапиради.

Халифанинг телпагига ўралган икки-уч печлик салла, салла устига қадалган мисвок, жойнамози устидаги узун тасбеҳ ҳам унинг сўфи эканини таъкидлаб туради.

Зоҳиран тақводор халифанинг суҳбат-мулоқотидан асл моҳияти – мунофиқлиги маълум бўлади. Унда ўнта "хаёл" (хотин) бор (булардан тўрттаси "шаръий", қолгани "сўфи қилинган", яъни никоҳидан чиқарилган). Босқинчлилар учун ўғиллари, дўғони (иниси)ни Астробод тарафга жуннатган. Улар "бирор иш қилиб келарлар", яъни "ўлжа, асир" олиб келишлари керак.

А. Навоий лирик ижодида тасвир этилган "ғазабда сабу, шаҳват ичра баҳим" "сода шайх" тимсоли С. Айнийнинг эпик оламида янги романчиллик мактабининг бадиий-поэтик тамойиллари, принципларига кўра қайта ишланган ва романбол тафаккурнинг кўламдор, серқирра имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган.

С. Айний эпик санъаткор сифатида салбий типлар образини бунёд этар экан, уларнинг психологик ҳолатлари, ҳаракат ҳудудини ташкил этувчи асос – иқтисодий муаммолар, пул ҳукмронлигини чукур ва мұфассал ёритишга ҳаракат қылган.

Пул ҳукмронлиги, иқтисодий мұносабатларниң чукур, ҳар томонлама асосланған психологик таҳлили С. Айний эпик ижодини "француз жамиятнинг котиби", жаҳон реалистик романчилигининг улкан вакили Оноре де Бальзак асарларига яқынлаштирган. Бу типологик, шу билан бирга, тарихий-шәжаравий алоқадорлик жаҳон романчилигининг муштарақ аломатларини таъкидлаб туради.

С. Айний тасвиридаги ҳар бир салбий персонаж характери қирраларини, психологик оламини, ҳаракат доирасини шахсий манфаат, иқтисодий фойда белгилайди.

Бухоро амирлигининг иқтисодий қурилмасини, феодал – патриархал ва ниҳоят эндигина шаклланиб келаётган капитал – буржуа мұносабатларини яхши билган, уларнинг мураккаб, шафқатсиз қонуниятларини ўзлаштирилган С.Айний пул ҳукмронлигининг инсон психикасига, маънавий-ахлоқий оламига ҳалокатли таъсирини муайян тип ва персонажлар тасвири орқали реалистик эпик бадиий манзараларда санъаткорона очган.

"Қуллар" романининг ижобий қаҳрамонлари – файриахлоқий, ҳуқуқсиз давлат қурилмасидаги эзилган, жабрдийда, шу билан бирга, маънавий-ахлоқий соғлом халқнинг вакилларидир.

Адид роман ижобий образларини адабиётнинг инсонпар – варлик, халқчиллик принципларига мұвофиқ барпо этган. Уларнинг хатти-ҳаракати, мұомаласи, маънавий олами ижобийлаштирилган.

С. Айний роман учун меңнат кишилари орасидан ўз бадиий-эстетик идеали, асар бош концепциясига мұвофиқ келадиган "прототип"ларни ажратиб олади ва уларнинг бадиий тимсолини йирик эпик жанр сюжети, композицияси, концепцияси, идеалига кўра ишлаб чиқади ва образлар тизмасига олиб киради.

"Қуллар"даги ижобий қаҳрамонлар халқчил, умуминсоний хусусиятлари билан роман бадиий сюжети ҳудудидаги салбий типларга қарши кўйилган ва шу асосда асарнинг бош, етакчи конфликт (зиддият) и юзага чиқарилган.

Бухоро амирлиги, кенгрөк олиб қаралганда, Туркистан тарихининг юз йилдан зиёд даврини реалистик эпик манзараларда тасвирлаб, яхлит бадиий характер ва типларни яратган адид "Дохунда" романыда бўлганидай, мозийнинг айрим йирик воқеаларини ҳаққоний баҳолаш ва талқин қилища иложисиз қолади. Ўз қарашларини давр дунёқараси, ақидаларига мослашга уринади. Натижада жадидчilik ҳаракатига, Бухоро халқ республикаси фаолиятига "Дохунда"га қараганда ҳам кескинроқ

салбий муносабатда бўлади.

Тарихий ҳодисаларга бундай тенденциоз, бир ёқлама ёндашувни "коллективлаштириш" даври тасвирида ҳам кўриш мумкин.

Романнинг сўнгти бўлимида сюжет тизимига олиб кирилган Қутбия, Ҳамдамформа каби "синфий душманлар" фаолияти асосан умуминсоний қарашлар асосида эмас, синфий-фирқавий позицияда туриб баҳоланади, натижада уларнинг салбий тип сифатидаги моҳияти етарли даражада очилмай қолади.

Умуман, бундай нуқсонлар фақат С. Айний эпик ижодигагина эмас. 30-йиллардаги бутун Марказий Осиё, янада кенгроқ қаралганда совет романига хос. Бадий адабиёт, адиллар устидан партиявий назорат, "ягона метод"га айлантирилган "социалистик реализм" ақидалари ижод жараёнига, давр, инсон тасвирига ўз ҳукмини ўтказди ва етук реалистик асарларда ҳам ўз таъсирини, муҳрини қолдирди.

Марказий Осиё тарихий романнинг шаклланиши ва бадий тадрижида "Дохунда", "Қуллар" романлари ўзига хос ўринга эга. Улар йирик эпик жанр бадий структурасидаги шакл ва мазмун ўзгаришларини, инсонни бадий тадқиқ этишдаги янгича реалистик принципларининг устивор бўлаётганини курсатиб туради.

II.2. Романлараро адабий-бадий боғланишлар

20-30-йиллар ўзбек романчилиги тараққиётида А. Чулпоннинг "Кеча ва кундуз" (1934 йил) романи алоҳида ўринга эга. "Кеча ва кундуз" буюк адабиёт А. Қодирий асос солган "олтинчи романчилик мактаби"ни бадий-структурал жиҳатдан ривожлантириш, мустаҳкамлаш йўлида мұҳим, дадил қадам бўлди.

Тасвирланган давр, бадий-гоявий мундарижасига кўра бу катта эпик асар "Вальтер Скотт романі"га мансуб.

Романда О. Шарафиддинов сўзлари билан айтганда "Туркистоннинг тарихий тақдирни ифодаланганд", бу мамлакатнинг "зулмга, жаҳолатга, адолатсизлик ва ҳақсизликка тўла ҳаёти" очиб берилган.

Чулпоншунос Д. Қуроновнинг ёзишича, "тарих юзсизларча сохталаштираётган бир пайтда адабнинг инқилоб арафасидаги ва инқилоб йилларида Туркистон ижтимоий воқелигини бадий тадқиқ этишга жазм қилиши... катта ижодий жасорат эди"***

* Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1999. 188-бет.

** Қуронов Д. Ҳ. Чўлпон поэтикаси (насрый асарлари асосида). Фил.фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс.автореферати – Тошкент, 1998, 26-бет.

Гарчи О. Шарафиддинов ҳам, Д. Қуронов ҳам "Кеча ва кундуз"га нисбатан "тарихий роман" атамасини истифода қилмаган эсалар – да, унинг мозийни бадиий гавдалантирган асар эканини эътироф қилганлар.

"Кечада кундуз"да тарихнинг қайси бир томонигадир бурилиш нуқтасида турган, мураккаб, зиддиятли шарт-шароитда яшаётган халқнинг ҳёти, психологияси бадиий инъикос этилган.

Табиийки, ҳар қандай бадиий матн ўз структурал майдонида воқееликнинг муайян манзаралари, воқеа, ҳаракатларини акс ўтириш билан биргаликда адабиётларо, матнларо боғланиш – алоқаларни, ички-алоқавий боғланиш оқимларини, бадиий өнорисийлик, анъанавийлик, адабий-бадиий тажрибаларни қамраб олади. Бадиий матн муттасил ҳаракатда бўлган чексиз майдон экан, бу ҳаракат уни ҳамиша тарих ва замондаги бошқа матний оламлар билан боғлайди. Бундай боғланиш ва алоқаларсиз бадиий матн яшай олмайди.

Бинобарин, "Кечада кундуз" бадиий ҳудуди ҳам структурализм намояндалари томонидан кашф этилган мазкур қонуниятдан четда эмас.

Катта истеъдод эгаси ва улуғ ватанпарвар Абдулҳамид Чўлпон романчилиқдаги устози А. Қодирий сингари жаҳон адабиёти ҳазинасидағи маънавий-адабий бойликлардан чуқур хабардор эди.

Мана шу хабардорликни у ижод қилган роман, ундаги фоят пишиқ бадиий-концептуал асос қўйилган матний-структурал майдон курсатиб, исботлаб турибди.

Д. Қуронов Чўлпон поэтикасига бағишлиган докторлик тадқиқотида "Кечада кундуз"нинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", "Сароб" романлари билан алоқа-боғланишларини кўрсатган.

Шу билан бирга, тадқиқотчи бу роман Фарб романчилигига яқинлашиш йўлидаги дадил қадам деб қайд этган.

Чиндан ҳам "Кечада кундуз" Шарқ ва Фарб адабий-бадиий анъаналари, ҳаракатларини яхлит бадиий майдонга бирлаштириш, уйғунлаштириш бўйича янгича бир тажриба бўлди.

Бундай бадиий тажриба романнинг эпик жанр сифатида улкан матний – структурал имкониятларга эгалигини, у ўз бадиий майдонига йирик воқеа-ҳодисаларни, шунингдек, инсон (қаҳрамон) руҳиятининг кўп қатламили фикрий-ҳиссий оқимларини сифдиришини бадиий ижод тажрибасида яна бир карра исботлаб, тасдиқлаб берди.

"Кечада кундуз" "Ўткан кунлар"дан кейин Марказий Осиё адабиётлараро жараёнида шаклланиб, ривожланиб борган "олтинчи романчилик мактаби"га мансуб,

Бундай мансубликни "Ўткан кунлар" ва "Кечада кундуз"

романларини қиёсий, типологик асосда таҳлил қилиш жараёнида яққол күриш мүмкін.

Аввалимборт қайд этиш лозимки, "Кече ва кундуз" мустақил бадиий майдонга эга, алоқида тарихий давр (ХХ асрнинг 10—йиллари)ни, шу даврга хос ижтимоий-иқтисодий, маданий, ахлоқий, психологик муносабат-алоқаларни муайян қаҳрамон ва персонажлар фаолияти, хатти-ҳаракатлари, мұомала—мұлоқотлари, ички—рухий-психологик кечинмелари оқими орқали бадиий гавдалантирган роман.

Агар "Үткан күнлар" романни бадиий структураси учун күпроқ Шарқу Фарб эпоси намуналари ("Маҳобҳорат", "Рамаяна", "Илиада", "Одиссея", "Алномищ", "Манас") генетик — шажараевий манба, асос бўлган эса, "Кече ва кундуз" биринчи галда Фарб романчилик мактабларидағи ижодий-эстетик заҳира, бадиий тажрибалардан озиқ, баҳра олган.

Роман матни қатламларидағи рангин-қуюқ романтик бўёқ ва тасвирлар ўрнини реалистик, кундалик-оддий ҳаёт манзараларининг эгаллаб бориши, идеал-баркамол қаҳрамон ўрнини рисоладаги (реалистик) образларнинг ишғол қилиши, чуқур психологизм, унинг турли усул воситаларининг матнга кириб келиб, бутун структурал майдонни ишғол этишга киришиши мана шундай ижодий интилиш-ҳаракатнинг натижасидир.

"Кече ва кундуз" муаллифи ХХ асрнинг биринчи ярмига келиб романчилик соҳасида катта тажрибага эга бўлган Фарб — француз, рус, инглиз, немис, америка эпик адабиётларида йирик эпик шакл структураси бўйича изланиш, бадиий тажрибалардан чуқур, ҳар томонлама хабардор бўлган, улардан ўринли, ижодий фойдалана олган.

Шу билан бирга, Чўлпон яратган роман миллий заминга эга бўлган, миллий характер, қаҳрамон, типларни ўз бадиий оламига жо қилган, миллий адабий-бадиий тажриба, маънавий-бадиий бойликлардан озиқланган адабий-эстетик тизим, ўзига хос бадиий майдондир.

"Кече ва кундуз" А. Қодирий асос солган "олтинчи романчилик мактаби"га мансуб. Бинобарин, унинг бадиий матнида "Үткан күнлар" билан муштарақ адабий-бадиий принциплар, белги-аломатлар мавжуд.

Генетик-шажараевий манбалар, бадиий-эстетик тасвир усуллари, бадиий хронотоп, қаҳрамон(лар) структураси кабиларда жиҳдий фарқ-тафовут, сифат-структуравий ўзгариш — эврилишлар мавжудлигига қарамай, ягона ҳудудий, адабий — тарихий жараёнда юзага келган бу икки роман ўртасида мустаҳкам алоқа — боғланишлар, адабий-поэтик, дунёқарааш, ижтимоий-мағкуравий тафаккур билан боғлиқ яқинлик, муштарақликлар бор.

"Үткан кунлар" ҳамда "Кеча ва кундуз"ни аввало эпик жанр (роман), жанр тури ("Вальтер Скотт романи") тасвиirlанган ҳудуд (Туркистан) сингарилар боғлаб-туташтирган.

Тұғри, адіблар истеъодини үзиге хослиги жанр – роман тараққиеті, бадий хронотопнинг индивидуаллығы билан боғлиқ равище да бу иккі бадий матн структурасыда тафовут – үзгачаликлар мавжуд.

"Үткан кунлар" билан "Кеча ва кундуз" бадий тагматлариаро үзаро муштараклик ҳақида фикр юритилганды, бириңчи навбатда бу романлар бадий – гоявий концепцияларидаги боғланишларни ҳисобга тұғри келади.

Бадий-гоявий концепциялардаги боғланишилклар дунёқараш, миллий ва умуминсоний тафаккур, муштарап ахлоқий-эстетик сарзамин ва манбалар мөһияти, йұналишлари, таъсири билан боғлиқ.

А. Қодирий, А. Чүлпон XX аср бошида Туркистанда юзага келган буюк ижтимоий-мағкуравий, мәданий-маърифий ҳаракат-жадидчиликнинг намояндалари әдилар.

"Үткан кунлар", "Кече ва кундуз" бадий матнлари, шунингдек, тагматларида бевосита ёхуд билвосита жадидчилик дунёқарашы, таълимоти, идеаллари, мөһият, мақсад, уринишлари бадий ифода топған.

Жадидлар Туркистан халқлари бирлиги, мустаҳкам давлатчилик, ижтимоий-сиеый тинчлик, қонун үстиворлиги учун саяй-ҳаракат қылғанлар.

Улар миллий, ҳудудий парокандалик, бұлиніш, уруш – низолар мамлакатни заифлаштириши, миллий мустақилликнинг барбод булишига олиб келишини яхши тушунғанлар.

"Үткан кунлар"да Туркистан (Марказий Осиё)нинг мустақиллиқдан маҳрум булиш сабаблари бадий тадқиқ этилған.

"Кече ва кундуз"да эса миллий давлатчилик, мустақиллигидан айрилған халқнинг абор, фожиали ҳәети, қисмети күрсатылған.

Иккі романдаги мана шу сабаб ва оқибат үзаро бирлашиб муаллифлар – А. Қодирий, А. Чүлпон дунёқарашыдаги бадий, ижтимоий муштаракликни зухур этған.

Бу бадий муштаракликнинг жағдари марказига Ватан озодлиғи, мустақиллигиғояси қўйилған.

Бадий асар, шу жумладан, романда буюк гоя мислсиз истеъоддод билан бирлашсагина мукаммал бадий-эстетик тизим, яхлит бадий майдонни вужудга келтиради.

"Үткан кунлар", "Кече ва кундуз"ни аналитик, қиёсий-типологик, структурал жиҳатдан муқояса қилиш, үрганиш, тадқиқ қилиш уларнинг роман, йирик эпик шакл сифатида етуқ бадий

система, матний бирликларнинг құшилиши, туташувидан ҳосил бұлған эстетик ҳудуд эканликларини курсатиб турибди.

Нафақат бадий, ижтимоий дүнәңараш, шунингдек, бадий образ, қаҳрамон, тип яратында, бадий матн яхлитligини юзага келтирувчи ижодий-эстетик принциптер, воситаларни истифода этинда, роман психологиясінін юзага келтириш, унинг теранлигини, ҳаққонийлигини юзага келтириңда мазкур иккі асар орасыда матний-структурал алоқалар, үзаро ҳаракат ва борланишлар мавжуд.

А. Чұлпон ҳам "Үткан кунлар" муаллифи каби миллий турмушдан олинган, үз қаралтасы, фаолияти, ҳатти-қаралтасы, психологиясінде тарихий шарт-шароит ва мавжуд мұхиттің етакчи хүсусиятларини үзіде мужассамлаштырган образлар силсиласини яратған.

А. Қодирийнинг "Үткан кунлар" ида халқнинг фамида юрган Юсуфбек қожи, Отабек, давлатчылық асосини сақлашға үринган Нормұхаммад құшбеки, Үтаббой кабилардан иборат образлар тизими бор.

Шу билан бирга, бу романда давлат заифлиги, миллий – этник парокандалықка сабаб бұлған Мұсулмонқұл, Худоёрхон, Азизбек, Ражаббек, Ниёз құшбеки каби тарихий ҳамда түқима образлар қаралады.

Бу қаҳрамонларнинг ҳар бири индивидуал қиёфага, бадий структурасына зерттеуден үздік, уларнинг қаралтасы, онг даражасы, дүнәңараши романдағы етакчи бадий концепцияны юзага чиқариш, ойдинаштырилишга қаратылған.

"Кече ва кундуз" бадий маттенинг асосий қысмасында Ватан, халқ, миллат дардидан узоқда турған (Акбарали мингбоши), шу юрт, халқ мутелигини мустаҳкам сақламоқчи бұлған (ноиб тұра), манқортлук психологиясінін үзіде тұла мужассамлаштырган (Раззок сұғи), оила, мұхит маҳдуддиги исқанжасига түшгап (сүфінинг хотини, Зеби, мингбошининг хотинлари – Хадичахон, Пашшохон, Султонхон) образлар туради. Бунинг асосий боиси деб, "Үткан кунлар"дагы етакчи қаҳрамонлардан бири, "Шарқ оталиғи" Юсуфбек қожи сұzlары билан айтганда, Туркистаннинг "халокат чуқури" га бориб қолгани, "наслнинг бўйнига" ўрис буйиндириғининг кийдирилгани, яъни Ватаннинг мустамлака ҳолига тушиб қолганида деб билмоқ керак.

Шу маънода "Кече ва кундуз"ни фожиавий ёки фожиалар ҳақидағы роман деса ҳам бұлади.

Мамлакат, халқ, миллат фожиаси бадий матн сюжет майдонида турған ҳар бир қаҳраман персонажга үз таъсирини, ҳукмини үтказыпша қодир.

Бахтсиз, эркисиз халқнинг фарзанди, вакили баҳтиёр, эркин

яшашга ноил эмас.

Бу фикр, ғоя "Кеча ва кундуз"даги ҳар бир бадий образ характери, қисматида ўз тасдиғи, ифодасини топган.

Мустамлакачилик сиёсати, оғир иқтисодий шарт – шароит, мутелик психологияси Туркистанда яшовчи аксар оила ва унинг аъзоларига ўз ҳукмини ўтказиб бўлган.

Романдаги Раззоқ сўфи, Холмат, Салтанат, Ўлмас хонадонлари вакиллари тирикчиликнинг оғир юки остида эзилган жабрдийда кишилардир.

Бу кишилар оғир ва истиқболсиз турмушнинг сабаблари, моҳиятини очиш, ҳатто муҳока^{*} ва қилишга ожиз.

Мушоҳада юритиш, фикрлаш, курашиш учун инсонда, ҳалқда энг аввало билим, маърифат бўлиши зарур. Маърифатсиз, "заҳарли ҳаёт" (Ҳ. Ҳ. Ниёзий) ҳалқни, инсонни муқаррар равища фожиага, "ҳалокат чуқури" (А. Қодирий)га олиб боради.

"Заҳарли ҳаёт"дан қутулиш, "ҳалокат чуқури"дан узоқлашиш учун маърифат, илм керак, миллый тафаккурни уйғотиш зарур.

Буюк ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаракат – жадидчиликнинг бош идеали "Кеча ва кундуз" романи бадий концепциясининг марказига қўйилган.

Жаҳон маънавий-интеллектуал тафаккури, Шарқнинг ахлоқий-таълимий заҳирасидан озиқ олиб тобора ривожланаётган бу ҳаракат шу қадар жозибали ва кўламдорки, ҳалқнинг турли маслак ва руҳиятга эга вакилларини ўз доирасига киритиб, қамраб олишга қодир.

Жадидчилик дунёқарashi, ғоявий мундарижаси, идеаллари "фикрлаш доираси чекланган" (миллатнинг маънавий мулки бўлган ноёб қўллэзмаларни ноиб тўрага инъом қилиб туради) "янги буржуа одами" (пахта заводи хўжайнларидан бири, бир неча дўкони бор)* Мирёқубга, Акбаралининг итоаткор миrzаси Ҳакимжонга ўз таъсирини ўтказа олган.

Романдаги бу кишилар руҳий-маънавий оламида жадидчилик, унинг ғоя-идеаллари таъсирида муайян бир эврилишлар, сифат ўзгаришлари содир бўла бошлади.

Шундай қилиб, роман муаллифи фожиалар, азоб-уқубатлар гирдобида қолган ҳалқ ва унинг ҳаётини бадий тасвиrlаш билан киғояланиб қолмай, буюк миллатпарвар таълимот ва идеаллар таъсирида уйғонаётган тафаккур тадрижи, ҳаракатини ҳам матн ҳудудига киритган.

Ҳайбатли, мустабид чор империясининг емирила бошлаши,

*Чўлпон. Яна олдим созимни. Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1991, 193-бет.

зулм, уқубатларга қарши стихияли бош күтараётган омма (тоғ, Құмариқ воқеалари) мана шу миллий үйғониш, ҳаракатларнинг натижаси бўлиб сюжет тизмасига кирган.

Роман сюжет майдонидаги Құмариқ құзғолони билан "Ўткан кунлар"даги Тошкент исёни тасвиirlарини бадий адабиётнинг ҳалқчиллик принципи боғлаб — умумлаштириб турибди.

Муштарап дунёқарааш (жадидчилик ғоялари мажмуи), ягона адабий-бадий принцип (халқчиллик) "Ўткан кунлар"га ҳам, "Кечава кундуз"га ҳам кучли эмоционал-ижобий таъсир ўтказган, роман бадий-эстетик қурилмаси, ғоявий-бадий концепциясининг бақувват, ҳаётий бўлишига ёрдам берган.

"Ўткан кунлар", "Кечава кундуз" романлари бадий матнини жаҳон романчилиги, бадий-эстетик тарихида марказий ўрин згаллаб келган "монологик тафаккур" ҳам боғлаб, яқинлаштириб турибди.

"Ўткан кунлар" — монологик романнинг мумтоз, шоҳ намуналаридан бири. Муаллиф — А. Қодирийнинг олам, коинот, инсоният, шахс ҳақидаги шаклланган дунёқараashi, нуқтаи назари, идеаллари биринчи ўзбек романни бадий қонцепциясига, матн тизимига, ҳар бир қаҳрамоннинг бадий структурасига ўз таъсирини ўтказган ва улар роман бадий марказида етакчи, ҳукмрон мавқени ишғол этиб турибди.

Романчилиқда А. Қодирийнинг ижодий-эстетик анъана, тажрибаларини давом эттирган, у асос соглан "олтинчи романчилик мактаби" бадий, кўлами, ғоявий-фалсафий мундарижасини кенгайтирган А. Чўлпон романидаги эпик оламда "монологик тафаккур" зуҳуроти, инъикоси мавжуд.

Романда тасвиirlанган воқеа — ҳодисалар, қаҳрамонларга аниқ баҳо-муносабатлар, муаллифнинг уларнинг ҳар бирига нисбатан ўз қарашини ифодалashi-баҳо бериши, ижобий ҳодисаларни тасдиқлаши, салбий ҳаракат ва шахсларга очиқ — аниқ ноҳайриҳоҳлиги "монологик тафаккур" эҳтиёжи, талабларидан келиб чиқсан.

"Монологик тафаккур"га кўра "Кечава кундуз"да Зеби, Салтанат, Энахон каби образларга муаллиф — романнависнинг ижобий-эмоционал, Рассоқ сўфи, Акбарали мингбоши кабиларға салбий-инкор муносабати, нуқтаи назари аниқ, равшан сезилиб, кўриниб турибди.

Муаллиф тасвирича Рассоқ сўфи "индамас, зиқна одам"*, "маълум касби, ҳунари йўқ". Акбарали мингбоши эса "чекка

*Чўлпон. Яна олдим созимни. Тошкент: F. Үулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.10-11-бетлар.

сүяклари туртиб чиқсан, пешонаси бўйига тор, энига кенг... қаншари паст", уни "белида кумуш камари, ёнида кумуш сопли қиличи, устида зарбоф чопони бўлмаса, ҳеч ким амалдор демайди".

Генетик – шажаравий жиҳатдан бундай тасвир жаҳон (Шарқу Фарб) эпоси, фольклор ва мумтоз адабиётнинг анъанавий эпик жанрлари ҳамда мана шу шаклларидағи тасвир усуллари ва воситаларини роман матни бадиий структурасига олиб кирган А. Қодирийнинг тарихий романлари бадиий матнiga бориб боғланади.

Монологик тасвир усули Чўлпонга роман бадиий оламида ифода топган тарихий-ижтимоий тузум, унинг намояндалари, муайян образ, характерларга бадиий адабиётнинг инсонпарварлик, ҳалқчиллик нуқтаи назари бўйича баҳо бериш, муносабат билдиришга имкон яратган.

"Кеча ва кундуз"нинг генетик-шажаравий, бадиий-поэтик тагзаминида миллий-ҳудудий адабий-бадиий манбалар (Шарқ эпик, лиро-эпик адабиёти намуналари, "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён") билан бир қаторда замонавий Фарб романчилиги бадиий тажрибалари ҳам туради.

Чўлпон бадиий дунёқарашида, "Кеча ва кундуз"нинг поэтик оламида Фарб эпик адабиёти, замонавий романчиликтининг илфор ютуқлари, тажриба-изланишлари адабий-бадиий жиҳатдан қайта ишланиб, миллий адабиёт мезонлари, қонуниятлари, тамойилларига мослаштирилди.

Мана шундай мувофиқлик, ижодий ўрганиш – узлаштиришни "Кеча ва кундуз" бадиий структурасида зуҳур топган "полифоник тафаккур", "онг оқими" белги – аломатларида кўриш мумкин.

Мутафаккир М. Бахтин асос соглан "полифоник тафаккур" назариясига кўра бадиий матн, шу жумладан, роман матни ҳудудида муаллиф тасвир этилаётган воқеа-ҳодисаларга, қаҳрамон ҳатти-ҳаракатлари, психологик оламига аралаша олмайди; улар "ўз-ўзича" ҳаракатда бўлади.

Полифоник роман матнида муаллиф ҳам иштирок этиши мумкин. Аммо у бадиий сюжет тизимидағи образлардан бири бўлиб, бошқа қаҳрамон ва персонажларга ҳам, воқеа оқими, тизимиға ҳам ўз ҳукмини ўтказиш имконига эга эмас.

"Кечава кундуз" матнiga ана шу жиҳатдан назар солинса, унда "полифоник тафаккур"га мос келувчи айрим хусусият – белгилар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бу ўринда айтиш мумкинки, "Кечава кундуз" соф маънода полифоник роман эмас, унда оддин айтилганидек монологик матнiga мувофиқ келадиган тасвир усуллари, восита ва принциплари етакчи мавқе эгаллайди.

Роман бадиий матни оламида бу икки (монологик ва полифоник) тафаккур ўзаро боғланиб яхлит бир бадиий ҳудуд дунёсини ташкил этган, улар айрим ҳолларда бир-бирини рад этишга, рақибини бадиий майдондан четга суриб ташлашга интилади.

Матн майдонидаги бундай муҳолифат - тафаккур оқимларининг зидлиги роман бадииятига, образлар тулақонлилигига путур етказмаган, аксинча романнинг жозибали, қизиқарли чиқишига ёрдам берган, психологиям терапиягини таъминлаган.

"Кеча ва кундуз"да полифоник тасвири, масалан, Акбарали, Мирёқуб бадиий структурасида мужассам қилинган.

Адабиётшуносликда "структурата" атамаси иккӣ маънода ишлатиб келинмоқда. Биринчидан, у асл маъносида, яъни "қурилма", "тузилиш" тарзида истифода этилса, иккинчидан, матн ёхуд образнинг энг кичик бўлак ("атом")ларининг ўзаро, ички муносабатлари, боғланишлари, ёнма-ён (параллел), қарама-қарши ҳаракати демакдир.

Структура истилоҳини иккинчи маънода қуллаш бадиий матнни ҳам, муайян бир образни ҳам чуқурроқ, аниқроқ тушуниш, унинг моҳияти, мазмунини ёрқинлаштириш, тасаввур қилиш имконини беради.

Агар Чўлпон романидаги Акбарали, Мирёқуб образларига ана шу нуқтаи назардан қаралса, уларда муаллифнинг монологик баҳоси, мушоҳадасига бўйсунмайдиган, ўзича, мустақил бўлган ҳаракат, фикр оқими мавжудлиги намоён булади.

Монологик тасвирда чуқур мулоҳазадан йироқ "тўрт чақага арзимайдиган" қаҳрамон сифатида таърифланган, баҳоланган Акбарали "Кеча ва кундуз"нинг муайян матний-структурал бўлакларида фикрловчи, зиддиятли ўй-кечинма, фикрлар гирдобига тушиб қолган инсон тарзида гавдаланган. Бундай тасвир бадиий психологизмнинг "ички монолог" усули воситасида юзага келтирилган (Қумариқ исёнидан кейин мингбошининг руҳий олами тасвири).

Ички монолог усули воситасида Мирёқуб, Мария (Марям), Зеби, Раззоқ сўфи кабиларнинг фикр, туйгулар оқими ўз мураккаблиги, чуқурлиги билан ифодаланган.

Полифоник тасвир аломатларини, айниқса, Мирёқуб ички оламининг кўп қиррали, серкўлам кенгликлари мисолида яқъол курса булади.

Структурализм намояндаси Р. Бартнинг фикрича, қаҳрамон фаолияти, жисмоний ва маънавий-психик ҳаракатларини муаллиф (ровий) эмас, бадиий матн структурасининг ички, мустаҳкам оқимлари, қонуниятлари, ўзаро муносабатлари белгилаб, бошқариб

боради.* Бундай муносабат, қонуниятлар шу қадар құдратли ва мустақилки, ровий воқеа жараёнiga ҳам, қаҳрамон психологияк дүнёсига ҳам таъсир күрсатиши, уларни үзгартыриш имкониятiga эга эмас. А. Қодирий "Үткан күнлар" қаҳрамони Кумуш вафотини тасвиrlай туриб йиғлаганининг сабаби ана шунда.

"Кечә ва күндүз"нинг етакчи ва иккинчи даражали персонажлари роман бадий сюжети чизиқларида ҳаракат этар өканлар, уларнинг мураккаб, күп қатламли руҳий оламидаги муаллиф (ровий)га ҳам, қаҳрамонларнинг үзига ҳам бўйсунмайдиган, мустақил қонуниятлар, принциплар асосида ривожланиб борадиган оқим, тўлқинлар туфайли үзликларини, ботиний хусусиятларини кўрсатиб, ошкор этиб борадилар.

Чўлпон романидаги теран, ҳар томонлама бадий далилланган психологиязм ёзувчининг йигирманчى асрнинг энг шуғузли назарияларидан бўлган фрейдизмни, психоанализмни, Гарб сўз санъатида пухта ишланган бадий усулларини яхши билганлиги, улардан ўринли, унумли фойдалана олганлигини тасдиқлаб турибди.

Чўлпон янги тарихий-маданий даврда Фарб ижтимоий, фалсафий, эстетик тафаккурида пайдо бўлиб ривожланаётган оқим, мактаб, назария ва таълимотлардан жуда яхши хабардор бўлган ва уларни ўқиб-ўзлаштирган.

Бундай хабардорликни нафақат унинг адабий-танқидий ишлари, шунингдек, бадий мероси, хусусан, "Кечә ва күндүз" романи матни, тагматни, ундаги маънолар мажмую кўрсатиб, тасдиқлаб турибди.

Йигирманчى асрнинг энг оммавий фалсафий-психологик таълимотларидан бири бўлган фрейдизмни ўрганиш адигба инсон, қаҳрамон руҳий оламининг мураккаб қатламларини билиш ва бадий тасвилашга ёрдам берган.

Инсон (қаҳрамон) онгининг үзига хос мураккаб, кўп қиррали, ҳудудсиз олами, унинг бир-биридан ажralиб турувчи, "мустақил" қатlam ("онг", "онг ости", "онгдан ташқари")ларга бўлиниши, шахс ҳатти-ҳаракатлари, фаолияти, характеристи мана шу қатламларнинг структураси, ўзаро, ички муносабат-алоқаларидан келиб чиқиши, жисмоний-сексуал ҳиссиётларнинг одам психологик тадрижи, эврилишларидаги ўрни ва аҳамияти фрейдизм таълимотида илмий далиллар, таҳлил ва тадқиқлар орқали очиб берилган.

Психологиядаги фрейдизм таълимоти асосчилари, шу

*Барт Р. Избранные работы. М.: Прогресс, 1989. – С. 388.

жумладан, Зигмунд Фрейд (1856 – 1939) шахсни ўрганишда асосий эътиборни унинг руҳий структурасига қаратганлар. Бундай тадқиқ кўп асрлар давомида инсоният учун қоронги, номаълум бўлган сирли ҳодисаларни билиш, баҳолаш имкониятини яратди.

Чўлпон "Кеча ва кундуз"ни ёзишга киришаётган пайтда Фрейднинг психоаналитик назарияси ҳақида Фарбда, жумладан, Россияда кўп ёзилаётган, унинг инсонни англашдаги аҳамияти, ўрни мұхокама қилинаётган эди.

Замонавий Farb адабиётига фрейдизм кучли таъсир ўтказган ва бу таъсир ҳозиргача ўз кучини сақлаб олмоқда. "Ҳозирги замон америка адабиётига фрейдизм шунчалик ўз ҳукмини ўтказганки, – деб ёзган эди. У. Тейлор, – "фрейдизм адабиёти" ва "америка адабиёти деярли синоним бўлиб қолди" (Я. Засурский. Американская литература XX века. – Москва 1984, стр. 148).

Буюк Британия адабиётида фрейдизм таъсирида "психологик мактаб" юзага келди, унинг намояндлари – Б. Бульф, К. Маккензи, М. Синклер, Д. Ричардсон бадиий тасвирда асосий эътиборни инсон руҳий дунёси, ундаги оқим ва қарама – қаршиликларга қаратганлар.

Рус мутафаккири ва филологи А. Лосев "Диалектикага муҳаббат" китобида шундай деб ёзган: "20 – йилларда Россияда фрейдизм кенг тарқалган эди. Фрейд асрлари таржима қилиниб, кўп бора чоп этилди... Ўйлайманки, фрейдизм фалсафа тарихи ва фан тарихида катта воқеа... унда чиндан ҳам онг ости соҳасининг жуда улкан роли очиб берилган" (Москва, 1990, 50 – бет).

Юқоридаги маълумот ва фикрлар фрейдизмнинг фандаги ўрни ва бадиий адабиётга таъсирини аниқ кўрсатиб турибди.

Шундай қилиб, йигирманчи асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Farb (Америка ва Европа) мамлакатларида З. Фрейд таълимоти кенг тарқалган, у бадиий адабиёт ҳудудига кириб бўриб, айниқса, роман бадиий майдони, структурасига ўз таъсирини ўтказа бошлади.

Улкан маърифатпарвар, кенг ва чуқур билим-интеллект соҳиби бўлган Чўлпон жаҳон тафаккури хазинасидаги кўҳна ва замонавий таълимот, назарияларни, шу жумладан, фрейдизмни ўқиб-ўзлаштирган, улардан бадиий матн, бадиий олам қурилмасини барпро этишда фойдаланган.

Бу ўринда шуни таъкиддаш лозимки, Чўлпон эпик ижоди, хусусан, "Кеча ва кундуз" романида Farbнинг баъзи бир санъаткор (кинематограф, рассом, адаб) ларидагидай фрейдизмга бир ёқлама ёндашиш, яъни шахс ҳаёти, фаолияти, тақдирида сексуал-эротик соҳасининг ўрнини ҳаддан ошириб кўрсатиш, бўрттириш хусусияти йўқ.

Шу билан бирга, "Кеча ва кундуз"да айнан шу соҳанинг инсон (қаҳрамон) руҳий дунёси, ҳатти-ҳаракатларида мустаҳкам ўрни борлиги аниқ психологоик таҳлиллар орқали очиб берилган.

Романдаги асосий қаҳрамонлардан бири бўлган Мирёқубнинг ўз сўзи билан айтганда "итлик", яъни сексуал саргузаштлари (Пошшохон, ноиб тўрининг хотини билан "ишқий" муносабатлари), мингбошининг хотинлари – Пошшохон, Султонхоннинг бу борадаги ўй-кечинмалари, мақсад, ҳаракатлари "Кеча ва кундуз" бадиий олами ҳудудига киритилади ҳамда инсонни тулароқ, чуқурроқ бадиий тадқиқ этиш вазифасини бажаришга йўналтирилади.

Ҳатто Зебихондай маъсума қиз ҳам бундай туйфу, интилишлардан холи эмас. Романда Зебининг ўзи севмаган, бадбашара, қари эр(Акбарали мингбоши)га муносабатида "онг" ва "онг орти" қатламларо ички алоқа ҳамда зиддиятлар кўрсатилган. Чўлпон тасвирича, "онг" қатламида хунук, бедаво эрни ёмон кўрган жувон "онг ости" қатламида у билан бирга булишга файриихтиерий равишда рағбат, мойиллик кўрсатади: "... табиат ўз ишини қилди. Мамлакатнинг қизғин қучогида тез етилган тан бечора қизнинг маъюс кўнглини ўз илиқ қучогига олди".

Бу ўринда "маъюс кўнгил" "онг", "тез етилган тан" "онг ости" қатламларини кўрсатиб турибди.

"Онг орти" заҳирасида яширинган биологик-нафсоний истак-туйгулар "онг" қатламидаги майл-ҳиссисиёт ва фикрлардан устунлик қиласи, уларни ўз изми, иродасига бўйсунтира олади.

Пошшохон, Султонхонлар табиатидаги аламзадалик, қасоскорлик туйгулари ана шу майл, интилишларнинг бўғилгани оқибатидир.

Генетик-шажара вий жиҳатдан бундай тасвир ва психологик таҳлиллар бир тарафдан замонавий тафаккур, бадиий адабиётда оммалашган фрейдизмга, иккинчи томондан эса Шарқ бадиий-адабий манбаларга бориб туташади.

Шарқ (турк, араб, ҳинд, форс – тожик) бадиий манбалари, айниқса, "Минг бир кеча" ва унинг таъсирида юзага келган айрим ёзма адабиёт намуналарида инсонга хос бундай майл, эҳтиёжлар тасвирига кенг ўрин ажратилган.

Бинобарин, "Кеча ва кундуз" романининг бундай нуқталарида Шарқу Farb бадиий тажриба, адабий заҳира чизиқлари ўзаро кесишиб туташади ва матн майдони ҳудудида ўзига хос бадиий-поэтик синкетизмни юзага келтиради.

*Чўлпон. Яна олдим созимни. Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.220-бет.

"Кеча ва кундуз"даги инсон психологиясининг жуда нозик, ранг-баранг, бадий далилланган тасвири роман муаллифининг жаҳон адабиётидаги психологик тасвирнинг буюк усталари билан ёнма-ён куриш, баҳолаш имконини беради.

Романдаги ижтимоий ва психологик, монологик ва полифоник тафаккурнинг санъаткорона үйғулиги, муштараклиги йигирманчи асрнинг 30-йилларидаёқ "олтинчи романчилик мактаби" сифат жиҳатидан янгиланаётгани, ўзининг эпик, жанрий имкониятларини кенгайтираётгани, янги бадий-поэтик белги-аломатларга эга бўлаётгани, шахсни, жамиятни бадий тадқиқ қилишда янги босқичга кўтарилгани, умуман, романнинг бадий, эпик жанр тарзида "қирғоқсиз" – ҳудудсиз маконга эга эканлиги, структурал майдонининг нафақат горизонтал, шунингдек, вертикал жиҳатдан кенг эканлигидан далолат беради.

А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", С. Айнийнинг "Дохунда", "Құллар", А. Чұлпоннинг "Кече ва кундуз", А. Қаҳҳорнинг "Сароб" романлари Марказий Осиё насрининг янги бир ҳодисаси – "Қутлуғ қон" асарининг юзага келишига замин ҳозирлади.

30-йилларда яратилган йирик бадий шаклли асарлар орасида "Қутлуғ қон" романни эпик кўламдорлиги ва поэтик пишиқлиги билан ажralиб туради. Романда жаҳон романчилигининг яхши анъаналари давом эттирилган. Замонавий сўз санъатининг ютуқ ва изланишлари тажассум топган, муаллифнинг санъаткор сифатидаги бадий маҳорати намоён бўлган.

"Қутлуғ қон" муаллифи романнинг етакчи бадий-ғоявий концепциясига асосан тарихий воқеликдан жамиятдаги асосий ижтимоий қатлам ва табақаларнинг вакилларини ажратиб олган ва эпик жанр талабларига мувофиқ келадиган бадий образлар тизмасини яратган.

"Қутлуғ қон" романнинг бадийлиги, адабий жараёндаги ўрни Ҳ. Ёқубов, М. Құшжонов, Н. Худойберганов каби адабиётшунос ва мунаққидар томонидан таҳлил қилинган. Жумладан, Н. Худойберганов 1986 йилда нашр этилган "Ўз дунёси, ўз қиёфаси" номли китобида "Қутлуғ қон"ни "ғоятда етук", "чинакам бадий кашфиёт даражасига кўтарилиб, ўзбек адабиётининг ўзига хос шоҳ асарларига айланган..." романлар қаторида санаб ўтади (107 – бет).

Марказий Осиё адабиётида Абдулла Қодирий асос соглан янги романчилик мактаби анъаналарини давом эттириб, йирик эпик асар ёзишга киришган Ойбек Шарқ, Фарб бадий маданияти, тарихи ва адабиёти билан бирга ўз даврининг эҳтиёжи ва тазиикига кўра марксча-ленинча таълимотни, ҳукмрон тузум ғояларини ҳам

пухта ўрганган, бу қарашларни эътиқод деб қабул этган эди.

"Құтлуғ қон" романининг назарий-мағкуравий асоси тадқиқотчи – адібнинг 1936 йили ёзилган "Абдулла Қодирийнинг ижодий йүли" деб номланган илмий асарида муфассал баён этилган. Бу тадқиқотда муаллиф "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён" тарихий романларидағы юксак бадий маҳоратни, Қодирийнинг катта санъаткор эканини эътироф этган. Шу билан бирга, у мазкур асарларга пролетар мағкураси, "социалистик реализм" ақыдалари асосида ёндашган. Ойбек биринчи ўзбек романлари узи қабул қылган "назария"га номувофиқлиги боис, М. Қўшжонов айтганидай, "икки ўт орасида" ,олиб, устоз адіб ижодига танқидий ёндашишга мажбур бўлган.

Ойбек ўзининг биринчи романида Абдулла Қодирий анъаналарини давом эттириб, яқин ўтмишни, "кейинги хон замони" – чор империяси ҳукмронлигининг сўнгти йиллардаги Туркистон ҳаётини тасвирашни мақсад қилиб олган. Ёзувчининг режасига кўра бу янги эпик асар романнавис А. Қодирий ижодидаги "хатолар"ни тузатиши, унда синфлараро антагонистик зиддият ифода топиши лозим эди.

Вульгар социалогизм намояндалари (М. Шевердин, С. Ҳусайн ва бошқалар) "Ўткан кунлар" муаллифини "ҳукмрон синф вакиллари" – Юсуфбек ҳожи, Отабек, Мирзакарим Қутидор, Зиё шоҳичи, Кумуш кабиларни ижобий тасвирагани учун кескин танқид қилгандар. Ойбек бундай "танқидий мулоҳазалар"дан керакли хулоса чиқарган. Унинг тарихий романида "эзувчилар" гуруҳи (бой, амалдор, савдогар...) образи шурорий қарашларга мувофиқ бўлмоғи лозим эди. Мана шундай ният ва режалар билан адіб ижодий ишга киришди. Маълум бир муддат ичида роман ёзиб бўлинди ва 1940 йилда нашр этилди.

Табиийки, ўз даври – совет ижтимоий-сиёсий муҳити, тузумининг вакили бўлган Ойбекнинг биринчи романида "социалистик реализм", марксча эстетиканинг бадий асарга, адабий қаҳрамонга бўлган муносабати, кўрсатмалари маълум даражада акс этади.

"Құтлуғ қон"да синфий муносабатлар антагонизми (муросасизлиги), синфий жамиятнинг икки қирғоғида турган мухолиф куч вакиллариаро тавофтут ва зиддиятлар ифодаланган.

Худди шу сабабга кўра кейинги йилларда чоп этилган айrim ишларда "Құтлуғ қон" романига мағкуравий, сиёсий дунёқараш маҳсулси сифатида қаралди, унинг бадий яратма сифатидаги ўрни ва аҳамияти инкор этилиб, "Ўткан кунлар", "Кеча ва кундуз" каби етук, шоҳ асарлар унга қарामа-қарши қўйилди.

Ойбек романида ҳукмрон тузум, ҳукмрон мәфкуранинг муайян таъсири ва тазиики ифода топганини эътироф этиш керак,

албатта.

Шу билан бирга, илмий-объектив, муфассал таҳлил бу романнинг бадиий матн, адабий асар сифатида бир неча қатламлардан иборат эканини кўрсатади.

Ташқи – юза қатламда ижодкор яшаган ижтимоий-сиёсий қурилманинг маълум бир қараш ва фоялари акс этади, чуқурроқ, ички қатламларда эса умуминсоний, эркпарвар тафаккур, санъаткорнинг инсон, ижодкор сифатидаги бадиий олами намоён бўлади.

Роман бадиий матнининг айнан шу қатламларида Ойбек эпик тасвир устаси, жаҳон адабиётининг илфор бадиий анъана ва тажрибаларини ижодий-бадиий ўзлаштирган истеъдодли адаб сифатида кўринган.

"Қутлуғ қон" тарихий роман сифатида Туркистон ўтмишининг аниқ бир даври (йигирманчи асрнинг 10-йиллари)ни, бу даврнинг мураккаб, кўп қиррали психологик, ижтимоий, иқтисодий муносабатлари тарихини бадиий инъикос эттирган.

Романнинг бадиий хронотопида аниқ замон, аниқ маконнинг кўламдор манзаралари акс этган.

"Қутлуғ қон" романининг бадиий мундарижаси ва тарихий-фоявий концепцияси асосида тарихнинг йирик воқеаси – Туркистондаги 1916 йилги миллий озодлик қўзғолони омиллари, кўлами ва мағлубиятининг таҳлили масаласи ётади. Ўн олтинчи йилдаги миллий қўзғалиш Туркистонда яшовчи барча халқларнинг тарихида чуқур фожиавий из қолдирган. Чор мустамлакачилиги давридаги бирор қўзғолон ёки исён ўз кўлами ва оммавийлиги билан 1916 йил ҳаракатига teng кела олмайди. У Туркистоннинг барча ҳудудларини қамраган, чоризм давлат қурилмасига жиҳдий талофат етказган эди.

30-йиллардаги Марказий Осиё адабиётларида бу қўзғолоннинг ижтимоий, маънавий илдизлари, унинг миллий тафаккур тараққиётидаги ўрни ҳақида ўнлаб бадиий асарлар яратилди.

Ўзбек адиларидан Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" (1933) романида, Н. Сафаровнинг "Уйгониш" (1939) пьесасида, К. Яшиннинг "Бўрон" (1939) либреттосида бу қўзғолон бадиий ифода топди.

Бу мавзу қозоқ адабиётида С. Муқоновнинг "Жумбоқли ялов" (1938) романи, туркман адабиётида Б. Кербобоевнинг "Туркманистон 1916 йилда" (1929), "Очлик" (1930) повестлари, "Дадил қадам" (1 – китоб, 1937) романида, қирғиз адабиётида А. Тўқумбоевнинг "Қонли йиллар" шеърий романи, К. Жонтошевнинг "Олим ва Мария" (1930) пьесаси, К. Маликовнинг "Билбай" поэмаси, М. Элебоевнинг "Олис йўл" повестида тасвир этилган.

Бу мавзу ва муаммони бадий ўзлаштириш кейинги ўн ийликларда ҳам давом этди.

Ойбек романида Туркистон ҳаётининг барча қатламлари адиб ижодий режаси, давр имкониятига кўра кўп ёки оз даражада тасвиrlанган. Табиат манзаралари, тўй лавҳалари, бой ва савдогарлар ва деҳқон, ҳунарманд, хизматкорлар турмуши, жадидчилик ҳаракати, чапани – безорилар қиёфаси, хотин – қизларнинг майл, руҳияти, бозор ҳангомалари тасвири чор амалдорлари ва малайлари аъмоли, ички дунёси – буларнинг барча-барчаси романда ягона сюжет ўқига келиб туташади ва мозийнинг бир бутун-яхлит, мураккаб манзарасини ҳосил этади.

Биз Ойбекнинг шуровий ғояларни қабул этгани ва ўз романига шу таълимотни назарий асос қилиб олгани ҳақида гапирдик. Лекин Ойбек ижодида замонасозлик, пролетарча таълимот асосий меҳвар эмас, адиб баъзи замондошларига ўхшаб давр қарашларининг очиқдан-очиқ маддоҳи – “куйчиси” бўлишдан сақланган.

Замона мажбуриятига кўра “икки ут орасида” (М. Күшжонов) қолган адиб мақбул йўл излаб топишга жазм қилган. У мозийни ҳаққоний тасвиrlаш, шу билан биргага, жангари марксчи мунаққидларнинг хуружларига чап бериш учун мана шундай усулини маъқул кўради: баъзи бир тарихий ҳодиса ва ҳаракатларни бевосита эмас, билвосита тасвиrlайди, уларга очиқдан баҳо бермайди, ўз қарашларни роман тагматнига кўчиради.

Ойбекнинг улкан ижтимоий-енисий-маърифий ҳаракат – жадидчилик ва мустамлакачиликка муносабатида худди мана шу йўлни пайқаш мумкин.

“Қутлуғ қон” тарихий роман сифатида биринчи галда А. Қодирий, С. Айний, Чулпон, А. Қаҳҳор каби ўзбек адибларининг, кенгроқ олганда эса, Шарқу Farb эпик анъаналари, ютуқлари, тажриба ва изланишларини ўзида мужассамлаштирган, уларни янги бир босқичга олиб чиққан йирик эпик асар. Унинг заминида тарихий, фалсафий фикрлар олами, илфор ва кўп асрлик синовдан ўтган инсонпарвар дунёқараш туради. Романда улкан ва ҳал қиуловчи аҳамиятга молик бўлган тарихий ҳодиса-миллий озодлик ҳаракатининг ижтимоий, маънавий-ахлоқий омиллари бадий ифода топган.

Олдин айтилганда, “Қутлуғ қон”да “Вальтер Скотт романни”нинг асосий хусусият, белгилари устивср. Унда тарихий факт, саналар деярли келтирилмайди. “Шоп мўйлов, гўштдор юзидан заҳар томчилаган Мочалов” (шаҳар полицияси бошлиғи)ни ҳисобга олмаганда барча қаҳрамон, персонажлар бадий тўқима ёрдамида юзага келган. Шунга қарамай, романда тарих, унинг аниқ манзаралари акс этган. Асар образ ва характерлари, вокеа тизими, бадий лавҳа(эпизод)лари тарихийлик принциплари

асосида ишланган.

Шу боисдан ҳам романда тасвиrlанган тарихий даврни ҳам, бу даврнинг етакчи хусусиятларини ҳам яққол кўрса бўлади.

"Қутлуғ қон" жанри, роман типи, қаҳрамон, характерлари, бадиий-тасвирий воситалари, портрет (суврат), пейзаж, психологизми кабилар билан А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар", Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романларига муштарак. Бундай муштараклик Ойбек ижодининг оригиналлиги ва ўзига хослигини инкор этмайди, аксинча бу санъаткорнинг ўзбек романчилиги тажрибаларини пухта ўзлаштиргани ва уни янги тарихий шароитда ривожлантирганини тасдиқ этади.

А. Қодирий ва Ойбекнинг йирик эпик асарлари, айниқса, "Ўткан кунлар" ҳамда "Қутлуғ қон" романлариаро адабий-бадиий муштараклик энг аввало қаҳрамон танлаш, қаҳрамонни тасвиrlаш усулларининг яқинлигига кўринади. Ойбек романининг бош қаҳрамони бадиий адабиётнинг халқчиллик принципини, инсонни тасвиrlаш бўйича янгича ижодий изланишларни ўз бадиий қурилмасида акс эттирган.

Шу билан бирга, бу қаҳрамон фольклор, жаҳон эпик поэзияси, насли, тарихий романчилигининг энг муҳим, асосий хусусиятларини синтезлаштирган. Роман қаҳрамони Йўлчи образида "Ўткан кунлар"даги Отабекни эслатадиган муайян хусусиятлар мавжуд. Бу икки қаҳрамоннинг бадиий суврати, табиат – сажияси, ахлоқий қиёфасини бирлаштириб турадиган ўхшаш аломатлар борки, булар Ойбекнинг характер, тип, қаҳрамон яратишида А. Қодирий романчилик мактабини ижодий давом эттирганини кўрсатади.

"Ўткан кунлар" қаҳрамони Отабек "улуг гавдали, кўркам ва оқ юзлик, келишган қора кўзли, мутаносиб қора қошлиқ ва мурти сабз урган бир йигит". Йўлчи ҳам "арслондай кўркам гавдаси, кенг пешонаси, чуқур самимият ифодаси билан тўла йирик, ҳушёр кўзлари, ... кенг кўкраги, бақувват қўллари" билан ажralиб туради. Романнинг бошидаёт А. Қодирий қаҳрамоннинг "енгил табиатлик, серчақчақ"** кишилардан "бошқача яратилишида", яъни босиқ, мулоҳазали йигит эканини алоҳида таъкидлаган. Ойбек Йўлчини Мирзакаримбой нигоҳи орқали "аклли.. ҳам улуғвор, вазмин" йигит сифатида тасвиrlайди. Йўлчи Отабекдан фарқли равишда қишлоқда туғилган, болалиқдан "юмуш" билан банд бўлган. Шунинг учун адаб қаҳрамон суврати тасвирида жисмоний қувватга алоҳида

*Ойбек. Қутлуғ қон. Тошкент: Ўқитувчи, 1975.15-бет.

**Қодирий А. Ўтган кунлар. Меҳробдан чаён. Тошкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.8 – бет.

эътибор беради: "яктак ичидан қабариб тутган кенг күкрак... бақувват құллар". Ойбек ҳам Қодирий каби Йұлчи сувратидаги белгилар, фазилатларини бошқа персонажлар тилидан таъкидлаб, кучайтириб боради. Чойхоначи унга: "Роса мучалинг бор эканг, иним. Баданингдан куч ёғилиб тураяпти – я"" деса, бойнинг "кеқкайған хотини" у ҳақда: "Тоғдек йигит бұлибди," – дейди. Ресторандаги "икки хотин – Анна билан Мария" қаҳрамоннинг "куч тұла гүзәллігіга суқланиб"** қарайдылар. Мария Йұлчига қадаң сұнмоқчи бұлғанида уни "Геркулес" деб атайди.

Йұлчи нафақат суврат ва тийнат, шунингдек, шижаат, баҳодирлик каби фазилатлари ғиан Отабекни эслатыб туради.

"Үткан күнлар"нинг "Душанба куни кечаси" бобида "рақиб билан дилдорнинг уйи орқасида танқо олишмоқ" қа қарор қылған Отабек "Хомид исмлик бир тұнғузни.. ёрдамчилари билан тупроққа қориширишга муваффақ" бұлади. Парвардигори оламнинг инояти, шафқати остида у тенгсиз курашдағолиб чиқади, оила әрки ва номусини ҳимоя этишга мушарраф бұлади. Йұлчи ҳам севган қизи бойваччалар құтқуси билан үғирланиб, барзанги чапани Қора Ахмад уйига яширилганини әшитиб, якка үзи беомон курашга отланади. Унинг рақиби "йүғон, калладор, қошлари мушукбаччанинг думидай үсиқ, қозида, пешонасида пичоқбозликнинг излари равшан" күринган бир кимса. Унинг остонасида "одамздыннинг боши янчилади". Йұлчи шундай ҳайбатли ва бешафқат душманни маҳв этади.

Отабек ва Йұлчининг фожиали, лекин мардона үлемида ҳам муштараплик бор. А. Қодирий қаҳрамони Ватан – Туркистон ҳимояси йұлда, Ойбек қаҳрамони миллий озодлик құзғолонида ҳалок бұлади. Бу эса икки қаҳрамоннинг ҳам ватан, миллат ғамини ейдиган шахслар эканидан далолат беради. Ойбек жағон эпик адабиёти, тарихий романчилигининг ҳар томонлама етүк ижобий қаҳрамон яратыш анъана ва тажрибаларини, шу жумладан, А. Қодирийнинг бадий ютуқ ва изланишларини ижодий жиҳатдан үзлаштириб, янгича бадий қиёғага зәға бұлған, янги тарихий шароитнинг илғор, тараққийпарвар хусусиятларини үз бадий структурасида жамлаган қаҳрамоннинг образини яратишга эришди.

Шу маънода Ойбек романнининг қаҳрамони жағон эпик адабиёти, хусусан, "Үткан күнлар"даги асосий тимсолнинг такори бұлмай, унинг издоши ва вориси сифатида гавдаланған.

Тарихий романнинг бадий үзагини иирик тарихий шахс

*Ойбек. Құтлуғ қон. Тошкент: Ұқитувчи, 1975.7-бет.

** Ойбек. Құтлуғ қон. Тошкент: Ұқитувчи, 1975.235-бет.

ёки мозийнинг ҳодисаси ташкил этади. Йирик эпик асар воқеа тизмаси, бадиий зиддияти, қурилмаси ана шу шахс ёхуд воқеанинг асосини очишга сафарбар қилинади.

"Қутлуғ қон" романидаги барча компонентлар, воқеа тизмаси, бадиий-психологик таҳлил, қаҳрамоннинг тадрижи кабилар мозийнинг ҳал қилювчи, катта ҳодисасининг ижтимоий илдизларини бадиий тадқиқ этишга йўналтирилган.

Бош қаҳрамоннинг, барча персонажларнинг роман бадиий ҳудудида ифода топган ҳаёти, руҳий ҳолатлари, кечинмалари, қалб зиддиятлари орқали 1916 йил қўзғолонининг сабаблари очиб берилган.

Йўлчининг ҳалқ қўзғолонига қатнашиши, унинг раҳнамоларидан бирига айланиши ҳар томонлама, ҳам психологияк, ҳам ижтимоий-сиёсий жиҳатдан асосланиб, бадиий далилланган ҳолда тасвир этилган.

"Қутлуғ қон" романида 1916 йилги миллий озодлик ҳаракати, унинг бир кўриниши бўлган Тошкент қўзғолони тарих ҳақиқатига мувофиқ кенг эпик қўламда бадиий ифода топган.

Ойбек тасвирида "бу улуғ ҳалқ исёни... Николай салтанатига қарши мустамлака камбағалларининг, капитал қулларининг қўзғолони".

Тарих саҳнасининг бир томонида "ғазабдан, қўрқувдан тумшуқлари бужмайган погонли кўппаклар", "шоп мўйлов, гўштдор-юзидан заҳар томчилаган Мочалов" каби ҳарбий амалдорлар, тиш – тирногигача қуролланган казаклар, полициячилар, иккинчи томонида эса қуролсиз, лекин зулмга қарши бош кўтарган "денгиз, тўлқин" каби қудратли ҳалқ, унинг фидойи, ватанпарвар вакиллари.

Адид бир-бирига қарама-қаршӣ турган мана шу икки оқимнинг муросасиз тўқнашувини тарихан аниқ, бадиий жиҳатдан пишиқ, таъсири кўрсата олган.

А. Қодирий "Ўткан кунлар"нинг "Инқилоб" бобида 1847 йилги Тошкент қўзғолонини тасвиirlар экан, ҳалқнинг тарихий жараёндаги оламшумул ўрнини таъкидлаб кўрсатган. Романда ҳалқ қиёфаси, психологияси, тарихнинг ҳал қилювчи пайтларидан биридаги ҳаракати тарих диалектикаси, қонуниятлари, тамоилларига мослаштирилган ҳолда берилган.

"Қутлуғ қон" романида ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб тарих майдонига чиқдан ҳалқ яхлит давлат қурилмаси, унинг мустамлакачилик истибодига қарши турган куч тарзида гавдаланган.

Шундай қилиб, Ойбек ҳалқ, унинг айрим вакиллари тимсолини, ҳалқ ҳаракатини тасвиirlашда Марказий Осиё тарихий романи, хусусан, "Ўткан кунлар", жаҳон реалистик эпик адабиёти

анъаналарини давом эттирган, уларни адабий- бадий жараённинг янги босқичи хусусиятлари, тараққиёти талабларига мослаштирган. Романда ҳалқ ҳаракатининг кўлами, ўзига хос тарихий, психологик хусусиятлари энг аввало йирик эпик шакл қаҳрамони, унинг фаолиятида умумлаштирилган.

Йўлчининг қўзғолон пайтидаги баҳодирлиги, иродаси, фаоллиги уни жаҳон ҳалқлари оғзаки ва ёзма эпик адабиёти, тарихий романчилигининг Ватан озодлиги, мустақиллиги учун курашган етук қаҳрамонларига боғлаб, туташтириб туради.

А. Қодирий каби Ойбек ўз эпик қаҳрамонини ижобийлаштириш билан чекланмай, уни қаҳрамонлаштиради ва бу тимсолда Туркистон ҳалқларининг жанговарлиги, курашчанлик хислатларини мужассамлаштиришга эришади.

"Ўткан кунлар" ва "Қутлуг қон" романларидағи аёллар тасвири ва қисматида ҳам маълум яқинлик, ўхшашлик мавжуд. Ойбек қалами билан чизилган Гулнор суврати: "ҳали ёш, бўйчан... бичими ингичка ва самбит гули новдасидай адл ... Оппоқина, нозик юзи қуёшда шундай тиниқ кўринадики, гўё у нурдан яратилгандай... соchlарининг жингалакларида шуълалар мавжланиб ёнади". Муқаддас диний китоблар (Қуръони Карим, Инжил) фақат фаришталар нурдан яралгани ҳақида маълумот беради. Демак, адаб ўз қаҳрамонини фариштага қиёс этяпти. Абдулла Қодирий тасвиридаги Кумуш "қиз сувратида кўринган малак" "куюқ жингила киприк"ли, "қора зулф"ли, "қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиф қош"ли, "тўлган ойдек губорсиз оқ юз"ли қиз*. Қодирий ҳам, Ойбек ҳам бу қиёс орқали ўз қаҳрамонларининг фавқулодда гўзал ва теран қалбга эга эканлигига ишора қилганлар. Гўзал хотин-қизлар сувратини чизища А. Қодирий ва Ойбек фольклор ва мумтоз адабиёт заҳирасидан фойдаланишган, улардаги тасвирий восита (ташибиҳ, истиора, сифатлаш каби)ларни ижодий ўзлаштирганлар. Бу тасвирий воситалар Гарб эпик адабиётининг бадий портрет яратиш усули билан қўшилиб, ҳар бир ижодкорнинг бадий – поэтик концепцияси бўйича ижодий ишланиб, мукаммаллик касб этган.

Кумушшиби ва Гулнор фақат суратдагина эмас, сийрати – маънавий, ахлоқий қиёфаси билан ҳам бир-бирига яқин. Уларни шарқона ҳаё, андиша, руҳий жозиба бирлаштириб туради.

Кумуш ҳам, Гулнор ҳам ўз оиласида яккаю ягона фарзанд. Ота-оналарининг улардан "бошқа умид ишончи, ҳаёт қувончи йўқ".

*Қодирий А. Ўтган кунлар. Меҳробдан чаён. Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 29-бет.

Уларнинг фожиали қисматида ҳам муштараклик бор. Кумуш аламзада Зайнаб, Гулнор қотил Салимбайвачча берган оғу туфайли ҳалок бўладилар.

А. Қодирий ва Ойбек романчилигидаги юқоридаги каби ўхшаш унсурлар адабий муштаракликнинг "генетик-алоқавий" тури орқали юзага келган. "Тарихий-адабий бирлик сифатидаги миллий адабиёт"^{*} доирасида намоён бўлган бундай муштараклик бадиий-амалий ҳодиса сифатида ўз асос ва манбаларига эга. Адабий ворисийлик, ягона (жаҳон) бадиий-маданий мерос заҳираси, умуминсоний қарапшаридағи яқинлик кабилар ана шу асос ва манбалар сирасини ташкил этади. Худди мана шу замин йигирманчи аср сўз санъатининг яна бир буюк намояндаси Чўлпон ва Ойбек ижодидаги адабий муштаракликка сабаб бўлган.

Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз"(1933) ва Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романларида тасвиrlанган бадиий замон ва бадиий макон бир хил: иккила асарда ҳам биринчи жаҳон уруши давридаги Туркистоннинг ижтимоий ва маънавий турмуши бадиий ифода топган.

"Кечава кундуз"да "ўз қўли... билан келгуси насл... бўйнига ўрис бўйиндиригини кийдирган"^{**} юртнинг улуғ фожиалари, чор истибоди давридаги Туркистоннинг даҳшатли аҳволи тасвиrlанган. Чўлпон А. Қодирийнинг ижодий тажрибаларини ўзлаштириб, устоз ижодкор ёритган мавзуу ва қарапшарни давом эттириди: "Ўткан кунлар" чоризм истилоси тасвири билан интиҳо топган бўлса, "Кечава кундуз" шу босқин туфайли қарор топган мустамлакачилик тузуми ва сиёсатини тарихан ҳаққоний гавдалантирган. Роман муаллифи истибоддога асосланган давр ва тузумни "кеча" (тун) деб атайди. Асар сюжети, қаҳрамонлари, бадиий қурилмаси, бадиий зиддияти ана шу "кеча"нинг моҳиятини очиб беришга йўналтирилган. Инқироз арафасида турган "империя"нинг сиёсий-маънавий қиёфаси ва ҳалокати, қуллик кишанини кийган ҳалқнинг абгор аҳволи романда тарихийлик умдаларига мувофиқ тажассум топтирилган.

"Қутлуғ қон"да ҳам "ўткан кунлар" ижтимоий қурилмаси, "тун" салтанатининг Туркистондай "бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагувчи" сиёсати айрим қаҳрамон ва персонажларнинг қисмати, руҳий-ахлоқий олами, характеристлараро бадиий зиддият тасвири орқали очилган.

* Диониз Дюришин и коллектив. Систематика межлитературного процесса. Братислава: Веда, 1988. С. 33.

** Қодирий А. Ўтган кунлар. Мехробдан чаён. Тошкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 295-бет.

Роман сюжети, персонажлари, тарихий воқеалари талқини ва бадий таҳлили билан "Ўткан кунлар" анъаналарини ижодий ривожлантирган.

Икки романдаги Зеби ва Гулнор, Рассоқ сўфи ва Ёрмат, Қурбонбиби ва Гулсумбиби образлари ижтимоий келиб чиқиши, жамият ва оиласидаги мавқеи, характеристери, тақдирни ва фожиаси билан бир-бирига анча яқин.

Чўлпон романида "сода шайх"(эшон бобо)га мутаассибона ихлос қўйган Рассоқ сўфи ўзи мансуб нобоп муҳит таъсири остида яккаю ёлғиз қизининг баҳтини барбод қилади - эшоннинг қистови билан Зебининг Ақбарали мингбошига тўртингчи хотин бўлиб узатилишига кўнади.

Мирзакаримбойнинг 18 йиллик жизматкори Ёрмат ҳам ўз кўжасига сўфи каби садоқат туйғуси билан қарайди. Шу туйғу туфайли у ягона зурёди Гулнорни қари бойга беришга курсандчиллик билан рози бўлади.

Иккала қизни ҳам бойлик, зеб-зийнат тўлиб-тошган хонадонларда бадбаҳтлик ва ажал қаршилайди. Мингбошининг учинчи хотини "эслик" Пошшохон Зеби чойнагига, Мирзакаримбойнинг кенжаси үғли Салимбойвачча Гулнор косасига заҳар соладилар.

Оғу уч аёл - "Ўткан кунлар"даги Кумушбиби, "Кечака ва кундуз"даги Зеби, "Қутлуғ қон"даги Гулнор қисматини ҳал қилади. Тасодифан омон қолган Зебини ҳам адолатсиз суд ва ноҳақ ҳукм кутади.

А. Қодирий, А. Чўлпон, Ойбек талқинидаги оғу рамз сифатида инсон – аёл эркини янчувчи куч, адолатсиз ва ҳуқуқсиз жамиятнинг бадий ифодаси.

"Кечака ва кундуз"даги Сўфи, "Қутлуғ қон"даги Ёрмат ҳаёти, оиласини ана шу Оғу барбод этади. Улар заҳарга айланган муҳит ва тузумга эмас, уларнинг айрим вакилларига қарши исён кўтарадилар. Ёрмат хунхўр душмани Салимбойваччани пичоқлаб, Рассоқ сўфи ўз "пирі" – эшонбобони бўғиб ўлдиради.

Сўфи ва Ёрмат чор мустамлакачилик қурилмаси ва унинг сиёсатидан озиқланган мутаассибона урф-одат ва тушунчалар юзага келтирган ижтимоий-индивидуал бадий типлар. Уларнинг характеристери ва фаолиятида манқуртлашган ва "халққа айлана олмаган оломон"нинг етакчи хусусиятлари мужассамлашган.

Тасвир этилган тарихий давр, умуминсоний сарчашмалар, бадий-адабий анъана ва алоқалар, роман типи, адабий таъсир кабилар Қодирий, Чўлпон, Ойбек эпик ижодида типологик, муштарак хусусиятларнинг юзага келишини таъмин этган.

"Ўткан кунлар", "Кечака ва кундуз", "Қутлуғ қон" адабий-бадий ҳодиса сифатида "тарихий-адабий бирлик-миллий адабиёт"

доирасидан чиқиб, "олий тарихий адабий категория" бўлмиш жаҳон адабиёти оқимига қўшилди. Бундай қўшилиш жараёнини энг аввало "туркий тил гуруҳи"^{*}га мансуб Марказий Осиё тарихий романчилигининг тадрижий йўли мисолида аниқ кўрса бўлади.

II бобга оид холосалар:

1. Ҳар қандай ижтимоий-икътисодий тузум, унинг ҳукмрон дунёқараши, таълимотлари, фалсафий ва мафкуравий ақидалари, нуқтаи назарлари, маданий-маърифий тафаккури структурализм намояндалари таъбири билан айтганда «очиқ эстетик майдон» бўлган бадиий матн тизимига ўз таъсирини, ҳукмини у ёки бу даражада ўтказди. Бу фикр тасдиғини XX асрнинг 30-50-йилларида шўро адабиётлари бадиий ҳудудига мансуб асарларда, айниқса, яқъол кўриш мумкин.

Марказий Осиё тарихий романчилигининг етакчи вакилларидан бўлган С.Айний («Дохунда», «Қуллар»), Ойбек («Қутлуг қон», «Навоий»)нинг мозий тасвиrlанган йирик эпик асарларида мавжуд шўровий-фирқавий дунёқарашнинг муайян даражадаги ифодасини кўриш мумкин.

2. Ўз структураси, моҳиятига кўра мустақил бадиий тизим ҳисобланган матн зоҳиран даврнинг етакчи, ҳукмрон ғоя ва ақидаларини қабул қилган ҳолда ботинда – ички бадиий қатламларда сўз санъатининг қонуниятлари, генетик-тарихий манбалари, алоқа – муносабатлари асосида ҳаракат қилади. Айнан мана шундай ҳаракат бадиий матннинг қудрати ва ҳаётйлигининг асосидир. Бадиий адабиётда шўровий ақидапарастлик ва тарафкашлик авж олган йилларда тарихий романчилиқда мозий ҳақиқатининг акс этиши, ёрқин характерлар (Йўлчи, Гулнор, Ёдгор)нинг юзага келиши бадиий матннинг мустақил ички оқимлари, ҳаракати, шунингдек, муаллифнинг руҳий-маънавий даражаси, миллий-инсонпарварлик эътиқоди сингариларга боғлиқ.

3. Адабий-бадиий жараённинг мазкур босқичида А.Қодирий томонидан асос солинган «олтинчи романчилик мактаби» анъаналари давом этди ва маълум даражада ривожланди. Бу тамойил исботини «Ўткан кунлар» билан ана шу йилларда яратилган Марказий Осиё тарихий романчилигининг айrim намуналарини қёсий, типологик таҳлили давомида кўрса бўлади.

4. Марказий Осиё, шу жумладан, ўзбек тарихий романчилигида жаҳон романчилик мактаблари билан алоқа –

* Диониз Дюришин и коллектив. Систематика межлитературного процесса. Братислава: Веда, 1988. С. 32.

боғланишлар кучая борди. Хусусан, бу ҳодиң А.Чүлпоннинг «Кечава кундуз» бадий майдони қатламларида ёрқин намоён бўлди. Бу йирик эпик асарда «полифоник тафаккур», «онг оқими», фрейдизмнинг инъикоси ана шу каби бадий муносабатларнинг инъикосидир.

III боб. Адабиётлараро жараённинг янги босқичларида тарихий роман бадиий структурасидаги анъанавийлик ва ўзига хосликлар

III.1. Тарихий роман бадиий структурасида сифат ўзгаришлари

Уруш даври (1941 – 1945) адабиёти адабий-бадиий жараённинг алоҳида босқичи сифатида ўзига хос хусусиятларга, аломатларга эга бўлди. Унда 30-йилларда шаклланиб бўлган "социалистик реализм"нинг ақидаю мезонларини, инсонга, ҳаётга синфий- фирмавий муносабатни, "инқилобий пафос"ни, тарғибий-ташвиқий руҳни ҳам кўрса бўлади.

Умуман олганда, бу даврда мозийни бадиий тадқиқ қилиш тамойилининг кучайгани ва ўтмиш мавзулари доирасининг бир қадар кенгайганини кузатиш мумкин.

Уруш бадиий адабиётнинг барча тур ва жанрларига, унинг мавзу доираси, қаҳрамонига таъсир ўтказди. Даврнинг психологик, ижтимоий руҳи, муҳити бадиий асар пафосини, бадиий қурилишини белгилаб берди.

Сўз санъатига мозийнинг миллий қаҳрамонлари кириб келди. Эпос ва драма жанрларида юзага келган бундай қаҳрамонлар ўз шахси, фаолиятида ҳалқа хос етакчи фазилатларни мужассам этган эди.

Ўзбек насли ва драматургиясида яратилган "Алишер Навоий" (Үйғун, Иззат Султон), "Маҳмуд Таробий", "Навоий" (Ойбек), "Жалолиддин Мангуберди" (Мақсуд Шайхзода), "Муқанна" (Ҳ. Олимжон) каби асарларда тарихнинг улкан воқеалари, кучли, адолатпарвар тарихий шахслар образи бадиий инъикос топди.

1942 йилда қозоқ адаби Мухтор Авезовнинг "Абай" романи (I – китоб) чоп этилди, 1944 йилда "Социалистик Қазақстан" ва "Казакстанская правда" газеталарида М. Авезовнинг "Абай" кинодрамасидан парчалар эълон қилинди.

1943 йили "Совет эдебияти" ойномасининг 6-7 ва 9-сонларида туркман адаби Берди Кербобоевнинг "Махтумқули" драмаси босилди.

Тожик адабиёти уруш даврида мозий мавзусига "Муқанна қўйзғолони", "Темурмалик – тожик ҳалқининг қаҳрамон" каби тарихий-бадиий очерклар орқали ёндашган. С. Айний ёзган бу асарларда Ўрта Осиё кечмишининг фожиавий, қаҳрамонона босқичлари ифода топган.

Марказий Осиё, кенгроқ олганда, иттифоқ тарихий насли ва

тариҳий драматургиясига хос умумтипологик хусусиятлар мавзу, қаҳрамон танлаш, уларни фалсафий, бадиий жиҳатдан ишлашдаги муштаракликда намоён бўлди.

Бу йилларда фольклор мавзуси, қаҳрамони орқали мозийнинг бадиий манзарасини бериш анъанаси бирмунча ривожланди. Ўзбек, тоҷик, қирғиз сўз санъатида юзага келган бир қанча пъесаларда эртак, достон, афсона каби фольклор жанрларининг қаҳрамонлари бадиий, ғоявий жиҳатдан қайта ишланиб ёзма адабиётга олиб кирилди.

Ўзбек драматурги Собир Абдулла шу даврда ҳалқ оғзаки ижоди асосида "Тоҳир ва Зуҳро" мусиқали асарини ёзди. Бу драма 1941 йили Муқимий номидаги ўзбек музикали драма театрида саҳнага қўйилган.

Қирғиз драматургиясида К. Жонтошевнинг "Қурмонбек", К. Маликов ва А. Қуттибоевнинг "Жанил" пъесалари яратилди.

Тоҷик шоири Мирзо Турсунзода фольклор сюжети ва руҳи асосида 1943 йили "Тоҳир ва Зуҳро" мусиқали драматик достонини ёзди. Бу асар 1944 йилда Сталинободда алоҳида китоб ҳолида чоп этилган.

Бу асарлар ҳам мозий ҳақида. Уларда Марказий Осиё ҳалқлари ўтмишининг туб масалалари муҳаббат ва озодлик учун кураш масалалари бадиий инъикос топган.

Агар 20-йиллардаги тариҳий романчилик ва драматургия тарқоқлик ва феодал давлатларнинг инқирозига асосий зътиборни қаратган бўлса, уруш йилларида яратилган асарларда тариҳнинг қаҳрамонлик манзараларига кенг ўрин берилди. Эпик ва драматик жанрлардаги асарларга босқинчиларга қарши қўзғалган ҳалқ, унинг ўйлбошчилари бош қаҳрамон қилиб олинди. Ойбекнинг "Навоий" романида ҳам А. Навоий кўпроқ давлат арбоби сифатида тасвирланган. Бу ўша давр адабиётининг асосий тамойилларидан эди.

Йигирманчи асрнинг энг улкан, энг фожиавий тариҳий ҳодисаси бўлган Ватан уруши бадиий адабиёт мазмуни, мундарижаси, бадиий қурилмаси, қаҳрамон типи, сюжети, пафосига ўз таъсирини ўтказди.

Сўз санъатига янги руҳ, янги қаҳрамонлар кириб келди. Уруш тўлқинида, ватанпарварлик тўлқинларида ватанини, миллатини, миллий қадриятларини, эркини душманлардан озод этиш пафоси адабиётнинг бадиий руҳини ташкил этди.

Уруш иттифоқ ҳудудида яшаётган ҳалкларнинг адабиёт намояндаларининг қалбида кучли ватанпарварлик ҳиссиятини ҳаракатга келтирди. Жанг майдонида фидойилик кўрсатаётган аскарларни буюқ қаҳрамонларга таққослаш жиҳёжи юзага келди. Бундай қиёсни фақат мозийдан, мозийнинг жасбротга тула

саҳифаларида топиш мумкин эди.

Уруш йилларида тарихий асарлар миқдор жиҳатдан бир мунча кўпайиши билан бирга уларда айрим сифат ўзгаришлари зуҳур топди. Тарихий драмаларда "сюжетнинг кўп планлилиги, оммавий саҳналар, воқеа жойларининг хилма-хиллиги намоён бўлди". Бундай тасвирни эпик жанрларда ҳам кўриш мумкин.

Тарихий асарларда жамиятнинг "қўйи" қатламлари – деҳқон, ҳунарманд, жангчи – аскарлар образи тасвирига кўпроқ ўрин берилди, воқеа тизимида уларнинг ҳаёти, руҳий-маънавий олами батафсилоқ ифода топа бошлади. Бундай ҳодисани "социалистик реализм"нинг, адабий сиёсатнинг талаблари билангина изоҳлаш адабий-бадиий жараён тарихига бир қадар юзаки баҳо бериш бўлар эди. Бу йигирманчи аср жаҳон адабиётининг мумтоз сўз санъаткорлари ижодида маълум ўрин олган бадиий тажрибани ижодий ривожлантириш ва бойитищдан келиб чиққан, умуминсоний тафаккурдан озиқланган адабий – эстетик ҳодиса.

Бу даврдаги тарихий адабиётнинг яна бир хусусияти шундаки, унда ҳужжатлилик кучайди. Тарихий шахснинг ҳаёти, мозий воқеаларининг тасвирида аниқ манбаларга суюниш тамойили ортди. Ойбек "Навоий", М. Аvezov "Абай", В. Ян "муғуллар босқини"га бағишлиланган романларини ёзишдан олдин ўнлаб манбаларни ўрганиб чиққанлар.

Бой материалга асосланиб ёзилган, жаҳон реалистик насрининг ижобий анъаналарини, ютуқларини давом эттирган "Абай йўли" ва "Навоий" йирик эпик асарлари Марказий Осиё тарихий романчилигининг етук намуналари сифатида дунёга келди.

Ойбекнинг "Навоий" романи, Мухтор Аvezовнинг "Абай йўли" роман-эпопеяси йигирманчи аср тарихий насрни тараққиётида ҳодиса бўлган асарлар қаторига киради. Бу эпик дурдоналар ўзининг бир қатор белги-аломатлари билан муштарак ва фарқли жиҳатларга эга.

"Навоий" ва "Абай" адабий – бадиий жараённинг бир босқичида – уруш (1941 – 1945) даврида яратилган.

"Абай"нинг биринчи китоби 1942 йилда нашр этилган (иккинчи китоб "Абай йўли" деб номланган ва 1952 йилда босилиб чиққан).

"Навоий" романи ҳам айнан шу йили илк бор чоп қилинган эди.

Мустабид шўро тузуми замонида бу икки асарга муносабат ҳам деярли бир хил бўлди. Стalinча-большевикча қирғин –

*История узбекской советской литературы в 5-томах. Том 2. Ташкент: Фан, 1988. – С. 84.

қатағоннинг янги тұлқини (40 – йилларнинг охири – 50 – йилларнинг боши)да "Навоий", "Абай" романлари вұлгар-социологик мағкура ва адабиётшунослик томонидан "феодал-патриархал үтмишни идеаллаштириш" тарзыда бағоланды. Мисол тариқасида Б. Файзиев, А. Нурушев мақолаларини эслаб үтиш мүмкін.

Иккала асар ҳам бадий насрнинг "тарихий-биографик роман" шаклига мансуб.

Ойбек романыда үзбек миллий тарихи, маданияти, адабиётининг улкан намояндаси Алишер Навоийнинг, М. Аvezовнинг роман-эпопеясида эса қозоқ маданий-маърифий ҳаётида марказий үрин туттан йирик тарихий шахс Абай Құнғонбоевнинг образы бадий гавдалантирилган.

Ойбек ҳам, Мухтор Аvezов ҳам үзлари мансуб бұлған халқ мозийсіда алоқида үрин туттан тарихий шахсларни қаҳрамон сифатида танлаб олғанлар, уларнинг характеристики, улар яшаган давр, мұхитнинг эпик манзараларини тарихийлик принципларига мувофиқ акс эттирганлар.

"Абай" ва "Навоий" романларининг яратилиш тарихига оид бирмунча типологик хусусиятларни күриш мүмкін.

Е.В.Лизунованинг "Хозирги замон қозоқ романы" (Современный казахский роман, Алматы, 1964) тадқиқотида маълумот берилішича, М. Аvezов 1930 йылдан бoshлаб Абай ҳақида роман ёзишга тайёргарлик күраётганды улуг шоир, маърифатпарвар, давлат арбобига оид маълумотларни йиғишиңде киришган. Бунда у асосан "жонли тарих" – Абай замондошларининг эсдаликлари ҳамда шоирнинг бадий меросига таянған. Үтмишда күчманчи, ярим күчманчи ҳолида яшаган қозоқларнинг тарихига доир ёзма ҳужжатлар, архив материалларининг деярли ійқиғи, табиийки, адеб учун катта қийинчиликларни тұғдирған. Аммо шунға қарамай, ёзувчи Абай мансуб бұлған тарихий даврни ҳам, қаҳрамонни ҳам тұлақонли, бадий мukammal тасвирлашға зиришди.

Ойбек М. Аvezов сингари үз романини ёзишга тайёргарлық 30-йиллардан бoshлаган. Бу даврда у А. Навоий шахси, таржимаи ҳоли, адабий мероси ҳақидағы фундаментал тадқиқотларини ёзды. 1937 йылда "Навоий" достонини яратды.

М. Аvezовдан фарқлы равищда Ойбекнинг қулида Алишер Навоий шахси, даврига оид тарихий ҳужжатлар, рисола, хотиралар бор эди. Бундай манбаларни адеб жиғдий үргәниб чиққан ва улардан унумли фойдаланған.

Аммо бу тағовутта қарамай иккі йирик сұз санъаткори тарихий материалга Н. Добролюбовнинг избораси билан айттанда, "ижодкор савқи табиийси" билан ёндашиб, бадий матн сюжети,

композицияси, умуман олганда, бадий қурилиши учун зарур бўлган факт ва маълумотларни танлаб, ажратиб олганлар ва фойдаланганлар.

Икки йирик асарга бош қаҳрамон сифатида ҳам ижодкор, ҳам халқпарвар давлат арбоблари бош қаҳрамон сифатида танланган.

Гарчи А. Навоий ва Абай турли даврга мансуб шахслар бўлса-да, уларнинг ижодида, сажия -тийнатида маълум бир яқин, муштарак жиҳатлар бор. Булар – халқпарварлик, инсонпарварлик, ўз бадий яратмаларида эл-улус, инсоният дарду армонларини, орзу-идеалларини ҳимоя қилиш, ёқлаш кабилардир.

Бош қаҳрамон тарзида олинган шахслараро муайян яқинлик, муштаракликлар ўз навбатида романлараро алоқадорлик – типологик ўхшашикка сабаб бўлган.

Икки асар типологиясидаги яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, "Навоий" ва "Абай йўли" сюжет тизимида фақат бош қаҳрамон ва унга бевосита алоқадор шахсларгина эмас, жамият, халқнинг турли табақалари вакиллари образи киритилган. Бу шундан далолат берадики, мазкур романлар ижодкорлари қаҳрамон таржимаи ҳоли, ҳарактеринигина эмас, тарихнинг аниқ бир босқичидаги бутун бир халқ ҳаётининг, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий, психологик манзараларини акс эттиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйғанлар ва бунга эришганлар.

"Навоий" ва "Абай" романларида уруш олди ва айниқса уруш даври собиқ иттифоқ адабиётларида муштарак қонуниятлар, тамойиллар, принциплар, инсонни, халқни, жамиятни тасвирлашдаги умумий бадий – поэтик усул, йўллар у ёки бу даражада тажассум топган.

"Абай" ва "Навоий" романлари бадий-генетик жиҳатдан Туркистон романчилигининг дастлабки намуналари – "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чён", шунингдек, "Кеча ва кундуз", "Дохунда", "Қуллар" билан узвий боғлиқ. Айниқса, жаҳон роман хазинасининг энг нодир намуналари билан бемалол беллаша оладиган "Ўткан кунлар" тажрибаси, ундаги образлар, фикрлар, тасвирлаш усуллари ва воситалари "Абай" ҳамда "Навоий"нинг бадий баркамоллигини таъмин этишда катта ҳисса қўшгани шубҳасизdir.

Худди "Ўткан кунлар" сингари "Абай" ва "Навоий"да тарихийлик (историзм) принципларига амал қилинган. Қаҳрамон, персонажлар фаолияти, психологияси, фаолият йўли тарихий давр, муҳит билан, шу давр ва муҳитнинг энг устивор, етакчи оқимлари, диалектикаси билан алоқадорликда очиб берилиган. Тарихнинг ҳаққоний эпик суврати, бадий манзаралари юзага келтирилган.

Албатта, икки роман орасидаги юқоридаги сингари генетик-шажаравий, типологик яқинликлар Мухтор Аvezovning ҳам, Oйбекинг ҳам ижодкорлик истеъдодини, уларнинг бадиий асар, образ, қаҳрамон яратишдаги ўзига хослигини инкор этмайди. Ҳар икки романнавис воқеликни, мозийни, инсонни, қаҳрамонни тасвир этишда ўзига хос йўлдан боргандар, чунки ҳар бир етук адабнинг ўз услуби мавжудлиги аён ҳақиқатдир.

Шу билан бир қаторда "Навоий" ва "Абай" асарлари жанрий бўлиниш, сюжет тармоғи, қаҳрамонни тасвирилаш бўйича маълум тафовутларга эга

"Навоий" эпик турнинг роман, "Абай йўли" эса роман – эпопея жанрига мансуб.

"Абай йўли" роман-эпопея шаклига эга бўлганидан ҳажм жиҳатидан "Навоий"га қараганда кенг ва йирик, унда давр тасвири серкўлам. Тўғри, "Навоий"да роман-эпопеяниң айрим белги – аломатлари, хусусан, жамият ҳаётининг кўламдор манзараларини кўриш мумкин.

"Навоий" романининг хронотоп(замон-макон)ида ўн бешинчи асрдаги Хурросон, "Абай"да ўн түкқизинчи асрдаги Қозогистон ҳаёти бадиий ифода этилган.

"Хронотоп, – деб ёзди М. Бахтин, – шакл – мазмун категорияси сифатида (маълум даражада) адабиётдаги ёрқин инсон образини белгилаб беради; бу образ ҳамиша хронотопикдир".

М. Бахтиннинг яна бир фикрича, адабиётдаги хронотоп яқъол жанрий аҳамиятга эга... жанр ва жанр кўринишлари айнан хронотоп билан белгиланади.

"Навоий"нинг жанри "роман", "Абай йўли"нинг "роман – эпопея" деб белгиланиши сабабини юқоридаги фикр изоҳлаб беради.

Ойбек романидаги бадиий хронотоп маълум даражада чегараланган, унда Хурросон, асосан, Ҳиротда ўттиз йил давомида кечган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаёт лавҳалари акс этган. Асарда асосий қаҳрамон – Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти, таржимаи ҳоли берилмаган. Муаллиф ўз оддига қўйган бадиий-поэтик, фалсафий-ғоявий концепцияга кўра улкан шахс ҳаётининг айрим бир бўлагини ажратиб олган ва бу ҳаётни мамлакат, давлат тарихига мувофиқ ҳолда тасвирилаган.

"Абай йўли" роман-эпопеясидаги бадиий замон ва бадиий макон "Навоий" романига нисбатан анча кенг ва кўламлироқдир. Улкан эпик асарда бош қаҳрамоннинг деярли бутун ҳаёт йўли –

*Бахтин М. Литературно-критические статьи. М.: Художественная литература, 1986. – С. 122.

болалигидан вафотига қадар бұлган фаолияти акс этган. Бадий вақтнинг кенглиги бадий ҳудуд (Қозоғистон дашт-овуллари, шаҳарлари)нинг кўламдорлиги билан уйғуналашиб кетган ва бундай кенг кўламли бадий хронотоп роман-эпопеяниң бадий майдонини юзага келтириб, йирик эпик шакл бадий майдонини ҳосил этган.

"Навоий" ва "Абай йули" асарларидағи фарқли жиҳатлардан бири Ойбек романы сюжетига бош қаҳрамон шаклланган, ўзининг фалсафий дунёқараши, инсонпарварлик тафаккурига, идеалларига зга бұлган етуқ шахс тарзида дастлабки саҳифалардағы олиб кирилган. М. Қўшжоновнинг ёзишича, бу жиҳатдан "Навоий" романы А. Толстойнинг "Пётр I", М. Авезовнинг "Абай" романларидан фарқ қиласы. Бу романларда авторлар қаҳрамоннинг дунёқарашини бутун асар давомида унда акс эттирилган воқеалар хуносаси сифатида очиб борадилар.*

Қаҳрамонни, унинг ҳаётини тасвирлашдаги бундай йул, олдинроқ айтилганидай, роман бадий хронотопи, шунингдек, адебининг гоявий-бадий концепцияси талабларидан келиб чиқсан.

Бадий жараённинг кейинги босқичларида ҳам Марказий Осиё миллий адабиётларида айрим романнавислар бундай йүлдан фойдаланғанлар. Масалан, Қ. Қулиевнинг "Махтумқули", О. Ёқубовнинг "Улуғбек ҳазинаси", С. Улуғзоданинг "Фирдавсий", А. Олимжоновнинг "Маҳамбет найзаси" романлари "тарихий-биографик" шакла мансуб бўлса-да, уларда қаҳрамоннинг, тарихий шахснинг бутун таржимаи ҳоли эмас, ҳаётининг энг муҳим, асар бадий концепцияси учун аҳамиятли, керакли бўлган босқичи ифода топган.

"Навоий" романы "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", "Кечава кундуз" сингари миллат, халқ, инсоният бадий заҳираси, илғор фалсафий, ижтимоий тафаккури заминида бунёд этилган.

Асар муаллифи ўзигача яратилган жаҳон бадиияти изланишлари, бадий принциплари ва усуслари, воситаларини пухта, чукур ўрганиб, ўзлаштириб уларни янги – замонавий бадий дунёқарааш, эстетик – поэтик онг даражасига мувофиқлаштириди, аждодлар бадий тажрибасини ижодий қайта ишлади ва ривожлантириди.

Шу билан бирга, Ойбек ўзи мансуб тарихий давр, муҳит таълимоти, ижтимоий-сиёсий назарияси (марксизм-ленинизм) маҳсулі бўлган синфиийлик талабларига муайян даражада риоя қиласы.

*Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти. 1965, 101-бет.

"Навоий" романида акс этган синфий- фирмавий дунёқарааш бадиий адабиётнинг қадимий ва умрбоқий гуманистик пафоси таъсири ва ҳукми остида ўз таъсир кўламини заифлаштиради ва бадиий матнда мозий, унинг вакиллари қиёфаси, руҳий-маънавий олами етарли даражада ҳаққоний, аниқ ифода топади. Бу фикр исботини "Абай йўли" мисолида ҳам кўрса бўлади.

Бундай феномен (ноёб) бадиий ҳодиса адебнинг улкан санъаткорлик маҳорати ва истеъдод даражаси билан боғлиқ, албатта.

Шу билан бирга, бу ҳолатни сўз санъатининг қудратли бадиийлик қонуниятлари, ҳукм ва ривожланиш тамойиллари билан ҳам изоҳдаш мумкин.

"Абай йўли" ва "Навоий" романларини ўзаро қиёслаш Ойбек асарига кўпроқ Шарқ эпик ва лирик адабиёти, М. Аvezovning роман-эпопеясига эса фольклор, жаҳон романчилик ютуқлари таъсир этганини кўрсатади.

Бунинг сабаби шундаки, "Навоий" романни муаллифи болалигиданоқ ўзбек, форс-тожик бадиияти ихлосманди, шайдоси эди. Кейинроқ эса у Шарқ адабиётларининг улкан билимдони ва мутахассиси бўлиб танилган.

Бу билим ва эътиқод "Навоий" романининг бутун бадиий қурилмаси, сюжет тизими ва қаҳрамонлар структурасида, лисоний оламида яқъол акс этиб турибди.

Айниқса, мусбат персонажларни юксак даражада ижобийлаштириш, салбий образларга нисбатан ёзувчининг очиқ ва аниқ ноҳайриҳоҳлиги романтизм ижодий методи асосида яратилган Шарқ бадиияти намуналари билан биринчي ўзбек тарихий-биографик романни орасидаги уйғунлик ва бадиий боғланишларни кўрсатиб, тасдиқлаб беради.

Бош қаҳрамоннинг ўзи ҳам, Алишер Навоий гуруҳидаги тараққийпарвар соғлом кучлар – Султонмурод, Арслонқул, Диidor ва бошқалар ҳам адаб томонидан ёрқин, тиниқ, романтик – кўтариинки бўёқлар орқали чизилади, уларнинг қиёфаси, хатти – ҳаракати, руҳий дунёси, фаолияти ижобийлаштирилади, зарур пайтларда қаҳрамонлаштирилади.

Ижобий қаҳрамон ва персонажлар тасвиридаги бу каби ёрқин бўёқдорлик бир томондан Ойбек эпик ижодининг Шарқ мумтоз- романтизм адабиёти билан бевосита алоқа-муносабатини кўрсатса, бошқа тарафдан унинг Марказий Осиё тарихий романчилигининг ilk босқичи билан алоқадорлигини ҳам тасдиқлайди.

Олдинги бобдаги таҳдил жараёнида куриб чиққанимиздай, "янги романчилик мактаби"нинг дастлабки маҳсуллари – аввалимбор "Ўткан кунлар", "Мехробдан чаён", кейин эса "Қуллар",

"Дохунда" эпик асарларида ижобий қаҳрамон(лар)нинг ҳам ташқи, ҳам ички оламини гўзалластириш, салбий персонажларни эса қора тусладиги чизиш тамойили устивор бўлган.

"Навоий" романида ҳам бу хусусиятнинг муайян даражада мавжудлиги тарихий романчиликда адабий-бадиий ворисийлик, анъанавийлик давом этаётганилиги, ўзбек романчилик мактаби бадиий усул, воситалари ривожлантирилганлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, мазкур романнинг қиёсий ва аналитик таҳлили қаҳрамон бадиий структурасини барпо этишда жиҳдий сифат ўзгаришлари рўй бераётганини ҳам кўрсатади.

Маълумки, Марказий Осиё адабий-бадиий жараённада яратилган дастлабки тарихий романларда салбий персонажлар ("Ўткан кунлар"даги Мусулмонқул, Ҳомид, Содиқ, Жаннат, "Қуллар" ва "Дохунда"ги айрим манфий образлар)нинг ҳам ташқи қиёфа, ҳам ички дунё тасвирида қора бўёқларнинг қутоқлиги кўзга яққол ташланиб турарди.

"Навоий"даги салбий образлар ташқи жиҳатдан хунук, беёхшов, бесунақай эмас. Бир қарашда уларнинг зоҳирий кўринишидан ёвузлик ёхуд ёмонликни пайқаб олиш қийин. Аммо муаллиф салбий персонаж бадиий портретини чизар экан, айрим чизгиларда уларнинг номақбул кирдикорларига ишора қилиб ўтади.

Романдаги Тўғонбекнинг "қисиқ кўзлари айёрларча бекарор", Мажидиддин Муҳаммаднинг эса кўзлари мугамбirona ёниб, бутун борлиғида кибр-ҳаво, асабийлик, ўзбилармонлик акс этади.

Кўзларнинг айёрларча бекарорлиги ёхуд мугамбirlарча ёниб туриши салбий персонажнинг ички-руҳий, ахлоқий оламидаги файриинсоний, файриахлоқий жиҳатлардан нишонадир ва бу ҳолатлар уларнинг асар сюжети давомидаги машъум кирдикорларидан далолат беради.

"Навоий" романида ҳам, Марказий Осиё адабий-бадиий жараённинг ушбу босқичида яратилган бошқа тарихий ҳамда замонавий мавзудаги йирик эпик асарларда ҳам салбий қаҳрамон бадиий структурасида ҳам психологияк, ҳам портрет тасвири жиҳатидан айрим бир эврилиш, тадрижларни кузатиш мумкин.

Бу зайдаги эврилиш, тадриж салбий персонажни эпосдан ва Марказий Осиё илк романларидан фарқли равишда психологик жиҳатдан мураккабластириш унинг руҳий оламига чуқурроқ кириб бориш, ички қарама-қаршиликларни кўрсатиш кабиларда намоён бўла бошлади. Бу аслида салбий шахс образини ижобийластириш, зўрма-зўраки тарзда унга яхши хусусият ва фазилатларни тақаш бўлмай, инсонни ҳалокатга, фожиаларга олиб борувчи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, психологик омил ва

манбаларни чуқурроқ кўрсатиш эҳтиёжидан келиб чиққан ижодий ҳаракат натижаси эди.

Романдаги асосий салбий образлардан бири бўлган Мажидиддин нафс домига тушган, ўз манфаати йўлида кўп ёвуз ишларга бош-қош бўлади. У инсонпарвар шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий ва унинг тарафдорларига қарши тинимсиз кураш олиб борар экан, фитна, фисқ-фужур, туҳмат, ҳатто қотилликдан ҳам тап тутмайди. Нопок йўллар билан катта бойлик, мол-дунё йигади. Аммо роман сюжети охирроғида кирдикорлари фош бўлиб, подшоҳ (Хусайн Бойқаро) ғазабига дучор бўлгач, бор-йўғидан мосуво бўлиб, яқин кишилари ундан юз ўғирадилар. Шунда Мажидиддин бир умр А. Навоий сингари олижаноб, буюк инсонга душманлик қилганидан пушаймон бўлади. "Умримдаги энг катта хато – Алишер Навоийга душманлигим бўлди... Алишер юраги тоза одам эди"*. Энди мана шу муаммо нуқтаи назаридан "Ўткан кунлар" романига мурожаат қиласайлик.

Асарнинг "Душанба куни кечаси" фаслида бош қаҳрамон Отабек шаръий завжаси Кумушни ўғирлаб қочиш учун келган Содик, Мутал каби каллакесарларни маҳв этиб, ашаддий душмани Ҳомид билан юзма-юз турганча: "Энди менга жавоб беринг-чи: бу ёмонлиқларингизда сиз ҳақлами эдингиз?" – деб сўрайди. Ўлим ёқасида турган Ҳомидда ўз қилмишларидан ўқиниш, ҳатто иккиланиш ҳолати йўқ. У ўлгунча ўзини ҳақли деб билади.

Биз бу қиёсни келтириш билан икки асар – "Ўткан кунлар" ва "Навоий" романларини бир-бирига қарши қўйиб, бирининг иккинчидан устуналигини кўрсатмоқчи эмасмиз.

Бадиий адабиёт, шу жумладан, роман ҳамиша ҳаракатда, у муттасил олға силжиб, ўз-ўзини янгила, ўзгариб, эврилиб боради, янги белги, аломат, хусусиятларга эга бўлади, даврнинг, тарихий муҳитнинг, бадиий жараённинг янгича тамойилларини ўзлаштиради ва ўз бадиий қурилмасига сингдиради.

В.М.Жирмунский "Адабиётларни қиёсий-тарихий ўрганиш масалалари" номли ишида танқидий реализмнинг илк намояндалари Бальзак, Диккенс, Гоголь каби ижодкорлар Флобер, Теккерей, Толстойдан фарқли равища романтизм ижодий методи билан жисп боғланганини кўрсатган эди.

Марказий Осиё тарихий романининг дастлабки намуналарини яратган Абдулла Қодирий, Садриддин Айний эпик ижоди ҳам романтизм адабиёти, хусусан, эпос билан бевосита, мустаҳкам боғлиқ.

* Ойбек. Навоий. Тошкент: Ўқитувчи, 1985, – 349-бет.

А. Қодирий ҳам, С. Айний ҳам гарчи үз тарихий романларида реалистик принциплар асосида даврни, инсонни тасвир этсаларда, сюжет, қаҳрамон структурасини бунёд этишда романтизм ютуқлари, имкониятларидан самарали фойдаландилар.

Ойбек романида ҳам романтизм адабиёти – Шарқ мұмтоз адабиёти, фольклор, эпос намуналариға хос айрим бир белги, аломатлар, тасвир принциплари ижодий жиҳатдан үзлаشتырилиб истифода этилган. Бу айниңса ижобий қаҳрамон ва персонажларнинг бадий структурасида, бадий матн тили, тасвир воситаларида яққол күрінади.

Марказий Осиё адабий-бадий жараёнининг 40-50-йилларига хос асосий ижобий ютуқ ва хусусиятларни улкан эпик ижодкор, қозоқ адеби Мұхтор Аvezовнинг "Абай йұлы" роман – эпопеясида ҳам курса бұлади.

"Замонанинг энг буюк ижодкорларидан бири" (Луи Арагон), "Иккінчи Абай, Шарқ Шолохови" (Николай Погодин) деб таърифланған бу адеб қаламига мансуб роман-эпопея мозийни бадий үзлаشتыриш, тарихий шахс (Абай) сиймосини яратиш, умуман бадий маҳорат борасида дадил ва жасоратли қадам бұлды.

"Абай йұлы"ни А. Қодирийнинг "Үткан күнлар", "Мәхрөдан чаён", Ойбекнинг "Навоий" романлари билан борылғанда турған энг мұхым типологик аломатлардан бири шундаки, унда инсон (қаҳрамон) ва тарихий, психологик мұхит, маърифат ва жаҳолат, әзгулук ва ёвуздық орасидаги муттасил зиддият, қарама-қаршилеклар юксак даражада таъсирчан бадий ифода топған.

Бундай бадий зиддият тасвири жаһон адабиёти, фольклорнинг барча етүк намуналариға хос муштарақ хусусият.

Мұхтор Аvezов тасвиридеги бош қаҳрамон үз интеллектуал савиаси, инсонийлиги, буюк қалби, уннинг бойлиги, теранлиғи билан үз мұхити, даври даражасидан юқори чиққан улкан шахс. Уннинг маънавий-рухий оламини инсониятнинг маданий-маънавий зақираваси, үзи мансуб халқнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлары шакллантирган.

"Абай йұлы" эпик турнинг улкан бадий шакли – роман-эпопея жанрига мансуб.

Бадий матннинг ұжыман қатталигигина эмас, мазмуннинг кенглиғи, теранлиғи, асар асосида йирик ижтимоий, иқтисодий, фалсафий масалаларнинг туриши, бадий маҳоратнинг юқсақлиғи, етүк қаҳрамон ва типларнинг бунёд этилиши, бадий хронотопнин серкірра ва күламдорлиғи роман-эпопеяның бадий жанр сифатидаги үрни, моҳияттіни белгилаб беради.

Адеб роман-эпопеядек улкан бадий жанрга мос қаҳрамон танлай олған. Асада шоир, мутафаккир, жамоат арбоби Абай Құнанбоев(1845 – 1904)нинг мураккаб, жасоратли, қарама-

каршиликларга тұла ҳаёт йұли бадий ифода топған.

Роман-эпопеядаги барча персонажлар, тарихий воқеалар бош қаҳрамон атрофида марказлашған.

"Абай йұли" ана шу жиҳати билан роман-эпопеяның яна бир буюк намунаси – Л. Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" эпик асаридан фарқланади.

"Уруш ва тинчлик"да роман-эпопея бадий күламиға хос фалсафий, ахлоқый концепция асосий қаҳрамонлар Пьер Безухов, Андрей Балконский, Николай Ростов, Наташа Ростова, княжна Мария фаолияти, маңнавий олами тасвири орқали юзага чиқарылған. Шу қаҳрамонлар ҳаёти, ички кечинмалари бир неча сюжет тармоқларини юзага келтирған ва улар үзаро кесишиб, бирлашиб катта ҳажмли эпик асарнинг бош идеалини, бадий мундарижасини ташкил эттән.

"Асар яхши чиқиши учун, – деб ёзған эди Л. Н. Толстой, – ундаги етакчи, асосий ф и к р ни севиш керак. "Уруш ва тинчлик"да мен ҳ а л қ, фикрини севғанман"**.

"Абай йұли" роман-эпопеясида "Уруш ва тинчлик"даги каби ҳалқ, унинг тақдиди муаллиф бадий концепциясининг марказида тұради.

Бош қаҳрамон ва ҳалқ масаласи асарнинг асосий бадий муаммосидир.

Аммо бу бадий масаланы тасвирлаш ва ҳал этишдә иккى асар ("Уруш ва тинчлик", "Абай йұли") орасида муайян фарқ – тафовут, үзига хосликлар мавжуд.

Лев Толстойнинг роман-эпопеясида Ватан озодлиги, Наполеон босқининга қаршилик ҳаракати, давлат тузуми ва унинг мөжияти кабилар бадий тәдқиқ этилған.

"Абай йұли"да эса бўлингган ҳалқ, уруғ-қабилалар, улар орасига низо, нифоқ солиб бойиган, мавқе орттирган ёвуз ниятли кишилар кирдикорлари тасвирланади ва эл-улус бирлиги, иттифоқи идеали олға суриласди.

Уруғ – қабилачиликдан ҳалқ даражасига күтарилиш жараёнининг мураккаб, зиддиятли, күп қирралы тадрижи "Абай йұли" эпик асари сюжетининг ҳам, бадий концепциясининг ҳам асосини ташкил эттән.

"Үткан күнлар"да қипчоқ ва қорачопон можароси, "Абай йұли"да ирғизбөй, жатак, котибак каби уруғлар орасида уруш – жанжаллар, уларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий сабаблари очиб берилар экан, иккى муаллиф ҳам ҳалқ тарқоқлигининг салбий

* Хрестоматия по теории литературы. М.: Просвещение, 1982. С.102.

оқибатлари, фожиаларини кўрсатишга асосий эътиборни қаратганлар.

Икки асар бадиий концепцияларида бундай муштаракликнинг мавжудлиги тарихий хронотопнинг бирлиги ("Ўткан кунлар" ва "Абай йўли"да ўн туққизинчи асрнинг иккинчи ярмидаги Туркистон ҳудуди ифода топган), генетик-шажаравий алоқадорлик ("Абай йўли" ҳам "Ўткан кунлар" каби янги романчилик мактабига мансуб), шунингдек, адабий таъсир ва алоқалар билан боғлиқ.

"Абай йўли"ни "Уруш ва тинчлик", "Ўткан кунлар" каби етук асарлар билан яқинлаштирадиган яна бир аломат ундаги қаҳрамон тасвирида теран психологизмнинг мавжудлигидадир.

Роман-эпопеяда бош қаҳрамоннинг руҳий-маънавий олами, унинг тадрижи, зиддиятлари тарихийлик асосида, яъни тасвир этилаётган муҳит, давр, иқтисодий-ижтимоий қурилма, интеллектуал савия, тарихий тафаккур билан алоқадорликда, узвий боғланишда кўрсатилган ва бадиий таҳлил қилинган.

Маълумки, "Уруш ва тинчлик"да муаллиф – буюк санъаткорнинг кўп қиррали, кўламдор, ута теран, доимий тараққиётдаги дунёқарashi, инсон, жамият, давлат, коинот ҳақидаги ўй – фикрлари, дунёқарashi муайян қаҳрамонларнинг ички дунёси тасвири орқали амалга оширилган. Аниқроғи, роман-эпопеядаги ҳар бир қаҳрамон муаллиф дунёқарашининг, у суюнган фалсафий таълимотларнинг муайян тармоғи, йўналишини, ўз ички олами, руҳий кечинмаларида акс эттирган. Асаддаги Андрей Балконский ёзувчининг давлат қурилмаси, ҳукмдор ва ҳалқ, инсон ва табиат, Пьер Безухов шахснинг маънавий-ахлоқий тадрижи, камолоти, Наташа Ростова жамиятда аёлнинг ўрни, муҳаббат каби фалсафий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ўз бадиий қурилмасида акс эттирган.

"Абай йўли"да шу каби мураккаб, теран фалсафий, ахлоқий, маънавий-маданий муаммолар акс этган. Фақат бундай масалалар "Уруш ва тинчлик" асарида бўлганидай туркум қаҳрамонлар руҳий олами орқали эмас, асосан бош қаҳрамон – Абай маънавий тараққиёти, қалб диалектикаси тасвири орқали амалга оширилган. Тарихий хронотоп, иқтисодий-ижтимоий тизим, маданий – интеллектуал савия роман-эпопея қаҳрамонининг психологик ҳолатларини, маънавий усиш, эврилиш, такомиллашиш йўлларини белгилаб, аниқлаб берган.

Ҳалқ, инсон, жамият, оила ҳақидаги оғриқли, чуқур фикр-мулоҳазалар бош қаҳрамон руҳий олами кенгликларини ташкил этган. Умуман олганда, бу фақат Мухтор Аvezov асарининггина эмас, юксак бадиийлик даражасида ёзилган ҳар бир роман – эпопеянинг бош хусусиятидир.

Кенг қамровда фикрлаш, теран психологиязм, фалсафий тафаккур роман-эпопеяниң энг муҳим жанрий аломатлариридир. Бундай жанрий-специфик белгиларни жаҳон эпик насрининг етук намуналари – "Уруш ва тинчлик", "Тинч Дон"да яққол кўриш мумкин.

"Абай йўли"даги эпик тасвир, сюжет тизимидағи қаҳрамон ва персонажларнинг ҳаракати, марказий образнинг диалектик – тажрижий тараққиёти, турли бадиий йуллар ва поэтик усуллар орқали юзага чиқарилган зиддият – буларнинг барча-барчаси изчил психологик таҳлил ва тадқиқ орқали амалга оширилган.

Мухтор Авезов бош қаҳрамоннинг маънавий-ахлоқий, фалсафий, интеллектуал – маданий камолотини ифода этишда бир қанча муаммоларни бадиий жиҳатдан чуқур, ҳар томонлама ёритишга муваффақ бўлган. Шулардан бири ота ва ўғил масаласидир.

Роман-эпопея қаҳрамони Абай – ўз муҳитининг кучли, таъсир доираси зўр вакилларидан бири Қўононбойнинг ўғли. Асар сюжетининг каттагина қисмини бир оиласининг мана шу икки вакили ўртасидаги муносабатлар, ихтилоф-зиддиятлар, шиддатли курашлар тасвири ташкил этган.

Мухтор Авезовнинг романнавис, санъаткор сифатидаги маҳорати қирраларидан бири шундаки, у бош қаҳрамон дунёқарashi, ички оламини англаш ва тушунишда муҳим ўрин тутган Қўононбой образи бадиий структурасини бутун мураккаблиги, қарама-қаршиликлари билан курсатиб беришга эриша олган.

Мухтор Авезов тасвиридаги Қўононбой ўзи мансуб тарихий муҳит – оила, урурга ва уруглараро кураш жараёнида катта мавқе, эътиборга сазовор бўлган. У ўз атрофидагиларга қараганда кенгроқ, чуқурроқ фикрлай олади, воқеалар ривожи ва оқибатини олдиндан кўриш, баҳолашга қодир. Характер, тийнатида ҳурматта лойиқ жиҳатлар кам эмас – босиқ, иродали, бир сўзли одам.

Бинобарин, маънавий етук, донишманд Абай ва унинг отаси Қўононбой ўртасида генетик – шажараий, психологик алоқадорлик мавжуд ва бу алоқа – боғланишни "Абай йўли" муаллифи бадиий матнда ифодалаб бера олган.

Аммо роман-эпопеядаги Қўононбой характерининг кулами, белгилари юқоридагилар билангина интиҳо топмайди.

Бу шахснинг ақли, ишбилармонлиги айёрлик, шахсиятпарастлик, ўжарлик, кези келганда золимлик каби салбий хусусиятлар билан қоришиб-қўшилиб кетган. У ён-беридаги огулларни ўзига бўйсунтириш, юқори мансабларга эришиш, ўз обру-эътиборини ошириш учун файринсоний, номуносиб ишларни ҳам қилаверади. Жумладан, у камбағал чўпон Қодарни

ғайришаръий жазога ҳукм қиласы. Құнонбойнинг бундан күзланған иқтисодий ва сиёсий мақсадлари бор. У Қодар мансуб Бокенши уругига тегишли яйловларни үз ҳудудига құшиб олмоқчи.

Роман-эпопея муаллифи Құнонбой характерини, унинг руҳий оламины мұайян тарихий мұхит, аниқ хронотоп доирасида, күламида күрсатған ва бадий таҳлил этган.

Құнонбой мансуб давр, мавжуд қолоқ уруғчилек, қабилачылық психологиясы, одатлари нисбатан бирмунча яхши хусусиятларга зәға бұлған шахсда номақбул, ғайриинсоний қырраларни шакллантирган.

Улкан руҳшунос, жағон адабиётида инсон бадий структурасини яратыща катта санъаткорлардан бири булған Мұхтор Аvezов роман-эпопеяниянг сюжети давомида Құнонбой характерининг тадрижий үзгариш-турланишлари ва унинг фожиаси, инқизорозини реалистик тасвир принциплари, тарихийлик мезонлари асосида ҳар томонлама чуқур, психологик далилланған ҳолда очиб, күрсатыб берган.

Асар воқеа тизимининг катта қысмини ота ва үғил (Құнонбой, Абай)нинг үзаро муносабат, алоқалари, зиддият ва курашлары ташкил этган. Муаллиф бундай тасвир орқали роман-эпопеяниянг туб масалалари-яхшилик ва ёмонлик орасыдаги фарқ ва ихтилофлар, ёзуздыктың охир-оқибат ҳалокатта учраши, зәгузликнинг мангулиги, ҳаёт ва үлім, уруш ва тинчлик сингари бадий муаммоларни жуда кенг эпик күламда күрсатиши дағылданған ҳолда тасвирлашга қараттан.

Муаллиф роман-эпопея номи, мавзуси, концепцияси, мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб асосий эътиборни аниқ тарих шахс – шоир, маърифатпарвар, жамоат арбоби, инсонпарвар Абай Құнонбоев характерини ҳар томонлама чуқур, психологик далилланған ҳолда тасвирлашга қараттан.

Романнавис тасвиридаги Абай – диалектик, маънавий – маданий, психологик жиҳатдан шаклланыпты, даврнинг, инсониятнинг илфор, тараққийпарвар қарашларини, идеалларини үз маънавияти, руҳий оламида мужассамлаштирган шахс. Бөш қаҳрамонни бу тарзда тасвирлаш бир томондан А. Құнонбоев таржимаи ҳоли, ҳаёти тарихи мөһиятидан келиб чиқсан, албатта. Аммо шу билан бир қаторда роман-эпопеядаги бөш қаҳрамон бадий структурасини, характери күламининг адабий-бадий манбалари борлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Адабий-бадий жараён тарихи ва унинг тадқиқи шундан далолат беради, ҳар қандай мұкаммал бадий матннинг етакчи қаҳрамонлари мұайян адабий-бадий тажриба, бадий адабиёт узоқ вақт ичидә бошидан кечирилған ижодий изланишлар заминида юзага келади, шаклланади. Жағон сүз санъатининг адабий

қаҳрамонлари силсиласи бир-бири билан мустаҳкам генетик – шажаравий, бадий-поэтик ҳалқалар билан жипс боғланган. Бундай алоқа-боғланишлар бадий адабиётнинг яхлит система эканлиги, унинг асрлар давомида ривожланиб, ўсиб боришидан далолат бериг туради.

Биз бу ҳодисани "Ўткан кунлар"даги Отабек, "Қутлуг қон"даги Йўлчи, "Дохунда"даги Ёдгор образлари мисолида кўриб чиқсан эдик.

М. Аvezov роман-эпопеясининг бош қаҳрамонида Шарқ, хусусан, қозоқ эпоси, мумтоз адабиёт етакчи образларига хос типологик жиҳатларни кўрса бўлади.

Аммо "Ўткан кунлар", "Қутлуғ қон" романларидан фарқли равишда улкан эпик шаклдаги асарда Абай образи қаҳрамонлаштирилмайди. Бу ҳодиса 40-йиллардан Марказий Осиё тарихий романчилигига "асл эпос" (эпопея) таъсир ҳудудининг маълум даражада чекланиб, унинг ўрнига Farb романчилигига хос изчил реалистик тасвирнинг устивор бўлаётганлигини кўрсатувчи далилларидир.

Тўғри, "асл эпос"нинг айрим аломат ва хусусиятлари бу ва ундан кейинги даврларда ҳам муайян меъёр ва кўринишларда сақланиб қолди ва улар Марказий Осиё бадий ҳудудида юзага келган роман намуналари жанрий қурилмаси, қаҳрамонлар характеристерини шакллантиришда бадий-поэтик асос бўлиб хизмат қилишда давом этди.

Шу билан бирга, Марказий Осиё романида 30-йиллардан бошланган изчил реалистик тасвир (буни биз С. Айнийнинг "Қуллар" роман мисолида кўриб чиқсан эдик) 40-йилларда янада ривожлантирилди, унинг янги имконият ва заҳиралари кашф этилди. Адабий-бадий жараённинг кейинги босқичларида, хусусан, 60-80-йилларда бу ҳаракат янада фаоллашади, янги хусусият ва ранглар касб этади.

"Ўткан кунлар" бош қаҳрамони каби "Абай йули"даги марказий образ ҳам бир талай адабий аждодларига эга. Бу ўринда биз ишнинг концепцияси ва мақсадларига мувофиқ равищда А. Қодирийнинг биринчи романни ва M. Avezov роман-эпопеясининг ва мақсадлариаро алоқадорлик, генетик-шажаравий боғланишларга эътиборни қаратмоқчимиз.

Мухтор Аvezовнинг хотираларидан маълумки, қозоқ романчилиги классиги буюк санъаткор Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар"ини ёшлигига жуда катта қизиқиши, завқ, ҳайрат туйғуси билан ўқиб чиқсан. Ундан таъсирланган. Бу адабий таъсир маҳсули роман-эпопеяниң сюжет-композицион қурилиши, бадий конфликт тасвири, айниқса, қаҳрамон бадий структурасида кўриш, кузатиш мумкин.

Олдин айтилганидай, "Абай йұли"да бош қаҳрамонни "Үткан кунлар" дагидай қаҳрамонлаштириш, идеаллаштириш хусусияти күзға ташланмайды. Бироқ иккі йирик эпик асар қаҳрамонларининг ички структураси – қалб олами, мақсад – интилишлари ҳаракатига әътибор берилса, бу образларнинг күп жиқатдан бир-бирига яқынлиги ва боғлиқлигига ишонч ҳосил қылса бўлади.

Роман-эпопеядаги Абай характеристери бирмунча муҳим хусусиятлари билан "Үткан кунлар"даги Отабек, Юсуфбек ҳожи бадий образларига ҳамоҳанг ва муштаракдир.

Аниқроқ айтганда, Абайнинг үспирииңлик ва ёшлиқ йиллари Отабекни, етуклиқ ёши эса донишманд Юсуфбек ҳожини эслатиб туради.

Чин маънодаги адабий таъсир етук бадий асар, унинг персонажларидан нусха күчириш, устоз ижодкорларга күр-күрона эргашиш бўлмай, бу ниҳоятда мураккаб, кўп қиррали ижодий-психологик жараёндир.

Бу ҳақда В. М. Жирмунский шундай ёзади: "Ҳар қандай адабий таъсир ўзлаштирилаётган образнинг ижтимоий трансформацияси билан боғлиқ бўлиб, буни биз ўзаро таъсир учун замин бўлган ижтимоий шарт-шароитлар, мазкур босқичдаги ижтимоий тараққиёт, миллий ҳаёт, миллий ҳарактерлардан келиб чиқиб ижодий ўзлаштириш ва қайта ишлаш, шунингдек, ўзлаштирилаётган ижодкорнинг ғоявий, бадий ўзига ҳослиги, ижодий индивидуаллиги сифатида тушунамиз"*.

Мухтор Аvezов "Үткан кунлар" бадий матни, хусусан, Отабек, Юсуфбек ҳожи бадий образларини юқорида айтиб ўтилган ижодий-бадий ўзлаштириш асосида узи яратадиган бош қаҳрамон структурасини ташкил этишда фойдалана олган.

Роман-эпопеядаги Абай "Үткан кунлар"нинг етакчи қаҳрамонлари сингари тарқоқ, бўлинган ҳалқни – уруғ ва қабилаларни бирлаштириш, шунингдек, уларни маърифатли этип ва тўқис ҳаётга эриштириш орзуси билан яшайдиган комил шахс Аммо унинг эзгу, тараққийпарвар, ният-армонлари мавжуд муҳит ижтимоий-сиёсий шароит билан мос келмайди.

Муҳит, тарихий шарт-шароит ва Шахс ўртасидаги муросасизлик ва келишмовчиликлар "Абай йұли" роман-эпопеясининг бош бадий зиддиятини ташкил этган.

"Абай йұли" ва "Үткан кунлар" эпик асарлари нафақат қаҳрамонлари, балки бадий конфликтлари ўртасидаги

* Жирмунский В. М. Сравнительное литературоведение. Л.: Наука, 1971. С. 75.

муштараклик билан ҳам боғланиб, туташиб турибди.

Ўз муҳитидан юқорида турган, ундан вақт жиҳатидан илгарилаб кетган шахс одатда фожиавий қисмат эгасидир. Буни биз, масалан, "Ўткан кунлар"даги Юсуфбек ҳожи тақдири, ўқинишлари тасвирида кўришимиз мумкин. Мамлакатни бирлаштириш, адолатли қонунлар асосида яшовчи давлат яратиш ҳақидаги мақсад, ҳаракатлари барбод бўлган Юсуфбек охир, ниҳоят ижтимоий фаолиятдан этак силкишга, сиёсий воқеалардан четда туришга мажбур бўлади.

Ўз даврининг етук инсонпарвари ва мутафаккири Абай ҳам қолоқ урф-одатлар, тор дунёқараш, хурофотлар гирдобида нечоғлик иродали, собит бўлмасин, иложсиз қолишга маҳкум бўлади.

Аммо А. Қодирий ("Ўткан кунлар"), Ойбек ("Навоий"), Мухтор Авезов ("Абай йўли") ўз қаҳрамонларининг эзгулик ва адолат йўлидаги фикрлари, ҳаракатлари, уринишлари бесамар, кераксиз деган фикрни олдинга сурмаганлар. Аксинча уларнинг илфорғоялари энди шакланаётган янги авлод курашининг байроғи, идеалига айланиб боришини аниқ эпик манзара, психологик таҳлилларда кўрсатиб берганлар.

Юсуфбек ҳожининг Туркистон мустақиллиги ҳақидаги ётиқоди Отабекни босқинчи чор қўшинига қарши муқаддас уруш майдонига бошлаб боради. Фақат бугина эмас: Ёдгорнинг ўғилларидан бири мана шу озодлик гояси таъсирида большевикларга қарши миллий ҳаракатда иштирок этади. "Навоий" романидаги бош қаҳрамон – буюк ўзбек шоири ва мутафаккири тарбияси, ибрати натижасида Султонмурод каби баркамол аллома, Арслонқулдай фидойи саркардалар етишиб чиқадилар ва ёвузлик кучларини маҳв этишга саъй-ҳаракат қиладилар.

М. Авезов роман-эпопеясидаги Абай идеаллари, мақсадлари таъсирида маърифатли, янгича фикрлайдиган бир туркум ёшлар юзага келади.

Абдулла Қодирий, Ойбек, Мухтор Авезов тасвиридаги бош қаҳрамонлар қолоқ давр, муҳит билан курашда ғалаба қозонадилар, уларнинг дунёқарashi, ҳаракати инсоният, миллат, мамлакат тараққиёти, истиқболи учун муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Марказий Осиё романчилиги тарихида жаҳонпумул ҳодиса бўлган, йирик ёзувчи ва олимлар, китобхонлар томонидан юқори баҳолангандаги "Абай йули" эпик асарининг иратилиши тасодифий ҳодиса эмас. У Шарқ ва Farb адабий-бадиий ҳаракатлари, таъсиrlари ўзаро кесишган, қадимиy маданий, тарихий заҳира, манбаларга эга бўлган бадиий майдонда юзага келди. Роман – эпопея А. Қодирий асос солган ва бошқа истеъододли әдиллар томонидан ривожлантирилган романчилик мактабининг

бевосита давоми, тараққиёти, бадий тафаккурнинг ютуғи, маҳсулидир. Шу билан бир қаторда, у Шарқ, хусусан, қозоқ фольклори, жаҳон эпик адабиёти, романчилиги бадий тажрибалари, имкониятларидан ҳам озиқ олгани ҳақиқатдир.

Бу бадий-ижодий тажриба, ютуқлар Мухтор Аvezovдай иирик ижодкор бадий даҳоси томонидан қайта ишланиб, даврнинг илфор тараққийпарвар бадий ғоялари билан омухталалиш эпик адабиёт тарихида мумтоз бир асарнинг юзага келишига имкон яратди.

Шуро жамиятида И. Сталиннинг вафотидан сўнг, 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бирмунча ўзгаришлар юз берди. Оммавий қирғин ва таъқиб сиёсати маълум даражада қораланди. Маданият, санъат ва адабиёт муттасил тазииклардан ўзини бир оз бўлса-да холи сеза бошлади. Ўтмишни ёритишдаги навбатдаги жонланиш ва тараққиёт босқичи олтмишинчи-саксонинчи иyllарни ўз ичига олади.

Марказий Осиё тарихий романчилигида "учинчи тўлқин" – энг серқамров, құдратли тўлқин. Бу давр сўз санъати мозийнинг энг олис, номаълум қатламларигача етиб борди. Тарихий адабиётнинг мавзу кўлами, имкониятлари кенгайди. Тарихий воқеалар, тарихий шахсларга нисбатан "большевикча синфиийлик" тусиқлари маълум даражада енгиги үтилди. "Тақиқ ҳудуди" га айланган айрим мавзулар (чор истилоси, унга қарши миллий озодлик ҳаракати) бадий ишлана бошлади.

Роман ўтмишни бадий акс эттиришда етакчи жанр бўлиб қолди. Романнинг "олам ва тарихга, жамият ва башариятга, унинг муаммо ва ташвишларига, урущ ва сулҳарига, қўзғолон ва инқиlobларига, улкан ва кичик воқеаларига очиқ қаратилган адабий-бадий система, иирик бадий шакл" экани унинг адабиётдаги мумтоз ва устивор ўрнини белгилаб беради.

Романда тарихнинг умумбашарий, оламшумул аҳамиятта эга ҳодисалари, миллий озодлик ҳаракатининг раҳнамо ва қатнашчилари, ҳалқ ва элатларни ягона байроқ ва ғоя остида бирлаштирган атоқли шахсларнинг образи, мозийнинг сердолга, бурилиш босқичлари ифода топди. Адабий-бадий жараённинг янги босқичида роман янги сифат ўзгаришларини бошдан кечирди.

Роман бошқа адабий жанрлар(эпос, достон, повесть...)нинг хусусиятларини ўзига сингдириб шакл, мундарижа жиҳатдан тараққий этиб борди. Бошқа жанрлар эса, аксинча, романнинг кучли таъсирини бошдан кечира бошлади. Қатор жанрларнинг "романлашиш" жараёни кузатилди.

60-80-йилларда қозоқ насринда тарихий мавзу кенг ишланди. Жаҳон реалистик романи, айниқса, А. Қодирий, М. Аvezовнинг анъяналарини давом эттирган қозоқ адиллари мозийнинг турл

қатламларига күмиліб етган ҳақиқатни бадий тиклаш учун самарали меңнат қылдилар. Улар О. Олимжонов қайд қылганидай, тарих илми тұплаган мағұмология билан чекланиб қолмай, ҳам тадқиқотчи, ҳам ижодкор сиғатида изланиш олиб боришиді. Бунинг натижасыда нафақат қозоқ, бутун Туркистан үтмишини үз бадий оламига қамраган бадий яратмалар юзага келди.

А. Нурпесовнинг "Қон ва тер", И. Есенберлиннинг "Күчманчилар", "Олтин Үрда" роман-трилогиялари, А. Олимжоновнинг "Муаллимнинг қайтиши", "Маҳамбет найзаси", "Чопар" романлари ва бошқа тарихий асарларда үтмишнинг улкан воқеалари тасвирланды, инсоният, халқ руҳий-маънавий оламини үз бадий структурасыда мужассамлаштирган тарихий шахсларнинг образлари яратылды. Қозоқ эпик адабиётида роман – эпопея, роман-хроника, роман-таржимаи ҳол каби жанрий шаклларда бир қатор асарлар вужудға келді, бу тарихни бадий инъикос эттиришда шаклий жилем-хиллик кучайиб бораётганидан далолат беради.

Бу даврда фольклор, Шарқ мұмтоз адабиётлари, Farb бадий меросидан самарали озиқланған қирғиз тарихий романчилигіда үтмишнинг айрим босқичларини тасвирлаган эпик асарлар юзага келди. Т. Қосымбековнинг "Синган қилич", "Булат ортидаги төғ", К. Усмоналиевнинг "Күчманчилар рақобати", О. Даникеевнинг "Бир лаҳзалик умр" романларида халқ, миллат тарихи, унинг урғодатлари, маънавий-ахлоқий қиёфаси гавдаланған, үтмишнинг үзиге хос манзаралари бадий ифода топған.

Бу йилларда туркман насрида ҳам роман шакли кенг үрин згаллады. Замонавий ҳаётта бағищланған йирик насрий асарлар билан бирга тарихий роман намуналари юзага кела бошлади.

Р. Эсенов ва А. Шалашовнинг "Туроннинг күз ёшлари" (1970, 1975) номли иккى китобдан иборат романида үғизларнинг "эрк ва адолат учун кураши" ифода топған.

80-йилларга келиб туркман тарихий романы янги тараққиёт босқичига күтарилди. Қ. Қулиевнинг "Махтумқули", "Гулжамол", А. Коушетовнинг "Пермен", Б. Худойназаровнинг "Сув ҳиди", А. Атажоновнинг "Татьяна Текинская" романларида тарихнинг туб масалаларига фалсафий-бадий ёндашишнинг чуқурлашувини сезиш мүмкін.

1983 йилда Ашхободдаги "Магарыф" нашриётида Қилич Қулиевнинг иккى китобдан иборат "Махтумқули" тарихий романы чоп этилди. Бу асарда атоқли туркман шоири ва мутафаккирининг зиддиятларга тула ҳаёт ва ижод йули, руҳий-маънавий олами Туркистан тарихининг йирик воқеалари билан үйғунликда бадий тадқиқ қилинған, шахс ва муҳит орасидаги муносабатлар акс этганды.

Мозий мавзусыда ижод қылған тоғык адеблари жаҳон

тариҳий насрининг энг яхши намуналари анъаналарини ижодий ривожлантириш бўйича анча самарали ишладилар. Улар Марказий Осиё тариҳий романчилигининг асосчилари – А. Қодирий, С. Айний бадиий мактабини янги давр талаблари, эстетик қарашларига омухталаштиришга ҳаракат этдилар. Жалол Икромийнинг "Бухоронинг ўн икки дарвозаси" роман-трилогияси, Сотим Улуғзоданинг "Восеъ" романида тариҳнинг драматизмга бой, шиддатли даврлари ўз бадиий ифодаси топди.

Ж. Икромийнинг роман-трилогияси 1961-1974 йилларда яратилган. Ижодкор мураккаб тариҳий давр воқеаларини ҳаққоний акс эттиришга интилган, айрим тариҳий шахслар образини яратган.

Ж. Икромий эпик ижоди, айниқса, унинг роман-трилогиясида С. Айний бадиий анъаналарини давом эттиришга уринишни кўриш мумкин. Бу анъанавийлик эпик сюжетнинг кўп тармоқлилиги, бадиий қурилманинг мураккаблиги, мавзу, тариҳий давр, қаҳрамон типидаги маълум үхшашлик ва муштаракликларда кўринади.

Роман-трилогияда адебнинг мозийни, унинг муҳим воқеаларини яхши билиши сезилиб туради. Шу билан бирга, тарих илмидаги "оқ доғлар", даврга хос хато ва чалкашликлар роман-трилогияяга маълум даражада салбий таъсирини ўтказган.

Романнавис давр воқеаларини холис баҳолашга, тарих ҳақиқатига содик қолишга интилса-да, бадиий ва ижтимоий тафаккурдаги маълум етишмовчилик ва нуқсонлар туфайли Бухоро тарихида катта роль ўйнаган жадидчилик ҳаракатига етарли баҳо бера олмаган.

Шунингдек, роман-трилогияда йирик тариҳий шахс, "Ёш бухороликлар" фирмаси, Бухоро ҳалқ республикаси раҳбари Файзулла Хўжаев фаолияти етарли ифода топмаган. Бу каби кемтик уринлар, умуман олганда, фақат ижодкор маҳорати, саъи-уринишлари билан боғлиқ бўлмай, шуро сиёсати, дунёқараши, тенденциялари инъикоси ҳам.

Ўзбек эпик адабиётида "Юлдузли тунлар", "Улуғбек хазинаси", "Меъмор", "Қўйна дунё", "Авлодлар довони" ва бошқа тарихий романлар юзага келди.

Бу асарларда тариҳий жараён манзаралари кенг эпик планда акс этган, уларда йигирманчи аср тариҳий романчилиги анъаналарининг тадрижини кўриш мумкин. Ҳалқ, инсоният тарихида из қолдирган шахсларнинг бой, чўқур, ижтимоий муҳитдан келиб чиқсан мураккабликларга эга ички олами бу асарларда тариҳийлик принципларига асосан ифода топди.

Марказий Осиё тариҳий романни мозий материали (турли-туман ҳужжат, солнома, мемуар)га эркин-ижодий ёндаша бошлади. Тарихий тафсилотлар ихчамлашиб, уларнинг урнида қаҳрамоннинг

руҳий олами тадқиқига күпроқ ўрин ажратиладиган бўлди. Қаҳрамон, персонажнинг кечинмалари тасвири тарихий факт моҳиятини очиш, ойдинлаштириш учун хизмат қила бошлади ("Улугбек хазинаси"). Роман энди фақат аниқ тарихий воқеа, тарихий факт, саналарнигина эмас, фольклор жанрлари – "тарихий ҳақиқат синиқлари" бўлмиш афсона, ривоят, асотир, латифа кабиларни ҳам ўзлаштира бошлади, унинг бадий вужудига ҳалқ оғзаки ижоди намуналари маълум даражада ўзгариб, романнинг фалсафий-бадий концепциясига мослашган ҳолда кириб келди ("Қорақалпоқ достони", "Кўхна дунё").

Тарихий роман фақат фольклорнинг бадий шакллари жанрларини эмас, унинг маром(ритм)и, оҳангиги, бадий воситаларини ҳам ижодий ўзлаштира бошлади: оғзаки ижод хазинасидаги бадий воситалар, адабий санъатлар унинг матнига кириб келди.

Бу давр Марказий Осиё романидаги "фольклорлашув" унинг тарихий романчилик "биринчи тўлқини" билан мустаҳкам ворисийлик робиталари ила боғланганидан дарак беради.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, 60-80-йилларда ёзилган ҳамма тарихий романлар бадииятнинг юксак талаблари асосида яратилган, китобхон қалб оламидан ўрин олган деб бўлмайди. Баъзи романларда ортиқча тарихий тафсилотлар кўпайиб кетиб, бадий яхлитликка путур етганини, қаҳрамон ва персонажлар образи нотабий, сохта чиққанини, қалб кечинмалари, зиддиятлари етарли даражада очиб берилмаганини кўриш мумкин.

Айрим романларда мозийнинг туб, ўзак масалалари четга сурилиб, майда-чуйда, ортиқча тафсилотлар асосий ўринга чиқиб олади, бадий таҳдил ўрнини баёнчилик эгаллайди. Муаллиф тарихнинг ҳаққоний тасвирини эмас, майший-ҳирсий томонларини акс эттиришга берилиб кетади – "тўшак воқеалари" кенг ифода топади (Мирмуҳсин, "Темур Малик"). Ҳаракат ривожланмай сустлашиб боради, характерларни бадий далиллаш ўрнига кўплаб тарихий факт ва изоҳлар киритилади (М. Қориев, "Спитамен"). Тарихий хроника бадий образларнинг юзага чиқишига монелик қиласи, воқеа чизигида узилишлар рўй беради, бадий қурилма пишиқ ишланмайди, туркий ҳалқларнинг ўзаро муносабатлари баъзан бир ёқлама талқин этилади (И. Есенберлин, "Кўчманчилар").

III.2. Тарих ҳақиқати ва роман ("Синган қилич" мисолида)

Марказий Осиё тарихий романчилигининг янги босқичидаги ютуқ ва камчиликларини, ўзига хос мураккаб бадиий изланишларини мужассамлаштирилган йирик эпик асарлардан бири қирғиз адаби Тұлаган Қосимбековнинг "Синган қилич" (1973) романы бўлди.

"Синган қилич" кўп жиҳатлари – жанри, жанр типи, мавзуси, бадиий хронотоп (макон-замони), тарихий жараёнга муносабати, тарихий шахслар иштироки билан "Ўткан кунлар" романини эслатиб туради.

Т. Қосимбеков ҳам А. Қодирий каби тарихимиздаги "қора кунлар"ни – чор истилоси давридаги Туркистон ҳәётини тасвирлаган, босқинчлилк сиёсатини миллый, умуминсоний қарашлар нуқтаи назаридан баҳолаган.

Муаллиф ўз романини А. Қодирий тұхтаттан жойдан – Туркистоннинг истило этилиши лавҳаси билан бошлиганды. Мана шу фактнинг ўзиёқ унинг "биринчи ўзбек романы" мавзуси, ғоявий – бадиий концепцияси, воқеаларини ижодий давом эттириш ниятида бўлганини кўрсатиб турибди. Фақат бугина эмас: адаб ўз романининг кейинги бобларида бевосита "Ўткан кунлар"да акс этган даврга ҳам қайтади, Худоёрхон, Мусулмонқулнинг "ҳамкорлик"даги ҳукмронлик фаолиятини роман бадиий матнинг кирилади.

Т. Қосимбеков А. Қодирийнинг ижодий анъанаси, мавзу ҳудудини айрим масалаларда давом эттириш билан бирга устоз санъаткор билан баҳсга киришмоқчи, тарихга янгича қарамоқчи бўлган.

Ўтмиш воқеалари талқинида қирғиз адабининг қарашлари айрим жиҳатлардан биринчи ўзбек романнависи дунёқарашига яқин. Т. Қосимбеков романнанда ҳам қирғин, низолар қораланган, Туркистондаги ҳукмдорларнинг ўзаро урушлари мамлакат Россия мустамлакасига айланишига замин ҳозирлагани анча аниқ эпик манзаралар орқали тасвирланган.

Тадқиқотчилар "Синган қилич"даги бир қадар фур бадиий талқин, сюжет ва қурилма (композиция)даги айрим нуқсонларни қайд этган ҳолда асарни ижобий баҳолангандар. Т. Давидова^{*} Қосимбековнинг "Синган қилич" (1973) романни қирғиз адабиётидаги биринчи ва шак – шубҳасиз, муваффақиятни романдир^{**} деб ёсса, З. Кедрина адаб "нафақат ҳужжатли анни

* Давидова Т. Проза Средней Азии и Казахстана, – М.: Знание, 1989. С.38.

шунингдек, бадий ёрқин, диалектик муфассал эпопея яратди", – * деб қайд этган.

"Синган қилич"нинг роман-эпопея жанрига мансублиги ҳақидағи фикрга ойдинлик киритиш керакка үшшайди.

Роман-эпопеяниң бадий мундарижасини инсоният, коинот даражасидаги бадий-фалсафий фикрлар олами, уларниң юксак бадий шаклдаги тажассуми, сюжетниң ҳам, бадий қурилманиң ҳам күп тармоқлилиги, қаҳрамон, персонажлар шахси, характеристика умумжаҳоний, умуммиллий идеалларниң акс этиши кабилар ташкил этади.

Роман-эпопея бадий мазмун жиҳатидан ҳам, ҳажм жиҳатдан ҳам кенг, унда инсоният, халқлар тақдирі, истиқбол йүллари акс этади, у барча давларниң, тарихий жараённинг муҳим қатламларини ўз ҳудудига, бадий матнинг жойлаштириш, уларни ўзаро боғланган ҳолда тасвирлаш имкониятига эга бўлади.

Иzzat Султон ёзганидай, роман-эпопея эпоснинг энг олий ва нодир шакли**.

Э. Каримов кузатишларига кўра эпопея мундарижасини мутлоқ ҳақиқатни ва ҳаёт маъносини фалсафий ахтариш, яхши ва ёмонга баҳо беришнинг барқарор мезонларини ишлаб чиқиш кабилар ташкил этади.***

Роман – эпопеяни эпик тур жанри сифатида маҳсус тадқиқ қилган А. Чичериннинг фикрича, бу бадий шаклга кўп сюжетлилик, роман ичидаги романлар булиши хос.

"Синган қилич"га ана шундай мезонлар, нуқтаи назарлар, қарашлар бўйича қаралса, у роман-эпопея жанрига мансуб бўлмай, роман эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Тўғри, бу эпик асарда "эпоснинг юксак шақли"га хос айрим аломатлар, белгилар мавжуд.

"Синган қилич" романида тарихнинг энг йирик воқеалари: Марказий Осиёга рус қўшинларининг кириб келиши ва Туркистон ўлкасини истило қилишга киришгани, бу даҳшатли, қонли босқинга қаршилик кўрсатган халқнинг жасорати акс этган.

Бу ҳодисалар билан боғлиқ мозийнинг яна бир катта ҳодисаси – "Пўлатхон" бошлигидаги халқ қўзғолони бадий ифода топган. Мана шу воқеалар асарга маълум даражада бадий – фикрий яхлитлик бахш этиб туради.

* Кедрина З. Глубинные корни братства. Дружба народов. 1975. №10. - С 130.

** Султон И. Адабиёт назарияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 250-бет.

*** Адабиёт назарияси. Иккى томлик, 2-том. Тошкент: Фан, 1979. 215-бет.

В.Г.Белинский романни "ҳозирги замон эпопеяси" деб таърифлайди. Бу романнинг чиқишида хизмати катта бўлган З. С. Кедринанинг "Синган қилич" жанрини эпопея дейишига маълум сабаблар бор. Умуман, ёзувчининг бадиий мақсадига кўра асарнинг давоми бўлиши керак эди. Аммо бу мақсад амалга ошмаган. Эҳтимол, З. Кедринадай иқтидорли адабиётшунос Қосимбековнинг "Синган қилич"ини эпопея деб таърифлагандага романнавис мақсадини назарда тутган булиши мумкин.

Умуман, "Синган қилич" роман-эпопея жанрига тўла жавоб бермаслигини айтишни ҳам лозим топдик. Аммо қирғиз адабиётидаги биринчи ва анча пухта ёзилган тарихий роман Т. Қосимбековнинг "Синган қилич" асари билан юзага келди.

Роман жанг майдони тасвири билан бошланган. Бир томонда гилдиракли тўплар, тезотар миљтиқлар билан қуролланган, замонавий ҳарбий назарияларни ўзлаштирган, европача якранг аскарий либосларни кийиб, тартиб билан жойлашган рус қўшини. У Тошкент остонасига аниқ мақсад билан – Туркистонни забт этиш учун келган. Қўшиннинг, айниқса, унинг бошида турган генерал Черняевнинг кайфи чоғ. Галабага шак-шубҳа йўқ. Чунки бу ўлкани Россиянинг сайёҳу олимлари ўрганиб чиққан. Хариталар чизилган, йўллар аниқланган. Бу ердаги сиёсий, иқтисодий вазият уларга яхши маълум.

Иккинчи томондан яkkам-дуккам пилта миљтиқлар, асосан, қилич, найза, ўқ-ёй билан яроғланган туркистонлик аскарлар. Уст-бошлари ҳам ҳарбий эмас. Аммо уларнинг интизомли, кўп жангларда чиниқиб, тажриба ортирган душмандан яккаю ягона афзаллиги бор. Бу она тупроқда – Ватанга муҳаббат туйғуси. Мана шу муқаддас ҳис тенгсиз, катта жангда туркий аскарларга мадад беради, куч бағишлади.

Тарихий романнинг мазкур бўлагида мусулмон аскарларининг саркардаси Олимқул оталиқнинг образи тарихий аниқ, бадиий жиҳатдан таъсирили тасвирланган.

Олимқул ким эди?

"Ўзбек шўро қомуси"да Туркистонни истило қилган, уни қонга ботирган чор истилочилари – Кауфман, Скobelев, Черняевлар ҳақида маълумот берилган, аммо уларга қарши курашган ватанпарвар Олимқул оталиқ ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Шўро даврида бизнинг ўз тарихимизга муносабатимиз шундай эди.

"Фарғона тарихи"да у ҳақда шундай ёзилган: "Фарғона ва Туркистон хонларидан икки киши фуқаро ва дини миллат учун ҳаракат этган эди. Бири бу амирлашқар (Олимқул – F. M.) ва бири марҳумий Маллахон. Тўплар қўйдириб, миљтиқлар ясаб, корхоналар қилиб, тўплар узрасига кумушлар била ёзувлар ёзиб,

яхши диққат этган эди".*

"Фуқаро ва дини миллат" нинг мустақиллигини уйлаган амирлашкар Олимқул босқинчи чор қүшинига қарши курашган тарихий шахс бўлган.

Романда Олимқулнинг саркардалик маҳорати ишонарли тасвир этилган. У даҳшатли қуролларга эга, тартиб билан олға юриб, Тошкентни забт этишга киришган душман олдида ваҳимага тушмайди. Ўз аскарларини ҳарбий вазиятга кура жойлаштиради. Генерал Черняевни усталик билан чалгита олади.

Ўзбек ва қирғизларнинг бирлашган қўшини истилочиларни пўлат ҳалқадай ӯраб оладилар. Мухолифнинг ҳайбатли тўплари, ўточар милтиқлари иш бермай қолади. Баҳодирона ҳужум, аниқ ҳарбий ҳаракатдан рус аскарлари ваҳимага тушадилар. Улар орасида саросималик пайдо бўлади.

Бу жанг Туркистон тақдирини ҳал қилувчи энг асосий, энг муҳим уруш эди. Тарозининг бир палласига Россия империясининг сиёсий, истилочилик манфаатлари, бошқасига эса Туркистоннинг миллий мустақиллиги қўйилган.

Жанг олдидан лабида табассум ўйнаб турган Черняев энди тундлашган, у мағлубият оқибати қандай бўлишини фаҳмлаб турибди.

Черняев Туркистондаги ҳарбий, иқтисодий, сиёсий вазиятни ўрганган, бу ҳудуднинг тарҳ-хариталарини ҳам пухта билади. Аммо у Ватани учун жонини тиккан одамларнинг руҳиятини тушунмайди. Шарқда кўп асрлик ҳарбий назария ва амалиёт анъаналарининг мавжудлигини ҳам ҳисобга олмаган. Энди генерал ғалаба шукуҳини эмас, жонини сақлашни ўйлай бошлайди.

Т. Қосимбеков истилочи рус зобитининг бадиий қиёфасини шу тариқа яратган ва бу тасвир тарихий ҳақиқатга мувофиқ тушади.

Дарвоқе, Черняев ким?

"Ўзбек совет энциклопедияси"да ёзилишича, у "рус ҳарбий ва жамоат арбоби... Ҳарбий академияни тутатган (1853). Қрим ва Кавказ урушларида қатнашган... 1864 – 65 йилларда маҳсус Фарбий Сибирь отрядига қўмондонлик қилган. Черняев қўшинлари 1865 йили Қўқон хонлигига қарашли Авлиёта, Чимкент ва Тошкентни босиб олган. 1865 – 66 йилларда Туркистон обл. ҳарбий губернатори, 1882 йилдан Туркистон генерал-губернатори" **.

* Ибрат. Тарихи Фаргона. Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Тошкент: Камалак, 1991, 308-бет.

** ЎСЭ. 14 жилдлик. 3-жилд. Тошкент: Фан, 1976. 505-506-бетлар.

"З. А. Кастельская китобида шундай ёзилган: "Черняев ашаддий шовинист эди. Унинг назарида Қўқон ҳонлигига яшаган ўзбеклар, қирғизлар, қипчоқлар ва бошқа халқлар ёлғиз тўн кийгани учунгина қириб ташлашга лойиқ эдилар".*

Шўро даврининг "қайта қуриш" деб ном олган босқичида Скobelov, Черняев каби кимсаларни "жасоратли зобит", "миллий қаҳрамон" деб талқин қилган чиқишилар сабиқ иттифоқ матбуотида пайдо бўлди. Бу мақолаларнинг файритарихийлигини исботловчи асарлар ҳам юзага кела бошлади.

Черняев каби ҳарбий жиноятчилар (у Туркистон ҳудудига ҳеч қандай асоссиз, уруш эълон қилмай бостириб кирган) тарихнинг абадий лаънатига маҳкум.

Энди романга қайтайлик.

Тарихнинг буюк, ҳал қилувчи жанги интиҳо топяпти. Ўзининг хато қилаётгани, ниманидир ҳисобга олмаганига иқорор бўлаёзган генералнинг башарасида пушаймонлик акс этади.

Аммо жанг майдонининг орқасида ҳамма нарсани олдиндан қуриб қўйган, ҳамма ишни аллақачон режалаштирган махфий, қудратли бир куч туриби. Бу куч—кўп асрлик тажрибага эга бўлган Россия мустамлакачилик сиёсати. У генерал Черняевдан, енгил-елли ғалабаларга ўрганиб қолган ҳавоий, шуҳратпараст зобитдан фарқли равишда ҳамма нарсани билади. Бу сиёсат Осиёда Чингизхон, Амир Темур каби жаҳонгирлар фаолият курсатганидан, кучли ҳарбий назария ва амалиёт анъаналари мавжудлигидан ҳам хабардор.

Бу сиёсат Тошкент остонасида жанг оламшумул аҳамиятга молик эканини ҳам билади. Тошкентни забт этиш аслида Пётр белгилаб берган улкан режанинг бир ҳалқаси холос. Осиёни, балки бутун дунёни эгаллаш учун ҳали олдинга – Форс кўрфазига қадар босқичма-босқич, мағлубиятсиз бориши даркор.

Бу "улкан – буюк" режани фақат уруш орқалигини амалга ошириш мушкул. "Замонавий" усуслар, макрнинг пухта тўқилган турлари зарур: "мақсад воситани оқлайди".

Фон Кауфман каби чор мустамлакачилик сиёсати вакиллари бу ҳудуд ичидан айғоқчилар ёллаган, бир хоин ҳал қилувчи жангнинг энг қизғин пайтида Олимқул оталиқда орқадан ўқ узиб ҳалок қиласди. Мана шу "тадбир" "музаффар" рус қўшинини аниқ мағлубиятдан ҳалос қиласди.

Романдаги жанг манзараси бадиий пухта, тарихий жиҳатдан аниқ чиққан.

* Даврон X. Самарқанд хаёли. Тошкент: Камалак, 1991.317-бет.

Айрим манбаларга кўра Олимқул Черняевни икки марта Тошкент остоналаридан ҳайдаган экан. Ҳатто бир марта уни Туркистон чегарасигача қувиб борган.

Маълум тарихий сабабларга кўра Т. Қосимбеков бу воқеаларни тұлалигича тасвиirlай олмаган. Лекин бу фактлардан хабардор бўлган. Бўлмаса қаҳрамонона жанг манзарасини бунчалар аниқ тасвиirlаб бера олмас эди.

Т. Қосимбеков романининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, бу асарда Марказий Осиё тарихий романчилигидан биринчи бўлиб Туркистонни истило қилган чор босқинчилари образларининг силсиласи яратилган, уларнинг ҳаракати – босқинчилигига тарихан холис баҳо берилган, гайриинсоний қилимишлари эпик манзараларда анча муфассал, бадиий далилланган ҳолда курсатилган.

Романда Туркистонни қонга ботирган генерал фон Кауфманнинг образи тарих ҳақиқатига мувофиқ жонли ва табиий берилганини кўрамиз.

Романинг айрим эпизодларида салбий персонаж сифатида иштирок этган Константин Петрович фон Кауфман ҳам тарихий шахс. У руслашган немис. 1818 йил 19 февралда туғилган. Аждодлари Европанинг Швабие, Австрия, Бранденбург, Дания, Польша каби ҳудудларида яшаган. XVIII асрдан Кауфманларнинг бир вакили Россияда пайдо бўлган.

К. Кауфманнинг отаси Пётр Кауфман ҳам генерал эди. У Парижни забт этишда қатнашган.

Константин Кауфманнинг ҳарбий сифатидаги мавзеи, подшо саройидаги ҳурмати бошдан оёқ истилочилик, мустамлакачилик хизматларига боғлиқ. У 1843 – 1856 йилларда рус қўшинлари сафида Кавказни қонга ботиришга қатнашади. Чух овулини олишдаги, Қуруқ дарадаги қаттиққўлиги, шафқатсизлиги, Кавказдаги "фаолият" и учун 2 – даражали Анна, 3 – даражали Владимир нишонлари билан мукофотланган.

Унвони генерал-адъютант, генерал-лейтенат лавозимида ишлаган.

Кауфман ўз ҳарбий билимини, тажрибасини ёвузлик ишига багишлаган эди.

У 1867 йил 14 июлда Туркистон генерал-губернатори ва Туркистон ҳарбий округининг қўмондони этиб тайинланади. Бу лавозимларда умрининг сўнгигача (1882 йил) ишлаган.

Чор матбуоти ва илмий адабиётида Кауфман "Туркистонни фатҳ этувчи ва обод қилувчи шахс" сифатида таърифланади. Бу давр зобит ва муаррихлари ундаги "табиий инсонпарварлик, меҳрибонлик"ни таъкидламоқчи бўлганлар. Аслида Кауфман қўпол ва мутакаббир чор ҳарбийларидан фарқли равишда забт этилган

аҳолини дипломатик йўллар, ширин ваъдалар билан ром этиш осонлигини билган. Лекин керак бўлганда бўйсунмас "қабилалар"га "рус қуролининг қудрати"ни намойиш қилиш, уларни бешафқат сиёsat ва қурол-яроғлар воситасида бўйсунтиришга уринган.

Т. Қосимбеков тасвиридаги фон Кауфман чор Россиясининг, кенгроқ олиб қаралганда эса Европанинг Шарққа нисбатан мустамлакачилик сиёsatини ўз шахсиятида мужассам этган шахс образи сифатида гавдаланған. Бу персонажнинг портрети, нутқи, психологияси, ҳатти-ҳаракати бирлашиб, империя сиёsatини қурол ва ўткир ақл билан амалга ошираётган зобит ва дипломатнинг умумлашма қиёfasини юзага келтирган.

Фон Кауфман характерида Европа мустамлакачилигининг ўзига хос хусусиятлари акс этган.

Марказий Осиё ҳудудидаги туркий адабиётлар вакиллари 70–80—йillardа фон Кауфман образини мана шу тариқа умумлаштириб, унинг Туркистон тарихида тутган машъум ўрнини тарихийлик принципига асосан холис кўрсатишига ҳаракат этдилар.

Фон Кауфман тимсолига бу тариқа ёндашувни ўзбек адаби Х. Султоновнинг "Бунчалар ширинсан, аччиқ ҳаёт" тарихий эssесида кўриш мумкин.

Бу эпик асада ҳам "Туркистоннинг биринчи генерал – губернатори"га хос хусусиятлар, яъни империяча кибр ва мустабидлик тарих ҳақиқатига мувофиқ ифодаланган.

"Синган қилич" эпик турнинг тарихий роман, "Бунчалар ширинсан, аччиқ ҳаёт" тарихий эssе (бадиа) жанрида ёзилган. Шунга кўра икки асадаги генерал Кауфман образи турли эпик кўламда акс этади.

"Синган қилич"да бадиий тажассум топган кенг эпик манзаралар ҳудудидаги мустамлакачи зобит тимсоли бутун бир тарихий даврнинг моҳиятини очиш, роман шакли кенглигини юзага келтиришига хизмат қилган.

"Бунчалар ширинсан, аччиқ ҳаёт" эssесида эса жанрнинг имкон доирасидан келиб чиқиб, мозийнинг кичик бўлаги, мухтасар бадиий замон гавдалантирилган. Адаб бир воқеа ("Олой маликаси" – Қурбонжон додхонинг ўғли қатл этилиши) тасвири орқали тарихий персонажнинг моҳиятини бадиий аниқ, қабариқ гавдалантиришига муваффақ бўлган.

Т. Қосимбеков ҳам, Х. Султонов ҳам фон Кауфман бадиий тимсолида мустабид империянинг етакчи хусусиятларини тасвирилаш учун анахронизм усулидан фойдаланганлар. "Синган қилич"да Кауфман 1865 йилги Тошкент истилосида, "Бунчалар ширинсан, аччиқ ҳаёт"да эса 1895 йил воқеаларида иштирок этади. Маълумки, у Туркистонга Петербургдан 1867 йили келган, 1889 йилда вафот этган, демак, у бу давр воқеаларида иштирок этолмади.

ЭДИ.

Муаррих Ҳ. Бобобеков, бундай бадиий тасвир тарихий ҳақиқатни бузишга олиб келади, деб ҳисоблайди. Бундай фикр бадиий адабиётнинг тарихни, инсонни тасвирашдаги ўзига хос хусусиятларини, образ яратиш моҳиятини етарлича баҳоламаслик сабабли юзага келган.

Ҳ. Султонов Ҳ. Бобобековнинг "Тарих ва тасвир" мақолосига жавобан ёзган "Тарихчи адабиётни яхши ўрганмаса" мақолосида таъкидлаганидай, "асосий гап бадиий тасвир тарихий фактга эмас, балки тарихий факт моҳиятига мос келишидадир". Тарихий сана ва номлар ортидан кўр-кўрона эргашиш, уларни шунчаки қайд этиш билан ҳақиқий санъат асарини яратиб бўлмайди. Ижодкор тарихий фактга эркин ёндашиши, уни янгича талқин қилиши мумкин.

Шу билан бирга, бадиий асарда айрим саналар ўрни адабнинг бош ижодий-фалсафий концепциясига кўра ўзгариши ҳам мумкин бўлади. Жаҳон тарихий романчилигида бунга анча мисоллар бор. Энг муҳими, бадиий асарда ҳам, бадиий образда ҳам тарих ҳақиқати, тарих мантиқи асл ҳолида сақланиши керак.

Т. Қосимбеков, Ҳ. Султонов мустамлакачи Россиянинг реалистик, тарихий асосланган умумлашма қиёфасини фон Кауфманнинг умумлашма тимсолида анча аниқ ва таъсирили беришга эришганлар.

Даврни, инсонни бадиий тасвирилашнинг типологик принциплари, прототип ва у мансуб сиёсий қурилма моҳияти мазкур иккى асар эпик сюжет тизимига кирган образ муштараклигининг юзага келишини таъминлаган.

Чор истилочиси генерал М. Скобелев тимсоли тасвирида ҳам тарихийлик принциплари амал қиласди.

Бу образда Туркистон халқларига нафрат ва беписандлик билан қарайдиган, инсоний туйғу ва идеаллардан йироқ мустамлакачи зобитларнинг асосий хусусиятлари умумлаштирилган.

М. Скобелев – тарихий шахс. У забт этилган Туркистон шаҳар ва қишлоқларидаги миллий озодлик ҳаракатини бостириш учун ақл бовар қилмас жиноятлар қилган, чор империясининг геноцид сиёсатини амалга оширган.

Романдаги Скобелевнинг ахлоқсиз қилмишлари, психологиясида Россия империясининг босқинчиллик сиёсати, мафкураси акс этади.

Буни Қўқон хонлигига қарашли Найман қишлоғидаги тинч ҳолининг қатли ом этилиши манзарасида кўриш мумкин.

Чор босқинчиларига қарши бошланган халқ қўзғолоннини монсизлик билан бостирган Скобелев тинчимайди. У "сартлар"га

эсдан чиқмайдыган "сабоқ" бериш, "маҳаллий киши"ларни абадий құлликка солиши йүлини үйлады.

Генерал хонликтегі йирик қишлоқлардан бирини қуршаб олиш ва ақолини бутунлай қириб ташлашга буйруқ беради. "Қонли қырғын бошланғы. Ҳеч ким қочмас, дод солмас эди. Фақат қиличлар құрқынчли овоз билан муздай ҳавони кесиб тушарды. Қор қондан алғон рангга бўялди..."

Қишлоқ қуршаб олинди. Аёл ва болаларнинг йигиси ва фарёди унинг тепасида чарх уради. Оғиллардан молларни суриб чиқдилар, уйлардан қўлга тушган буюмни олиб чиқдилар...

Бирор киши омон қолмагач, Скобелев қишлоққа ўт қўйишга амр қилди".*. Генералнинг бундай ваҳшийлигига гувоҳ бўлган рус шарқшуноси – роман персонажларидан бири унга "маърифатли, маданиятли одамларнинг қуролсиз ақолини қириб, таъқиб этиб, гўдакларга ўт очишига йўл қўйиши мумкинми?" деган саволига бепарвоник билан "уруш – ўз номи билан уруш" деб жавоб қайтаради.

Бу сұҳбат – баҳсада зобитнинг шаклланган мустамлакачилик дунёқараши маълум бўлади.

Романда босқинчиликка қарши турган "ижобий рус" (З. Кедрина қўллаган атама) – шарқшунос ёнаётган қишлоқларни, ҳимоясиз ақолининг ўлдирилишини куриб вижданан қийналиши тасвирланган. У босқинчиликка, қотилликка қарши турган маърифатли кишиларнинг тимсоли.

Шарқшунос: "Бечора аёл ва болаларни қиришни қаҳрамонлик деб бўлмайди. Биз Европанинг, биринчи галда рус маданиятининг вакиллари, онгли инсонлар сифатида ўзимизни муносиб тутишимиз лозим", – дейди. Бу образ маълум даражада тарихчи, шарқшунос В. Наливкин (1852 – 1918)ни эслатиб турибди. У ҳақда "Ўзбек шўро қомуси"да шундай маълумот берилган: "Наливкин 1871 йилдан 6-Оренбург казак полкида хизмат қилган. 1875 йили Қўқон хонлигининг истило қилинишида қатнашган. Подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига қарши чиқиб истеъфо берган ва Наманган уездининг Нанай қишлоғида, 1885 йилдан Тошкентда яшаб ўқитувчилек қилган, рус ва ўзбек тилларида дарс берган. Илмий фаолияти Ўрта Осиё халқлари тарихи, тилини ўрганишга багишлиланган"**.

* Касымбеков Т. Сломанный меч. Фрунзе: Мектеп, 1987. С. 405.

** ЎСЭ. 14 жилдлик. З-жилд. Тошкент: Фан, 1979. 525-бет.

З. Кедрина романнинг сюжет тизимида шарқшунос образининг ўрни ҳақида фикр юритиб, шундай қайд қилган: "Подшо ноиблари, эмиссарлари, жазо гуруҳларининг мустамлакачилик фаолиятини мухтасар, лекин ишончли кўрсата туриб, Т. Қосимбеков "ижобий рус"ни тасвирашни ҳам мақсад қилиб қўяди. Қосимбековда аниқ характер яратиш учун материал бўлмаганидан, "шарқшунос" бор-йуғи "яхши рус"нинг шартли, риторик нусхаси бўлиб қолган"*. Бу фикр билан баҳлашиш мумкин. Рус шарқшуноси тимсоли учун "материал" – прототип мавжудлигини айтиб ўтдик. Умуман олганда, Зоя Кедринанинг эътирози шўро адабиётида кенг тарқалган жиддий нуқсонлардан бирига қаратилган. Адабий сиёsat миллий адабиётларда яратилган бадиий асарларда "рус кишиси"нинг ижобий ўрни ва хизматларини тасвирашни талаб қиласр эди. Бунинг оқибатида "буюк оға" вакилларининг сохта, ишонарсиз, бир қолипдаги "образ"лари пайдо бўла бошлади.

Романнинг бадиий концепцияси, хронотопи, эпик тасвир майдони талабларига кўра сюжет тизимида йирик тарихий ҳодиса – "Пўлатхон қўзғолони", бу ҳаракатнинг манбалари, кўлами ифода топган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ҳалқ қаҳрамони Исҳоқхон хон авлодидан бўлган "Пўлатхон" номи билан бу қўзғолонга раҳбарлик қилган.

Чоризмнинг Қўйкон давлатига хуружи, саройнинг, хоннинг қатъиятсизлиги, хиёнаткорлиги ҳалқнинг қаҳр-ғазабини тошириб боради, Ватан озодлиги, мустақиллигини ўйлаган исёнчилар Исҳоқхон атрофида туплана бошлайдилар.

1875 йилнинг охирига келиб юз мингга яқин қўзғолончи миллий озодлик ҳаракатига қўшилган эди. Мустамлакачилар бу қўзғолоннинг оқибатидан қўрқиб, қатъий ҳаракатга киришганлар, бутун куч ва қўшинни сафарбар қилганлар.

Натижада 1976 йилнинг февралида Исҳоқхон қўлга олиниб, осиб ўлдирилган. Қўзғолон шафқатсизларча бостирилган.

Қўзғолон иштирокчиларининг руҳий ҳолатлари, уларнинг истиқлол йўлидаги маълум уринишлари, хос қарашлари роман бадиий матнидан ўрин олган.

Исҳоқхоннинг йирик тарихий ҳаракат раҳнамоси сифатидаги фаолияти, унинг характеристи қирраларини ташкил этган эркесварлик, фаоллик, фидойилик каби хислатлар ҳам анча қабариқ, бадиий таъсирчан берилганини курса бўлади.

* Кедрина З. Глубинные корни братства. Дружба народов. 1975. №10. С.264.

Аммо даврнинг тузумнинг етакчи мафкуравий, сиёсий тазийқлари, "босими" туфайли адаб қўзғолоннинг асосий омилини хаспушлашга уринган.

Чор аскарларининг қонли қирғинини, уларнинг истилочилик юришини ва уларга қарши курашган қўзғолончилар қаршилигини эпик лавҳаларда курсатган романнавис Исҳоқхонни оқ подшо қўшинига хайриҳо сифатида ҳам кўрсатишга уриниб кўрган.

"Биз руслар билан урушмаймиз... Русларга нисбатан ниятимиз пок... Биз улар билан яқинликни истаймиз", – дейди Исҳоқхон. У фон Кауфманга бир неча марта элчи жунатиб, сулҳни таклиф қиласди. Аслида эса мустабид Троцкий ёзганидай, "қўзғолон рус вакилларига қарши кўтарилган эди". Хуршид Давроннинг фикрича, зобитнинг "рус вакилларига қарши" деган сўзини "рус босқинчиларига қарши" деб тушунмоқ керак. Бу эса Пўлатхон қўзғолоннинг чинакамига мустамлакачиларга қарши бўлган ҳаракат эканини яна бир карра тасдиқлади.*

Бундай талқин роман бадиий концепцияси, эпик бутунлигига путур етказган, тарих ҳақиқатининг етарли даражада бадиий мужассамлашига имкон бермаган.

Бунинг муайян сабаблари бор, албатта. Шўро даврида чоризмга, большевизмга қарши ҳалқ миллий озодлик ҳаракатларини холис – объектив кўрсатиш, уни тарихий фактларга мувофиқ тасвир этиш имконияти жуда чекланган эди.

"Синган қилич" сюжет майдонида Худоёрхон, Мусулмонқул сингари тарихий шахс образлари ҳам иштирок этади. Муаллиф бу образлар тасвири орқали давр ҳақиқатини бадиий ифодалашга ҳаракат қиласди.

Романдаги Худоёрхон "Ўткан кунлар"даги Қўқоннинг сўнгги хони образи талқинига анча яқин. Асарда Худоёрхоннинг таҳтдан маҳрум бўлиши, ҳалқнинг, миллий давлатчилигидан айрилган аҳолининг унга нисбатан нафрати ишончли кўрсатилган. Чор генерали Вайнберг Ҳудоёрхоннинг калтабинлигидан фойдаланиб, "Қўқон хонлигини император ҳазрати олийларининг қудратли ҳимоясига топшираман" деган мазмундаги ҳужжатга имзо чектириб олади. Ҳалқ чор аскарлари муҳофазасида Қўқонни тарқ этаётган уқувсиз хонни лаънатлади. Собиқ ҳукмдор бу зайдаги газаб ва таъналарнинг сабабини англашдан ожиз. У "Нега одамлар бунча дарғазаб?" деб ўз-ўзига савол беради, аммо жавоб топа олмайди. Бу эпизодик лавҳа тарихий фактга асосланганини "Тарихи

* Даврон X. Самарқанд хаёли. Тошкент: Камалак, 1991.314-бет.

Фарғона" асари тасдиқлайди.*

Худоёрхон – тарихнинг ҳал құлувчи, ниҳоятда шидаатли, үзгәрүвчан бир даврида яшаган ва ҳұмронлик қылған шахс. Бундай вақт давлат бошлиғидан күчли ирода, үткір фаҳм-фаросат, удабуронлик ва абжирликни талаб этади. Аммо Құқоннинг сұнгти хонида бундай хислатлар йүк зди. У мамлакатдаги ҳалқарни бирлаштира олмаган, адолат йўлинин тутмаган. Бунинг оқибатида давлат заифлашган, ҳалқнинг ишончи йўқолиб борган. Т. Қосымбеков Худоёрхоннинг фуқароларга, сарой амалдорларига, истилочи Россия вакилларига муносабатларини тасвиirlар экан, ана шу тарихий ҳақиқатни очишга ҳаракат қылған, шу тариқа фожиавий шахснинг қиёфасини анча аниқ чизишга эришган.

Аммо романдағы Мусулмонқул образы ҳақида бундай дея олмаймиз. Муаллиф бу шахс образида тарих ҳақиқатини бузган.

Тарихий манбалар, "Ўткан кунлар" романидан яхши маълумки, Мусулмоқул золим, миллат, мамлакат ташвишидан йироқ киши бўлған. "Синган қилич" муаллифи ҳам дастлаб бу қарашларни тасдиқлагандай ёзди:

"Мусулмонқулнинг саккиз йиллик истибоди ҳалқнинг елкасига оғир юк бўлиб тушди. У ўз ҳукмини жаллодлар орқали амалга оширап, зулмни авж олдирап, ҳаммани үзининг темир панжалари орасида сиқарди. Ҳеч ким билан ҳисоблашиб ўтирасди. Ҳаммадан кўп ўтроқ ҳалқ, шаҳар аҳолиси, айниқса, савдогарлар азоб чекарди. Норозилик кундан-кунга ошиб бораарди". **.

Аммо романнинг кейинги бобларида ёзувчининг мана шундай фикрлари етарли бадий далилланмайди.

Мусулмонқул ўрдадан қувилиб, тоғда сарсон-саргардон бўлиб юрганида, Худоёрхон қипчоқларни қирғин қилишга фармон чиқарган. Бу фожиани эшитган собиқ "вазири аъзам"нинг "юраги ёнади", у "жимоясиз элнинг гуноҳи нима?" "Қирғин ва зулмни тухтатинг, мени жазоланг, мени... ўлдиринг" деб хитоб қиласди.

Муаллиф золим Мусулмонқул образини ижобийлаштиришга уринган. Адібнинг бундай субъектив – бир ёқлама қараши тарих ҳақиқати билан ихтилофга киришиб, бадий асар, бадий образ яхлитлиги ва тарихийлигига путур етказган.

Шунингдек, Мусулмонқул образида Гоголининг "Тарас Бульба" повести қаҳрамонига тақлидни ҳам куриш мумкин.

* Ибрат. Тарихи Фарғона. Баёнӣ. Шажараи Хоразмшоҳӣ Тошкент: Камалак, 1991, 215-бет.

** Қасымбеков Т. Сломанный меч. Фрунзе: Мектеп, 1987. С. 119.

Худоёрхон жаллодлари асир олинган Мусулмонқұлни азоблаб үлдириш учун бармоқларини, құл-оёқларини синдира бошлайдилар. У қийиноққа матонат билан дош берәді. "Оғзини очиб, бор кучини тұплаб, күкрагига ҳаво тұлдырди. Синган қанотлари ерга қулаган бургутдай силкинди.

– Қипчоқ! Шу ердамисан?

Товуши титраганча узилиб қолди. Майдон узра жимлик чүкди. Кейин ҳамма жавобни эшитди:

– Шу ердаман, ота".

"Тарас Бульба" асарида худди шундай лавҳа бор. Үнда поляк жаллодлари Остапни қийнаб үлдираёттеганларида, ёв тұла майдонда Тарас үғлига шу тарзда хитоб қылғани тасвиrlанған.

Күріняптика, Мусулмонқұлнинг қаталгоҳда үзини мардана тутиши унинг ҳарактери мантиқидан келиб чиқмай, рус адеби асарига тақлид каби таассурот үйғотади.

"Синган қилич" романы воқеалар тизими (сюжети), адебияттың фалсафий-бадиий концепциясы ривожида Абильбай ҳарактери маълум бир үрин әгаллаган.

Абильбай асарнинг анчагина үринларыда иштирок этади, түқима персонаж сифатида тарихий воқеаларда қатнашади. У Құқон хонлигидеги йирик уруғнинг бошлиғи, халқ орасыда, саройда үзига яраша нуфуз, обрұға зәға.

Абильбайнинг айрым фикр-мулоқазалари, босиқлиги, ақллилігі "Үткан күнлар"даги Юсуфбек ҳожини эслатади. У ҳожи сингари оғир, мураккаб вактларда ҳам үзини йүқтамайды, ақл билав иш куришга ҳаракат этади.

Хонликнинг таназзули, сарой фитналари бійни изтиробға солади. Худоёрхон, Мусулмонқұлдан фарқлы равища у мамлакаттақдирини үйлады.

Афсуски, тарихий роман мұаллифи бу образда ҳам ҳаракте бутунлигига әриша олмайды. У Мусулмонқұл образини асоссаса ижобийлаштиришга үринган бұлса, Абильбайни "мураккаблаштириш", аслида салбийлаштириш йұлиға үтиб олған.

Натижада бу бий фитначи, одамларни бир-бирига қайровчының кимсадай күриниб қолади.

Абильбай ҳарактеридеги зөрлилік ва қарама-қаршиликтар, фаолиятидеги сүз ва иш номувоғиқлиги ишонарлы күрсатылмага бу образ анча заиғ бўлиб қолган.

Тарихий романнинг үзагини жаҳоншумул аҳамиятга бўлган тарихий воқеалар, миллий озодлик кураши, ҳалқ қўзғолонлари ташкил қиласи. Афсуски, Т. Қосимбеков булар тузукроқ кўрсата олмаган. Шунинг учун булса керак, романниң фикри ҳам, бадиийлиги ҳам аста-секин сустлаша боради, ёзу түғри йўлдан нотүғри йўлга үтиб қолади. Асарнинг каттаги

қисмини ортиқча тафсилотлар әгаллады. Эпик воқеа эмас, субъектив ҳислар, қарашлар романнинг марказига чиқиб қолади.

Роман муаллифи Шералининг хон қилиб күтарилишида одамнинг қурбонликка сўйилишини тасвирлаган. "Унинг бундай хон қилиб тайинланиши ўзбек ва қирғиз халқининг қадимги урф – одатларига шаккоклиқидир", – деб ёзган муаррих Ҳайдарбек Бобобеков ҳақ. Шералихоннинг тахтга чиқиши "Ажиг ас-силотин ва таворихи ас-хавотин", "Фарғона тарихи" каби манбаларда ёритилган, бироқ бу воқеа "шарафи"га одам сўйилиши баён этилган эмас. Демак, романнавис тарихий ҳужжатларга зид иш тутиб, тарих ҳақида нотўғри таассурот ҳосил бўлишига йўл қўйган.

Романинг композицияси (бадиий қурилма)си ҳам пухта ишлаб чиқилмаган. Воқеалар маълум даражада парчаланиб кетган. Масалан, дастлаб асарда 1865 йилги тарихий воқеа (Тошкентта рус отряди ҳужуми) ҳикоя қилингач, 1842 йил ҳодисалари тасвирланади. Зоя Кедрина шусиз ҳам мураккаб бўлган даврни ёритишида бу йўл номақбуллигини ёзган эди.

Романдаги айrim бадиий лавҳалар бир-бирига пухта боғланмаганидан, улар мустақил ҳикоялардай таассурот қолдиради. Ягона қаҳрамон бўлмаслиги ҳам асарнинг бадиий бутунлигига салбий таъсир қилган. Тўғри, жаҳон адабиётида бош қаҳрамонсиз ҳам бадиий савияси юқори бўлган асарлар кам эмас. Бундай ҳолда адид асар қурилмасини мустаҳкам яратиши, барча воқеа ва персонажларни боғлаб турувчи ҳалқаларни излаб топиши керак. Масалан, С. Айнийнинг "Қуллар" романида ҳам ягона қаҳрамон йўқ. Шунга қарамай романда бадиий яхлитлик мавжуд. С. Айний сюжет таркибиға кирган воқеаларни, қаҳрамон ва персонажларни ўзаро алоқадорлиқда тасвирлашга, юз ийллик муддатнинг бир бутун мукаммал манзарасини яратишга эришган.

Умуман олганда, роман бадиий қурилмаси, воқеа тизими, тарихий шахслар ва тўқима образлар характеридаги талай нуқсонлар биринчи қирғиз тарихий романнинг бадиий савиясига салбий таъсир кўрсатган.

"Синган қилич" бадиий мундарижаси ва эпик қурилмасида адабиётлараро муштараклик шакли (Марказий Осиё адабиёти)нинг генетик-алоқавий ворисийлиги, адабий таъсир ва алоқалардан келиб чиқсан ютуқлар ҳам, тарихий даврнинг дунёқараси, адид иқтидори даражасига боғлиқ камчиликлар ҳам бор.

Асарнинг бадиий-концептуал қурилиши Марказий Осиё адабиётлараро жараённи, тарихий адабиёт, хусусан, романнинг жанр сифатида мураккаб, силлиқ бўлмаган тараққиёт босқичидаги хос хусусиятларини кўрсатиб турибди.

III бобга оид хуросалар:

1. Давр тараққиёти адабиёт тараққиёти ҳамдир. Улкан ижтимоий-сиёсий ҳодисалар-миллий озодлик ҳаракатлари, құзғолонлар, исёнлар, босқинчиларга қарши урушлар ҳар бир миллат, халқ, инсон тафаккури, руҳиятига кучли таъсир үтказади. Үтган асрнинг 40-60-йилларидағи тарихий воқеалар – уруш (1941 – 1945), сталинча қирғин-қатағонларнинг қораланиши (1956), «илиқлик мавсуми» шуро даври миллий адабиётларида, хусусан, тарихий романчилигіда үз муҳрини қолдирған.

Тарихий романчилиқда муайян мавзуларнинг ёритилиши ва қаҳрамон (тарихий шахс)лар образининг яратилиши сүз санъатининг үзига хос хусусиятлари, қонуниятлари билан бир қаторда даврнинг талаб, әхтиёжлари, руҳи билан ҳам болғып.

2. Үтган асрнинг 40-йилларидан бошлаб тарихий романчилиқта изчил реалистик тасвир ҳукмронлық қила бошлади. Марказий Осиё романчилик мактабининг дастлабки намуналари («Үткан күнлар», «Мәхробдан чаён», «Дохунда», «Құллар», муайян даражада «Құтлуғ қон»)да романтизм адабиёти аломатлари ёрқин күринган бўлса, адабий-бадиий жараённинг кейинги босқичларида улар үз үрнини реалистик тамойил ва ифодаларга бўшатиб бера бошлади.

3. Бадиий адабиётда реализм тажрибалари, анъана ларининг кучайиши ҳамда тарихий романчилик тараққиёти туфайли Марказий Осиё бадиий ҳудудида тарихий романнинг янги шакли – «тарихий -биографик роман» пайдо бўлиб тараққий эта бошлади. Шу билан бирга, «Вальтер Скотт романи»нинг сақланиб қолиши билан бирга унга хос айрим аломатлар, тажриба ва ютуқлар «тарихий-биографик роман» бадиий майдони томонидан қабул қилинди, давр, адабиёт әхтиёжлари, имкониятларига кўра бадиий – поэтик жиҳатдан қайта ишланди ва «янги роман» структураси, сюжет-композицион майдонига мослаштирилди. Бу эса янги романчилик мактабининг ягона тараққиёт йўли, унинг изчил, силсилавий ҳаракати тараққиётини кўрсатиб турибди.

IV боб. Роман-трилогияда мозий ва инсонни тасвирилаш принцилари

IV.1. Тарихий ҳақиқат ва адид дунёқараш

Марказий Осиё эпик адабиётларида ўтган асрнинг 60–70 – йилларида силсилавий (роман-дилогия, роман-трилогия, роман-тетрология) роман шакли анча оммалашди. Бу даврда С. Аҳмаднинг "Уфқ", Ҳ. Гуломнинг "Машъал", М. Исмоилийнинг "Фарғона тонг отгунча", Ж. Шариповнинг "Хоразм", И. Есенберлиннинг "Кўчманчилар", Ж. Икромийнинг "Бухоронинг ўн икки дарвозаси", А. Нурпейсовнинг "Қон ва тер", Т. Қаипбергеновнинг "Қорақалпоқ достони" каби силсилавий романлари юзага келди.

Бу ҳодисанинг маълум бир сабаблари бор, албатта. Даврнинг кўп қиррали, серкўлам манзараларини, қаҳрамонларнинг психологияси, фаолият ҳудудини кенгроқ, атрофлича тасвирилашга интилиш, сюжетнинг кўптармоқлилигини таъминлаш эҳтиёжи ёзувчиларни бундай мураккаб ва йирик адабий-бадиий шакла жалб эта бошлади.

60-йилларга келиб силсилавий роман ёзиш эпик ижодкорлар учун ўзига хос анъана бўлиб қолди. Ҳатто айрим адилар олдин алоҳида роман сифатида яратилган китобларининг давомини ёза бошладилар.

Шу йилларда Ойбек "Қутлуғ қон"нинг мавзу, сюжет, хронотоп, персонажлар жиҳатидан давоми бўлган "Улуғ йўл"ни ёзиб туттади. Б. Кербобоевнинг 1937 йилда "Қонли панжалар" номи билан чоп қилинган романни 1970 йилга келиб роман-тетрологияга айланди.

Силсилавий роман шакллари орасида, айниқса, роман-трилогия етакчи ўрин эгаллайди. Бу даврда роман-трилогия мазмуни, шаклида айрим сифат узгаришлари пайдо бўлди, хронотопи, қаҳрамон, персонажлар структураси, жанр куриниши билан бир-бираидан фарқланадиган роман-трилогиялар юзага келди.

Марказий Осиё насринда яратилган роман-трилогиялар ўзининг бадиий яхлитлиги, қаҳрамонларининг жонли ва ҳаётйилиги, тарих ҳақиқатига ҳамоҳанглиги билан китобхонлар, адабий жамоатчилик назарига тушди, ўзига хос адабий ҳодиса сифатида эътироф этилди.

Лекин айрим адилар учун роман-трилогиянинг мураккаб жанрий талабларини ҳисобга олиш, унинг куп тармоқли сюжет, композицион структурасини ўзлаштириш осон кечмади. Марказий Осиё роман – трилогиясининг айрим намуналарида воқеа тизимт

бадий қурилмадаги тарқоқлик, тасвиrlанаётган давр эпик манзараларидаги рангсизлик, қаҳрамонлик образларида тарих, ҳаёт тараққиётининг етакчи тамойиллари, қонуниятларини етарли даражада бадий умумлаштира билмаслик каби нуқсонлар күринади.

Т. Қаипбергеновнинг "Қорақалпоқ достони" (1968 – 1976) йирик эпик асарида бу давр роман-трилогияси намуналарига хос айрим ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам мавжуд.

"Қорақалпоқ достони" роман-трилогияси чоп этилгач, у адабий жамоатчилик томонидан яхши қабул қилинган. Марказ ва жумҳурият (Ўзбекистон) матбуотида роман ҳақида тақриз ва мақолалар эълон қилинган, илмий, адабий-танқидий ишларда таҳлил этилган.

Бу ишларда роман-трилогиянинг, унинг таркибиға кирган асарларнинг бадий адабиётдаги ўрни, унда тарих ҳақиқатининг бадий ифодаси хусусида муайян мулоҳазалар баён қилинган. Тадқиқотчиларнинг аксарияти "Қорақалпоқ достони"да фольклор таъсири, мотивларининг устиворлигини қайд этгандар.

Ҳақиқатан ҳам роман-трилогиянинг бадий қурилмаси, воқеа тизими, қаҳрамон ва персонажлар силсиласи Шарқ фольклори эпик жанрлари, айниқса, қаҳрамонлик достонларидан озиқланганини кўриш мумкин. Асарнинг етакчи персонажлари халқ достонлари қаҳрамонларига маълум даражада уҳшаш. Унинг воқеа тизимига реалистик тасвиридан фарқ қиласидан гайриоддий ҳодисаларнинг киритилганини ҳам кўрса бўлади. Фольклорнинг эпик анъаналарини истифода этиш, умуман олганда, ўзини оқлаган, тарих ҳақиқатини бадий тажассум эттиришга ёрдам берган.

Роман-трилогия Шарқ эпоси, мумтоз адабиётига хос дидактик руҳни бир қадар тажассум эттирган. шунингдек, унда мақол, ҳикматли сўз, топишмоқ, ривоят каби фольклорнинг кичик эпик шаклларидан анча унумли фойдаланилган.

"Қорақалпоқ достони"нинг номидан бошлаб бадий структурасининг асосий унсурларигача, сюжети, композицияси, қаҳрамон ва персонажларнинг бадий таркиби фольклорлаштирилган. Марказий Осиё тарихий романи асосида жаҳон романчилиги, ёзма эпик адабиёт билан биргаликда халқ оғзаки ижоди анъаналари тургани ҳисобга олинса, бу ҳодиса ўз тарихий – бадий илдизларига эга эканлигини, адабий жараён тараққиётида ворисийлик давом этаётганини кўрсатади.

"Қорақалпоқ достони" тадқиқотчилари асардаги "фольклорлаштириш" 60-80 йиллардаги адабий-бадий жараёнга хос хусусият деб кўрсатганлар. Ҳолбуки, бу ҳодисани Марказий Осиё романининг биринчи босқичига мансуб йирик эпик асарлар ("Ўткан кунлар", "Кеча ва кундуз", "Дохунда", "Қуллар")даёқ

күриш мумкин.

Бинобарин, фольклор шакллари, сюжетлари, қаҳрамонларига хос хусусият, аломатлар Марказий Осиё романининг бутун тараққиёт йўлига хос, бу бадиий-эстетик ворисийлик, анъанавийлик тарихий-адабий жараённинг барча босқичларига тааллуқли бўлиб, 60-80-йилларда бу ҳаракатнинг янада жонлангани, кучайганини кўриш мумкин.

Фольклорга хос ворисийлик роман-трилогия сюжети, композицияси, шунингдек, унинг асосий қаҳрамонлари портрети, психологияси, ҳаракатларида зуҳур этган.

"Маманбий афсонаси" – "Қорақалпоқ достони"нинг биринчи китоби.

Асарга қаҳрамон сифатида қорақалпоқ тарихида маълум из қолдирган шахс танлаб олинган. Айрим тарихий манбалар, жумладан, рус солномалари, архив материаларида 1743 йили қорақалпоқ ҳалқи номидан Петербургга, император саройига элчи бўлиб борган Маманбий ҳақида муҳтасар айтиб ўтилган. Бундан ташқари, қорақалпоқ "оғзаки тарихи" (хотира, ривоятлар)да бу шахс номи сақланиб қолган.

Аммо унинг тўлиқ таржимаи ҳоли, фаолиятининг асосий босқичлари, характеристи, руҳий дунёси ҳақидаги факт, маълумотлар деярли етиб келмаган. Шунинг учун роман-трилогия муаллифи Маманбийни қаҳрамон сифатида бадиий матнга, сюжет тизмасига олиб кирап экан, асарнинг бош боявий-бадиий концепциясидан келиб чиқиб, прототип шахсига эркин-ижодий ёндошган, унинг характеристини асосан бадиий тўқима имкониятларига кўра яратган, бу образда тарихий даврнинг ижобий тамойилларини тажассум эттиришга ҳаракат қилган.

Роман-трилогиянинг навбатдаги романлари қаҳрамонлари тасвирида ҳам шу принципга риоя қилинган. Роман муқаддимасида қаҳрамон суврат(портрет)и анча мукаммал ва аниқ чизилган. У "баланд бўйли... йўғон гавдали, укки кўзли ёш йигит, кенг қулочи учишга ҳозирланиб турган бургут қанотларидан ёйилган..., кўкрагини кериб мағрур қадам ташлайди"**.

Қаҳрамон сувратининг бундай батафсил, ижобий тасвирини эпоснинг йирик шакли – қаҳрамонлик достонларида кўриш мумкин. Шунингдек, бундай тасвир туркий тарихий романнинг етук намуналари – "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", "Абай йўли", "Қутлуғ қон", "Навоий" каби эпик асарларда ҳам мавжуд. Т. Қаипбергенов қаҳрамон ва персонажларнинг бадиий

*Қаипберганов Т. Маманбий афсонаси. Тошкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъати нашриёти, 1973. 5-6-бетлар.

сувратини яратищда эпосдан ҳам, тарихий романчилик анъаналаридан ҳам анча самарали ва унумли фойдалана олган.

Қаҳрамон портрети адид учун шунчаки бир чизги, уткинчи приём (усул) бўлмай, инсоннинг бадиий тимсолини яратиш, унинг руҳий дунёсини очишга хизмат этадиган воситадир. Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар" қаҳрамонларининг мукаммал сувратини чизиш орқали уларнинг қалб оламини очади, ижобийлигини таъкидлайди, воқеа оқимида инсон, шахс сифатидаги ўрнини белгилайди. "Маманбий афсонаси" қаҳрамони портрети ҳам унинг сажия-тийнати, тасвирланаётган ҳодисаларга муносабатини англашга кўмак берган.

Муаллиф бош қаҳрамон характерини анча ишончли, бадиий далилланган ҳолда тасвирлаб, унинг тарихий муҳит, ижтимоий тараққиёт оқимидағи мураккаб фаолиятини, зиддиятли руҳий оламини кўрсатишга маълум даражада муваффақ бўла олади. Маман характери ва сиёсий-ижтимоий фаолиятида қорақалпоқ халқининг етакчи хусусиятлари, унинг тадрижий такомили, мозийнинг таҳликали, фожиавий лавҳалари, драмалари акс эта боради.

Асар бадиий-фалсафий концепцияси марказига: 1) қорақалпоқларнинг миллий бирликка эришиш учун кураши; 2) бу халқнинг бошқа миллат ва юртлар билан алоқасини мустаҳкамлаш, уни умумжаҳон тараққиёти оқимига кириб боришини тасвирлаш масалалари қўйилган.

Маман образи мана шу муаммоларни бадиий акс эттиради.

Романда ифода топган эпик манзаралар тасвири қорақалпоқ тарихининг даҳшатли, фожиали босқичини бадиий ифода этган.

Т. Қаипбергенов асарида XVIII аср ўрталарида қорақалпоқ халқининг мураккаб, фожиа ва курашларга тўлиб-тошган ҳаёти, унинг истиқбол, озодлик йўлида олиб борган мардона кураши бадиий акс этган.

Маман табиатидаги мураккабликни, унинг шахс ва раҳнамо сифатидаги зиддиятли фаолиятини, хатоларини мана шу тарихий – ижтимоий шароит билан алоқадорликда таҳдил этиш лозим.

Романда маслаги ва дунёқараши тубдан фарқ қилувчи икки шахс – Маман ва Эсенгелди образлари ўзаро зид қўйилган. Бу характерлараро куаш жараёнида туркий халқларнинг тарихий фожиаси маълум даражада зуҳур топганини куриш мумкин. Асар воқеа тизимида анча муҳим ўрин эгаллаган персонаж Эсенгелди образи тасвирланаётган тарихий шароит, бош қаҳрамон курашининг моҳиятини очишга ёрдам берган.

Қаҳрамоннинг Эсенгелди каби кучли ва маккор шахс билан муросасиз кураши аста-секин кенгайиб, кучайиб, асарнинг бош бадиий зиддиятини – халқпарвар, тараққийчи кучлар билан қолоқ,

жаҳолатпаст гурухлар орасида муросасиз, доимо ривожланиб борувчи тарихий қарама-қаршиликни юзага келтирган. Биш қаҳрамон образида роман бадиий-ғоявий концепциясининг биринчи муаммоси – қорақалпоқларнинг миллий бирлиги ғояси тарихан аник, халқчиллик умда (принцип)лари асосида ифода топган.

Бунинг асосий сабаби шундаки, романнавис қаҳрамон характерида бу муаммони бадиий акс эттиришда сўз санъетининг умумтиологик хусусиятларидан анча унумли, ижодий фойдалана олган. Қаҳрамон тийнати ва фаолиятида жаҳон адабиётидаги ижобий қаҳрамонларнинг етакчи фазилатлари – халқпарварлик, инсонпарварлик, тинчликсеварлик каби хусусиятлар ифода топган.

Туркий тарихий романнинг мумтоз намуналари бўлмиш "Ўткан кунлар"даги Отабек, "Абай йўли"даги Абай билан "Маманбий афсонаси" бош қаҳрамонини ана шу муштарак жиҳатлар бирлаштириб, яқинлаштириб туради.

Олдин айтилганидай, роман бадиий-ғоявий концепциясини ташкил этувчи иккинчи масала – қорақалпоқ халқининг бошقا давлатлар, эллар билан сиёсий, маданий-маърифий муносабатини курсатиш ҳисобланади. Бу масала ҳам жаҳон сўз санъети, шу жумладан, тарихий романчилигига доимо мұхим ўрин заллаб келган. Чунки инсоният тарихи миллат ва элат, мамлакат ва давлатларнинг ўзаро доимий муносабати, дипломатик, савдо-сотик, иқтисодий, маърифий – маънавий алоқалари, зиддиятлари, уруш ва сулҳларидан иборат.

Тарихий роман асосчиси В. Скоттнинг "Квентин Дорвард", "Айвенго", Л. Толстойнинг "Уруш ва тинчлик", А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар" эпик асарларида халқлараро, давлатлараро мураккаб муносабатлар ифода топган. "Қорақалпоқ достони"нинг муаллифи эса бу сиёсий – ижтимоий муаммони рус – қорақалпоқ алоқалари тасвири орқали кўрсатмоқчи бўлган.

Умуман олганда, Туркистоннинг XVIII–XIX асрлардаги тарихини бадиий тасвирлаган йирик эпик асарларда бу масала ўз ифодасини топганини куриш мумкин. Марказий Осиё тарихий романчилигига бу масалага ёндашиш ва бадиий талқин этишда икки мұхим жиҳат борлигини назарда тутиш керак:

1. Россия жаҳондаги йирик, маълум мавқега эга давлат сифатида қўшни мамлакатларнинг эътиборини тортиб келган. Бу мамлакат билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни йўлга қўйиш, унинг давлатчилик тажрибаларидан фойдаланиш мумкин.

Мозийнинг маълум бир босқичлари, айниқса, XIX асрда яшаган тараққийпарвар туркистонликлар худди шу фикрда бўлганлар ва руслар билан яхши муносабатларни йулга қўйишга ҳаракат этганлар.

Россияга, рус халқига мана шу муносабат XX аср Марказий Осиё тарихий романида ўз аксини топган.

Масалан, "Үткан кунлар" романи қаҳрамони Отабек рус ерида "ўрисларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётлари"га гувоҳ булиб, "қанотим бўлса, ватанимга учсан, тўппа-тўғри хон ўрдасига тушсан-да, ўриснинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсан, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча элга ёрлиф ёзиб, ўриснинг идора тартибини дастуриламал этишкага буюрса, мен ҳам бир ой ичидага ўз элимни ўрисники билан бир қаторда курсам..."* – деб орзу қилади.

Ер юзидағи барча давлатлар, шу жумладан, Россия билан яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, унинг давлатчилик амалиётидан фойдаланиш ҳақидағи қарашлар тасвири тарих ҳақиқатига мувофиқ келади ва бу бадиий адабиётнинг чинакам байналминал, инсонпарварлик моҳиятини ифода этади.

2. Бу масаланинг яна бир тарафи шундан иборатки, шуро тузуми йилларида юзага келган кўпгина бадиий асарларда Россиянинг бошқа халқ ва мамлакатларга муносабатини бадиий акс эттиришда тарихийлик принциплари бузилган. Уларда мозий ҳақиқати бадиий образлар характерида етарлича ифода топа олмади. Ҳатто чор истилоси ҳам "ижобий ҳодиса", "Россиянинг Туркистонга нисбатан халоскорлик хизмати" сифатида талқин қилинди.

"Қорақалпоқ достони" роман-трилогияси, айниқса, "Маманбий афсонаси"даги рус – қорақалпоқ муносабатларида шуро даврига хос мана шу салбий тамойил аниқ кўриниб туради.

П. Шермуҳаммедов "Қорақалпоқ достони"ни таҳлил қила туриб, шундай ёзган эди "Т. Қаипбергенов баъзи ўринларда ўтмиш манзаралари тасвирида тарихийлик принципларини бузади. У гоҳо тарихий жараённи объектив, холис тасвир қилиш ўрнига ҳодисаларни ўзгартиришга, тезлаштиришга интилиб, воқеага ўзи аралашиб кетади".

"Ҳодисаларни ўзлаштириш", "тарихий жараённи холис тасвирламаслик" адабнинг, аввало, Россияга муносабатда тарихий ҳақиқатдан чекинишида намоён бўлган.

Роман муаллифи ўз асарининг бош фояси Қорақалпоғистоннинг Россияга "қўшилиши" эканини эътироф этган эди.

Шуро даврида яратилган тадқиқотларда Туркистоннинг

*Кодирий А. Үтган кунлар. Мехробдан чаён. Тошкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 18-бет.

Россияга ўз ихтиёри билан "қўшилгани" ҳақидаги қараш ҳукмрон эди. Бундай нуқтаи назар "Қорақалпоқ достони" роман – трилогиясининг ғоявий-бадиий қўрилмаси, образларига жиддий таъсир ўтказган.

"Маманбий афсонаси" қаҳрамонининг русларга, Россияга иштиёки, муҳаббати мутаассибона бир тус олганини кўрамиз. Ҳатто асарда рус кишиларининг тасвирида шуро давридаги бадиий асарларда кенг тарқалган синфий-дифференциал ёндашув ҳам сезилмайди: рус меҳнаткашлари ҳам, чор амъдорлари ҳам ижобий тусда тасвирланган.

Маманинг Россияга бўлган ғайриодатий эҳтироми шунчалар зўрки, "Бий ота, Каъба яхими, Петербург яхими?" – деган саволга: "Қурол-аслаҳали, ғайратли рус ҳалқи биздақа ҳалқ учун Каъба", – дея жавоб қайтаради. Мурод шайх каби атоқли руҳонийдан диний тарбия олган, мусулмон маданияти ҳудудида яшовчи шахснинг муқаддас саждагоҳ – Каъбага бундай қарashi тарихийликка зид.

Романда Россия давлатининг ўша вақтдаги сиёсий – дипломатик аҳволи, унинг бошқа мамлакатларга, жумладан, Туркистонга муносабати етарли даражада аниқ ифода топган деб бўлмайди. ҳолбуки, бундай тасвирни романнинг бадиий мазмуни, тарих ҳақиқати талаб қилиб турибди.

"Маманбий афсонаси" воқеа тизими ва концепциясининг бадиий ечимида Мурод шайх образи анча муҳим ўрин тутади. Бу персонаж прототип асосида юзага келган. XVII асрнинг 40 – йилларига оид тарихий манбаларда Мурод шайх номи тилга олинган. У "қорақалпоқлар орасида муқаддас ва мўтабар шахс сифатида ҳурмат қилинган"**.

Мурод шайх тимсолида мозий ҳақиқати ва прототип хусусиятлари тарихан аниқ ва бадиий ишончли ифода қилинган. Шайх романда ҳалқ ғамини ейдиган ва унинг тақдиди учун курашадиган киши сифатида тасвирланган.

Мурод шайх образи маълум бир жиҳатлари билан "Ўткан кунлар" романидаги Юсуфбек ҳожи образига яқин. Бу икки адабий персонажни энг аввало ҳалқпарварлик хусусияти бирлаштириб туради.

Мурод шайх – Юсуфбек ҳожи сингари ҳам жамоат арбоби, ҳам ислом дини вакили. Бу икки шахснинг юрт орасида обрўси баланд. Чунки бу шахсларда Шарқ донишмандлиги, туркий ҳалқларнинг кўп асрлик маънавий-маданий тажрибалари мужассам топган.

* История народов Узбекистана. Том 1. Ташкент: Фан, 1993. С. 61

Тұғри, Мурод шайх образида маълум даражада характер тұлақонлилиги етишмайды, унинг бий сифатидаги фаолиятига асосий урғу берилиб, диний-тасаввүфий қарашлари романда деярли ифода топмаган. Ҳолбуки, тарихий манбалардан юрт орасида "авлиё" сифатида маълум бұлган шахснинг обручини ислом таълимотисиз тасаввур қилиш қийин. Шайх сўзининг луғавий маъноси ҳам арабча "сўфийлар бошлиғи, эшон" маъносини беради.

Бунинг сабабини "Маманбий афсонаси" яратилған даврда дин, айниқса, исломнинг маданий-маърифий аҳамияти инкор этилгани билан изоҳлаш мумкин. Ҳукмрон шуро дунёқарашы ва унинг даҳрийлик умдаларини ҳисобга олган муаллиф Мурод шайхнинг диний-исломий фаолиятини бадий матнда етарли даражада ифода этиб берға олмаган.

Шунга қарамай, Юсуфбек ҳожи ва Мурод шайх образлари орасида муайян муштараклик мавжуд. Бу муштараклик сабабини адабий таъсир билан изоҳлаш мумкин, албатта. А. Қодирийнинг романчилик тажрибаси Марказий Осиё насли тараққиётiga, айниқса, тарихий роман тадрижига самарали таъсир үтказған.

Бироқ адабий муштараклик ҳақидағи янги таълимотта асос соглан словак тадқиқотчи Диониз Дюришиннинг ёзишича, "таъсир" атамаси "адабий ворисийлик жараёни босқичлари, айрим унсурларини "беркитади", халаф муаллифнинг ижодий муносабати унсурларини ифодалаш, белгилаш учун жой қолдирмайды".

Д. Дюришин "таъсир" атамаси ўрнига уч тушунчадан иборат "силсила"ни таклиф этганды: импульс (турткі) – рецепция (қабул қилиш) – ижод жараёни.

Таклиф қилинған атамаларнинг ҳар бири ягона "таъсир" атамасидан фарқлы равища бир ёқлама талқинни бартараф этишдан ташқари, адабий ворисийликнинг келгуси табақаланишига имкон ҳам яратади. Аммо адабий муштараклик муаммолари билан шуғулланған айрим тадқиқотчилар "адабий таъсир" истилохидан воз кечиши маъқулламаганлар*. Бизнинг фикримизча, "адабий таъсир" құлай ва ихчам атама бўлиб, у ўз структурасида Д. Дюришин ўртага ташлаган "импульс – рецепция – ижод жараёни"ни акс эттира олади.

"Үткан кунлар"нинг құдратли бадий-фалсафий олами йигирманчи аср туркий романчилигининг шаклланиши ва тараққиётіда муҳим ўринга эга. "Үткан кунлар"нинг қаҳрамон ва

* Диониз Дюришин и коллектив. Систематика межлитературного процесса. Братислава: Веда, 1988. С.57.

персонажлари, тасвир усули, бадий санъатлари, романбоп тафаккуридан Марказий Осиё романнавислари таъсирландилар, адаб бадий маҳоратидан ўргандилар. А. Қодирий романчилик мактабининг бадий-эстетик принципларини ижобий ўзлаштирилди.

Шунинг учун "Қорақалпоқ достони" қаҳрамон ва персонажлари тасвирида "Ўткан кунлар" романни бадий образларини эслатувчи баъзи бир хусусиятларнинг акс этиши янги романчилик мактабининг тадрижи, давомийлиги, ворисийлигини курсатувчи далиллар.

"Қорақалпоқ достони"нинг навбатдаги – "Бахтсизлар" ва "Гумроҳлар" романлари пафосида ҳам ана шу бадий-эстетик ворисийликни кўрса бўлади.

"Қорақалпоқ достони"нинг иккинчи китоби "Гумроҳлар" романидаги бош қаҳрамон ҳам тарихий шахс.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ойдус (XIX аср) Хива хони Оллоқулихон, айниқса, иноқ Мұхаммад Аминнинг қўмаги билан нафақат ўзи мансуб бўлган Қўнғирот уруғининг, балки бутун қорақалпоқ улусининг ҳокими даражасига кутарилган. Узоқ вақт ихлос ва садоқат билан Хива саройига хизмат қилган. Юритидаги ҳар хил жанжал ва баҳсларга ечим топган.

Хивадаги ҳукмрон гуруҳларнинг зулми қорақалпоқларнинг тез-тез исён кўтариб туришига сабаб бўлади. 1827-1828 йилларда Оқ Яқиши ҳудудида бўлиб ўтган қўзғолонга Ойдусбий бошчилик қилган. Шуро даври тарихшунослиги бу ҳодисанинг сабабини шундай шарҳлайди: "Қорақалпоқ зодагонларининг бу таниқли намояндаси халқ ҳаракатидан ўз синфий манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган эди".

Қўзғолон бостирилади, асир олинган Ойдусбий қатл этилади. Тарихий манбалар Ойдусни мансабпаст, раҳмсиз амалдор сифатида баҳолаган.

Таниқли шоир ва муаррих Огаҳий "Риёзуд – давла" номли тариих рисоласида қорақалпоқ ҳокими Ойдусбийнинг Хива хонига кўрнамаклик қилиб "туз йўлдан озиб, мухолифат аламин жилвагар"*** қилгани ҳақида ёзиб қолдириган. Шуро даври тарихчилари ҳам Ойдус шахси ва фаолиятига салбий муносабатда бўлганлар. Масалан, С. Камолов "XVIII-XIX асрларда қорақалпоқлар" номли тадқиқотида шундай ёзади" "... Ойдус ўз қабиладошларига нисбатан хиёнаткорлик рўлини ўйнай бошлади..

*История народов Узбекистана. Том 2. Ташкент: Фан, 1993. С. 68.

** Огаҳий. Асарлар. V жилд. Тошкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 211-бет.

Ойдусни каттаси Бегис, кичиги Миржиқ исмли укаси бор эди... Ҳукмдорлик қилишга интилган Ойдус ўз укаларини ўлдиради... 1810 йилда Ойдусбий асир олинган Бегисни ўлдиргач, пойтахтга йўл олади ва саройга келиб "хизмат"ларига яраша хоннинг марҳаматларига сазовор бўлади".

"Риёзуд – давла" 1844 йилда ёзилган, бу асарда 1825 – 1844 йилларда Хоразм хонлигидан бўлиб ўтган тарихий ҳодисалар акс этган. Собир Камолов монографияси эса 1968 йили нашр қилинган. Икки асар орасидаги вақт масофаси – 124 йил. Шунга қарамай, бир-биридан тубдан фарқ қилувчи ижтимоий тузум вакили бўлган муаррихларнинг тарихий шахсга берган баҳолари бир-бирига яқин. Аммо уларнинг Ойдусбийга бўлган муносабатларининг омиллари бир-биридан жиддий фарқ қиласди.

Юзаки қаралганда саройга бир қадар яқин шоир ва муаррих Огаҳийнинг хонга қарши исён кўтарган Ойдусни қоралаб гапириши унинг ҳукмрон доиралар манфаатини ҳимоя этишидай кўриниши мумкин. Аммо аслида бундай эмас. Маърифатли ва инсонпарвар шахс бўлган Огаҳий Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Лутфий сингари марказлашган кучли давлат тарафдори эди. У ҳар хил исён ва қўзғолонлар ҳокимиятни заифлаштиради ва охир-оқибат ҳалокатга олиб боради, бу эса ҳалқа зарар етказади, деб ҳисоблаган. Ҳудди шу сабабга кўра у Ойдус бошчилик қилган қўзғалишни маъқулламайди.

С. Камоловнинг эса бу тарихий зотга муносабати маълум даражада шуро тарихининг саройга, хон, амалдорларга бўлган бир хил – инкор этувчи, қораловчи муносабатидан келиб чиқсан.

Адид Т. Қаипбергенов Ойдус образини яратишда тарихий ҳужжат, тарихий манбалар билан баҳсга киришган ва уни ватанпарвар инсон, фожиавий қисматли шахс сифатида талқин этган.

Ойдусни, кенгроқ олганда эса қорақалпоқ ҳақиқатини бадиий тиклаш учун адид ҳалқ тарихининг чигал ва изтиробли манзараларини атрофлича кўрсатишга ҳаракат қилган. "Бахтсизлар" романи 1806 йил воқеалари тасвири билан бошланади.

Л. Толстойнинг машҳур "Уруш ва тинчлик" роман – эпопеяси ҳам шу давр – 1805 йил ҳодисалари тасвири билан очилган. Албатта, мозийнинг бу босқичи икки ҳалқнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, миллий дунёқараш, урф-одатлар ва тарихий жараённинг ўзига хосликлари билан фарқланади. Шу билан бирга, истеъдод ва имконият даражалари турлича бўлган икки адид

* Камолов С. К. Каракалпаки в XVIII – XIX веках. Тошкент: Фан, 1968. С. 69.

асарларида маълум муштарак аломатлар ҳам мавжуд. Т. Қаипбергенов Л. Толстой сингари бутун бир ҳалқнинг қисмати, миллий руҳияти, уруш ва тинчлик, давлат ва ҳукмдор каби муаммоларни бадиий тадқиқ этишга уринган. Бадиий тасвиридаги бундай ўхшашликни биринчи галда эпик турнинг муштарак хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, икки эпик асарда тасвириланган бадиий замоннинг бир-бирига яқинлиги оламшумул воқеалар – Наполеон юришлари, декабристлар исёнига муносабатни "Қорақалпоқ достони" муаллифидан ҳам талаб этарди. Бу тарихий ҳодисалар "Гумроҳлар" романининг айрим бўлакларида маълум даражада ифода топган.

Ойдус характерининг заминида бадиий адабиётнинг ҳалқиличик концепцияси туради. Бу концепция бош қаҳрамон бадиий структураси моҳиятини, фаолиятининг қирраларини белгилаб берган.

Ойдус образи миллий тарихдан олинган прототипга жаҳон эпик адабиёти, айниқса, Марказий Осиё тарихий романчилигининг ижодий тажрибаларини бадиий сингдириш натижасида юзага келган.

Т. Қаипбергенов "Бахтсизлар" романидаги бош қаҳрамон тасвири орқали нафақат бадиий, балки миллий, тарихий аҳамиятга эга вазифани амалга оширган. У тарихий манба ва архив материалларини чуқур ўрганиб, уларга мантиқий, танқидий ёндашгани учун Ойдус каби мураккаб, кўп қиррали шахс ҳақидаги ҳақиқатни тиклашга муваффақ бўлган. Ҳужжат билан баҳсга киришиш, унинг бағрида яширинган ҳақиқатни излаб топишдан чўчимаган. Адид Ойдус образи билан жаҳон, Марказий Осиё тарихий романчилигидаги фаол қаҳрамон образини яратиш анъанасини хийла ривожлантирганини қайд этиш лозим.

"Бахтсизлар" романи қаҳрамони ҳалқиличиги, характер тадрижи, умуминсоний қарашлари туфайли йигирманчи аср Марказий Осиё сўз санъатидаги бадиий образлар силсиласига бир ҳалқа бўлиб қўшилди ва бадиий структурасидаги айрим нуқсонларга қарамай бу силсилада маълум бир мавқе эгаллади.

Роман образлари орасида кекса Яхшилик бадиий тимсол сифатида анча пишиқ ишланган. Унинг характери, психологияси Марказий Осиё мумтоз адабиётидаги тасаввуфий қараш, ғояларни маълум даражада акс эттирганини куриш мумкин. Бутун умри оғир меҳнат ва муҳтожликда ўтган бу мўйсафид доимо сабр-қаноат билан яшайди. У ўтган умридан ҳам, бугунги кунидан ҳам рози.

Маълумки, муҳтожлик, қийинчилик ва ҳаёт кулфатларига тоқат қилиш, ҳирс – тамаъдан йироқ булиб, ҳалол меҳнат билан кун кечириш, бола-чақа боқиши – тасаввуф фалсафаси, тасаввуф адабиётининг етакчи идеаллариdir.

Шуро даврида тасаввуф "реакцион диний – мистик" назария, қарапшлар силсиласи сифатида қораланган, унинг вакиллари асарлари нашр этилмаган эди.

Аммо умуминсоний қарапшлар ва идеаллар, халқчиллик асосида ривожланадиган бадий адабиёт олами, унинг қаҳрамонларигина маълум даражада тасаввуфий таълимот аломатларини сақлаб қолди. Бу аломатларни йигирманчи аср Марказий Осиё адабиётининг ҳамма босқичларида юзага келган бадий яратмаларда кўрса бўлади.

60 – 80 – йилларда Марказий Осиё адабиётининг Чингиз Айтматов, Шукур Холмирзаев, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайридин Султонов каби вакиллари асарларида шундай типдаги образлар яратилди. Шуро адабиётшунослиги ва танқиди кўп ҳолларда бундай тимсолларни инкор этар, улардан курашчанлик, жангариликни талаб этар эди.

Адид романдаги қаҳрамон ва персонажлар ҳаёти, халқ турмушини тасвирлар экан, бадий образларнинг ички дунёси, ҳис-кечинмаларини ҳам анча чуқур беришга уринган. Аммо айрим ўринларда воқеа баён тусини олди, персонажларнинг сұхбат – мулоқотлари чўзилиб кетиб, китобхонни зериктиради, бадийлик унсурлари камаяди. Образлилик заифлашади. Буларнинг барчаси бирлашиб, романнинг бадий қуввати, эстетик таъсир кучига салбий таъсир этган. Баъзи ҳолларда эпик тасвир бадий жозибадан маҳрум бўлғанигини кўриш мумкин. Роман бадий оқимида турли-туман воқеалар кўпайиб кетиб, бадийлик меъёрларини бузган. Айрим ўринларда сўздан тежаб-тергаб фойдаланилмайди, бу эса асарнинг бадий яхлитлигига маълум даражада зарар етказган.

Роман-трилогиянинг навбатдаги китобини ёзаётган адид олдида бир талай қийинчиликлар, жумладан, ижобий қаҳрамонни олдинги романларининг марказий образларига "ўхшатиб" – тақрорлаб қўймаслик муаммоси турарди. Айрим ёзувчилар янги асар ёзаётганида, ўзлари сезмаган ҳолда илгариги китоблари қаҳрамонига хос хусусиятларни янги қаҳрамонга кўчирадилар, натижада бу образ китобхонда қизиқиш уйғотмайди.

Гарчи "Қорақалпоқ достони"нинг сўнгги китоби – "Гумроҳлар"даги Эрназар халқил моҳияти, ватанпарварлик хислатлари билан "Маманбий афсонаси"даги Маман, "Бахтсизлар"даги Ойдўсга ўхшаб кетса-да, бадий структураси, ички оламининг ўзига хослиги билан ажralиб туради. У янгича тарихий, ижтимоий-сиёсий замон фарзанди. Романнавис Эрназар тимсолида қорақалпоқ халқи босиб ўтган мураккаб тарихий тажрибани мужассамлаштиришга, миллий психологик заминда шаклланган шахснинг ўзига хос хусусиятларини умумлаштиришга

ҳаракат қилган.

Роман муаммоси энг аввало қаҳрамон муаммосидир. Йирик эпик жанр тадқиқига багишланган ишларда бу масалага асосий эътибор қаратилиди. Тасвиrlанаётган замоннинг барча қирралари: халқ ва унинг асосий қатламларига мансуб шахсларнинг миллий-маънавий тафаккури, психологияси, ахлоқи, урф-одатлари, расм-руслумлари, ютуқ ва нуқсонлари аввалимбор қаҳрамон фаолияти ва руҳий-маънавий дунёсига сингдирилади. Романнинг асосий қаҳрамони ҳақида фикр юритиш у мансуб тарихий-психологик муҳитни, халқни тушунишга имкон яратади.

Муаллиф асарнинг бош бадиий-ғоявий ўзагини ташкил этувчи Эрназар образи тасвири орқали Туркистон тарихининг муҳим даври, XIX асрнинг 40-70-йилларидағи қорақалпоқ тарихи, давлат ва шахс, халқ ва мустақиллик, инсон ва дин, муҳаббат ва ҳижрон, тұғрилик ва макр, миллий бирлик ва халқаро биродарлик масалаларини ёритишига жазм этган.

С. Петров тарихий романнинг асосий хусусиятлари ва унинг тараққиети муаммолари хусусида фикр юрита туриб, шуро бадиий – тарихий адабиётида аксар ҳолларда ижобий персонаж сифатида қатъий тийнатли, иродали, жасоратта ҳозир, ўзини foя йўлида қурбон қилишга тайёр бўлган кишилар танланишини қайд этган эди*. Умуман олганда, кучли, жасур ва инсонпарвар қаҳрамонга майл ва эҳтиёж адабий – бадиий жараённинг барча босқичларида мавжуд бўлади.

Бадиий адабиёт мозийдан ҳам, замонавий ҳаётдан ҳам ўз идеалларига мувофиқ келадиган прототипларни ҳамма вақт топа олади, бундай прототипларни қорақалпоқ тарихида ҳам кўплаб топиш мумкин.

"Қорақалпоқ достони"нинг учинчи китоби қаҳрамони учун асос бўлган Эрназарбий – Хоразм тарихида маълум из қолдирган шахс. Хоразм тарихиси Баёний "Шажараи Хоразмшоҳий" асарида "қалфоқ Эрназар оталиқ кенагис"ни тадбиркор ва сулҳпарвар киши сифатида таърифлаган. Бу китобда ёзилишича, Хива хони Мұхаммад Раҳимхон Эрназар оталиқни "элчи йўсун"ида Россияга юборган. У вазифасини бажариб қайтгач, "хон ҳазратларини Русия билан мадоро қилмоқча" тарғиб қиласди.

Т. Қаипбергенов прототип таржимаи ҳолидан маълум бўлган айрим фактларни умумлаштириб, адабий-бадиий қайта ишлаб, тарихий давр моҳиятини тажассум этадиган образ яратишига

* Петров С. Русский советский исторический роман. М.: Современник. 1980, – С. 392-393.

уринган. Чунки, Бальзак ёзганидай, "роман персонажлари тарихий персонажларга қараганда күпроқ ақл-идрокка эга бўлишлари керак"*. ...

... Қорақалпоқ тарихидаги уч улуғ бий"лардан бири бўлган Эрназарбий (Эрназар Олакўз, Ботир Эрназар) прототип сифатида "Қорақалпоқ достони" воқеалар оқимига киритилган, адабнинг гоявий-сиёсий, эстетик дунёқараси асосида қайта ишланган ўзига хос бадиий образга айланган.

Романда Хива хонлигида яшаётган қорақалпоқларнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳаёти манзаралари, тарихий зиддиятлар, оддий халқ ва айрим сиёсий арбобларнинг ҳаёт ва кураш йўллари бадиий инъикос топган.

Хивадаги хон саройи билан баъзи қорақалпоқ бийлари, кенгроқ олиб қарабандада эса мустабидликка асосланган давлат ҳокимияти билан иқтисодий асоратдаги халқ ўртасидаги қарама-қаршиликлар романинг бош бадиий зиддиятини ташкил этган. Мана шу бадиий зиддиятнинг ривожланиб, авж нуқтага чиқиши энг аввало бош қаҳрамоннинг ички дунёси, изтиробли ўй-фикрлари, кескин бурилиш ва фавқулодда ҳодисаларга тўла фаолияти орқали намоён бўлган.

Эрназарнинг Хивадаги саргузаштлари, Қорақум эшон билан мулоқот – баҳслари, сулув Гулизебо билан ишқий муносабатлари асарнинг асосий воқеа тизимини ташкил этган.

Янги тарихий шароит фарзанди бўлган Эрназар Олакўз – Маманбий ва Ойдўсларга қараганда бирмунча "эркинроқ", мураккаброқ қаҳрамон. Адид бу қаҳрамонни ватан, халқ учун курашга бел боғлаган қатъиятли ва фаол шахс сифатида кўрсатишга жазм қилган.

60-80-йилларда Марказий Осиё тарихий ва замонавий насрода ижобий қаҳрамонга муносабат бир қадар ўзгарди. Қаҳрамоннинг руҳий оламини мураккаброқ тарзда, ўзини эса маълум бир хато ва адашишлардан холи бўлмаган шахс сифатида тасвиrlаш тамойил тусини ола бошлади.

Т. Қаипбергенов "Қорақалпоқ достони" қаҳрамонларини, шу жумладан, Эрназар образини яратар экан, жаҳон эпик адабиётининг янги даврда тўплаган тажрибаларини қаҳрамон қурилмасига сингдиришга, тарихийликка асосланган табиий қаҳрамон образини яратишга ҳаракат қилган.

Бу ҳаракат ва бадиий умумлашмаларнинг натижаси сифатида ташки қиёфаси, портрети фольклор баҳодирларига

* Вопросы литературы. 1878, №12.- С. 186.

монанд "арслон күкрак", "баланд бўйли, ягриндор, билаклари пайдор, ҳайбатли полвон", руҳий-маънавий олами ҳалқ тафаккури, идеалларига бориб туташадиган эпик қаҳрамон тимсоли вужудга келди.

Эрназар образи жаҳон эпик адабиёти, романчилигининг бош қаҳрамонларида ҳалқчиллик принципи асосида юзага келтирилган. Унинг ички дунёсида ҳам, ҳатти-ҳаракатларида ҳам у ёки бу даражада ҳалқ руҳи – психологияси, моҳияти акс этади.

Шундай қилиб, янги давр романининг эпик қаҳрамони бадиий қурилмасида жаҳон адабиётининг, фольклорнинг етакчи хусусиятлари, тамойиллари, принциплари мужассам бўлади.

Шу билан бирга, қаҳрамон ҳаракати, психологияси, воқеа тизмасидаги иштироқида янгича тамоил ва хусусиятларнинг муҳри, белгилари бор.

Эрназар эпос қаҳрамонларига хос баркамол вужуд, фавқулодда жисмоний қудратга эга бўлишига қарамай, унинг ҳаётини, ҳаракатларида "рисоладаги" (оддий) одамларнинг хусусиятлари мавжуд.

Т. Қаипбергенов ўз қаҳрамонида аниқ тарихий давр одамларининг етакчи жиҳатларини жамлашга интилган.

Аммо айрим ўринларда қаҳрамонни "оддий" одам тарзида кўрсатишга уриниш муваффақиятсиз чиққанини ҳам пайқаш мумкин. Бу айниқса Эрназар – Гулизебо мусабатлари тасвирида куринади. Бу икки қаҳрамоннинг ўзаро ишқий муносабатлари тасвирида нотабиййлик, сохталик мавжуд.

Роман воқеалари оқимида анча муҳим ўрин тутган Қорақум эшон образи ҳам китобхонда бирмунча зиддиятли ўйлар туғдиради. Адабининг ўзи айтганидай, бу руҳоний – аниқ тарихий шахс. У қорақалпоқ юртида мачит ва мадрасалар қурдириб, қисқа муддат ичидаги атрофига муридлар йиғади ва тез бойиб кетади*.

Прототип асосида юзага келган бу бадиий тимсол ақлли, айёр, узоқни кўзлаб иш тутувчи шахс сифатида намоён бўлган. Романда Қорақум эшон инглиз жосуси сифатида тасвиранган. У хон даргоҳига кириб олиб, сарой аҳлиниң инглизларга мойиллигини оширмоқчи, туркий ҳалқлар бирлигига раҳна солмоқчи бўлади. "Эшон"ни исломий қадриятлар, имон, эътиқод муқадаслиги ва поклиги қизиқтирумайди. Инглиз ҳукуматига ёлланган жосус сифатида ўзига берилган маҳфий топширикни бажариш, мустамлакачилар учун Туркистон дарвозаларини очиб беришга жон-жаҳди билан уринади.

*Шермуҳаммедов П. Барчадин яхшироқ ҳаёт гули. Ташкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 75-бет.

Ислом дини вакили образининг бу тарзда тасвиirlаниши диний сарчашмаларнинг кўзлари очилиб, Марказий Осиёдаги мусулмон халқлари азалий саждагоҳлар сари юз бураётган, ислом маданиятининг оламшумул аҳамияти намоён бўлаётган даврда жиддий эътиrozга сабаб бўлиши мумкин.

Шуро давридаги алоҳида адабиётларда дин вакиллари кўпинча жаҳолатпараст, чаласавод, қора кучлар раҳнамоси тарзида тасвиirlанаар эди. Бундай талқинни даҳрийликка асосланган пролетар таълимоти, шу назариянинг фарзанди "социалистик реализм" қатъий талаб этарди. Шунга қарамай, "Гумроҳлар" романидаги Қорақум эшон образини бутунлай ҳукмрон дунёқараш таъсирида юзага келган деб ҳисоблаш хато бўлар эди. Тўғри, бу персонаж тасвирида давр ғояларининг маълум бир излари бор. Буни П. Шермуҳамедов билан суҳбатда адабининг ўзи ҳам эътироф этган*. Шу билан бирга, Қорақум эшон – мозий мураккаблигини ўз бадиий оламида маълум даражада мужассам эттирган образ. Чунки ўтмишда (ҳозир ҳам) етакчи, бообрӯ таълимотлар, жумладан, диний дунёқарашга суюниб, улардан бойиш, ҳукм юритишда фойдаланган иккююзламачи, мунофиқ кимсалар кўп бўлган.

Инсоният ва ватан ривожини ўйламаган, "манфаати шахсияси" йўлида ҳар қандай жиноят ва инсофсизликдан тап тортмайдиган кишилар муқаддас диний қарашларни фақат бир восита тарзида истифода этганилар.

Бинобарин, инсоният тарихи тараққиёт йўлининг барча босқичларида мунофиқ диний арбоблар мавжуд бўлган. Бу характер мозийнинг кўп қиррали, чигал манзарасини бадиий жонлаштиришда маълум бир аҳамият касб этган. Лекин бу ўринда яна бир савол вужудга келади. Адабининг ўзи эътироф этганидай, у пайтларда диннинг халқ орасидаги таъсири биз ўйлаганимиздан кўра минг чандон кучлироқ бўлган**. Бундай таъсир сабабини соҳтакор "дин пешво"лари фаолияти билан изоҳлаш мумкин эмас. Куръони Каримда бундай кимсаларга аниқ ва ҳақиқий баҳо бериб қўйилган: "Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, ўзлари мўмин бўлмаганлари ҳолда "Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирдик", дейдилар. Улар Оллоҳни ва иймонли кишиларни алдамоқчи бўладилар ва ўзлари сезмаганлари ҳолда фақат ўзларинигина алдайдилар. Уларнинг дилларида мараз бор эди, бас,

* Үша асар. 77 – бет.

** Шермуҳамедов П. Барчадин яхшироқ ҳаёт гули. Ташкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 7-бет.

Оллоҳ маразларини янада зиёда қилди. Улар учун қилган ёлғонлари сабаб аламли азоб бордир"*. Мозийда Алишер Навоий лирик, лиро-эпик ижодида акс топган "сода шайх", А. Қодирийнинг "Бахтсиз куёв" драмасидаги домла имом ва ниҳоят "Гумроҳлар"даги Қорақум эшонларга маънавий, ахлоқий жиҳатдан зид турган, ўз шахси ва дунёқарашида умуминсоний қадриятлар, исломий маданиятни мужассамлаштирган эътиқоди руҳоний зотлар ҳам кўп бўлганки, уларсиз ислом олами, шу жумладан, Мовароуннаҳрдаги тафаккур тараққиётини тасаввур этиш мумкин. эмас. "Қорақалпоқ достони"нинг биринчи китобида Мурод шайх образида эл-юрт имонини ва фаровонлигини ўйлайдиган дин вакилининг инсонпарварлик қарашлари маълум даражада ифода топган. Аммо "Гумроҳлар"да мусулмон ғояларининг оламшумул руҳини ўзида мужассамлаштирган ижобий образлар йўқ. Бу эса давр тасвиридаги тарихийликнинг маълум даражада заифлашишига олиб келган.

Бу асарда ҳам романнинг аввалги китобларидағи каби рус – қорақалпоқ муносабатлари замон мағкураси, сиёсати, дунёқараши талабларидан келиб чиқиб аксар ҳолларда бир ёқлама, мураккабликлардан холи, ижобийлаштирилиб талқин этилган.

Асарнинг сўнгги – "Эпилогга ўхшаш учинчи бўлими"да 1873 йилда "Туркистон генерал – губернатори Кауфман бошчилигидағи Хива ҳонлигига кириб келаётган лашкар" ҳақида маълумот берилган. Адабнинг ёзишича, гүёки "бу лашкар ота – боболарнинг асрлар бўйи орзу қилиб, йўлига кўз тута-тута сарғайган рус лашкари эди"**. Голиб қўшинни кўриб ҳалқ севинганиданчуввос солади, "яшасин, ўрислар келяпти" деб, истиқболларига дастурхон кўтариб чиқади, "фақат осмондаги қўёшдай бир нарса аниқ: рус лашкари оз сонли қорақалпоқ ҳалқи учун суюнса арзигудек тоғ, ҳар қандай куч йиқита олмайдиган қўргон бўлади. Буюк тоғбулади!... Шунинг учун Янгидарёдан Амударёгача бўлган қорақалпоқ овуллари тепасида осмонга отилган қалпоқлар худди баҳор қушларидаи тўп-тўп бўлиб учаверади...". Роман матнида келтирилган мана шу парчаданоқ маълум бўлиб турибдики, Баёний ("Шажараи Хоразмшоҳий"), Ибрат ("Фарғона тарихи") ва бошқа муаррихларнинг асарларида рўй – рост ёзилган чор босқинининг фожиавий манзаралари асарда ифода топмаган. Аксинча, бу истило нажот келтирган ҳаракат сифатида ижобий талқин этилган.

* Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Тошкент: 1992. – 7-бет.

** Қаипберганов Т. Гумроҳлар. Тошкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 462-бет.

Тарих ҳақиқати қандай эди?

Баёнийнинг ёзиича, рус зобитлари Кауфман, Головачев, Верувкинлар Хивани забт этишда маҳаллий аҳоли: ўзбек, туркман, қорақалпоқларга жаллодлардай муомала қилганлар. Истило пайтида "қозоқ отлилар кўзга кўринганни отиб, қари боболарни ва аёлу атфолларни тиф била чопиб, сут әматургон ўғлонларни найза билан санчиб ўтга отар эдилар ва амволларини тарож этар эдилар"**.

Хоразм Туркистоннинг бошқа давлатлари сингари босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Бироқ қолоқ сиёсий – ҳарбий шароит, хон ва амалдорларнинг қатъиятсизлиги, халқдан узоқлашиб қолганликлари мағлубиятга сабаб бўлган.

Даврнинг ҳукмрон ғояларига асосланган адаб тарихий манбаларда аниқ ифода топган воқеаларни роман воқеа чизигидан тушириб қолдирган.

Ҳаёт, тарих ҳақиқати шундай қудратли кучки, у ҳар қандай сохта таълимот ва ёлғон ғоялар тизимидан устунлик қиласди. Ўрни билан адабни холисликка мажбур эта олади. Буни "Гумроҳлар" асарининг хотимасидан ҳам ҳис этиш мумкин. Оқ подшо аскарларининг "кириб келиши"дан завқланиб, қалпоғини осмонга отаётган кишилар ҳақида ёза туриб, ёзувчи шундай жумлаларни қистириб кетади: "... Рус подшолигининг лашкари чиндан ҳам яхшилик олиб келаяптими? Ёки одиларидан чиқсан бийларнинг ўзига қилич тутқазиб, уларга халқни эзишнинг янги усуllibарини ўргатиб кетадими, бу ҳақда ҳеч ким бошини қотирмасди"**. Бу гапларни чор мустамлакачилиги остида қорақалпоқларнинг яна ҳам кучлироқ зулм чангалига тушишига ишора тарзида тушуниш мумкин.

"Гумроҳлар" романи 1976 йили қорақалпоқ тилида нашр этилган. Орадан йиллар ўтиб, Т. Қаипбергеновнинг "Қорақалпоғистонликлар иккинчи ватанига кўчмоқчи" номли эссеси эълон қилинди ("Шарқ ўлдузи" журнали, 1993, 9 – 10, 11 – 12 – сонлар). Бу асарда бутун дунёни ташвишга солиб қўйган Орол фожиаси, Орол бўйи экологиясининг бузилиши, қорақалпоқ элининг миллий ҳаёти, урф – одатларига путур кетиши, манқуртлашиш сабаблари чуқур бир изтироб билан қаламга олинган. Янги давр шабадалари, ижтимоий тафаккуридаги сифат ўзгаришлари дунёқараши шўровий ғоялар таъсирида шаклланган адилларга мозийни янгича нуқтаи назарлар билан кўриш ва бадиий нигоҳдан ўтказиш имконини аста-секинлик билан бўлса-да, яратиб бергаётганини шу асар мисолида кўрса бўлади.

* Ибрат. Тарихи Фаргона. Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий · Тошкент: Камалак, 1991.-226-бет.

**Қаипберганов Т. Гумроҳлар. Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 462-бет.

IV.2. Силсилавий романда адабий–бадиий анъаналар ва ўзига хосликлар ("Қон ва тер" мисолида)

Қозоқ әдіби А. Нурпейсовнинг "Қон ва тер" (1960 – 1970) иирик эпик асари ҳам силсилавий роман (роман – трилогия) сирасига киради.

"Қон ва тер" ва "Қорақалпоқ достони"ни бир – бирига боғлаб, яқинлаштириб турадиган айрим аломатлар, муштарақ хусусиятлар мавжуд.

Иккала асар ҳам иирик эпик шаклнинг тарихий роман типига, трилогия кўриннишига мансуб, улар тарихий романчилик ривожининг бир даври (60 – 70 йиллар)да ёзилган, шу давр адабий – бадиий жараёнининг тамойиллари, инсонни тасвирилаш принциплари "Қон ва тер"да ҳам, "Қорақалпоқ достони"да ҳам даврни, қаҳрамонни яратишда маълум бир муштарақликларга олиб келган.

Икки роман – трилогия орасидаги фарқли · жиҳатлар қўйидагилардан иборат:

"Қорақалпоқ достони"даги бадиий замон кенг. У бир ярим асрни ўз ичига қамраган.

Бадиий замон кўламидан келиб чиқиб трилогиянинг ҳар бир романнада тарихий давр ҳам, қаҳрамон ва персонажлар ҳам алмашади. Бадиий матнга янги тарихий ҳодисалар, янги авлод вакиллари кириб келади.

Асаддаги уч романни адебнинг бадиий – ғоявий концепцияси, қаҳрамонлараро анъанавийлик, ворисийлик боғлаб туради.

"Қорақалпоқ достони"нинг бадиий (сюжет, композицион, қаҳрамон қурилмаси) заминига асосан Марказий Осиё, хусусан, қорақалпоқ фольклори, унинг эпик жанр намуналари қўйилган.

"Қон ва тер" бадиий замон нуқтаи назаридан бирмунча чекланган. Унда ўн йилга яқин давр ифода топган.

Трилогиянинг уч романнада ягона бош қаҳрамон(Эломон) иштирок этади.

Роман – трилогиянинг бадиий олами кўпроқ жаҳон, айниқса, рус ва Марказий Осиё романчилиги бадиий анъаналари, ютуқлари, тажрибаларини ижодий ўзлаштириш, умумлаштириш заминида юзага келган.

"Қон ва тер" – Туркистон тарихининг туб бурилиши босқичини бадиий акс эттирган, мозийнинг улкан, жаҳоншумул аҳамиятга эга ҳодисаларини реалистик эпик манзараларда жонлантирган роман.

Бу улкан тарихий воқеаларни эпик тур жанрларида бадиий

гавдалантириш ҳаракати Марказий Осиё адабиётларида XX асрнинг 20-йилларидан бошланган.

Адабий-бадиий жараённинг ҳар бир босқичи жамиятни ҳаракатта келтирган, жаҳоншумул ижобий ёки салбий аҳамият касб этган ҳодисаларни фалсафий-эстетик жиҳатдан кашф қилиш, уларнинг инсоният, Туркистон миқёсидағи ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилди.

Жаҳон уруши, инқилобий йўналишлар, мустамлакачилик сиёсати оқимида шаклланган ва ҳаракатга кирган миллий озодлик жараёни (чоризмга қарши ҳалқ қўзғолонлари, "босмачилик") Марказий Осиё тарихий романининг бош мавзуларидан бўлиб қолади.

С. Айнийнинг "Дохунда", "Қуллар", Чўлпоннинг "Кечава кундуз", Б. Кербобоевнинг "Дадил қадам" (I – китоб) романларида ифодаланган бадиий хронотоп 60-80-йиллар эпик адабиётида янги даврнинг бадиий дуёқараши нуқтаи назаридан қайта ишланди, унинг тасвир ҳудуди кенгайди.

А. Нурпеисовнинг эпик тур, унинг роман шаклига хос улкан бадиий тасвир имкониятларидан фойдаланиб, мамлакатнинг, даврнинг етакчи муаммоларини, йирик тамойилларини, ҳалқчил, инсонпарвар образларни бадиий матн таркибига олиб кирди.

Сиртдан қараганда "Қон ва тер" роман-трилогияси шуро адабиётида кенг ишланган тарихий-инқилобий мавзудаги бир асар, унда инқилоб арафаси ва ундан кейинги дастлабки йиллардаги мураккаб ҳаёт тасвирланган. Маълумки, совет мафкураси ва расмий доиралари инқилобни социалистик реализм асосида акс эттирган бадиий асарларни қадрлар, улардаги жиддий бадиий нуқсонлардан кўз юмар эди. Парижда чиқадиган "Монд" рўзномасининг мухбери Ален Жекоб шуро адиларининг бешинчи қурилтойи ишини шарҳлай туриб А. Нурпеисовни бутунги кунда расмий танқидга мақбул бўлмаган адилар сирасига қўшган. Қурултой 1971 йили бўлиб ўтгани, "Қон ва тер" эса 1961-1970 йиллар давомида ёзилгани ва бу асар қозоқ адабининг 60-йиллардаги асосий меҳнат маҳсули экани ҳисобга олинса, ёзувчига "совуққон" муносабат роман-трилогияга боғлиқ, эканини пайқаш қийин эмас.

Шу фактнинг ўзи ҳам "Қон ва тер" роман-трилогияси мозий ҳақиқатини ўз бадиий оламида тарихан аниқ акс эттирганини, бадиий – фалсафий концепцияси даврнинг, тузумнинг ўткинчи, муваққат ғояларига, "социалистик реализм" ақидаларига эмас, умуминсоний, ҳалқчил дунёқарашга, жаҳон адабиётининг юксак идеалларига мувофиқ қурилганини кўрсатиб турибди.

"Қон ва тер" – сюжети, композицион қурилмаси бирмунча мураккаб, сертармоқ асар, унда тарихнинг ҳал қилувчи, мураккаб

давридаги ҳаёт, халқнинг руҳий-маънавий олами, урф-одатлари, кураши, орзу-армонлари бадиий ифода этилган.

Чор зулми, бу истибдодга қарши озодлик ҳаракатининг шакланиши, синфий, табақалараро тафовут ва ихтилофлар, жаҳон урушининг даҳшатлари роман қаҳрамонлари образи тасвири орқали акс этади.

Роман-трилогия жаҳон, шу жумладан, Марказий Осиё эпик адабиёти, романчилигининг илғор анъана ва бадиий тажрибаларини ижодий ўзлаштириш, тариқий эттириш натижасида юзага келган.

"Қон ва тер"нинг бадиий структураси, бош концепцияси, қаҳрамон ва персонажлари қурилмасида жаҳон тарихий романчилигининг Л. Толстой, А. Қодирий, С. Айний, М. Шолохов, М. Авезов, Ойбек сингари вакиллари эпик ижоди тажрибалари, ютуқлари тажассум топганини кўрса бўлади.

Айниқса, даврни, инсонни тасвирлашда "Қон ва тер" билан Л. Толстой, А. Қодирий, Ойбек романлариаро яқинлик, муштаракликни пайқаш мумкин.

Лев Толстой "Уруш ва тинчлик" роман-эпопеясида рус жамиятидаги айрим оиласар тасвири орқали умуминсоний, жаҳоншумул муаммоларни бадиий акс эттирган. Оламшумул аҳамиятга молик тарихий воқеалар – Наполеон юришлари, Европа ҳукмдорларининг ҳарбий-сиёсий иттифоқи, Россияда республикачилик гоя ва қайфиятдарининг туғилиши ва шакланиши, уруш ва тинчлик, коинот ва замин, ҳаёт ва ўлим масалалари Болконский, Ростов, Безужовлар оиласари тақдири мисолида юксак фалсафий, бадиий умумлашган ҳолда тадқиқ қилинади. Улуғ рус ижодкорининг барча шоҳ асарлари – "Болалик", "Уруш ва тинчлик", "Анна Каренина", "Тирилиш" кабиларда оила муқаддаслиги гояси марказий ўринга қўйилган.

"Қон ва тер" роман-трилогиясининг эпик сюжети мозий, тарихий жараён оқимидан танлаб олинган айрим оиласарнинг тақдири, саргузаштлари, психологияси тасвири асосида бунёд бўлган.

Марказий Осиё романчилигининг биринчи намунаси – "Ўткан кунлар" сюжети асосан марғилонлик Мирзакарим қутидор, тошкентлик Юсуфбек ҳожи оиласари тасвири асосида ҳосил қилинган. А. Қодирий шу оиласардан романнинг етакчи, ижобий қаҳрамонларини танлаб олади, уларнинг ички олами, ҳаракати, зиддиятлари тасвирида мураккаб, кўп қиррали тарихий даврнинг асосий маънавий-ахлоқий, фалсафий, ижтимоий тамойилларини гавдалантиришга, мозийнинг бир бутун бадиий мукаммал эпик манзарасини умумлаштиришга муваффақ бўлди.

• Романда бир неча оила тақдири боғланиб, халқнинг,

жамиятнинг яхлит, ҳам фожиавий, ҳам қаҳрамонона тақдирининг умумлашма сувратини ҳосил қилган.

"Қон ва тер" роман-трилогиясининг ҳам эпик сюжети мозийдан танлаб олинган айрим оиласарнинг тақдери, психологияси тасвири асосида бунёд этилган.

Муаллиф асар бош қаҳрамони Эломон ва унинг хотини Оқбола ўртасидаги ўзаро муносабатлар, психологик ҳолатлар таҳлили орқали роман бош концепциясининг муҳим қирраларини юзага чиқарган.

Адиб қаҳрамоннинг руҳий олами, ички кечинмалари тасвирига кенг ўрин берган. Эломон – ҳаёт, инсон, жамият, инсоният ҳақида ўйлайдиган инсон.

Умуман, қаҳрамон ва персонажларнинг фикр оқими, хотиралари роман психологизмини таъмин этган, тасвирланаётган даврнинг психологик, фалсафий онгдаражасини акс эттирган.

Романда табиат манзаралари қаҳрамоннинг ички кечинмаларига мувофиқ берилган. Тинимсиз увиллаётган шамол, ботаётган қуёш, қонталаш уғқ, баҳайбат қоп-қора булутлар Эломоннинг шахсий ҳаётда ҳам, жамиятда ҳам бахтсизлигини таъкидлаб туради.

А. Нурпеисов жаҳон эпик адабиёти, Марказий Осиё романчилиги тажрибалари, хусусан, А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романидаги психологик таҳлил принципларини ижодий – бадиий ўзлаштириб, қаҳрамон руҳий оламидаги қатламларни анча чуқур ифодалашга эришган.

"Ўткан кунлар"да Отабекнинг "Хўжа Маъз" мозоридаги руҳий кечинмалари ва "Қон ва тер" қаҳрамони Эломоннинг денгиздаги психологик ҳолати орасида ўхшашлик Марказий Осиё романлариаро ворисийлик ва муштаракликка мисол бўлиши мумкин.

Ёвуз кишилар туҳмати туфайли севикли хотинидан айрилган Отабек Кумушнинг бирорга узатилаётганини эшитиб, "Марғилон кўчаларида югурга-югурга қоронғу тун қўйнидаги" қабристонга бориб қолади.

Ҳаво булат, ой кўринмайди. Кучли ел тўрт томонга югуради. Қарға ва зоғлар ға-ғу билан чакалак устидан айланадилар. Мозор ичи қўрқинч ҳолга кирган. Чинор шоҳлари тасбих доналари каби тизилган бойқушларга тўла. Уларнинг сайроғи ичида инганиш каби бир товуш ҳам эшитилгандек бўладир*.

* Қодирий А. Ўтган кунлар. Мехробдан чаён. Тошкент: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 222-бет.

М. Авезов Абдулла Қодирий романларини текис саҳрода вужудга келган Помир тоғларига ухшатган, уни "туркий тиллар адабиётининг энг зур устаси" деб тан олган.

Қозоқ бадий насрининг М. Авезовдан тортиб А. Олимжоновгача бўлган таниқли вакиллари, шу жумладан, А. Нурпейсов эпик ижодига А. Қодирийнинг романчиллик тажрибаси, тасвираш усуллари, принциплари таъсир ўтказган.

"Қон ва тер" роман-трилогияси роман, қаҳрамон типи, бадий хронотоп, инсонни тасвираш принциплари нуқтаи назаридан "Қутлуғ қон" сирасидаги асар.

"Қутлуғ қон" ва "Қон ва тер" қаҳрамонлари характери, тақдиди, фожиасидаги муштаракликни ана шу омилларда кўриш мумкин.

Ижтимоий тузум (чор Россияси қурилмаси), тарихий вақт (XX асрнинг 10 – йиллари), жўпрофий ҳудуд (Туркистон), тарихий воқеа (1916 йилги қўзғолон) билан бирга икки адаб ижод қилган давр (шўро замони), ягона адабий-бадий жараён ("шўро адабиёти"), ижодий метод (реализм, унинг ўзига хос куриниши "социалистик реализм" унсурлари) ва ниҳоят адабиётлараро ворисийлик "Қутлуғ қон" ва "Қон ва тер" қаҳрамонлари орасидаги муайян уҳшашликларга сабаб бўлган.

"Қутлуғ қон"даги Йўлчи, "Қон ва тер"даги Эломон Абдулла Қаҳжор сўзлари билан айтганда "замон дараҳтида етишган бир олманинг икки палласи".

Ойбек "Қутлуғ қон" қаҳрамони тимсолида камбағал, лекин инсоний қадр-қимматини баланд тутган, оқ кўнгил, меҳнатсевар, халқпарвар инсоннинг энг яхши жиҳатларини бадий умумлаштирган.

Шахсий ҳаётдаги баҳтсизлик, жамиятнинг, даврнинг, тузумнинг ўткир зиддиятлари, ижтимоий тенгсизлик, мустамлакачилик зулми содда, оқ кўнгил йигит дунёқарашини, характерини ўзгартиради ва уни миллий озодлик ҳаракатига қушади.

Йўлчининг ахлоқсизлик негизида барпо бўлган Мирзакаримбой хонадонига ҳамда зўрлик, истибоддан қурилган чор империяси қурилмасига қарши исёни муаллиф томонидан психологик, тарихий, бадий далиллаб берилган.

"Замон дараҳти"нинг "иккинчи палласи" – Эломон – Йулчидай муҳтож, жабрланган, шу билан бирга, инсонлигини чуқур англайдиган ҳақгўй, халқчил қаҳрамон.

Давр зиддиятлари, фожиалари қаҳрамон фаолияти, қалб дунёсида акс этади. Бойвачча Худойменда қўлида чупон, корчалон Фёдоровникида балиқчи бўлиб ишлаган Эломон ўзи каби минглаб меҳнаткашларни босиб-янчиди турувчи қандайдир баҳайбат кут

мавжудлигини тушуна бошлайды.

Сабрли, беозор йигит инсонни назар-писанд қилмайдиган бу қурилма олдида ожизлигини билса ҳам, унга қарши чиқишига уринади.

Эломон музи эриётган денгизга балиқчиларни ҳайдаб чиқариб, икки кишининг ўлимига сабаб ўлган Фёдоровни темир косов билан уриб ўлдириб қўяди.

Муаллиф эпизолик персонаж Фёдоровни роман сюжети тизимига чор мустамлакачилик қурилмаси намояндаси сифатида олиб кирган.

Фёдоровнинг фикрича, осиёликлар "маданиятсиз, қисиқ кўз ёввойи", ўз навбатида қозоқлар ҳам уни "тентак Шодир" деб атайдилар.

Ж. Рёскин ёзгандай, "халқларни денгиз ёки тил тафовути эмас, нодонлик ва душманона муомала бир-биридан узоқлаштириб юборади"**.

Улуғ миллатчиларга хос нодонлик, ёвуздик Фёдоровни ҳалокатга олиб келади.

Марказий Осиё романчилигининг айрим намуналарида қаттол душманини ўлдириб, интиқом олган қаҳрамон ёки персонажлар образи мавжуд. "Ўткан кунлар"да Отабек, "Қутлуг қон"да Ёрмат, "Қиёмат"да Бўстон мана шундай образлар қаторини ташкил қиласди.

Л. Толстой шундай огоҳлантирган эди: "Агар сен ёвуз ва бағритош одамларга сабр қилмай, шафқатсиз ва тошбагир бўлсанг, ўзинг ҳам улардай бўлиб қолишингни билишинг керак"***.

"Ўткан кунлар"даги Юсуфбек ҳожи душманларини ўлдирган Отабекнинг ишини маъқулламай шундай дейди: "Бизнинг катта-кичигимизнинг... Топган-тутганимиз фақат бош олиш... Биз ўйлаймизки, гўё бош олиш билан олам тинчийдир ва биз ўз хоҳлаганимизни қила оламиз. Тузук... ёмоннинг бошини олмоққа мен ҳам қарши эмасман ва лекин бунинг нозик шартлари бор: аввало манфаати шахсиясидан кечиб, фақат эл баҳти учун бош тикканлар жамоаси зарур. Бу жамоанинг аниқ бир нишонаси бўлмоги зарур. Ана шундан кейин ҳалиги нишонага қараб интилишда оёғ остига олишган чўп-хасларни супира бориш лозим. Мана шундагина тўкилган қонлар ўринли ва машруъ, берилган

* Мысли мудрых людей. Собранны Л. Н. Толстым. М.: Художественная литература, 1990 . С.171.

** Ўша асар. 192 – бет.

бошлар чин қурбон ҳисобланадилар"*. Ҳожи адолатли салтанат қонунлари асосида ёвузликни таг-томири билан йўқотиш тарафдори, акс ҳолда бир-ярим ярамаснинг жонига қасд қилиш "жўн одамлар қаторида одам ўлдириб юриш"дан фарқсиздир.

"Қиёмат" романи қаҳрамони Бўстон манқурт Бозорбойнинг қилмиши туфайли норасида ўғлидан айрилади. "Аламдан кар бўлиб қолган" Бўстон" кўзларини осмонга тикиб, даҳшат билан бақирди:

— Нимага, нимага ахир менга бу жазо?"

Аламзада қаҳрамон "Қон ва тер"даги Эломон, "Қутлуг қон"даги Ёрмат каби интиқом қуролини қўлга олади. "У худди жангта бораётгандай бир даста ўқни миљиқа жойлади, бир дастани чўнтағига солди". У Бозорбойни отиб ташлайди. Бўстон мурда тепасида туриб, "одамларнинг чеҳрасига бир – бир қарапкан, шу дақиқадан эътиборан ўзининг аллақандай чизиқдан ўтганлигини ва ўзини бошқалардан ажратганини англаб етди. Мана энди улар бутунлай бегонасираб қарашарди, мана энди улардан мутлақо айрилди, улар билан ҳаётини боғлаган иплар бари узилди"**.

"Ўткан кунлар", "Қутлуг қон", "Қиёмат" романларида қаҳрамон, персонажларнинг турли шароит, психологик ҳолатларда душмандан ўч олиши тасвирланган. Уларнинг хатти-ҳаракати бадиий, тарихий, психологик жиҳатдан далилланган. Қасос мақсадида "ёмоннинг бошини олмоқ" масаласига муносабатда А. Қодирий, Ойбек, Ч. Айтматов бадиий дунёқарашида ўзаро алоқадорлик, муштараклик сезилиб туради.

Бу муштаракликнинг илдизи тасаввуф адабиётига бориб туташади.

Тасаввуфнинг улкан намояндаси А. Яссавий шундай ёзган:

Золимларга шиква қилма, золим ўзунг,

Ўнг юзингдан урса агар, тут бу юзунг.

Байтнинг маъноси шуки, бир қотиллик бошқасига сабаб бўлади, зулм янги зулмни тутдиради. Бу жараён муттасил давом этиши ва инсониятни ҳалокатга олиб бориши мумкин. Бинобарин, инсон сабрли бўлиши, ўзини маънавий поклаши, эзгу ишлар қилиши керак. Яхши аъмол, яхши хулқ ҳаммага – инсонга, халқка, жамиятга, инсониятга хос бўлса, ёвузликка ўрин қолмайди, у заифлашиб, йўқолиб боради.

Шуро даврида тасаввуф адабиёти, унинг вакиллари, ижоди инкор қилинган. Шунга қарамай, тасаввуф таълимоти унсурлари,

* Қодирий А. Ўтган кунлар. Мехробдан чаён. Тошкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 319-бет.

** Айтматов Ч. Асрга татигулик кун. Қиёмат. Тошкент: F. Фулом номидаг Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 546-бет.

аломатларини бадий адабиёт намуналарида учратса бўлади. Бу адабий ворисийлик, анъанавийликнинг барқарорлигини кўрсатадиган далил. "Қон ва тер" роман-трилогиясида мана шу ворисийликни кўриш мумкин.

Фуқаролар урушида қизил аскарларга қўшилиб қолган Эломон бир жангда ҳандайдир оқ зобит билан тўқнашиб қолади. Зобит унинг бошига қилич билан уриб, қаттиқ ярадор қиласди. Бу одам уша ёвуз Фёдоровнинг ўғли эди. Улар бир-бирларини танимайдилар. Ўғил ўзи билмаган ҳолда ота учун қасос олади.

"Қон ва тер" муаллифи кичик бир эпизод тасвирида мамлакатни ларзага солган, уни вайрон қилган тарихий ҳодиса – фуқаролар уруши моҳиятини аниқ кўрсатишга эришган.

Қасос туйғуси инсонлараро эмас, гурӯҳлараро, синфлараро ихтилофга, мамлакат миқёсидағи урушга сабаб бўляпти, уни жар ёқасига олиб бориб қўйяпти.

Бу факт "Қон ва тер" муаллифи жаҳоннинг илфор, халқчил фалсафий-ахлоқий таълимотлари, хусусан, тасаввуф foялари билан танишилгини ва уларга маълум маънода хайриҳоҳлигини кўрсатиб турибди.

Марказий Осиё адабиётининг йирик эпик шаклида, айниқса, унинг роман-триология кўринишида қадимий фалсафий дунёқараш белгиларининг инъикос топиши романнинг жанрий имкониятининг кенглиги, у ўз ҳудудига энг илфор, энг инсонпарвар қарашларни, таълимотларни қамрашга қодирлигидан далолат беради.

Роман ва қаҳрамон типи, бадий хронотоп, ижодий метод, инсонни тасвирлаш принциплари, умумабадий ворисийлик "Қутлуг қон" ва "Қон ва тер" эпик асарлари сюжетидаги маълум бир ўхшашлик, яқинликка олиб келган.

Рус бойини ўлдирган Эломон қўлга олиниб Сибирга юборилади. у қамоқдан қочиб юртига қайтиб келади. Шу пайтда Туркистонда миллий озодлик ҳаракати – 1916 йил қўзғолони бошланган эди.

Қаҳрамон озодлик ҳаракатига қўшилиб, унинг ташкилотчиларида бирига айланди. Уни яна ушлаб дастлаб қамоқча, кейин фронтдаги ишчи батальонига жўнатадилар.

"Қон ва тер" триологиясининг I – романи "Оқшом" сюжетида мазкур ҳодисалар тасвири "Қутлуг қон" сюжетининг айрим воқеаларига ўхшаб, яқинлашиб кетади.

Инсониятнинг, Туркистоннинг тарихий тараққиёти жарасидаги умумий қонуниятлар, муштаракликлар юқорида айтилған бошқа омиллар билан бирлашиб, икки йирик эпик асар орасидағи ўхшашликка олиб келган.

Ижодкор адабиёт заҳирасида мавжуд сюжет, қаҳрамон,

бадиий тасвир воситаларини асар бадиий қурилиши, образлар тизмаси, концепциясига мослаб қайта ишлайди, натижада сифат жиҳатдан янги, адабий-бадиий жараённинг илфор тамойилларига мувофиқ келадиган асар юзага келади.

"Қон ва тер" мисолида бунга ишонч ҳосил қиласа бўлади.

Романда улкан ижтимоий ҳаракат, тарихнинг ҳал қилувчи ҳодисаси – миллий озодлик қўзғолони омиллари, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари тарихан аниқ, бадиий далилланган ҳолда тасвирангган.

Роман қаҳрамони Ойбекнинг Йўлчиси каби стихияли қўзғолонни уюштиromoқчи, уни тартибга солмоқчи бўлади.

Йўлчи Тошкент исёни пайтида қўзғолончиларни бош ҳоким (генерал-губернатор) маҳкамасига бошлаб боришни, қурол – аслана топиб одамларга тарқатишни ўйлади. Аммо бирдан бошланган, сиёсий дастурга эга бўлмаган қўзғолонни бошқаришнинг иложи йўқ.

Қуролсиз ҳалқ ҳоким маҳкамасига эмас, полиция биносига ҳужум қиласа.

Эломон Йўлчидан фарқли равишда қозоқ даштидаги қўзғолоннинг кичик тармогини маълум даражада бошқаришга, тартибга солишига муваффақ бўлади.

Исёнчилар бўлис (чор маҳкамасининг маҳаллий амалдори) Тангриберганинг отларини тортиб оладилар. Эломон исёнчи йигитларни юзликларга бўлиб чиқади, ҳар бир юзликка тажрибали йигитни бошлиқ қилиб қўяди.

"Аммо яроқ кам"^{*} айрим қўзғолончилар пилта милтиқ, найза, ойболта, кўпчилик сўйил, тўқмоқ билан қуролланиб олган.

Кекса темирчи исёнчилар раҳнамоси Эломонга "нафрат ўтида тобланган, тошни кесадиган" қиличини совға қиласа.

Тошкент исёни йўлбошчиси Йўлчи мустамлакачи казакнинг қиличини тортиб олади ва бу қурол "қуёшда оқ олов каби" ёна бошлайди.

"Қутлуғ қон" ва "Қон ва тер"даги рамз – қилич адабий муштараклик доирасида бирикиб, миллий озодлик учун кураш маъносини кучайтириб, юксалтириб турибди.

Бу каби фактлар умумадабий жараённинг, роман жанри, роман типи ва қаҳрамонининг типологик хусусиятлари билан бирга адабиётлараро ворисийликни, А. Нурпеисовнинг Ойбек ижоди билан таниш бўлгани, бу ижоддан баҳрамандлигидан дарак беради.

Стихияли ҳалқ қўзғолони Туркистоннинг бошқа

* Нурпеисов А. Саргардонлик. Тошкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. 244-бет.

жойларидаги каби қозоқ ўлкасида ҳам мағлубиятта маҳкүм. Чунки ҳайбатли давлат қурилмасини яхши қуролланмай, уюшмай енгиси мүмкін эмас.

А. Нурпеисов тарихнинг аччиқ ҳақиқатини роман бадиий матнида аниқ тасвирилашга эришган. "Хеч ким подшо армиясига боришни истамаса ҳам, овуллардаги норозилик гап-сүз, ҳайқириқдан нари ўтмасди".

Уюшмаган халқ құзғолони бостирилади. Эломонни ушлаб, ишчи батальонига юборадилар. Бу чор Россиясининг мустамлака Туркистандаги охирги тантанаси эди.

Роман матни ижобий персонажлардан бирининг: "Қуёш ҳали бизга юз очади" деган сүzlари билан туталланган.

"Құтлуғ қон" романы "чиқаёттан қуёшни саломлаб" сайраёттан құшлар тасвири билан яқунланган.

"Қон ва тер" ва "Құтлуғ қон" эпик асарларини яна бир рамз – қуёш (озодлик) бирлаштириб, концепциялараро муштараклиқдан дарап береб туради.

Роман-трилогиянинг иккинчи ва учинчи китобларида романнинг жанрий табиати, эпик тасвир имкониятига күра тарихнинг улкан воқеалари – инқилобий жараён, фуқаролар уруши манзаралари ифода топган.

А. Нурпеисов психологияк тасвир устаси сифатида ана шундай катта, фожиавий тарихий ҳодисалар гирдобидаги инсоннинг психологик қолатларини, шахс ва жамият орасидаги алоқадорлик, зиддиятларни акс эттирган.

"Саргардонлик" китобида роман-трилогия етакчи қаҳрамонининг инқилобий тұнтарышлар вақтида йўл танлаш изтироблари, шахсий ҳаётидаги баҳтсизлик қолатлари акс этган.

Февраль воқеаларидан сүңг мардикорлиқдан юртига қайтиб келган Эломон Оқболанинг бойвачча Тангриберганга текканидан хабар топади.

Қаҳрамон ҳаётида асар номига мутаносиб тарзда сарсон – саргардонлик йиллари бошланади.

Эломон "Тинч Дон" роман-эпопеяси қаҳрамони Григорий Мелехов сингари инқилоб оқимига ихтиеридан ташқари, тақдир тақозоси, давр мажбурияты туфайли кириб келади. Уни "синфий кураш тұфонлари, Мюльгаузен сағидаги митингбозлайлар эмас, юрти оханрабодай үзига тортарди... Үша үзи урганған туриш – турмуш, иш, қиялиқдаги балиқчилар ҳамма нарсадан афзал

*Нурпеисов А. Сумерки. – М.: Молодая гвардия, 1966. С. 225.

күринарди унга"**.

Роман воқеа чизифидаги Эломон – Мюльгаузен муносабатлари тасвири адебияттың бадий дүнекарашини англашда маълум роль уйнайди.

Рус аскари, депо ишчиси Мюльгаузен – пролетар ҳаракати раҳбарларидан бири. У улугмиллатчилар ишчи батальонидаги Эломонни калтаклаёттанды, ҳимоя қиласы, кейин эса депога ишга жойлаб құяды. Шунга қарамай, Мюльгаузен Марказий Осиё тарихий-инқилобий романларида тез-тез учраб туралған "ижобий рус" – маҳаллий кишилар "օғаси", уларға "хақ" йұлни күрсатадын шахс образы эмас. У мутаассиб инқилобчи, Эломон кабилар душман синфға қарши курашда иттифоқчи булиш учун керак, холос. Буни роман-трилогияның үчинчи китобида очиқ куриш мүмкін. Мюльгаузен отрядға олишни сұраган Эломонға: "Түя боқишигами? Бизда түя бұлмайди" деб "хазиллашади". Бу шағқатсиз, муроса билмас комиссар учун собық дүсті " бирор нарса үндериш илинжида юрган овулнинг хира қозоқларидан бири".

Романда Мюльгаузен тимсоли асосида 1917 йил октябридан кейин Туркистанда совет ҳокимиятini "ташкыл этган" рус большевик – инқилобчилари турады. Улар, үлкәдеги туб ақолининг ижтимои-сиеый онғы қолоқ, уларни давлат ишларига жалб этиб бұлмайды, бинобарин, ҳукumat маҳкамаларида фақат славянлар хизмат қилиши лозим, деган қараашларни күтариб чиққанлар ва бу ақидани амалға тадбиқ ҳам этгандар.

Романнавис Мюльгаузенниң психологик дүнесини, ҳаракатини бosh қаҳрамон мушоҳадаси, хотиралари, кузатышлари, баҳоси орқали очиб борган, шу бадий усул ёрдамида асар сюжет тизимиға киритилған персонаж қарастырылады. Бундай бадий усул роман сюжет тизимиға кирган эпизодик образ – Селиванов тасвирида ҳам құлланған.

Эломон шуро маҳкамасыга борганды, иккى қозоқни күради. "Уларни бошлиқ олдига киргазышмаган". Маълум булишича, янги ҳукumat вакиллари уларнинг бозорға соттеги олиб келген отларини зүрлиқ билан тортиб олишганды. "Бозор хұжайынлари саводсиз овул қозоқларидан доим бир айб топиб туришаади. Мана, келишганига бир неча күн бұлибди-ю, ҳали ҳам молларни сотишига рухсат беришмас экан"**. Роман қаҳрамони совдең раиси – "фуқаролар ҳокимияти" вакили Селиванов қабулиға кириб,

* Нурпеисов А. Саргардонлик. Тошкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. 131-бет.

**Нурпеисов А. Ҳалокат. Тошкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 35-бет.

воқеани түшунтиради. Аммо ундан "иложим йўқ, азизим" деган жавобни эшитади, холос.

Майдонда, "жўшқин нутқ сўзлаб, кўп сонли оломонда янгича фикр, янги туйғулар уйғота билган...", ишчилар орасида маъруза ўқиб, "уларни ўзига ром қилиб олган" инқилобчи маҳкамада бутунлай ўзгарган. "Бир қарасанг, ўзингнинг отбоқар йигитларингдай содда ва хушчақчақ. Кечаги узини тутиши қанчалик табиий туюлган бўлса, бугунги муомаласи ҳам ушандай табиий". Чоризмга, самодержавиега мухолифатда бўлган, мустабид давлат иллатларини танқид қилган инқилоб "доҳийлари" қайтадан қурилаётган тузумда янги тураларга айландилар. Улар амалда чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини, халқ устидан ҳукмронлигини давом эттирганлар.

"Қон ва тер"даги Фёдоров – Иван Курносий – Мюльгаузен – Селиванов образлари бир силсила бирлашиб мустабид, мустамлакачи Россиянинг даҳшатли, қаттол қиёфасининг бир бутун, шаклланган манзарасини юзага келтирган. Фёдоров – бой, савдогар, Иван – югурдак, гумашта, Мюльгаузен – ишчи, инқилобчи, Селиванов – шўро амалдори. Бу бадиий тимсоллар турли ижтимоий табақа ва синфларга мансуб. Бундан қатъий назар, улар бир мақсад – бошқа халқларни итоатда сақлаш ва улар устидан ҳукм юритиш масаласида бирдирлар. Мустамлакачи – мустабид шахсларнинг бу хил образларини яратиш ўша, 60 – йиллар нуқтаи назаридан олиб қаралса жасорат эди.

Шу тариқа роман бадиий хронотопига олиб кирилган йирик тарихий воқеалар, уларнинг иштирокчилари, раҳнамолари бош қаҳрамон атрофига йигилади, унинг ички – қалб дунёсида акс этади. Қаҳрамон тарихий даврнинг шоҳиди, иштирокчисига айланиб боради.

"Қон ва тер" бадиий структураси, сюжет тизимида Эломоннинг хотини, "гўзал, мағрур" жувон – Оқбола образи маълум ўрин эгалланган.

Оқбола образи тасвирида ҳам психологияк таҳлил амал қиласди. Унинг мураккаб, ҳиссиятларга тўлиб-тошган зиддиятили руҳий олами анча чуқур, бадиий психологик далилланган ҳолда тадқиқ этилган.

Оқбола Марказий Осиё романыда янги типдаги аёл образидир. Унинг генетик – шажаравий илдизларини қозоқ миллий замини билан бирга Fарб (француз, рус) эпик адабиётларидан ҳам излаш керакка ухшайди.

Стендалнинг "Қизил ва қора", Л. Толстойнинг "Анна Каренина" романларида де Реналь хоним, Анна билан Оқболани маълум маънода боғлаб турган айрим типологик, генетик – шажаравий аломатлар, хусусиятлар мавжуд.

Де Реналь, Анна Каренина – киборлар жамиятида анча юксак мавқега эга аёллар. Үлар моддий жиҳатдан таъминланган, бадавлат, ҳукмфармо эрлари бор.

Оқбода фақирона бир кулбада яшайды, зри камбағал балиқчи.

Бу тафовутга қарамай, уч аёлни бир-бирига боғлаб турадиган муштарақ бир хусусият бор.

Инсонни, унинг эркини бўғиб-янчиду турувчи жамиятнинг, муҳитнинг қолоқ, жаҳолатга тўла урф-одатлари, психологияси, ақидалари бу қаҳрамонлар қалбидаги шиддатли норозилик туйгуларини шакллантириб боради.

Улардаги Исён ҳиссияти ҳаётдан, оиладан четда "муҳаббат излаш" шаклида намоён бўлади.

Л. Толстой "Анна Каренина" романига "Инжил"даги "Уларнинг қасослари менинг зиммамда, жазоларини ўзим беражакман" деган сўзларни эпиграф қилиб олган. Улуғ адаб қаҳрамони Аннанинг турмушдаги бадбахтлигини, чинакам севгига муҳтожлигини теран психологик таҳлил давомида, ёрқин эпик манзараларда кўрсатган.

Анна муҳаббатсиз оила муҳити, инсон туйгуларига бефарқ киборлар жамиятини тарк этади. Аммо уни ҳамма жойда ўша муҳит ва жамиятнинг ҳукми – кинояси, салбий баҳолари, антипатияси қаршилайди.

Л. Толстой ижодий йўли давомида "Инжил" асосида юзага келган "тасвиrlа, ҳикоя қил, аммо ҳукм чиқарма" деган ҳикматга риоя қилган.

У "Анна Каренина" романи қаҳрамони образи тасвирида ҳам шу қараашга асосланади. Муҳаббат, эркка ташна аёлнинг руҳий олами, ҳиссиятлари, муҳаббати, таҳликали мулоҳазалари улкан адаб томонидан холис тасвиirlанган.

Л. Толстой инсонни, қаҳрамонни эмас, унинг руҳи, шахсини емирувчи, ҳалок қиуловчи иллатни қоралайди, унинг генетик-психологик илдизларини очиб беради.

Аннанинг Вронскийга муҳаббати "худбинона эҳтирос"га айланиб боради. Шу эҳтирос туфайли у оилани, севиксиз эринигина эмас, азиз фарзандини ҳам ташлаб кетади.

Л. Толстойнинг умуминсоний тафаккур, христиан таълимоти негизида шаклланган фалсафий-бадиий дунёқарашига кўра аёл оила ичидаги тирик, оила муҳитида муқаддасдир.

Табиий илдизларидан оиласи ва ўғлидан узоқлашган Аннани "худбинона эҳтирос" ўз домига торта бошлайди. Ва ниҳоят "гоҳ умид, гоҳ умидсизлик эски оғриқларини жароҳатлаган, ҳилвириб қолган юрагининг яралари"га дош бера олмаган қаҳрамон "безовта қилаётган нарсалардан қутулиш, ҳаётни азобу уқубатдан

иборат қилиб қўймайдиган бирор чора" сифатида ўлимни танлайди: узини юриб келаётган поезд остига ташлаб ҳалок бўлади.

"Қон ва тер" роман-трилогияси персонажи Оқболанинг оиласи ҳаёти, тақдири, фожиасида Анна Каренинага маълум маънода яқин, ухшаш жиҳатлар мавжуд.

Оқбона Эломонга ўз ихтиёри билан эмас, ота – онасининг хоҳиши билан теккан, эри ёш, садоқатли, меҳнатсевар бўлишига қарамай, уни севмайди. Охир-оқибат у оиласини ташлаб, қизлигидан кўнгил қўйган одами – бойвачча Тангриберган хонадонига қочиб кетади.

"Худбинона эҳтирос" Анна сингари Оқбона шахсини ҳам ҳалок этади.

Худбин Тангриберган хонадонида у адашганини, хато йўлга кирганини аста – сёкин тушуниб олади.

Вафодор эр, ота-она, фарзанл мөҳридан мосуво бўлиб қолган жувон психологияси, маънавий-ахлоқий таназзули роман матнида анча чуқур, бадиий далилланган ҳолда таҳлил этилган.

Тўғри, Оқбона Анна сингари ўзини ўлдирмайди, аммо ҳаётининг устивор таянчларидан айрилган жувон "тирик мурда"га айланган, у қолган умрини шарпа каби беҳис, лоқайд ўтказа бошлади.

"Анна Каренина" романидаги Анна ва "Қон ва тер" роман – трилогиясидаги Оқбона турли тарихий давр, ижтимоий мұхит фарзандлари. Бинобарин, уларнинг характеристи, тақдири, фожиасидаги ўхшашлик илдизларини даврнинг ўхшаш хусусиятларидан эмас, романнавис(Л. Толстой, А. Нурпесов)ларнинг ҳаётни, инсонни тасвиirlаш принциплари муштараклигидан излаш керак бўлади.

Л. Толстой Анна шахси ва ҳаракатини умуминсоний ва диний-ахлоқий қонунлар асосида баҳоланганди. Улуғ ёзувчи тасвирида оила – муқаддас ва бузилмас, табиий мұхит. Уни бузиш инсонни албатта ҳалокатга олиб боради. Роман эпиграфидаги: "Уларнинг гуноҳлари менинг зиммамда, жазоларини ўзим беражакман" деган ҳикмат фақат Аннага эмас, оила бутунлигига у ёки бу даражада путур етказувчи ҳар бир персонаж – Вронский, Каренин, Облонский, Петси кабиларга ҳам таалмукли.

Оила муқаддаслиги фояси, оиласа муштарак қараш "Анна Каренина" ва "Қон ва тер" эпик асарларини бир-бирига боғлаган.

Шундай қилиб, жаҳон эпик адабиёти романчилик амалиётининг умумтиологик қонуниятлари, инсонни бадиий тасвиirlаш усуллари тарихий-адабий жараённинг бир-биридан анча узоқда бўлган босқичларини, турлича бадиий хронотопларни ўз оламига жо қилган романларни ўзаро яқинлаштирган,

адабиётлараро ворисийликни юзага келтирган.

Бош қаҳрамоннинг роман-трилогия бадиий структураси, сюжет ҳудудидаги марказий ўрни, иштироки асарда тасвириланган барча етакчи воқеаларни, персонажларни ўзаро туташтиради, бу эса даврнинг, жамиятнинг, мамлакатнинг эпик жиҳатдан яхлит, бадиий шаклланган манзарасини юзага келтиришга имкон берган.

Муаллиф роман бадиий матнига янги бир оилани ҳам ана шу тариқа – бош қаҳрамон иштироки орқали олиб кирган.

Миршаблар қаҳратон қиши оқшомида рус бойини ўлдиргани учун қўлга олинган Эломонни ва унинг укаси Райни қамоқхонага элтмоқда эдилар. Кун совуқ ва кеч бўлганидан, улар йўл ёқасидаги уйга тунагани кирадилар. Қўли боғлиқ маҳбуслар эса ташқарида, чанада қолдирилади.

"Чақирилмаган меҳмон"лар нигоҳи, баҳолари, ички мулоҳазалари, кечинмалари орқали роман-трилогия сюжет ривожи, эпик кўламдорлигини маълум даражада тайин этган оила аъзолари суврати, сажиаси, психологияси очила бошлайди.

Қашшоқлашган чорвадор Тилов, унинг бир – бирига суратда ҳам, сийратда ўхшамаган икки хотини – Кенжакей ва Болжон, укаси Қалов, синглиси Айғанша, қари касалмаңд онаси ва гўдаклар. Адид бу оила тасвирида жамиятдаги бутун бир ижтимоий қатламнинг етакчи хусусиятларини бадиий мужассамлаштиришга муваффақ бўлган. Мазкур хонадонда миллий-тарихий анъаналар мажмуи, халқона донолик (кампир), муҳаббат ва ёшлик (Айғанша), беҳаёлик (Болжон), мутелик ва ҳасрат (Кенжекей), ишёқмаслик ва лоқайдлик (Тилав), текинхўрлик ва сурбетлик (Қалов) мавжуд. Турли-туман, ўзаро зид одат, хусусиятлар бир оила ҳудудида йиғилган, ўзаро муомала-муносабатлар, турли психологик ҳолатлар, ўзига хос, такрорланмас характеристларнинг ягона бадиий гуруҳи вужудга келтирилган.

Нурпеисов тасвиридаги кампир – эзгулик, имон ва оила барқарорлиги тимсоли. У роман бадиий сюжетида ҳукмфармо, дагал, шу билан бирга, адолатли, тўғрисуз аёл тарзида гавдаланган. Кампир ана шу хусусиятлари билан "Ўткан кунлар" романидаги Ўзбек ойим образини эслатиб турди.

Роман муаллифи бу персонаж характеристи асосини ташкил этган инсонпарварлик, халқчилликни аниқ психологик ҳолатларда беришга эришган. Кампир бечора маҳбусларни совуққа ташлаб келган амалдор ва миршабларни жеркиб беради, уларни ичкарига – иссиқ уйга олиб келишларини буюради. "Обрўли", мавқели "меҳмон"лар учун эмас, кишанбанд Эломон ва укасига атаб қўй сўйдидиради.

Қозоқ, умуман олганда, туркий халқларга хос адолатпарварлик, меҳмондўстлик, бағри кенглик кекса аёл

образида тарихан аниң, бадий таъсирчан ифодаланган.

Роман-трилогияда қозоқ кексалари образи алоҳида эҳтиром ва муҳаббат түйгуси билан яратилган. Бу ҳодисанинг ўзига хос сабаблари бор. Асар яратилган йилларда мамлакатда, жумладан, Туркистан жумхуриятларида мозий қадриялари, қадимги обидалар поймол этилаётган, ёш авлод диний-маънавий урф-одатлардан узоқлашаётган, манқуртлашмоқда эди.

Чингиз Айтматов ўз суҳбатларида бирида замонавий ёшларга ҳавас қымаслиги, улар билан бир даврада бўлишдан завқланмаслигини айтган. А. Нурпесов ҳалқичил, инсонпарвар санъаткор сифатида ҳалқ орасида тарқалаётган салбий одат, тамойиллар ҳақида фикр юритар экан, уларнинг илдизларини очиб боришга уринган. Романнавис ҳалқни муқаддас урф-одатлардан маҳрум этилишининг оқибатларини маълум рамз, образлар воситасида кўрсатиб боришга эришган.

Роман-трилогиядаги қария персонажлар – кампир, мўйсафид Суев, Эломоннинг амакиси Эсбул – қадимий имон-эътиқодни ўз шахсларида мужассамлаштирган "сўнгги могикан"лар. Кейинги авлод вакилларида, ҳатто бош қаҳрамон Эломонда ҳам уларга хос эътиқод бутунлиги етишмайди. Бу давр фожиаси, мустамлака юрт бошига тушган тенгсиз фалокат нишонаси.

Масалага кенгроқ қаралса, Марказий Осиё адабиётларида чор босқини ва мустамлака сиёсатини акс эттирган эпик асарларда кексалар образи мукаммал имон рамзи тарзида яратилган. "Ўткан кунлар"да Юсуфбек ҳожи, "Қутлугқон"да Шокир ота, "Қорақалпоқ достони"да Мурод шайх ана шундай образлар силсиласини ташкил қиласди.

Роман-трилогия бош бадий концепцияси Тилов оиласининг яна бир аъзоси – муштишар, эзилган жувон Кенжекей руҳий дунёси, тақдиди, фожиалари маълум бир ўрин эгаллаган.

Кенжекей – Тиловнинг катта хотини, "серқичиқ, ишвакор" Болжоннинг кундоши. Оқбадан, келишган, шу билан бирга, тортинчоқ, андишали аёл. Табиатан нозик, гўззаликни, яхшиликни тушуниб, ҳис эта олади.

Сажиаси, ҳаракати, қилиқлари "Ўткан кунлар"даги маккора, золима Хушрўйга ухшаб кетадиган кундоши Кенжекейнинг "бўш"лигидан фойдаланиб, бефаҳм, ҳиссиётдан маҳрум эрни ўзига қаратиб олган. Рўзгорнинг жамики оғир, қора юмушлари бечора жувонга ташлаб қўйилади.

Муаллиф бешафқат, бегона муҳит қурбони бўлган аёлнинг руҳий ҳолатларини, ҳаётга, дунёга қарашларини чуқур психологик таҳлил асосида ёритган. Буни қўйидаги бадий лавҳа (эпизод) тасвирида ҳам кўриш мумкин. Болжон билан Тилов Кенжекейни

уриб-сүкиб чүлдаги кудуқдан сув келтиришга юборадилар.

Муштипар хотин "туяга миниб уни чұлға ҳайдаб кетди. У аламига қидамай, түяни савалар, күзига қуиылиб келәттан ёшдан, адолатсизлик түйгүсидан күкрак қафаси қисилиб, әнтикиб – әнтикиб нафас оларди"*. Асарада инсон за түя тақдиди, фожиаси бир-бирига мутаносиб, ёнма-ён тасвиrlанган. Ота-она томонидан қизнинг сепига құшиб берилған жонивор бир вақтлар "үсиқ жунли, чиройли, келишган түя" эди. Ҳаёт бечора бу жониворни аёвсиз жазолаган. "Кенжекей түясига қараб туриб иккалаларининг ҳам ҳаётда баҳтсиз эканликларини үйлаб ачиниб кетди... Түя шу қадар ҳолдан тойиб, бир ҳолатда қолған әдіки, үнга қараб туриб, кишининг раҳми келиб кетарди".

Жувон жониворга ачиниб қараб турар экан, үзининг бадбахтлигини үйлади.

Бетоле аёл. Хурланган жонивор. Роман тагматнида бу тақдирлар бирлашади, табиат ва жамиятнинг құшилиб-бирикиб кетган аянчли, фожиавий манзарасини қосыл этади.

Йигирманчи аср Марказий Осиё романнинг яна бир намунасида инсон за түя тақдидида ана шундай мутаносиблик ифода топған. Ч. Айтматов қаламига мәлсүб "Асрға татигулик күн" ("Бүрөнли құналға")нинг қаҳрамони қисмати нортуга ҳамоханг, ёндош тасвиrlанган.

Ч. Айтматов ижодида 60-йилдардан бошлаб инсон ҳаётида ҳайвонот олами вакилларининг үрни, ақамияти катта үрин ола бошлайди. "Алвидо, Гулсари"да йўрга от – Гулсари, "Оқ кема"да – шоҳдор она Буғу, "Бүрөнли құналға"да түя – Қоранор, "Қиёмат"да бүрилар – Акбара ва Тошчайнар тимсоллари орқали адид табиат мувозанатида, инсон ҳаётида ҳайвонот оламининг үрни бекиес эканини катта санъаткорона маҳорат билан күрсаттын. Атоқли адид тасвиридаги бу жониворлар тил-забонсиз маҳлуклар эмас, улар аввало тирик жон, табиат фарзанди, инсон сингари эъзоз за қадрга лойиқ. Бу жонзотлар тимсолини кузата туриб жағон сүз санъатида муайян анъанавий силсила мавжудлигини сезиш мумкин.

Жек Лондоннинг "Озиқ тиш" қиссасидаги бури-ит, А. Нурпесовнинг "Қон ва тер" трилогиясидаги мalla түя, Ч. Айтматовнинг "Бүрөнли құналға" романнаги құдратли Қоранор инсониятнинг бадий тафаккури тадрижидаги давомлилік, генетик-алоқавий ворисийлікка мисол бұла олади.

*Нурпесов А. Сумерки. – М.: Молодая гвардия, 1966. С. 98.

"Қон ва тер"даги малла тая ва "Бүронли құналға"даги Қоранор тимсолларида бадий муштараклик мавжуд. Бу жониворлар зулм, тобеликка қарши исөн қыладилар. "Үзининг ўжарлиги туфайли малла тая озмунча азоб чекдими? Тилов ва Қалов уни озмунча савалашдими?" ("Қон ва тер"). Қоранор ҳам "норлиги туттан" қаҳратон палласи құтурғандай эгасига бүйсунмай құяды. Аммо ҳайвоннинг түгма майллари, истак-хөдишлари инсон жамиятiga мувофиқ әмас. "Бүронли құналға" қаҳрамони Эдигей Оқ Мўйноққа қочиб бориб, қаймалчалар орасида юрган Қоранорни жиловлар экан, таянинг "огриқ" азобида хонасидан чиқаёзган даҳшатли кўзларида... худди кўзгуда кўргандай ўз аксини кўриб қолди ва ўз важоҳатидан ўзи чўчиб кетди... Ҳеч гуноҳсиз жониворни мунчалар қийнаганига ачинди ва бу ишларнинг ҳаммасидан воз кечиб боши оқсан томонга кеттиси келди. Лекин шу ондаёт ўйланиб қолди... Оқ Мўйноқдаги одамлар таяни отиб ташлашларини куз олдига келтириди".

Ҳайбатли Қоранорни жабдуқлаган Эдигейнинг ўзи ҳам жамият, муҳит ва давр тизгинида. У севикли аёл – Зарифанинг васлига эриша олмайди, ижтимоий адолатсизлик жиловидан чиқишига имкон топа билмайди.

Ч. Айтматов романидаги эпизодик персонаж Зарифа эри турмада вафот эттак, меҳрибон, оққўнгил инсон мадади, ҳимоясига эҳтиёж сезади. Унга шундай оғир кунларда Эдигей кумак бериб, маҳзун дилига юпанч бўлишга уринади. Қалбида муҳаббат туйғуси пайдо бўлаётганини пайқаган аёл ташвишга тушади, мавжуд ахлоқ мезонларини, бироннинг оиласини бузмаслик учун Сариузак даштини ташлаб, гўдаклари билан боши оқсан томонга боп олиб кетади.

Оқ Мўйноқдан қайтиб, бу воқеани эшитган қаҳрамон қаймалчалардан ажратилган нортуюдан ҳам оғирроқ аҳволга тушади. "У хона ўртасида, муздек печка олдида нима қиласини билмай, ичдан қайнаб чиқаёттан аламини босолмай тик туриб қолди... Сунг деворга бурилиб, юзларини муздек тахталарга суйкай-суйкай ҳўнграб йиглаб юборди".

Айрилиқ тая ва инсон тақдирини бирлаштиради. Чексиз коинот тубидаги кўҳна заминда икки жонзот – Эдигей Бўрон ва Қоранор Бўрон бирдек мусибат чекадилар, юракларини бушатишга ҳамдард топа билмайдилар.

Умумин олганда, Айтматовнинг кейинги романлари, айниқса, "Қиёмат"да тил-забонсиз маҳлуқларни инсон билан бир қаторда кўриш, уларнинг яшаш-туриши, мақсад-ўйлари одамницидан кам эмаслигини кўрсатиш тамойили кучлилигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Адаб ер юзидағи ҳамма жонзот – құшми, ҳайвонми, инсонми – тенг ва биродар экани, агар улар

орасидаги алоқа ва мутаносиблик бузилса, катта фожиалар юз бериши, чинакам қиёмат-қойим бўлишини қалбининг энг чуқур қатламларидаи савқи табиий билан ҳис эта олган ва бу мулоҳазаларни катта маҳорат, умуминсоний дард билан асарлари қатига кўчирган.

"Қиёмат" романида инсон тошбагирлиги, очкӯзлиги туфайли уч марта наслидан айрилган Акбара ва Тошчайнарлар фожиаси ўз-ўзича қолиб кетмайди, кўп ўтмай бу даҳшатнинг натижаси кишилар тақдирига ҳам кўчади. Чўпон Бўстон ҳам ўз ўғлидан жудо бўлади: она бўрига отилган ўқ унинг елкасидағи гўдакнинг нақ юрагига санчилади. Зеро бўри ҳам, одам ҳам табиатнинг бўлаклари, улар бир-бири билан ажралмас ришталар ила боғланган, улардан бирини қолдириб, бошқасини йўқ қилиб юбориш асло мумкин эмас.

Марказий Осиё адабиётлари, фольклори қадим замонлардан халқлар, мамлакатлар, давлатлар, уруғ-қабилалар, қавмлар орасида яқинлик, дўстлик муносабатларини яхшилашга даъват қилиб келган. Бу сўз санъатининг халқчил, инсонпарвар моҳиятидан келиб чиқади.

Инсонлараро, халқлараро дўстлик тасвири — жаҳон адабиёти учун ҳам, унинг таркибий қисми бўлган Марказий Осиё "адабий бирликлари" учун ҳам муштарак хусусият.

Йигирманчи асрда Марказий Осиёдаги "туркий тил гуруҳи" ва тожик адабиётларида халқлар, миллатлар дўстлиги идеали ўз аксини топди.

Бироқ шўро даври адабиётида халқлар дўстлиги масалалари кўпинча бир ёқлама, сиёсий тузум принципларига асосан талқин этилган. Бу ҳодисани "Қорақалпоқ достони" роман-трилогияси таҳлилида кўриб чиқсан эдик.

"Қон ва тер"даги комиссар Дъяков образи ижтимоий тузум, шўро мафкураси таъсирида эмас, адабиётнинг типологик, инсонпарварлик принциплари анъаналари асосида юзага келган. Дъяков сохта foяларнинг йигиндиси эмас, у табиий инсон, тирик жон сифатида яратилган.

Роман-трилогиянинг айрим бўлакларида эпизодик персонаж сифатида иштирок этиб, тирик бадиий шаклнинг эпик кўламдорлигини таъминлаган образлардан бири Дъяков шахсида адолатпарвар инсонларнинг энг яхши, устивор хусусиятлари умумлашган.

А. Нурпеисов "оқлар" ҳаракатининг иштирокчилари генерал Чернов, ротмистр Рошал тимсоллари тасвири орқали тарих ҳақиқатини бадиий гавдалантириш, уларнинг инсон, шахс сифатидаги психологияси, ҳаракати, руҳий-маънавий оқими, фожиаларини очиб беришга интилган. Шу жиҳатдан роман

йигирманчи аср адабиётининг етук намунаси "Тинч Дон" роман – эпопеясига яқин. Ижодкор ўзаро қарама-қарши тарафларни тасвиirlар экан, уларда аввало инсонни кўришга эътибор қиласди, файриинсоний ҳаракатлар ким томонидан содир этилмасин, уни албатта қоралайди. Бинобарин, роман синфий-мафкуравий қобиқни ёриб чиқиб умуминсоний, халқчил руҳ касб этган.

"Тинч Дон" роман-эпопеясидаги инсонни тасвиirlашнинг бадиий-эстетик усуслари А. Нурпеисов эпик ижодига самарали таъсир ўтказган. Қозоқ адаби мураккаб даврнинг чигал, фожиавий босқичини шолоховона эпик теранлиқда беришга интилган. Ижтимоий табақа ва синфларнинг миллий ўзига хослиги ва улар орасидаги фарқли жиҳатлар, маълум гурухларнинг дунёқараси, тафаккур тарзи "Қон ва тер"да ишонарли, табиий ифода топган. "Қон ва тер" муаллифи М. Шолохов каби ҳоким гуруҳ вакиларини ортиқча салбийлаштирмайди, уларни ўзлигича, тарих, ҳаёт ҳақиқатига асосланиб тасвиirlайди.

Таҳлил жараённанда кўриб ўтилганидай, "Қон ва тер" роман – трилогиясида жаҳон, хусусан, Марказий Осиё романларига хос шажаравий-типологик хусусиятларни, бадиий ворисийлик тажрибалари тажассумини куриш мумкин. Бу романлардаги ворисий ва типологик муштарақликлар бадиий мундарижга, психологизм, сюжет қурилиши, жанр қурилмаси ва бадиий услугуб кабиларда, маълум тарихий тараққиёт тафовутларидан келиб чиқсан фарқлар билан намоён бўлган.

IV бобга оид ҳолосалар:

1. Адабий-бадиий жараённинг тараққиёти, унинг жаҳон миллий адабиётларидаги анъанавий ва замонавий адабий-бадиий тажриба, ютуқлар билан бойиб, такомиллашиб бориши тарихий романчилиқда янги бадиий-поэтик шаклларнинг таркиб топиши, ривожланишига имкон яратди.

Мана шундай эҳтиёж ва зарурият маҳсули сифатида Марказий Осиё эпик адабиётларида силсилавий роман шакллари юзага кела бошлади.

2. Романда мозий ҳақиқатининг реализм ижодий методининг тарихийлик (историзм) принциплари, мезонлари асосида ифодаланиши адабнинг ижодкорлик маҳорати, тарихий манбаларни чуқур, жиҳдий ўрганиши билан бирга даврнинг ҳукмронғоялари, мафкураси, дунёқараси, таълимотлари билан ҳам боғлиқ. Шуро даври миллий адабиётларига зўрма-зўраки тиқиширилган синфийлик, партиявийлик, «социалистик реализм» ақидалари йўл-йўриқлари бадиий матн структураси, унинг ички алоқа-муносабатлари, яхлитлиги, реализм адабиётининг асосий

мезони – тарихийликка ўз салбий таъсирини үтказди. Бундай таъсирини «Қорақалпоқ достони» роман-трилогияси бадий оламида ҳам күриш мумкин.

3. Ҳукмрон тузум мафкураси, таълимотларининг кучли босими, тазигига қарамай миллий адабиётларда янги романчилик мактаби анъаналарини ўзлаштириш, Шарқу Farb сўз санъатларидағи илфор тажрибаларини ижодий-бадий қайта ишланган ҳолда қабул қилиш жараёни, ҳаракатлари давом этди. Бу ҳодиса муайян даражада «Қорақалпоқ достони»да, хусусан, «Қон ва тер» роман-трилогиясида күринган.

Йигирманчи асрнинг 60-80-йилларидағи тарихий романчиликнинг яхши намуналари, шу жумладан, А.Нурпейсовнинг «Қон ва тер» роман-трилогияси бадий матни ўзининг кенг ва серқирра майдонига жаҳон бадий меросининг бадий-эстетик принципларини миллий адабиётларнинг ўзига хос хусусиятлари билан омухталаштириб, Шарқу Farb бадий синкетизми (уйғунлиги)нинг янгича шакл ва күринишларини юзага келтирган.

Х У Л О С А

Тарихий-адабий бирлик сифатидаги миллий адабиёт үзига хос хусусиятлар, алломатларга эга бўлгани ҳолда умумжаҳон бадиий жараёни билан жисп боғланган. Унда жаҳон адабиётидаги муштарак қонуниятлар, тамойиллар, принциплар мавжуд бўлади.

Ҳар бир миллий адабиёт адабий анъаналарнинг ва янгиликларнинг синкетизми сифатида шаклланади, ҳаракат қиласи.

Айрим (миллий) адабиётлар этник, лисоний, давлат, маъмурий, жуғрофий, сиёсий-мағкуравий омиллар асосида муайян гурӯжларни ташкил этиб келган. Жаҳон адабиёти, яхлит адабиётлараро муштаракликнинг асосий таркибий қисмлари бўлган бундай гурӯжлар тарихий категориялар бўлиб, улар вақт ўтиши билан үзгариши, бошқа – янги гурӯжнинг доирасига кириши мумкин. Йигирманчи асрнинг иқтисодий, сиёсий-ҳарбий, маданий-маъмурий, адабий бадиий сингари кўп тармоқли, мураккаб муносабатлари, алоқалари, зиддиятлари, анъаналари, янгиликларини ўз бадиий структурасида мужассамлаштирган Марказий Осиё адабиётлараро муштараклиги янги тарихий даврнинг, жаҳон бадиий жараёнининг үзига хос шакли сифатида бунёд бўла бошлади. Бу адабиётлараро муштаракликнинг синкетик бадиий қўрилмасида ҳам анъанавий (турк, араб - форс), ҳам янги (европача) бадиий унсурлар мажмуасининг уйғун(синтез)лашган хусусиятлари, қонуниятлари тажассум бўлди. Янгича Шарқу Farb бадиий тажрибаларининг қўшилмасидан ҳосил бўлган адабиётлараро муштаракликларнинг маҳсули бўлган Марказий Осиё тарихий романчилигига адабий ворисийликнинг мураккаб жараёнини, адабиётлараро алоқалар- боғланишларнинг турли шаклларини, адабиётлараро жараённинг пировард категорияси ҳисобланган жаҳон адабиётининг умумлашма, синкетик тамойилларини кўриш мумкин. Бадиий тафаккурнинг етакчи хусусиятларини, белгиларини, жанрий шаклларини ўз ҳудудига қамраб олган, шу билан бир қаторда, алоқида, хос алломатларга эга бўлган тарихий романчилик диалектикаси умужаҳон миқёсида кечган тарихий-адабий оқимлар, йўналишлар билан чамбарчас боғлиқ. Шарқ (турк, араб, ҳинд, форс - тожик) фольклорларининг жанрлари, қаҳрамони, қаҳрамон типи, сюжет композицион асослари, тасвирлаш усуллари, воситалари, принциплари, кўламдор бадиий мундарижаси Марказий Осиё тарихий адабиёти таркибига кирган тарихий-адабий бирликларга турли даражада ўз таъсирини ўтказган ва ўтказиб келмоқда.

А. Н. Веселовский, В. М. Жирмунский Шарқ ва Farb фольклорида қадимдан сюжет, баён мотивлари, қаҳрамон типидаги

ўхшашликлар, параллеллар мавжудлиги ҳақида ёзганлар. Бундай ўхшашликлар, параллеллар муштарак тарихий, иқтисодий муносабатлар, дунёқараш, психологик ҳолатлар, ижтимоий ҳаётнинг ўзаро яқин шароитидан келиб чиқсан типологик хусусиятлар билангина эмас, айрим халқлар оғзаки ижоди орасидаги генетик - шажараий боғланишлар, алоқалар билан ҳам изоҳланади.

Фольклор Марказий Осиё адабиётлараро муштараклигини юзага келтирувчи асосий омиллардан бири сифатида бадиий ҳудуддаги айрим (миллий) адабиётларни тарихий-генетик, типологик жиҳатдан ўзаро боғлаши, бирлаштириши билан бирга уларни жаҳон адабий-бадиий жараёнига туташтириб, жипслаштириб туради. Халқ оғзаки ижодининг бевосита ва билвосита (мумтоз адабиёт орқали) таъсири йигирманчи асрдаги Марказий Осиё адабиётлариаро муштараклигининг барча тарихий-адабий бирликларига мансуб эпик адабиёт жанрларида зухур топган. Шунингдек, турк ("Алномиш", "Манас", "Гүрӯғли", "Китоби Кўркуд"), турк форс (Рустам, Хусрав), ҳинд ("Маҳобхорат", "Рамаяна") қаҳрамонлик эпослари, халқ эртаклари, эпик ривоятлар, афсоналар, бадиий образлар, шаклланган ёзма эпик анъаналар, бадиий тажрибалар янги адабиётлараро муштараклик шаклининг барпо бўлиши, таркиб топишига ўз улушкини қўшди.

Европача эпик, драматик жанрлар, шакллар, уларнинг сюжет, композицион қурилишлари янгидан юзага келаётган Марказий Осиё адабиётлараро муштараклиги доирасига кириб келар экан, тарихий-адабий бирликлар мажмуасининг кўп асрлар давомида шаклланиб бўлган бадиий қурилмалари, усуллари, тасвир воситалари билан мураккаб муносабатларга киришди, зиддиятлар, тўқнашувлардан холи бўлмаган бундай кўп қиррали, кўламдор алоқабирлашувлар жараёни жаҳон адабий-бадиий тафаккури тарихида феномен ҳодиса бўлган янги Шарқ – Европа адабиётлариаро боғланишларининг ўзига хос шаклларини юзага келтириди.

Бундай синтезлашиш янгича бадиий онгниг ҳам шакл, ҳам мундарижа, ҳам мазмун оламида намоён бўла бошлади.

Шарқ-Фарб адабий муносабатлари, таъсирлари, бирикиш, бирлашиш ҳаракатини бадиий жанрлар орасида мумтоз ўринни эгаллаб олган роман шаклининг бадиий намуналарида, айниқса, аниқ кўриш мумкин.

"Замона эпоси", "қирғоқсиз уммон", "эркин шакл" бўлган Марказий Осиё романи – янги типдаги адабиётлараро жараённинг асосий маҳсули, Шарқу Farb эпик тафаккурининг синтези, адабий тажриба ва янгиликларининг синкретизми сифатида юзага келди.

"Фаол кўп тилли оламнинг маданий-адабий-ижодий

тафаккури зуҳуроти" (М. Бахтин) сифатида бунёд бўлган бу роман Фарб - Шарқ бадиий-поэтик жараёнилари ўзаро кесишган, бирлашган нуқтада пайдо бўлди ва жанр тараққиёти йўлининг янги бир босқичига кира бошлади.

Муаллиф А. Қодирий томонидан "янги даврнинг янгилиги", "шу замоннинг "Тоҳир-Зуҳро"си, "Чор дарвиши", "Фарҳод ва Ширин"и, "Баҳромгўри" деб қайд этилган "Ўткан кунлар" қадимги Шарқ эпик заҳираларини янги замон романчилигига омухталаштириш, бирлаштириш бўйича амадга оширилган дадил, улкан тажриба бўлди.

Бу бадиий тажрибада Шарқ эпик адабиётининг анъанавий хусусият ва аломатлари (ишқ-муҳаббат, қаҳрамонлик мотивлари, саргузашт унсурлари), қаҳрамон типи, унинг бадиий структурасининг асосий белгилари сақлаб қолинди, Фарб романчилик тажрибасидаги ийрик эпик шакл (роман), бу бадиий шакл типи (тариҳий роман), унинг сюжет - композицион қурилиши синтезлашган бадиий тафаккур қонуниятлари, принциплари асосида ижодий - концептуал қайта ишланган ҳолда қабул қилинди.

Романнинг "қирғоқсиз" жанрий имкониятлари, кўп қиррали кўламдор бадиий структураси, унинг жаҳон, коинот миқёсидағи эпик олами, шакл, мундарижа, бадиий тафаккур тарзи нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланиб турадиган икки бадиий майдон (Шарқ ва Farb адабиётлари) туташуви ва бирикиб - қоришиб кетишига айниқса кўпроқ имкон, замин яратиб берди.

Марказий Осиё адабиётлараро жараёни ҳудудига кирувчи ўзбек ("Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён"), тоҷик-ўзбек ("Доҳунда", "Қуллар") адабиётларида улкан эпик жанрнинг дастлабки намуналари тариҳий роман кўринишида пайдо бўлди.

Бу романларда ўтмишнинг бадиий солномалари, яхлит эпик манзаралари тасвирида мураккаб тариҳий-психологик муаммо - лар, миллий тарих зуҳур топди. Марказий Осиё адабиётлараро жараёнида эпоснинг катта шакли "тариҳий роман" сифатида пайдо бўлиши ўз асосларига эга.

Бу ҳодиса Марказий Осиё романнинг генетик-алоқавий жиҳатдан фольклорнинг эпопея жанрига бориб туташишидан далолат бериб турибди.

М. Бахтиннинг фикрига кўра, эпопея олами миллий қаҳрамонлик тарихи, миллат мозийсининг "ибтидоси" ва "чўққиси" олами, ота ва бобокалонларнинг олами... Эпопея ҳеч қачон ҳозирги замон ҳақидаги, ўз даври ҳақидаги достон бўлмаган: эпопея азалдан бизга маълум ҳолда шаклланган жанр тарзида ўтмиш тўғрисидаги достон эди.*

* Бахтин М. Литературно-критические статьи. М.: Художественная литература, 1986. С. 401.

Эпопея (эпос)нинг мукаммал шаклий, жанрий қурилиши, асосий конститутив хусусиятлари Марказий Осиё романни генезиси, таркиб топиши, унинг тарихий роман шакли учун ўзига хос замин ҳозирлаб берди.

Шу билан бирга, романнинг бадиий мундарижаси эпопеядан фарқли равища мутлоқ эпик масофадаги воқеликни эмас, А. Қодирий сўзлари билан айтганда, "яқин ўтган кунлар"ни акс эттириди.

Марказий Осиё тарихий романнинг биринчи намуналари бўлган "Ўткан кунлар", "Мәхробдан чаён", "Дохунда", "Қуллар"да тасвирланган давр "яқин ўтган кунлар"дир.

А. Қодирий ҳам, С. Айний ҳам мозийни кенг, чуқур, эпик кўламдор тасвирлаш учун эпос жанрлари орасидан роман шаклини танлаб олганлар. Чунки "ўтмишни ўтмиш сифатида чинакам объектив тасвир қилиш фақат романдагина мумкин".

Романнинг ҳад билмас улкан эпик майдони ўз ҳудудига улкан тарихий воқеа-ҳодисаларни, шу воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ бўлган, унинг тарихий-ижтимоий оқимини белгилаган халқ, инсон руҳиятининг теранилигини, кўламини муфассал, бадиий таъсирчан ифодалаб беришга имкон яратди.

"Ўткан кунлар" тажрибаси Европа, маълум даражада замонавий Шарқ (араб) эпик адабиётида шаклланган "Вальтер Скотт романни"ни поэтик, бадиий мундарижа жиҳатидан янги сифат босқичига олиб чиқди.

"Ўткан кунлар" адабий-тарихий давр нуқтаи назаридан специфик шароитда, жадид-маърифатпарварлик адабиёти ўз фаолияти, ҳаётини якунлаётган, адабиётлараро жараённинг янги, синфий-партиявий моҳиятта тўйинган тарихий шакли – "кўп миллатли совет адабиёти" принциплари, ақидалари, "ижодий методи" ҳали ишлаб чиқилмаган бир пайтда юзага келди.

Жадид - маърифатпарварлик ҳаракати негизида вужудга келган адабиётлараро муштаракликнинг тасвир принциплари, идеаллари, ғоявий-бадиий концепциялари "Ўткан кунлар"нинг бадиий структураси яхлитлиги, эпик баркамоллигини таъмин этди.

"Ҳар бир миллий адабиёт тарихий тараққиёт йўлида бир неча адабиётлараро муштаракликларнинг табиий таркибий қисми булиши мумкин"*. Тарихий шарт-шароит тақозосига кура Марказий Осиё адабиётлараро муштаракликлиги "кўп миллатли совет адабиёти" таркибиға кирди.

*Особые межлитературные общности - 5, Ташкент: Наука, 1993. С. 62.

Бу ягона давлат тизимидағи айрим адабиётларнинг ўзаро муносабатга киришишига, бир-бирини маданий-адабий тажрибалар билан бойитиб боришига маълум даражада имкон яратиб берди.

Аммо давлат тузумининг нобоплиги, унинг асосини юзага келтирган таълимотнинг юзаки ва омонатлиги адабиётлараро жараённинг ҳаракатига, диалектикасига, ички тадрижий ассоциацияларига түсиқ була бошлади.

Шу тариқа типологик, генетик-шажаравий асосда шаклланган адабиётлараро муштараклик шакллари билан "кўп миллатли совет адабиёти"нинг сунъий, сиёсий-маъмурий ақидалари, принциплари, "методи" орасида пинҳоний, мурасасиз тұқнашувлар, зиддиятлар рўй бера бошлади.

Бундай тұқнашувлар, зиддиятлар оқибатида Марказий Осиё адабиётлараро жараёнидаги тарихий-адабий бирликларининг ўзаро, шу билан бирга, жаҳон адабий-бадий жараёни билан алоқалари, таъсирлари сустлаша борди.

Аммо құдратли, чұчур тарихий-маданий илдизларга эга адабиётлараро муштараклик ҳаракати астасекинлик билан бұлса-да қад ростлай бошлаб, мұваққат, файритабии ақидалар асосини емириб, уларни ўз таъсир доирасидан четта суралады. Адабиётлараро жараён оқимининг қуйи қатламларида ички, яширин алоқалар, бирлашишчатишувларнинг мураккаб қонуниятлари амал қылаверди.

Марказий Осиё тарихий романнинг кейинги босқичларидаги диалектикаси, эволюциясини, унинг умумжаҳон бадий тафаккури билан муносабатларини ана шундай чигал ва кўп қатламли тарихий-адабий шарт - шароит доирасида таҳлил қилиш ва баҳолаш зарур бўлади.

Тарихий роман даврнинг муайян "босими", тазиқига қарамай ўз бадий оламида фалсафий, психологик, ижтимоий, сиёсий муаммоларни акс эттириди, унинг мавзу ҳудудига миллий озодлик ҳаракатлари, уруш, истилолар, ислоҳотчилик, инқилоблар кириб келди. Бу мавзу ва муаммолар романнинг жанрий структурасига таъсир ўтказа бошлади.

Давр тараққиёти, адабиёт тараққиёти билан бөглиқ ҳолда роман ҳам "шаклманаёттан жанр" сифатида жиҳдий деформация, шаклий эврилишларни бошдан кечирди.

Романнинг адабий жанрлар орасидаги ҳукмрон, устивор ўрни унинг бадий майдонида тарихий адабиётнинг етакчи хусусиятларининг, тамойилларининг, қонуниятларининг мужассамланишига сабаб бўлди.

Миллий адабиётларда жаҳон, хусусан. Туркистан ўтмишининг қаҳрамонона руҳини ўзининг ҳаётида умумлаштирган

тарихий шахсларнинг бадиий образ сифатида ишланиши, тадрижи адабиётлараро жараённинг умумтиологик қонунлари, генетик-шажаравий асослар, тарихий-бадиий бирликлар ва муштаракликларнинг айрим босқичлари (Уйғониш, классицизм, танқидий реализм, жадид-маърифатпарварлик, "социалистик реализм", миллий истиқлол даврлари)га хос специфик жиҳатлар, тамойиллар билан узвий боғлиқ.

Улкан тарихий шахс ўз психологияси, дунёқараси, ҳаракати, фаолиятида жаҳон тарихини, фалсафий-диний таълимотларни, умумбашарий ижобий ёки салбий хусусиятларни, мозийнинг айрим босқичларидаги сиёсий, иқтисодий, маданий-маъмурий, интеллектуал тафаккурни умумлаштиради. Худи шу сабабга кўра таниқди тарихий шахс образи адабий жараённинг миллий-адабий координатларидагина эмас, адабиётлараро кенгликларда ҳам юзага келиб, ривожланиб боради. Тарихий романчилик намуналаридағи атоқли тарихий шахслар образи жаҳон адабиёти силсиласидаги адабий алоқа ва ўзаро таъсирларнинг мажмуй туфайли шакланган ва адабиётлараро муштаракликларнинг турли шакллари, босқичларга хос белгиларни ўз структурасида жамлаб, айрим адабиётларнинг миллий ўзига хослигини ҳам, умумадабиётнинг типологик, генетикалоқавий жиҳатларини ҳам акс эттириб борган.

Миллий истиқлол давридаги адабиётлараро муштараклик шакли (Марказий Осиё адабиёти) қаҳрамон типини яратишдаги синфий-партиявий, тенденциоз-нигилистик уринишларни ижодий-бадиий тажрибада инкор этиб жаҳон адабий жараённининг тарихий шахс образини яратиш бўйича тўпланган бадиий ютуқларини ўзлаштириш, Шарқу Farb бадиий-поэтик синкретизмини янги босқичга олиб чиқиши бўйича фаол ҳаракат майдонига кира бошлади.

Шундай қилиб, жаҳон маданий-эстетик, адабий-бадиий ютуқларини, ижодий тажрибаларини, замонанинг бадиий тафаккурини, дунёқарашини кўп қиррали структурасига жо қилган адабиётнинг образлар олами, сюжет-композицион қурилмаси сўз санъатининг умумтиологик қонуниятлари, тенденциялари, принциплари генетик-шажаравий ворислик асосида ривожланиб борди.

Марказий Осиё тарихий романчилиги генезиси, тараққиёти, адабий-бадиий алоқа – боғланишларига бағишинланган ушбу тадқиқотдан келиб чиқадиган асосий хулосавий фикрлар қўйидагилардан иборат:

1. Марказий Осиё бадиий майдонида роман шаклининг юзага келиши, энг аввало, миллий-ҳудудий бадиий заҳира, тажриба, маданий-адабий тафаккур тагзаминига боғлиқ. Айнан

мана шундай маданий-адабий тагзамин замонавий йирик эпик шакл ютуқлари билан омухталашып жаҳон адабиётида янги ҳодиса – "миллий(ўзбек) романчилик мактаби"ни юзага келтирди.

2. А. Қодирий романлари – "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" билан бошланган миллий-ҳудудий романчилик тажрибаси аста-секин ўз жуғрофий майдонини кенгайтириб бутун Марказий Осиё эпик адабиётларини қамраб олди. Шу сабабга кўра бу ҳудудда яшаб ижод этган эпик ижодкорлар (Чўлпон, Ойбек, М. Авезов) А. Қодирийни устоз деб эътироф этадилар. Улар яратган нафақат тарихий, шунингдек, замонавий романларда "Ўткан кунлар" бадий тажрибалари, ижодий-поэтик усуллари акс этди. Шу маънода А. Қодирий асос соглан романчилик мактаби аслида Марказий Осиё романчилик мактабидир.

3. 20 - 30 йилларда яратилган тарихий романлар ("Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", "Дохунда", "Қуллар", "Қутлуғ қон") да романтизм (фольклор ва мумтоз адабиёт) адабиётининг сезиларли таъсирини кўриш мумкин. Реалистик жанр намуналарида романтизм тасвир воситалари, усулларининг ёрқин зуҳур топиши миллий роман учун даставвал Шарқ бадиияти манба бўлиб хизмат қилганини кўрсатади.

Давр ва бадиий адабиёт ривожланиши билан Марказий Осиё тарихий романларида "изчил реалистик оқим", "психо-анализ", "фрейдизм", "онг оқими"нинг инъикоси кўрина бошлади. Аммо бу оқимлар адабиётларга ўз – ўзича механик тарзда кириб келмади, улар янги адабий - бадиий олам, дунёқараш, таълимотлар билан мураккаб, зиддиятли алоқа - муносабатларга киришиб шу заминга, бошқача адабий тажрибаларга мослашди ва ўзига хос (янги) бадиий тафаккур шаклларини юзага келтира бошлади.

4. Ўзбек, кенгроқ миқёсида олиб қаралганда, Марказий Осиё тарихий романлари дастлаб ўз бадиий оламида монологик тафаккурни акс эттириди. Бу ҳодиса миллий ижтимоий, маданий онг, адабий-бадиий тажрибалар, диний таълимотлар, яшаш тарзи, ҳудудий, психологик омиллар, шарт-шароит кабилар билан боғлиқ. Аммо ўтган асрнинг 30- йиллари бошида ёқ ўзбек романи ("Кечава кундуз") ўз бадиий структурасида монологик тафаккур билан ёнма-ён полифоник тафаккур оқимларини ҳам юзага келтирди. Кейинги давр адабий-поэтик тажрибалари ("Улуғбек хазинаси") монологик-полифоник тафаккур уйғунлиги катта имкониятларга эга эканини курсатди.

5. Марказий Осиё тарихий романчилигининг улкан ёки таниқли намояндалари – Абдулла Қодирий, Чўлпон, С. Айний, Ойбек, И. Авезов, А. Нурпеисов эпик ижодида Шарқу Фарб адабий-поэтик ютуқлари, изланиш ва ҳаракатлари ўзаро кесишгани ва ажабтовур бир уйғунликни ҳосил қилганини, бу эса жаҳон

адабиётлараро жараёнида ўзига хос янги ҳодиса бўлганини айтиш лозим.

6. А. Қодирий романчиллик тажрибасида В. Скотт, Л. Толстой, Ж. Зайдон, Чўлпон ижодида Ф. Достоевский ва Гоголь, Р. Тхокур, С. Айний тарихий асарларида О. де Баъдзак ижодига хос белги-аломатларнинг намоён бўлиши икки асосий омил билан боғлиқ:

а) генетик-шажарашибий; в) типологик. Айнан мана шу икки бадиий омилни назарда туттгандагина миллий адиллар бадиий меросининг моҳияти, бадиий мундарижасини аниқроқ, чуқурроқ тушуниш, баҳолаш мумкин бўлади.

7. Таҳлил доирасига тортилган аксарият тарихий романлар шўро даврида яратилган. А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романини истисно қилганда уларда қайси бир даражада ўша замон мафкураси, дунёқараси, сиёсий-ижтимоий тафаккурининг таъсири ёки тазиикини кўрса бўлади. Аммо ёрқин истеъод, муаллиф вижданни натижасида юзага келган асарлар мозий, ҳаёт ҳақиқатини имкон даражасида түғри, холис, бадиият қонуниятлари асосида юзага келтирган. Бу ҳодиса бадиий матнинг мустақил адабий-бадиий мезонлар асосида юзага келишини, давр босими, мафкуравий қолипларини инкор этишга мойиллигини тасдиқлайди. Нафақат "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", "Кеча ва кундуз", шунингдек, "Қутлуг қон", "Навоий", "Абай йўли", "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони", "Улуғбек хазинаси" ва яна бир қатор тарихий романлар бутунги миллий мустақиллик даврида ҳам ўз бадиий - фалсафий аҳамиятини, адабиётдаги ўрнини сақлаб қолди.

8. Тарихий романчилликнинг (ривожи) ёки маълум бир муддатда тургунлиги муаллиф – ижодкорларнинг саъй-ҳаракати, асар ёзишга майлидан ташқари даврнинг ижтимоийсиёсий вазияти, ҳукмрон мафкура талаблари, ижод эркинлиги кабилар билан боғлиқ. Тарихий роман ҳамиша миллий онг уйгонаётган ёки ривожлананаётган вақтларда шиддат билан ривожланади. У янгича, озод тафаккур маҳсулни ва хосиласи сифатида дунёга келади. Жадидчилик, маърифатпарварлик ҳаракати ва адабиётининг шиддатли тўлқини "Ўткан кунлар", II жаҳон уруши даврида юксакка кўтарилиган ватанпарварлик жараёни "Абай йўли", "Навоий", 60-йиллардаги "илиқлик" мавсуми "Юлдузли тунлар", "Улуғбек хазинаси" романларини юзага келтиргани бу фикрга далилдир.

9. XX аср Марқазий Осиё романчилиги, жумладан, тарихий романчилиги тўплаган бадиий ютуқ ва тажрибалар кўп қиррали ва кўламдор бўлиб, улар янги – истиқдол даври миллий адабиётлари ривожида муҳим қимматга, аҳамиятга молик. Бу адабий-бадиий тажрибалар негизида миллий (туркий ва тоҷик) сўз санъатлари янгича йўллар, оқимлар бўйича ривожланмоқда.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Марказий Осиё тарихий романни генезиси, бадиий-шажаравий манбалари ("Ўткан кунлар" мисолида).....	7
1.1. Тарихий роман спецификаси ва унинг алоҳида турлари	7
1.2. "Ўткан кунлар" тарихий роман сифатида.....	15
1.3. "Алпомиш" ва "Ўткан кунлар"	30
1.4. Жаҳон тарихий романчилиги ва "Ўткан кунлар"	37
II боб. Адабий-бадиий ворисийлик ва тарихий роман тадрижи.....	51
II.1. Давр ва тарихий роман.....	51
II.2. Романлараро адабий – бадиий боғланишлар.....	60
III боб. Адабиётлараро жараённинг янги босқичларида тарихий роман бадиий структурасидаги анъанавийлик ва сифат ўзгаришлари.....	84
III.1. Тарихий роман бадиий структурасида сифат ўзгаришлари....	84
III.2. Тарих ҳақиқати ва роман ("Синган қилич" мисолида).....	106
IV боб. Роман-трилогияда мозий ва инсонни тасвирлаш принциплари.....	121
IV.1. Тарихий ҳақиқат ва адаб дунёкараши.....	121
IV.2. Силсилавий романда адабий-бадиий анъаналар ва ўзига хосликлар ("Қон ва тер" мисолида).....	139
Хуносা.....	160

*Нашриёт рақами: з—942. Босишига руҳсат этилди 28.12.04.
Қоғоз бичими 64x80:16. Офсет босма. Офсет қоғоз.
Ҳисоб-нашриёт т. 9,5. Шартли босма т. 10,6.
Буюртма №1319 . 1000 нусхада.
Келишилган нархда.*

*ЎзРФА «Фан» нашириёти: 700047, Тошкент,
акаг. Я.Фуломов кўчаси, 70.*

“Ёқуб Довуд” босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 27—уй.